в Бухаре

В ответе на отношение от 11 марта с.г. за № 1575, имею честь уведомить Ваше Высокоблагородие, что известие о том, будто в Ст. Бухаре получено в последнее время много книг из Константинополя и Афганистана с тенденцией возбудить мусульман против христиан абсолютно неверно.

«1» мая 1914 г. №  
191 г. Новая  
Бухара

Я поручил драгоману вверенного мне Политического Агентства Колл. Ас. Шульге заняться специально расследованием по возбужденному Вами вопросу. Расследование это дало отрицательные результаты. Из прилагаемого при сем в копии доклада г. Шульги, Вы благоволите усмотреть, что книги, распространяемые ныне в Бухаре, далеко не опасного содержания.

*Политический Агент*

*(подпись)*

Ўз МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1477-иш, 63-бет.

\* \* \*

*Секретно*

И.об. Дипломатического Чиновника при Туркестанском Генерал-Губернаторе, свидетельствуя свое почтение г. Начальнику Туркестанского районного Охранного Отделения, имеет честь препроводить при сем для прочтения донесение г. Шульгу препрос покорнейшей просьбою о возвращении приложения по миновании в нем надобности.

27 мая 1914 г.  
№ 385  
г.Ташкент.

*(Подпись чиновника)*

Вследствие указания Вашего Превосходительства, - я собрал негласные сведения, в целях выяснения распространения в Бухаре турецкой литературы, имеющий своим назначением возбуждение мусульманского фанатизма, и считаю долгом донести, что упомянутые Начальником Туркестанского Районного Охранного Отделения в отношении от 11 марта с. г. за №1575, книги в Бухаре в скольконибудь значительных размерах распространения не имели и, вероятно, в Бухару вовсе не привозились. Вполне допуская возможность провозения единичных экземпляров чисто фанатических воззваний с призывом к борьбе с неверными, нельзя признать вероятной хотя бы одну попытку распространить таковые издания среди населения без того, чтобы таковое обстоятельство, тем или иным путем, не сделалось бы известным Политическому Агентству.

В настоящее время более обращают на себя внимание появляющиеся от времени до времени издания несколько иного типа, где авторы, избегая всяких открытых выступлений против христиан, стремятся

пробудить не фанатизм, а сознание необходимости европейского просвещения, результатом какового, по их мнению, явится величие ислама и восстановление прежнего могущества мусульман. При этом авторы, проповедуя просвещение в европейском смысле слова, всячески стремятся подчеркнуть свою правоверность и полное согласование своих пожеланий с шариатом. Первым произведением такого рода, получившим более или менее широкую известность в Бухаре, была брошюра константинопольского издания Хикмет, под названием «Муназара» /Прение/, распространение коей было своевременно отмечено Политическим Агентством. Автор «Муназара» бухарец Абдурауф проживает в Константинополе и принадлежит к числу наиболее решительных сторонников европейского образования, в коем одном он видит средство для мусульман возвыситься и выйти из ныне жалкого состояния. Абдурауф неустанно стремится показать, как «Муназара», так и в распространенной в настоящее время другой его книжке «Бийнати Сийяхи гинди» /Рассказы индийского путешественника/, что главными врагами прогресса мусульман являются муллы, проникнутые сомнением, но в сущности совершенно невежественные, корыстные и нетерпимые ко всему, несоответствующему их личной выгоде. «Бийнати Сийяхи гинди», также как и «Муназара», издание «Хикмет»а. В этой книжке, теперь уже, если не ошибаюсь, переведенной на русский язык, содержащей лишь 128 стр., автор задался довольно серьезной целью рассмотреть настоящее положение дел в Бухаре и осветить самые разнообразные вопросы бухарской жизни. Разумеется, все это Абдурауф удастся сделать лишь в самой легкой и поверхностной форме. Ведя рассказ от лица индийского путешественника, приехавшего из любознательности посмотреть благородную Бухару, он начинает описание рассказом о своей неудачной попытке сразу проникнуть в город. Запертые ворота, в которые почему-то не пропускают мусульман и свободно позволяют въехать армянам, ужасная теснота улиц, грязь хаузов, из коих люди спокойно пьют воду, безконечное число чтимых населением святых могил, заставляющее автора даже усомниться в правоверности такого исключительного благоговения пред умершими почтенными людьми, путешествующие по городу маддахи, рассказывающие самые нелепые басни, отсутствие всякой санитарной инспекции, превосходящее границы вероятия шарлатанства туземных врачей, бухарская армия, мударрисы, их невежество, ограбление ими муллабачей и обращение исключительно в свою пользу всех вакуфных доходов медресе, коим автор дает весьма точный список — все это вызывает его замечания, сожаления и пожелания прогресса и улучшения, главным средством к чему автор считает широкое

распространение просвещения. Скорбя о печальном положении медицины, автор, не без некоторой доли наивности, предлагает обратиться один вакф, дающий 6000 руб. в год, на приглашение из Петербурга хорошего врача, который бы и обучал бухарскую молодежь медицинским познаниям. Не удовольствовавшись обзором Ст. Бухары, индийский путешественник направился в Карши. Здесь он наблюдал выделку алачи, скорбел об отсутствии «машин, имеющихя у всех европейцеве», и, гостя у Казия, имел случай наблюдать блестящие образцы бухарского судопроизводства, где ничтожное недоразумение между мужем и женой вырастало в глазах Казия в большое преступление, влекущее весьма строгое наказание, единственным средством избавиться от коего было подношение «справедливому судье» нескольких тысяч тенег. Любезный Казий предложил даже 200 тенег из этой суммы в подарок индийскому путешественнику, но последний, глубоко возмущенный подобным способом отправления правосудия, отклонил предложенный подарок и выехал в Шахрисябз, откуда проехал в Самарканд, осмотрел там новометодную школу Шукури и проехал в Хатырчи; во время последнего переезда ему пришлось встретиться с купцами и индийский путешественник высказывает свое удивление руководящему приему коммерции. Здесь, по его мнению, купцы, начиная закупка товаров, руководятся лишь желанием не дать другому купцу закупить того же товара более, нежели он купил сам. Результат — повышение цен, отсутствие сбыта и безконечные убытки.

Вот в общих чертах содержание «Бийнати Сийяхи гинди». На протяжении всей книжки нельзя найти ни одного враждебного или даже неблагоприятного по адресу России выражения. Даже наоборот: автор, рассказывая о своей болезни и бессилии бухарских врачей-шарлатанов, скорбит о том, что в Бухаре так мало русских медиков и что бухарская молодежь не отправляется учиться медицине в Петербург. Однако, при всем этом основным всей книжки и её задачей является стремление показать всем и каждому необходимость просвещения для восстановления могущества ислама. Автор во многих местах упоминает о счастливом периоде арабской науки, стремится доказать, что мусульмане ничуть не ниже европейцев и что все нынешнее жалкое положение ислама является лишь временным результатом косности духовенства и уклонения от истинного шариата, отнюдь не воспрепятствующего, а наоборот поощряющего, науки и искусства. Текст книжки местами пестрит ссылками на коран, ибо автор, проповедуя «вольные» мысли, и, видимо, понимая настроение тех, кому предназначается его творение, прежде всего заботится о тщательном сохранении своей правотности от малейшего подозрения.

Следующим по распространенности произведением следует признать «Энджумени эрвах» /Собрание духов/, издание тифлисское. В этом рисоле, написанном довольно звучными стихами, рассказывается, как некий житель Самарканда, совершив хадж, посетил на обратном пути Египет, где заинтересовался распространенным там вызыванием духов и пожелал побеседовать с духами покойных Эмиров. Обратившись к кому следует и получив согласие, он явился в надлежащее место темною ночью и к нему на собеседование пришли духи Эмиров – Музаффар-Хана и Сеид Абду-Ахад-Хана. Эмир Музаффар, назвав себя и явившегося с ним Абдул Ахад-Хана, приступил, после этой рекомендации, к изложению или точнее к апологии своей деятельности. Дух Музаффара говорил, что он при жизни всячески стремился к улучшениям и к полезным нововведениям, но на каждом шагу, при малейшей попытке сделать что-либо доброе, он тот час наталкивался на энергичное сопротивление мулл, во всем усматривавших нарушение шариата. Недоразумения с Россией он пытался уладить миром, но муллы тот час же его упрекнули в трусости, толкнули на объявление войны и навлекли тем самым безконечные бедствия на Бухару. Указывая далее на Абдул-Ахад-Хана, дух Музаффара скорбит о том, что сам он при жизни не видел света и лишь слышал о существовании тех или иных стран, тогда как Абдул-Ахад много путешествовал и имел много случаев следовать хорошим примерам. Однако правление его было весьма печально и народная бедность дошла до ужасных размеров. Где же тогда были муллы? Где же тогда был шариат? - спрашивает дух. Теперь, продолжает он, это наследство перешло к Алим, но я не вижу, чтобы он был лучше своего предшественника. Алим пленник мулл и улемов, представляющих из себя толпу невежд и глупцов. В заключение дух Музаффара дает наставления, сводящиеся к необходимости учиться и изучать всевозможные европейские науки, ибо единственное средство против нынешнего печального положения ислама – есть знание. Дух Музаффара в своей беседе высказывает самаркандскому жителю свою радость по поводу освобождения Самарканда от бухарской власти и перехода города под власть России.

Это рисоле, равно как и примыкающее к нему и являющееся как бы его продолжением рисоле «Мирати ибрет» /Изображение образца/, где тот же автор пытается обрисовать свой идеал и еще более горячо проповедует необходимость образования, не прошли незамеченными. Не совсем лестные отзывы о покойном Эмире, игра слов одинаковых по начертанию /алем-алим/ с намеками на Сеиде-Алима, с одной стороны, резкие выпады против мулл, с другой, вызвали некоторое



неудовольствие и Кушбеги, и духовенства. Мирза Насрулла Бий, как передают, лично просмотрел оба рисоле и воспретил их продажу и распространение в Бухаре.

Вот собственно три указанные издания и являются теми немногочисленными светскими произведениями, которые получили более-менее широкую известность в Бухаре. Разумеется, к этому следует еще добавить некоторые мелкие, преимущественно самаркандские издания, но последние, не отличаясь ни такой определенностью, как вышеуказанные, ни такой красивой внешней формой изложения, не получили почти никакого распространения. Дополнением столь ограниченной светской литературы служат газеты и журналы. Попадают ежемесьячники константинопольского издания, напр., «Ресмли Китаб», но правильного получения таковых почти не существует и единичные экземпляры, показываемые как редкость, далеко не вызывают широкого спроса.

Ко всему вышеизложенному следует добавить несколько слов по отношению к шиитской части населения. Здесь, в виду их усиленного общения с Персией и, в частности, с Мешедом, можно встретить в единичных экземплярах большинство появляющихся в Персии изданий. Привозимые обыкновенно путешествующими на поклонение гробниц Имама Ризы издания эти не имеют распространения в Бухаре и лишь обращаются среди шиитского купечества и кружка почетных лиц, центром коего служат оба муштеида, весьма внимательно, как в том мне пришлось убедиться лично, следящие за всем происходящим в Иране.

Драгоман Политического Агентства /под./ Шульга.

ЎЗМДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1471-иш, 63—67-бетлар.

\* \* \*

*Секретно*

30 января 1917 г.

22 декабря 1917 года Бухарским Правительством был утвержден устав товарищества по торговле книгами под названием «Магрифат» (Приличие), каковое общество начало функционировать в гор. Ст.-Бухара с 1916 года, причем главною целью деятельности сего общества является открытие в пределах Бухарского ханства книжных магазинов в целях просвещения туземцев, проживающих в пределах Бухарского ханства.

По имеющимся агентурным сведениям до настоящего времени названным обществом открыт в гор. Ст.-Бухара всего один книжный магазин под тем же названием «Магрифат», в котором, кроме книг на

сартовском наречии, имеются и все легально выходящие в России мусульманские газеты.

Учредителями сего общества являются Мирза Рахматуллах Мирза Абдулла-Оглы и Мулла Гулам Кадыр Мулла Абдул Васиг-Оглы, лица прогрессивного направления, а членами общества проживающие в гор. Ст.-Бухара прогрессисты, именуемые «джадиды», из числа которых наиболее деятельными являются следующие лица:

**Джура-Эфенди**, молодой человек, получивший образование в гор. Константинополе, откуда он возвратился перед началом войны; он ярый поборник идей панисламизма и всегда обвиняет Бухарское и русское правительства в умышленном оставлении населения без образования, говоря, что этим задерживается развитие целых наций на пути к прогрессу.

**Абду-Рауф Фитрах**, известный с весны прошлого года как прогрессист, получивший воспитание в Константинополе, где он вошел в состав членов комитета «Иттигат ва Таракки», а возвратившись в Бухару, не терял связей с таковыми и стремился распространять идей панисламизма. Проживая в г. Константинополе он сотрудничал в газетах панисламистского направления и в этом деле приобрёл известный навык, он также написал несколько собственных произведений на сартовском наречии и издал таковые в виде брошюр, которые одно время были распространены в г. Старой Бухаре. Но так как духовенство отнеслось к этим сочинениям весьма отрицательно, то постепенно эти сочинения были почти забыты, тем более прогрессивный элемент в г. Старой Бухаре не может похвастаться своей многочисленностью и подавляется консервативно настроенной общей массой косного туземного населения, находящегося в подчинении у невежественного духовенства, которое заботясь о сохранении своей власти над толпой, всеми силами стремится в корне подорвать все прогрессивные начинания.

По сведениям из иного агентурного источника, Абду Рауфе Фитрах состоит председателем существующего в г. Старой Бухаре отдела для Туркестанского Края партии «Иттигат-ва-Тараккий», которая не может похвастаться многочисленностью своих членов, хотя имеется много лиц, которые симпатизируют деятельности сей партии и помогает ей деньгами. Деятельность сей партии выражается главным образом в сборах денег и отправке таковых в Константинополь в Центральный комитет. В год приблизительно собирают тысячи 4-5 рублей. В прошлом году было отправлено 4700 рублей при посредстве турецкого посла в Тегеране, к которому деньги были отвезены из Бухары одним персидским купцом, личность коего неизвестна.

**Низаметдин Сабитов**, русский подданный, татарин, обанкротившийся купец, известен району с начала 1911 года, причем 9 июля

и 25 ноября того же года за №№ 146 и 338 от Вашего превосходительства поступали переписки, из коих явствовало, что названный Сабитов являлся в то время деятельным членом комитета младобухарской партии и организованной турецкой политической партией «Единение и прогресс». Означенный комитет в то время помещался в г. Старой Бухаре возле базара Заргар, в квартире Оренбургского бая. Деятельность комитета выражалась в пропаганде идей панисламизма, сборе и отправке в Турцию денег.

По тем же сведениям, Сабитов занимался агитационной деятельностью, неоднократно собирал у себя значительное число мулла-бачей (учащихся), снабжал их газетами и вел себя с ним беседы на панисламистские темы.

По агентурным сведениям района, относящимся к январю 1912 года, Сабитов являлся сторонником нового метода обучения, имел некоторое число единомышленников и стремился добиться от Бухарского правительства отмены запрещения на открытие новометодных школ в Бухаре.

По сведениям, сообщенным Вашим Превосходительством в сношении от 4 февраля 1914 г. за № 63, Сабитов являлся одним из видных прогрессивной части Бухарского купечества и аккуратно посещал все собрания, посвященные вопросу о вытеснении из Бухары старометодных школ и замены последних новометодными. Вообще Сабитов являлся сторонником вопроса о прогрессивной мусульманской школе и принимал участие в мусульманском движении.

По агентурным сведениям региона, относящимся к 1916 и 1917 г.г., Сабитов являлся влиятельным и энергичным членом существующей в г. Старой Бухаре прогрессивной группы «джадиды» и вошел в состав членов общества «Магрифат».

Мирза Абдуль Вахид Карауль беги, который одно время являлся казначеем существующего в г. Старой Бухаре отдела партии для Туркестанского края «Иттигат и Таракки». По сведениям из другого источника, у него хранится несколько тысяч денег, собранных в пользу Турецкого комитета «Единение и прогресс», которые по обстоятельствам военного времени не представляется возможности отправить в Турцию.

Таким образом, члены общества «Магрифат» ставят ближайшей задачей просвещение туземного населения бухарских владений в целях пробуждения в бухарских подданных чувства национального самосознания в духе панисламистских идей.

Названные лица порицают действия Бухарского и русского правительств и говорят, что только в Турции возможно жить и развиваться мусульманам на пути к прогрессу, почему агитируют об отправлении мальчиков в Константинополь для получения образования в организованных партией «Единение и прогресс» при высших учебных заведениях в столице Турции

особых отделениях, назначенных специально для русских подданных. Эта пропаганда имеет успех, но до окончания войны не представляется возможность осуществить отправку молодежи в Турцию.

В целях дальнейшего развития деятельности общества «Магрифат» Мирза Рахматулла имеет намерение открыть собственную типографию, но, не имея для того достаточных материальных средств, он стал обращаться к некоторым Бухарским купцам, с просьбой осуществить это намерение, рисуя все выгоды такового и говоря, что для мусульман г. Старой Бухары большой позор обращаться с заказами на печатание даже духовных книг в имеющуюся в г. Новой Бухаре еврейскую типографию.

Ходатайство это до настоящего времени не увенчалось успехом и намерение Мирзы Рахматуллы об оборудовании собственной типографии, в целях издания собственной газеты, на листах которой можно было бы вести пропаганду в духе проповедывания панисламистских идей, пока не осуществлено.

Об изложенном имею честь сообщить Вашему Превосходительству.

*Подлинное подписал:*

*Полковник Волков*

*Верно:*

*Подполковник*

*(подпись)*

## Изоҳ

«Мунозара» (1911), «Баёноти сайёҳи ҳинди» — Абдурауф Фитратнинг 1910–1914 йилларда Туркияда «Абдурауф» имзоси билан босилган рисоалари. Уларда Бухородаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий қолоқлик, жаҳолат танқид қилиниб, ислоҳотга тарғиб ва ташвиқ этилган.

Музаффархон (1860–1885) — Бухоро амири.

Саид Абдулаҳадхон — отаси Амир Музаффарнинг вафотидан сўнг 1885–1910 йилларда Бухорода амирлик қилган.

Саид Олимхон — отаси Абдулаҳадхон вафотидан сўнг 1910–1920 йилларда Бухоро амири бўлган. 1920 йили Бухоро инқилобидан кейин Афғонистонга қочиб, ўша ерда вафот этган.

Абдуқодир Шакурӣ (1875–1937) — самарқандлик янги усул мактаби муаллими, маърифатпарвар. М.Беҳбудий маслакдошларидан бири.

«Анжумани арвоҳ» (Руҳлар мажлиси) — самарқандлик маърифатпарвар шоир Сиддиқӣ-Ажзий (1864–1927) нинг асари. Асар 1913 йилда Тифлисида босилган.

*Кириш сўз ва изоҳлар билан  
нашрга тайёрловчи филология  
фанлари номзоди Шерали Турдиев*

# МИРЗО ҚҶҚОНБОЙ АБДУХОЛИҚЗОДА

## ЖИЗЗАХ ҚҶЗҒОЛОНИ

### *1916 йилги Жиззах қўзғолони тарихига бир назар*

1916 йилда Туркистон ва Ўрта Осиёда бўлиб ўтган миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисида кўплаб хотиралар, мемуар асарлар, илмий-оммабон ва илмий тадқиқот ишлари яратилган. Афсуски, бу асарларнинг катта қисми совет даврида ёзилгани ва эълон қилингани сабабли уларда тарихий давр ҳақиқати ўзининг ҳаққоний ифодасини топган, деб бўлмайди. Аммо шу муҳим тарихий воқеага бағишланган адабиёт билан танишар экансиз, мустақиллик арафаси ва мустақиллик йилларида тарихчи олимлар ва хотиранавислар томонидан ёзилган асарларда мазкур мавзу ўзининг ҳолисона тавсифи ва илмий талқинини топганини сезмай қолмайсиз.

Ўтган аср охирларида Самарқандда Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзоданинг шу вақтгача номаълум бўлиб келган архиви топилди. 200 дана дафтарга битилган бадиий ва публицистик асарлар орасида «Жиззах қўзғолони» деб номланган хотиралар ҳам бўлиб, у, муаллифнинг бошқа аксар асарлари сингари, тожик тилида ёзилган.

Мирзо Қўқонбой шу пайтгача бизга бир воқеа муносабати билан маълум эди. Тошкент жадид маърифатпарварлари сарвари Мунавварқори Абдурашидхоновнинг 1927 йилда Самарқандга бориши муносабати билан маҳаллий зиёвлар Мирзо Қўқонбойнинг уйда унинг шарафига зиёфат берганлар. Шу зиёфатда иштирок этган Чўлпон кейинчалик Мирзо Қўқонбойнинг хонадонида бир неча муддат яшаган. Биз шу муносабат билан қанчалик изланишлар олиб бормайлик, ўша пайтда Мирзо Қўқонбой ҳақида бошқа бирор маълумотни қўлга киритишининг шўжи бўлмаган эди.

Мирзо Қўқонбой архивининг топиллиши шу маънода ҳам катта илмий аҳамиятга молик воқеадир.

Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода 1869 йили Самарқандда ҳунарманд оиласида дунёга келган. Отаси тожик, онаси ўзбек бўлгани учун ҳар иккала тилни яхши билган. Дастлаб эски мактабда, кейин икки-уч йил мадрасада таҳсил кўрган. У оқ-қорани танийдиган бўлганида мустамлакачилар тилини ўрганиш лозимлигини тушуниб, 19 ёшида шаҳардаги рус-тузем мактабига ўқишга кирган ва унинг 4 синфини тугатган. 1893 йилдан 1917 йилга қадар суд-маъмурий муассасаларда таржимон бўлиб хизмат қилган. У Жиззах қўзғолончилари устидан Самарқандда бўлиб ўтган суд жараёнларида таржимон сифатида иштирок этган.

Мирзо Қўқонбой 1917 йилдан кейин ҳам суд ишларида қатнашиши билан бирга рус тилидаги ўқув дарсликларини ўзбек тилига таржима

қилиш билан ҳам машғул бўлди. 1925 йилда Тожикистон Давлат нашриёти ташкил этилгач, тожик тилида адабий асарлар ёза бошлади. Унинг «Намоз ўғри» ва «Тоғ қизи» тарихий романлари, «Истаджон», «Қамчиндан қон томади» қиссалари ва талай хотиралари мавжуд. «Намоз ўғри» романидан олинган бир бобни эътибордан соқит қилганда, унинг бадиий ва публицистик асарлари нима учундир ўз вақтида нашр этилмай қолган. Мирзо Қўқонбой, бу асарларидан ташқари, турли фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини тожик тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

Муаллифнинг қуйида Самарқанд Давлат университети профессори, филология фанлари доктори Шавкат Ҳасанов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Жиззах қўзғолони» хотиралари 1936 йилда Жиззах воқеаларининг 20 йиллиги муносабати билан ёзилган. Муаллиф архивида сақланиб қолган ҳужжатларга қараганда, Мирзо Қўқонбой Жиззах қўзғолони тарихини «тузаётган»и ҳақида ЎзК(б)П МК қошидаги Марксизм-ленинизм илмий текшириш институтига хат йўллаган. Институт директори Волков 1937 йил 2 ноябрда ёзган хатида муаллифнинг мазкур қўлёзмани олиб Тошкентга етиб келишини сўраган. Аммо бундан кейин нима бўлганлиги биз учун қоронғи.

Тахмин қилиш мумкинки, институт муаллифнинг Жиззах қўзғолонининг келиб чиқиш сабаблари ва бошқа бир қатор масалалар бўйича билдирган жиддий мулоҳазаларини қабул қилмаган.

Мирзо Қўқонбой Абдуҳолиқзода 1948 йили, 79 ёшида вафот этган.

## 1916 ЙИЛГИ ЖИЗЗАХ ВОҚЕАЛАРИ

### Сўзбоши

Мазкур асарда муаллиф ўзи кўрган ва гувоҳи бўлган воқеаларни қаламга олмақда. Матбуот мустабид тузумнинг кўлида бўлганлиги боис Жиззах қўзғолонига доир ҳужжатлар, бирор хил маълумотлар сақлаб қолинмаган. Зеро, бу воқеаларни вақтли матбуот саҳифаларида чоп этишнинг иложи ҳам йўқ эди.

Келаётган 1917 йилда инқилоб содир бўлиб, инқилобдан кейин юз берган Туркистон мухторияти билан боғлиқ миллий ҳаракатлар Жиззах воқеаларини бир қадар унутишга мажбур қилди. Сиёсий бўҳронлар ичида қолган кишилар ўз-ўзлари билан андармон бўлиб қолдилар.

Тўғри, инқилобдан кейин Жиззах қўзғолонига доир баъзи бир мақолалар ёзилган бўлса ҳам, лекин улар умумий характерга эга бўлиб, уларда куракда турадиган аниқ бир гап йўқ эди.

Албатта, у қора кунларни бошдан кечирган одамлар инқилоб арафасида кўп эди ва улар ҳозир ҳам топилади. Бироқ кўпчилик саводсиз

бўлганлиги сабаб бу қирғиннинг миқёси ва кўламини унча яхши англамаганлар. Жиззах қўзғолонига гувоҳ бўлганлар ҳам ўз бошларидан кечган айрим воқеаларнигина айтиб беришлари мумкин, холос.

Бу демак, масаланинг туб моҳияти, сабаблари ҳануз очилмай сир-асрорлигича қолмоқда, дегани.

Жиззах қирғинига доир баъзи бир ҳужжатлар йиғилгани билан ёзувчилик тажрибам камлиги ва нашр қилишга журъатим етмай, бу кўлёмаларимни китобча ҳолига келтиролмай юрардим. Бугунги кунга келиб, ўз вақтида чала қолган йигирма йил олдинги ҳодисаларга доир қайдларимни қайта кўриб чиқиб, китобча шаклига келтиришга қарор қилдим. Бу ёзганларим усти хаспўшлаб ёпилган йигирма йил илгариги воқелик моҳиятини англашда тарихчиларга кўмак беради, деган умиддаман.

Жиззах қўзғолонида бевосита иштирок этган накрутлик Барот Кўчқоров бу асардаги фактларнинг аниқлигига гувоҳлик беради. Бугунги кунда Тошкентда яшаётган ўртоқ Кўчқоров тарихчиларга ўша давр воқелигига доир янги материаллар, фактлар, далиллар тақдим этиши мумкин, деб ўйлайман.

## Муқаддима

1917 йилги Октябрь инқилоби подшолик даври тартиботи, маъмурияти ва мансаблари тақсимоти номларини бутунлай йўқотиб ташлади. Орадан унча катта фурсат ўтмаган бўлса-да, яъни ўн тўққиз йил давомида ўша давр атама ва номларидан ҳеч бир нишон қолмади. Бугун уезд ёки бўлис ва бошқалар, шунингдек, мансабларнинг номланиши ва мансабдорларнинг вазифаларини тузукроқ биладиган бирор-бир кишини топиш амримаҳол.

1916 йилги Жиззах воқеалари жараёнидан ўша мансабдорлар иштирок этганлар ва уларнинг мансабларини ёзиш зарурияти сезилаётганлиги боис собиқ Туркистон маъмуриятидаги мансаблар тақсимоти тартибига изоҳ бериш лозим. Зотан, ушбу битикларни ўқиётган китобхон бу қанақа лавозим-у мансаб бўлди, деб ҳайрон бўлмасин.

Туркистон Русия подшолиги томонидан истило этилгач, «Туркестанский край» ёки «музофот» деб атала бошланди. Музофотни идора қилиш учун подшо томонидан генерал-губернатор тайинланиб, у подшо номидан Туркистонни бошқарди. Туркистон аҳли уни ўша пайтлар «ярим подшо» дейишарди. Пойтахт Тошкент эди.

Бу «Туркистанский край» ўн беш вилоят ва бир неча округ ё шўъбага бўлиниб, бу вилоят ҳарбий губернатори томонидан идора қилинарди.

Бу вилоятлар: Сирдарё, Семиречинский (Етгисув), Фарғона, Самарқанд, Закаспийский ва Амударё шўьбаларидан иборат эди. Ҳар бир вилоят 4-5 уездга бўлиниб, уездлар начальник ёки уезд ҳокимлари томонидан бошқариларди. Уездлар ҳам ўз навбатида 4-5 участкага бўлинар ва участковой пристуфга бўйсунарди. Участкалар эса 6—8 вулусга тақсимланиб, уларни бошқариш «волостной управител»лар зиммасида эди. Маҳаллий аҳоли бу волостнойларни «мингбоши» ҳам дер эдилар. Ҳар бир вулус эса 7-8 та «сельское общество» ёки «даҳа»га бўлиниб, улар истаршина ё даҳа оқсоқоли томонидан бошқариларди. «Сельское общество» 10—15 қишлоқдан таркиб топар ва ҳар 50 хонадонга элликбоши тайинланар ва ҳар бир вулусдан «народный суд» (қози) иш олиб борарди. Кейинги пайтларда ҳарбийлардан иборат «охрана» ҳам пайдо бўлган эди...\*

Тоғлик жойларда «лесной исторжник» ёки, маҳаллий тил билан айтганда, «тоғбеги» тайинланарди. Улардан ташқари, адлияга ўхшаган идоралар ҳам мавжуд бўлиб, биз тасвирламоқчи бўлган воқеаларга унчалик дахлдор бўлмаганлиги сабаб уларга тўхталиб ўтишни лозим топмадик.

Уезддаги вулус тақсимотиға мувофиқ ҳар бир уруғ (қабил) бир улусга кирарди. Агар муайян уруғга мансуб кишилар камчилик бўлиб, вулус бўлишга лойиқ ҳисобланмаса, бошқа уруғ кишилари ҳам шу вулусга киритиларди. Волостной, қози, истаршина каби маҳаллий маъмурлар улар мансуб бўлган уруғ ичидан белгиланарди. Қўшни вулуслардан ўзга вулусларга маъмур тайинлаш мумкин эмас эди. Бу сиёсатнинг маъноси шунда эдики, ҳар бир вулус ўзича мустақил бўлсин, бошқасига алоқадор бўлмасин, асосийси — ихтилоф келтириб чиқарадиган бирор-бир сабабга ўрин қолмасин. Шу тариқа ҳар бир вулус ўзига хос феодал бир ҳукумат эди.

### Кўзғолон сабаблари

Кўзғолоннинг сабаблари кўп, лекин бу китобчага уларнинг барини сифдириб бўлмайди. Шу боис энг муҳим ва зарур ҳисобланган сабабларгагина тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Чор Русиясининг Туркистонни забт этиш баҳоналаридан бири шунда эдики, гўёки туркистонликлар «ваҳший» ёки «ярим ваҳший» халқ бўлиб, Русия ҳудудларига доим босқин уюштириб келганлар. Бинобарин, уларни «маданиятли» қилиш миссияси ҳамда Русия чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун Туркистонга юришга мажбурият сезган

---

\* Матннинг шу ерида узилиш бор, — *Таржимон.*



эканлар. Ҳар ҳолда Русия подшоси Пётр I нинг машҳур васиятига амал қилиб Туркистонни босиб олди, Қўқон хонлигини бутунлай йўқотиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини асоратга солди. Улар номигагина мустақил ва хон бўлиб, аслида эса оқ подшога тобе ва қарам эдилар.

Истилодан асосий мақсад бепоён Туркистон ерларини эгаллаш, туб жой аҳолисини йўқ қилиш эвазига бўлса ҳам, ўз фуқароларини кўчириб келишдан ва ўтроқлаштиришдан иборат эди.

Русия ҳукумати бир ўқ билан иккита куённи урмоқчи бўларди, яъни Марказий Русияда помешчик (катта ер эгаси) нинг ёқасидан олишга шай турган крестян (деҳқон) ларни Туркистонга кўчириб, ҳам ўз юртини тинчитмоқчи, ҳам Туркистонда славянларни кўпайтирмоқчи бўларди. Зеро, «великорус»чиликка асосланган умумрусия сиёсати босиб олинган ўлкаларда кўнгиллари тусаган ишни амалга ошираддилар. Чунончи, Крим, Татаристон, Бошқирдистон, Тоғли Кавказ, Қозогистон, Қирғизистон каби таназулга юз тутган ўлка халқлари миллат сифатида йўқолиш арафасида турардики, шу жумлага Туркистон ҳам кирарди.

Уша пайтда Русияда мавжуд бўлган табақаларни учга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Зодагонлар ёки, русча айтганда, дворянлар синфи. Бу ҳукумат монополиясининг синфи бўлиб, жуда катта имтиёзларга эга эди. Рухонийлар шу синфнинг бир тармоғини ташкил этарди.

2. Шаҳарларда яшайдиган мешчанлар, яъни муайян миқдордаги мулк соҳиблари, улар зодагонларга нисбатан бундайроқ имтиёзга эга эдилар.

3. Мазкур табақага крестян деҳқонлар кирардики, улар ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум ва бирор-бир имтиёзга эга эмасдилар.

Туркистон босиб олингач, ерли аҳолини ана шу табақалардан бирига киритиш лозим эди, лекин қайси табақага?.. Масаланинг нозик томони ана шу ерда.

Русия истилосига қадар туркистонликлар ҳам қарийб шундай ёки шунга яқин табақаларга бўлинган эди. Крим, Татаристон, Кавказ ўлкалари босиб олингач, у ердаги ижтимоий табақаланиш Русиядаги табақаланишга мослаштирилган эди, яъни бадавлятлар зодагонлар синфига, майда мулк эгалари мешчанларга, деҳқонлар эса крестянлар синфига киритилганди. Русия ҳукуматдорлари нуқтаи назарича, туркистонликлар маданий дунёдан шунчалар орқада қолиб кетган эдиларки, уларни, ҳатто, учинчи табақа — крестянлар синфига ҳам киритиб бўлмасди. Нима қилмоқ керак? Келинг, бу одамсифат ҳайвонлар учун крестянлардан ҳам пастроқ бир «табақа» ихтиро қилайлик, деган хулосага келишди.

Шундай қилиб, туркистонликларни алоҳида янги табақага — жамиятнинг крепостнойлардан ҳам қуйироқ бўлган тўртинчи тоифага киритиб, уларни «туземцы» — маҳаллийлар, деб атай бошладилар.

«Туземцы» гарчи луғавий жиҳатдан «маҳаллий» маъносини берса-да, лекин ҳақорат ўрнида ҳам ишлатиларди.

Чор ҳукуматининг ўн олти бобдан иборат қонунлар мажмуи бўлиб, шулардан гражданлик ва жиноят қонунлари хийла мураккаб эди. Гражданлик қисми маҳаллийларга, жиноят қисми эса жиноятчиларга татбиқ этиларди. Тўғриси айтганда, туркистонликлар бу қонунларга муносиб кўрилмади. Агар мавжуд қонунлар юзасидан Туркистонни идора қилганларида асл мақсадларига етолмасдилар. Ва шу боис Туркистон масаласида янгича қонун ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий қилдиларки, унинг низомлари кундан-кун қўл-оёқларни маҳкамроқ боғлашга хизмат қиларди. Баъзи бир майший тадбирлар — никоҳ ва талоқ, шунингдек, енгилроқ жиноятлар маҳаллийларнинг шариати ҳукмига ҳавола қилинганди. Бундай ишларни қозилардан иборат «народный суд» — халқ суди шариат юзасидан ҳал қиларди.

Маълумки, шариат юзасидан амалга ошадиган қонунлар бошсиз-оёқсиз бўлиб, минг йиллар олдин Арабистонда жорий қилинган, моддалари мумга ўхшаш бир нарса эдики, улардан ҳар хил шакл ясаш мумкин бўларди.

Мўғуллар давридан қолган одат бўйича ҳам қонун ҳукм сураб ва у шариат қонунидан ҳам олдинроқ, балки Нуҳ тўфонигача тартиб берилган ориқча бир даҳмаза эди. Шариат ва одат юзасидан қонун моддаларини тафтиш қиладиган маҳкама йўқлиги туфайли қозининг айтгани айтган, дегани деган эди.

Ана шу уч қонун, яъни, биринчиси, Туркистонни идора қилиш учун чиқарилган махсус қонун, иккинчиси, минг йиллик шариат қонуни, учинчиси, кўчманчиларнинг одат қонуни Туркистон аҳолисининг оч-яланғоч бўлиш жараёнини тезлаштирди. Ҳукумат шариат ва одат юзасидан чиқариладиган ҳукмларни ҳимоя қиларди.

Чор ҳукумати бизга Русия қонунларини жорий қилмади, деб хафа бўлишга, шикоят қилишга ҳожат йўқ. Зотан, туркистонликлар бунга умид ҳам боғлаганлари йўқ, чунки Умумрусия қонунларини буржуазия ўйлаб чиқарган бўлиб, улар фақат буржуйлар манфаатини ҳимоя қиларди.

Ва лекин бош-оёқсиз, мумшакл, минг йиллик, Даққи Юнусдан қолган шариатнинг хоҳлаган томонга қараб шарҳ қилса бўладиган қонунлари, ҳақиқати ноаён-у, ҳукми бадгумон моддаларидан кўра, оғиздан-оғизга ўтиб келган, тўфон билан тенгдош кўчманчиларнинг «одат-русмлар»и ва қоидаларидан кўра, Русия қонунлари замонасига нисбатан анча дурустроқ эди.

Биз унинг дурустроқлигини амалиётда кўрардик: Русия умумқонунлари остида Туркистонда яшайдиган европалик шариат ва одат қонунлари остидаги маҳаллийлардан кўра камроқ жабр тортарди.

Жабру зулм, ноинсофлиг-у ноҳақликнинг манбалари ана шу учала қонун эди. Ҳукумат ўзининг махсус қонуни билан кўп миллионли аҳолини тушовлаб, бир неча маъмурийларининг қўлига топширган бўлса, яна миллионлаб аҳоли шариат ва одат юзасидан бойлар-у мулкдорларнинг қули бўлиб қолганди. Ўша шариат-у одат қанчадан-қанча хотин-қизларни канизак, хотин устига нечанчи бор кундош бўлиб тушишларига йўл очиб берганди.

Жабру зулм манбаига айланган ўша қонунлардан айрим мисоллар келтириб ўтамыз.

Русиядан кўчиб келган крестянлар маҳаллий деҳқонлардан ер сотиб олиши мумкин эди, лекин деҳқонлар улардан ер сотиб олиш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Агар биров уезд ҳокимини кўриб отдан тушмаса ё пиёда ўтаётганда таъзим қилмаса, ҳоким ё пристуф қарор чиқариб, ўша шахсни чор ҳукуматининг қонундаги 64-модда бўйича бир ҳафтадан ўн беш кунгача ҳибсга оларди.

Мисол учун бир бечора бойдан қарз олиб, тирикчилигини тиклаб олмоқчи. Лекин қарзни ўз вақтида узолмайди. Бой дарҳол қозининг олдига бориб, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаса ҳам берган қарзини ундириб беришни сўрарди. Қози қарздорни олти ойга қамоққа ҳукм қилиш билан кўрқитиб, масалани бойнинг фойдасига ҳал қилиб берарди. Қарз олган у бечора зудлик билан бирор нарчасини сотиб ёки яна бировдан қарз кўтариб бояги машмашадан қутулиш пайида бўларди. Албатта, у бечора қайтараётган қарзнинг устамаси – қўшимчаси ҳам бўлардики, бу бойнинг ва қозининг манфаатига мувофиқ келарди.

Дунёда ҳеч ким пристуфнинг қарори-ю қозининг ҳукмига даҳл қилолмасди.

Яна бир мисол. Агар биров қозига бориб, фалон аёл ё қиз менга хотин бўлишга розилик берувди, билмадим, ҳозир негадир фикридан қайтиб турибди, деб даъво қилса, қози, албатта, ўша аёл ё қиздан номигагина у-буни сўраб, масалани даъвогар фойдасига ҳал қиларди. Албатта, бу ишларнинг ҳеч бири «қуруқ»қа бўлмасди, ўртада машварат бўларди, манфаат бўларди. Ана шуларнинг бари – ҳақиқат. Нима бўлганда ҳам таёқ камбағалнинг бошида синарди. Бу ерда яна бир нозик жиҳат бор. Агар биров мусулмонликдан воз кечиб, христианликни қабул қилган бўлса, у махсус қонун, шариат ва одат ҳукмлари остидан чиқиб, Русиянинг маҳаллий қонунлари паноҳига ўтарди.

Яна Туркистонни идора қилиш учун чиқарилган махсус қонунга қайтамыз. Русия Туркистон истилосидан сўнг, тахминан 1880 йиллардан бошлаб фатҳ қилинган жойларда посёлкалар бунёд қилиб, Марқазий Русиядан муҳожирлар кўчириб кела бошлади. Бу посёлкалар Хитой чегаралари яқинидаги Семиречинск (Еттисув) вилоятида барпо этилди.

Бу ерлардан хотиржам бўлгач, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларида ҳам посёлкалар қуриш авж олиб кетди. Посёлкалар учун соя-салқин, обод ва серсув жойлар танланар ва у ерларнинг турғун аҳолисини зўрлик билан бошқа жойларга кўчиртирардилар.

Бу ишларни Туркистон учун махсус чиқарилган ўша қонунга мувофиқлаштириш мақсадида 1890 йили ҳар вилоятда ер участкалари билан шуғулланадиган ташкилот тузилди. Бу ташкилотнинг ҳайъати 20–30 землемер (танобчи) дан иборат бўлиб, улардан 5–6 таси комиссар ҳисобланар ва унинг кўл остида 5–6 тадан танобчи бўларди. Мазкур ҳайъат сувни ва лалми ерлар, яйлов-у даштлар, тоғ ер майдонларини ўлчаб чиқиб, харита туздилар. Аҳолининг мулкидан бошқа барча ерлар, дашт ва тоғ яйловлари ана шу харитага мувофиқ подшолик мулкига киритилди. Кейинги йилларда Голодный степь, яъни Мирзачўлга Сирдарёдан сув чиқарилиб, дарёнинг ҳар иккала қирғоқларида ҳам посёлкалар тикланди ва муҳожирларнинг кўчиб келиши давом этаверди.

Бу посёлкаларда фақат христианлар яшарди. Маҳаллий ёки Қрим-у Кавказдан келган тотор мусулмонлари бу посёлкаларда яшаш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Шаҳарларда ҳам шундай қонун жорий қилинган эди. Христианлар қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар, шаҳарлардан ҳовли-жой сотиб олишлари мумкин эди. Бироқ Марказий Русия, Кавказ, Қримдан келган мусулмонлар бу имтиёздан бенасиб эдилар. Масалан, Архангельскдан келган христиан деҳқони Туркистондан ер олиб деҳқончилик қилиши мумкин эди, лекин туркистонликнинг ўз Ватанидан ер олиб деҳқончилик қилишига қонун йўл бермасди!!! Иллат шундаки, бу – христиан, у – мусулмон!

Агар бу мусулмон христианликни қабул қилса, Русия мужиги (деҳқони) қаторида бир қанча имтиёзга эга бўларди. Шу тариқа чор ҳукумати мусулмонларни христиан қилмоқчи эди.

Табийки, йилдан-йилга маҳаллий аҳолининг сони (нуфузи) ошиб, аммо аҳоли сонига нисбатан ерлари камайиб борарди. Бунинг устига, руслар маҳаллийлардан ер сотиб олиб, помешчик (катта ер эгаси) бўлардилар. Посёлка ва посёлка типидagi қишлоқларнинг кўпайиши мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

1904 йилда Ўзгандга борган эдим. Ўша пайт Ўзганд шарқида Мирза ака деган қишлоқ бўларди. Ўзганддан тахминан 5–6 километр узоқликда жойлашган бу маскан атрофлари қирлар билан ўралган бир водий эди; зилол сувлари шарқираб оқадиган бу кичик қишлоқнинг ерлари ҳосилдор эди. Бу ерлар ҳосилдор бўлганлигидан Наманган уездининг Олмос қишлоғи тожиклари келиб тамаки экишарди. Маълумки, тамаки экиладиган ерларга кўп ўғит берилади, лекин бу қишлоқнинг ерларига ўғитсиз экилган тамакилар ҳам гуркираб кетарди.

Қошғарнинг йўли ана шу ердан бошланиб, Қошғаргача тоғ тизмалари уланиб кетарди. Тяньшан тоғини чекка бир гўшаси бўлган бу Мирза ака қишлоғида ўзбеклар ва қирғизлар истиқомат қилишарди. Мен у ерга борганимда ўнтача рус хонадони ўша қишлоқдан бир таноб, ярим таноб ер сотиб олиб, уй қуриб, ерларига бугдой, арпа, кунжут экишарди.

Кулранг тупроқли бу ерларда экилган бугдой, арпа, кунжутзорларга ораласангиз, ҳосилнинг мўл ва баравжлигидан одам кўринмай кетарди. Тепаликларда экилган бодринг, қовун, тарвузларни кўриб, ақлингиз шошарди. Умримда бунақа ҳосилдор ерни кўрмаганман. Ҳосил экилмай қолган, қаровсиз ерларда ҳар хил гул-у ўтлар печу тоб бўлиб гуркираб ўсган эдики, моллар учун тайёр емиш эди, овора бўлиб мол боқиб юришга ҳожат йўқ. Бу гўша асалчилик учун ҳам қулай жой бўлиб, ҳар бир кутисидан 3–4 пуд асал олинарди.

Тоғ ёнбағирларида жойлашган бу масканнинг бир чети Қошғарга, иккинчи томони Еттисув вилоятига уланарди.

Орадан ўн йил ўтди. 1914 йил эшитдимки, Мирза ака дарасидаги ерлар тўлигинча муҳожирлар қўлига ўтиб, у жойда 400—500 хонадонли посёлкалар қурилган. Муҳожирлар шундай бойиб кетганларки, қорамол, от, қўйларининг ҳисоби йўқ. Туб аҳоли эса ўз ерида касоду хонавайрон бўлиб, ҳар томонга тарқаб кетишга мажбур бўлган. Ўша муҳожирлар бир от-арава билан келиб, қамиш уйларда яшаб, қотган қора нон еб, бир йил ичида бугдойдан келадиган даромад ҳисобига ўзларини тиклаб, икки-уч йилда бой-бадавлат бўлиб кетдилар.

Мен Мирза ака қишлоғига борган йилим янги келиб ўрнашган бир ўруснинг уйига кирдим. Наҳорлик пайти экан, дастурхонда қора нон ва ёғочдан ясалган товоққа ўхшаган нарсада қанақадир овқат бор эди. Мени ҳам дастурхонга таклиф қилдилар. Шўрва деб ўйлаган нарсам — қошқик солиб кўрсам—оличанинг суви экан. Ўша пайтлари келган муҳожирлар жуда камбағал эди. Лекин кейинги йилларда гўштсиз овқат емайдиган бўлиб кетишди.

Маҳаллийларни ўз ерларини сотишга мажбур қиладиган сабаблардан бири — ер солиғи ниҳоятда катта эди. Муҳожирлар эса солиқ тўламасдилар. Солиқни тўлашга қурби етмаганлар қарзга банкдан ё судхўрлардан пул олиб, солиққа беришарди. Бироқ охир-оқибат ерлари сотилиб, хонавайрон бўларди. Чор ҳукумати маҳаллийларни бутунлай унутиб юборганди-ю. лекин солиқ олиш пайтлари, ариқ қазиш, йўл чиқариш кезлари тез-тез эслаб турарди.

Муҳожирлар солиқ тўламагани ҳолда ўз ери учун ҳам ариқ қази-масди, йўл чиқариш ишларига ҳам қатнашмасди. Бу ҳам етмагандай, ҳукуматдан яна ёрдам пули олиб турарди. Ҳукумат муҳожирлар учун мактаблар, боғчалар, касалхоналар қуриб берардики, буларнинг бари маҳаллийларнинг ҳамёни ҳисобидан эди.

Маҳаллий аҳоли тўғридан-тўғри олти хил солиқ тўларди. Шулардан бири «земский сбор» деб аталиб, сарфланадиган жойига қараб 20 фоиздан 35 фоизгача олинарди. Аммо русларнинг мактаблари, боғчалари, касалхоналари қурилишига сарфланарди.

Хулоса шуки, чор ҳукуматининг бундай сиёсати билан руслар хоҳ шаҳарда яшасин, хоҳ қишлоқда — йилдан-йилга бойиб борардилар. Уларнинг ичида наинки бир камбағал, ҳатто ўрта ҳолни ҳам топиб бўлмасди; барчалари 4-5 йил мобайнида бадавлат бўлиб кетгандилар.

Тўғри, маҳаллий аҳолининг ичида ҳам бой-бадавлатлар топиларди, лекин бу аҳолининг 4-5 фоизини ташкил қиларди. Улар ҳам ҳукумат ё европаликни эшитса, ўзларини чекқароққа оларди. Шаҳарларда майхона, қиморбозхона, фоҳишахона, баччабозхона, кўкнорихоналар мавжуд бўлиб, биз, туркистонликларга ана шулар «мактаб» вазифасини ўтарди.

Хулоса шуки, чоризм Туркистонда 50 йил ҳукм юритса-да, аҳолини ўзига мойил қилолмади, билъакс, қилган ва амалга жорий қилаётган ишлари билан меҳнаткаш халқни ўзига душман қилди. Тоторларнинг «Ўрусдан отанг бўлсун, ёнингда болтанг бўлсун» мақоли кўп тилларга таржима бўлиб кетганди. Бу мақолнинг тожикчаси қуйидагича:

«Аз ўрус падарат бошад, дар паклўят табарат бошад».

Аҳолининг бир қисминигина ташкил этадиган маҳаллий бойлар, волосной, қози, оқсоқол ҳукуматдаги 2—3 йил хизмати вақтида одамларни талон-торож қилиб, кўшк, боғ, молу ҳол, катта ер соҳибига айланардилар. Меҳнаткашларни ғорат ва торож қилишда муллалар-у эшонлар ҳам улардан қолишмасди. Бу маҳаллий мансабдорлар-у қориндорлар вазиятдан жуда мамнун эдилар. Зеро, уларни ҳукумат ҳимоя қиларди.

Шу ўринда бир изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Биз уларнинг душманлигини кўрсатувчи тоторларнинг бир мақолини ҳам келтириб ўтдик. Ҳолбуки, қишлоқларда яшаётган рус аҳолиси аксариятининг асли келиб чиқиши қишлоқлик кишилар ва батрақлардан эди. Чиндан ҳам, уларнинг яхши одат ва амаллари бўлиб, бундай ахлоқий сифатлар бошқа миллатларда камёб ҳодисадир. Масалан, меҳмондўстлик, соддадиллик фазилатлари кўзга ташланиш баробарида, улар ўзларини бошқа миллатлардан устун ҳисоблашмасди. Шундай экан, нега улар бизга душман бўлиб қолди?

Муаммо шундаки, мамлакатни идора қилаётган, монополияларнинг эгаси бўлган рус дворянлари Пётр I замонидан бошлаб Фарбнинг ҳар хил урф-одатларини, турлича бўлган турмуш тарзларини пала-партиш қабул қилган эдилар. Уларнинг фарзандлари ҳам бир миллат вакилининг қўлида тарбия топган бўлса, оилада ўшаларнинг удумларига амал қила бошлаган. Шу билан бирга Фарбдан кўчиб келиб Русияга муқим ўрнашган

бошқа миллат вакиллари ҳам «рус» номи билан аталаверилган. Шу тариқа Фарбнинг энг бўлмағур, ярамас одатлари рус ҳаёт тарзига кириб келаверди.

Тўғриси айтганда, улар орасида ҳам яхши одамлар анчагина топиларди. Инқилобчилар, ёзувчилар, халқпарварлар, ўткир публицистлар ва бошқалар. Бироқ Туркистон аҳли бу одамларни кўрмаган, улар билан мулоқотда бўлмаган. Фарб таъсирига берилган кўпгина дворянлар ўз миллий анъаналарини бутунлай унутиш даражасигача етиб келдилар. Шу қабилда улар Фарб удумларига берилиб, рус миллатидан ҳам узоқлашавердилар. Оқибат шу бўлдики, луғавий маъноси «мард» бўлган «мужик» атамаси ҳақорат ўрнида ишлатиладиган бўлди. Дворянлар учун Русияда яшовчи хоҳ ўз миллати бўлсин, хоҳ бошқа миллат бўлсин – фарқи йўқ – «мужик» ҳисобланарди, гўёки улар ердан потраб чиққан кўзиқориндек гап эдилар.

Русиянинг кўпгина губерниялари, ҳатто подшо даргоҳидаги ва хонадонидаги ишларни ҳам ё немис, ё фаранг, ё инглизлар бошқарар ва, табиийки, улар атрофдаги дворянларга ўз ахлоқларини сингдирар эдилар. Уларни кўрган туркистонликлар «руслар» деганда ана шу бадахлоқларни тушунишарди.

Туркистонликлардан тижорат ишлари билан Русияга бориб келганлар, ҳаж сафарига боришда ё Русия ўлкаларидан келганлар, ёки Сибирияга бориб келганлар русларни алоҳида меҳр ва оқибат билан эслашар, уларнинг одамоҳунлиги, меҳмондўст ва самимийлигини миннатдорчилик билан тилга олиб, мақташарди. Лекин Туркистондаги русларни Русияда жиноят қилиб қочиб келган муттаҳамлар тўдаси, дея нақл қилишарди. Бироқ бундай ҳикоялар, саргузаштлар халойиқнинг қулоғига етмасди, етса ҳам бу гапларга ишонмасдилар, чунки, омма кўз олдидаги ҳақиқатни кўриб турарди, яъни «рус»лардан яхшилик кўрмаганди.

Тўғри, Марказий Русиядан муҳожир бўлиб келган камбағал ва батрақлар ахлоқан дворянлардай бузуқ эмасди. Улар хушфёъл, маҳаллий аҳоли билан чиқишиб кетадиган одамшаванда кишилар эди. Аммо, шу ўринда бир «аммо» борки, бу қуйидагича: чор ҳукумати Марказий Русияда аграр масала юзасидан ер эгалари ва деҳқонлар ўртасида можаро кўпиб, катта граждандар урушига айланиб кетмаслиги учун деҳқонлар ва камбағалларнинг кўпчилигини Туркистон ерларига кўчириб келгач, ҳар не қилиб бўлса-да, уларнинг қайта Русияга кўчиб кетмаслик чораларини кўра бошлади. Ҳукумат шу боис муҳожирларга имкон борича маънавий, моддий ёрдамини аямади, уларга маҳаллий аҳолига нисбатан қатор имтиёзлар берди.

Оч ва муҳтож бўлиб Русиядан келган муҳожирларнинг сувли ва ҳосилдор ерларни эгаллаб, 3-4 йил ичида бой-бадавлат бўлиб кетишини

юқорида зикр этган эдик. Улар сув ёки бошқа бир нарса вадидан маҳаллийлар, ўз кўшнилари билан жанжаллашиб қолган пайтда ҳам гарчи муҳожирлар ноҳақ бўлса-да, маъмурлар маҳаллийларни аёвсиз жазоларди, баъзи ҳолларда ҳибсага ҳам оларди. Андижон уездининг Кўркат водийсида қирғизларнинг обод экинзор ерлари бор эди. 1900 йилда рус муҳожирлари бу ерларни қирғизлардан зўрлик билан тортиб олиб, ўша ердаги масжидга ўт қўйдилар. Ўшанда муҳожирлар сувдан қуруқ чиқиб, қирғизлар қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлишди.

Муҳожирлар ҳукумат томонидан ана шундай беминнат хизмат кўришгач, ўзларидан кетардилар, маҳаллийлар устига солдатлар ва полицейлар жўнатиб, роса бўғиб қўярдилар. Маҳаллийларни таъқиб қилиб, тинимсиз жазо чораларини кўрсатган зўравонликларнинг сон-саногини йўқ. Аммо шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, қишлоқларга чиқиб, якка-якка ер-жой сотиб олиб яшаётган руслар, маҳаллийлар билан яхши муомалада бўлишарди. Бундай руслар ўзларининг соф рус табиатига содиқ қолиб, буржуазиянинг чиркин ахлоқини қабул қилишмаганди.

**Хуллас, баён этганимиз, адолатсизлик ва зўрликлар Жиззах кўзғолонини келтириб чиқарган сабабларнинг туб илдизларидир.\***

Умуман, Чор ҳукумати ярим асрлик истилоси давомида туркистонликлар учун нима қилганди?

Маҳаллийлар учун мактаб қурганмиди? Йўқ! Икки синфдан иборат «русско-тузем» курсидан бўлак, ўқиш-ўқитиш учун бирор-бир мактаб қурилмади. Ўша «русско-тузем»ни мактаб дейишга ҳам тил бормади. Зотан, унда рус тилини чала-чулпа ўргатишдан бошқа иш қилинмасди.

Касалхоналар қурганмиди? Йўқ! Муҳожир-христианлар учун посёлка қуришдан бошқа бир иш қилинмади.

Йўллар қурганмиди ё мавжуд йўللарни таъмирлаганмиди? Йўқ!

Деҳқончилик ишларини енгиллаштириш ва ҳайвонот зотини яхшилаш учун бирор иш қилиндими? Йўқ! Ҳеч иш қилинмади!

Ўтган ярим асрда маҳаллийлар учун қилган иши нима бўлди?

Ғошишахона, қиморхона, кўкнорхоналар қурилди ва йилдан-йилга тараққий эттирилди. Аҳолини талон-торож қилиш учун 15–20 лаб банклар қурилди. Бу банклар аҳолининг бошига кўп кулфатлар солди. Масалан, шаҳарнинг бирор-бир бойи фойда қилиш учун 15–20 фоиз қарз оларди ва йилига 50 фоиз фойда ҳисобига вулус бойига пул берарди. Вулус бойи эса фойда эвазига бу пулларни қишлоқ бойларига берарди. Судхўрлик шу тариқа давом этиб, охири бу пуллар ғалла, пахта ва бошқа деҳқончилик эҳтиёжларига сарфланарди. Қарз муддати 6 ой бўлса, фойдаси ҳам ярим-яримга бўлиниб, икки бора тўланарди. Агар деҳқон бировдан бир марта

---

\* Бу ва кейинги таъкидлар бизники, — *Муҳаррир.*



қарз олса, кейин ундан умуман қутулолмасди. Мабодо қарзидан 20 сўм қолган бўлса, келаятган йилда бу қарз 40—50 сўмга айланарди ва охири оқибат гаровга қўйилган ери сотилиб кетарди. Мол-матовоти сотилишининг тартиби ҳам шундай кечарди. Мисол учун савдогар бир газ матони 15 тийин олса, 6 ой қарзга бериш асносида бу пул 30 тийинга чиқарди.

Деҳқон деҳқончилиги харажатларини қоплаш учун пулга муҳтож бўлиб, 30 тийинга чиққан мато (материал) ни сотмоқчи бўлса, уни 30 тийинга эмас, 10—12 тийинга сотарди... Бирор-бир деҳқон йўқ эдики, қарздор бўлмаса, яъни кўрган фойдаси қарзга кетарди. Деҳқон бу ерда ҳам ҳукуматдан куйган эди; зеро, топган нарсасини судхўрликни авж олдирган ҳукумат тортиб оларди. Аҳоли кечаси ўғрилар томонидан, кундузи мансабдорлар, судхўрлар, бойлар, эшонлар томонидан таланарди; натижада бу халқнинг сабр-тоқати ҳам талон-торож бўла бошлаганди. **Чоризм сиёсати аҳолини ўлим ёқасига етаклаб келганди...**

Хуллас, Чоризм эллик йиллик ҳукмронлиги даврида яхшилик уруғи ўрнига низо ва душманлик уруғини сепарди; бу уруғ кундан-кун ниш уриб, ўсиб борарди.

Тақдири азалдан юмуқ кўз бўлиб туғилганларнинг кўзлари аста-секин очилиб бораётганди. Бу одамлар Русиядай бепоён мамлакатда ўзидан ҳам бадбахтроқ ва мазлумроқ қавм йўқлигини кўриб, билиб, тушуниб борарди.

Бу душманлик тобора илдиз отиб, улкан ярага айланди ва охири ёрилди... яъни 1898 йилги Андижон кўзғолони бу душманликнинг илк бор катта қўлам қасб этган кўриниши эди.

Бу кўзғолон оқибатида юз минглаб одамларнинг қони тўкилди, дорга осилди, Сибириёга бадарға бўлди, уй-жойлари култепага айланди. Яксон этилган уйлар-қишлоқлар ўрнига посёлкалар тикланди. Бу кўзғолон подшо ҳукумати кўнглидаги айни муддао бўлди. Бу кўзғолондан сўнг ҳукумат олиб бораётган сиёсатининг камчиликларини тузатиш ўрнига зулм ва зўравонлигини баттар авж олди.

Туркистонда 1898 йилгача, яъни Андижон кўзғолонигача сокин-сулк вазияти ҳукм сурган бўлса, кўзғолондан кейин ҳарбий ҳолат эълон қилиниб, бу қарийб 1917 йилгача давом этди. Ҳарбий ҳолат даврида мансабдорларга «худо берди». Улар ҳарбий ҳолатга қадар 3 кунгача бировни қамаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлсалар, бу муддат 15 кунгача чўзилди; кейинчалик судгача бир ой муддатгача қамаш «имтиёзи»га эришдилар.

Инқилобгача баъзи кичик мансабларга, яъни, волосной, мироб, тоғбеги, шунингдек, тоғ яйловлари ва даштларга мутасадди маҳаллийлардан тайинланарди. Бироқ кўзғолондан сўнг маҳаллийларга умуман ишонч қолмади; барча мансабларга саллотлик вазифасини ўтаган руслар қўйиладиган бўлди. Маҳаллий волоснойлар ҳам кундан-кун камайиб,

борлари олдига ҳам икки-уч нафар исторожник қўйиларди ва волосной ўша исторожникларнинг чизган чизигидан чиқмасди. Аниқроғи, вулусларни улар идора қилишарди.

**Чиндан ҳам, адолатни поймол қилиш ҳар қандай истибоднинг одатидир.**

Ҳукумат аҳолини қўрқитиб, кўзини мошдай очиб қўйиш орқали бундан сўнг айни шундай «ақлсизлик»лар қилмаслиги чораларини кўрарди. Аммо кутилган натижа тесқари бўлди. Душманлик янада кенгроқ ёйилиш учун чуқурроқ ўрнашди.

Зулм ва зўрликдан зада аҳоли фурсат кутарди. Ҳукуматга қарши душманлик кайфиятлари ва исённи тарғиб қиладиган ташкилот тузилишини кутишарди. Йўқ, бундай бўлмади. Бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бу душманлик ички, руҳий жараёнда кечардики, ундан ҳали вужуд беҳабар эди. Лекин зулм ва истибод авж палласига етганда, халойиқнинг сабр косаси тўлиб, ушбу нифоқ уруғи руҳдан вужудга кўчган жойдан вулқон отилгандек бўлиб, лавалари чор-атрофга сочилиди...

1898 йилги Андижон қўзғолонидан сўнг озроқ фурсат ўтгач, яъни 1904 йилда Русия – Ёпония уруши бошланди. Туркистоннинг катта-ю кичиги бу урушда Ёпониянинг қўли баланд келишини кутишарди. Ўша пайтларда Боғчасарой, Қрим, Оренбург, Русия Кавказида газетачилик йўлга қўйилган бўлиб, баъзи бир туркистонликлар газеталар олиб турардилар. Бу газеталарда урушда Россиянинг мағлубиятлари ҳақида босилган хабарларни одамлар шоду хуррамлик билан кутиб олардилар. Ҳатто, газета ўқишни ҳаром ҳисоблайдиган, ундаги хабар ва янгиликларни бўҳтон, ёлгон-яшиқдан иборат, деб дам урадиган муллалар ҳам Россиянинг мағлубиятига оид хабарларга ишона бошладилар; газетанинг янги сонлари келишини сабрсизлик билан кутадиган бўлдилар. Кеча «ҳаром» деб фатво берган ҳукмларини ўзлари ҳам унутдилар.

Нафақат Туркистонда, балки бутун жаҳонда Россияни энг кучли давлатлардан бири ҳисоблашарди. Бироқ Ёпония билан бўлган урушдаги мағлубият Россиянинг кучли эканлигига бўлган ишончларни чиппакка чиқарди.

1905 йилги рус инқилоби ҳам мустамлака ўлкалардаги гафлатзада кўзларни очишга бир қадар ёрдам берди. Ёпония урушидан сўнг туркистонликлар 1905 йилги инқилобга катта умид боғлаган эдилар, бироқ бу инқилоб ҳам шафқатсизлик билан бостирилиб, бирор-бир натижа бермади...

## **Қирғиннинг ибтидоси**

1914 йили жаҳон уруши бошланди. Бу урушда Россиянинг ғалабалари туркистонликларни ғамгин, мағлубиятлари хурсанд қиларди. Ҳарб-у зарбнинг харажатлари ортиб, таёқ яна аҳолининг бошида сина бошлади:

галла-ю донни бозор нархидан бир неча баробар паст нарх билан тортиб ола бошладилар. Галла сотиш мажбуриятдан христианлар, албатта, озод эдилар.

Ундан сўнг от сотиб олиш ишлари авж олди. Ҳукумат отларни ҳақиқий баҳосидан ўндан бир нарх билан деярли мажбур қилиб сотиб олди.

Маҳаллий халққа ишончсизлик кучайиб, аҳолининг уйидаги рўзгор пичоқларигача тортиб олдилар. Пилталик эски ов милтиқлари, шамшир, ўроқ — неки бор, барчасини йиғиштириб олдилар. Галла, дон, от ва, ниҳоят, уй-рўзгор анжомларининг тортиб олиниши аҳолининг ҳукуматга бўлган нафратини янада аланга олди.

Ўша пайтлар генерал Самсонов Туркистон генерал-губернаторлигидан олиниб, урушга жўнатилди; унинг ўрнига Мартисон исмли немис генерал-губернатор қилиб тайинланди.

Самсонов генерал-губернаторлиги вақтида Тошкентда мудҳиш бир воқеа содир бўлгандики, бу рус зобитининг миллатчилиги ва аҳмоқлигини очиқ-ойдин кўрсатиб беради.

Уруш бошланиб, ҳали Самсонов фронтга жўнаб кетмаганди. У бир кун Тошкент кўчаларини айланиб юрган пайти туркча қалпоқ кийиб юрган бир болакайни кўриб қолади. Воқеани аниқроқ тасаввур қилиш учун туркча қалпоққа изоҳ беришга тўғри келади. Бу қалпоқ ўзимизнинг телпакка ўхшаган бўлиб, қизил рангли бўларди. Ҳажга кетган ҳожилар қайтишда Истанбулга тушиб, болалари, неваралари, хеш-у биродарларига туҳфа сифатида шунақа қалпоқ харид қилишарди. Шу пайтгача бу қалпоқнинг «сиёсат»га алоқадорлигини ҳеч ким билмасди.

Самсонов туркча қалпоқ кийиб юрган болани ушлаб, унга андоқ шовқин-сурон солиб, дунёни бошига кўтара бошлади. Бола кўрққанидан нима дейишини билмай, бу йиртқичнинг қаршисида кўзичоқдек қалтирар, кўз ёшлари шашқатор қуйиларди. Боланинг ёнида турган одам генерал-губернаторнинг газабидан кўрқиб, ўзини яқиндаги бир дарахт панасига олганча, боласига мўлтираб-мўлтираб қараб кўярди.

Шарқий Пруссия армиясининг қўмондонлигига яқиндагина тайинланган генерал-губернатор жаноби олийлари боланинг бошидан қалпоқни шаҳд билан тортиб олиб ерга урди; сўнг оёқлари остига олиб, хумордан чиққунча эзгилаб, тепкилаб, тупроққа қориб ташлади. Шундан сўнг «аъло ҳазратлари» маҳкамаларига йўл олиб, бундан сўнг туркча қалпоқ кийилмасин, дея фармон берди ва кулоқ солмаганлар қатъий жазога тортилажани маълум қилди.

Мана, Туркистон хўжайини — «ярим-подшо»нинг ҳақиқий башараси.

Жаҳон уруши учинчи йилга қадам қўйди ва 1916 йил бошланди. Ўрис аскарлари барча фронтларда мағлубиятга учраётганлиги кишиларни

хурсанд қиларди. Ана шундай бир пайтда генерал-губернаторликка тайинланган Мартисоннинг фронт ортини мустақхамлаш учун мардикор олиш ҳақидаги фармони чиқди. Бу хабар яшин тезлигида бутун Туркистонга тарқалди... Мардикор йиғиш ҳақида вилоят губернаторлари уезд ҳокимларига, улар участка пристуфларига, пристуфлар вулуснойларга фармойиш беришти.

Мардикор олишнинг бирор-бир тартиб-қоидаси йўқ эди. Бу маҳаллий маъмурларга порахўрлик эшигини очиб берди. Мисол учун бир вулусдан мардикорга 100 кишини олиш керак бўлса, волоснойлар рўйхатга 500 кишини тиркардилар. Қолган 400 кишига ваҳима солиб, оладиганларини олиб бўлгач, «зўрға рўйхатдан чиқардим», дея муттаҳамгарчиликни авж олдирилди. Шунингдек, фармонда неча ёшдан неча ёшгача мардикор олиш масаласи ҳам кўрсатилмаганди. Шундай экан, рўйхатга ёш-у қарини баробар киритиб, ҳамёнларини қаппайтирилди.

Аввалига одамлар саросимага тушиб қолдилар. Чунки содир бўлаётган воқеликни тушунмасдилар; иккинчидан, бир нима дейишга ҳукуматнинг яна бир қирғин-барот қилишидан қўрқардилар. Баъзи бир хонадонларда бир ўғил бўлса ҳам рўйхатга тиркаларди, баъзиларида 4 ўғил бўлса ҳам бирортаси рўйхатга тушмасди. Айрим оилалардан қўлидан иш келадиган бир одамнинг мардикорга ёзилиши-ю, 5 ишчи кучига эга бўлган оилалардан ҳеч кимнинг рўйхатга олинмаслиги бу саросималик ва асабийликни кучайтирарди. Аҳоли бошида «нега ундай, нега бундай» қабилидаги ички низо ва жанжаллар билан банд бўлиб қолди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Одамларнинг ақлу ҳуши жойига келди. Уезд, шаҳар миқёсидаги қавм катталари ўзаро маслаҳатлашиб, мардикор олмасликларини сўраш учун вакилларини Тошкентга юбора бошладилар. Кейин бирор-бир натижа чиқмаслигига кўзлари етиб, турли хил чоралар излай бошладилар.

Бу пайтга келиб, асосан деҳқонлардан иборат бўлган аҳоли маиший анжомларидан, отларидан, ғалла-донларидан жудо бўлган бўлсалар-да, ғафлат уйқусидан батамом уйғонмаган эдилар. Ҳукуматдан бирор-бир яхши гап эшитмаган, бирор-бир яхшилик кўрмаган халойиқнинг аҳволи забун эди. Бошларига очлик ва муҳтожлик соя солар, кундан-кун баттарроқ бўла борарди. Келажак кунларни-да зулмат ва қоронғулик қоплаб келарди.

Ўша кунларда аҳоли орасида ҳукумат мардикорликка эмас, аскарликка одам йиғяпти, деган овоза тарқалганди. Одамларнинг оғзида яккаш бир гап шу эди: «Биз аскарликдан беҳабармиз, қурол ишлатишни билмаймиз, ҳукумат молимизни олиб бўлди, энди навбат жонимизга етди. Биз Гирмон урушида ўлиб кетамиз, хотин-болаларимиз бу ерда очликдан ўлади...» Ана шу ваҳима одамларнинг кўнглига ғулғула соларди. Охир-оқибат халойиқ бегона юртларда ҳаром ўлиб кетгандан кўра, ўз юртимизда бола-чақамизнинг олдида ўлганимиз яхшироқ, деган қарорга келди.

**Дарвоқе, аҳоли қайси яхшиликлари эвазига жонини ҳукумат учун қурбон қилиши керак? Эллик йил бадалда бу ҳукуматнинг дастидан зулмдан бўлак нима кўрибди?**

Исёни бошлаб берадиган бирор-бир куч йўқ эди. Жадидлар Жиззах қўзғолонини биз бошлаб бердик, дея даъво қиладиларки, бу ёлгон гап (1). Бу қўзғолон стихияли бошланди, чунки на бирор қурол-яроқ йиғилганди, на ҳужум бошлаш режалари тузилганди, на бошқа тузукроқ тадбир ишлаб чиқилган эди. Икки-уч жадид Самарқанддан Жиззахга келиб, аҳвол билан танишгач, мардикор олмасликларини сўраб Тошкентга боришганди, лекин у ердан ноумид бўлиб қайтгач, ўз шаҳарларига равона бўлишганди. Қўзғолонни бошлаб юборадиган бирор-бир ҳаракатнинг ўзи йўқ эди.

Ҳукумат ўзининг жосуслари орқали шундай бир қарорга келгандики, гўё турклар ҳар жой-ҳар жойда махфий ташкилотлар тузиб, Жиззах қўзғолонини бошлаб юбордилар.

Аммо ҳукуматнинг бу фикр-у тахмини ғалати эди. 1898 йилги Андижон қўзғолонида ҳукумат инглизларнинг қўли бор, деган хулосага келганди, бироқ бу гап кейинчалик ҳам исботини топмади.

Ҳар бир қишлоқда, даҳада, уезд ва шаҳарларда ҳукуматга гап етказиб турадиган айғоқчилар бор эди. Исторожник, пристуф, волосной, уезд ҳокимлари, хуллас, ҳукуматнинг барқарорлигидан манфаатдор бўлган жамики маъмурлар мабодо бирор қўзғолон ташкилоти тузилса, албатта, хабардор бўлардилар ва бу ҳақда юқорига маълум қилишлари шубҳасиз эди.

Қўзғолон уоштирувчисиз ўз-ўзидан бошланмайдикки, бунга шундай жавоб қилиш мумкин.

Рус аскарлари шаҳар-у қишлоқларга ўт қўйиб, ёшу қари, ҳатто, гўдакларни ҳам ўлдириб, мол-мулкларини талон-тарож қилиб шаҳарга қайтди. Самарқанд губернаторининг ўша пайтдаги золимликда донғи кетган муовини Паникино ва охранка бошлиғи Беловский бошчилигида тергов ҳаракаглари бошлаб юборилди.

Буларнинг тергов тартиби қуйидагича эди: Суд терговчилари прокурор назорати остида бўлган турмадаги маҳбусларни сўроқ қилишарди. Аммо охранка бошлиғи Беловский ҳозиргача ҳибсага олинмаганларни топтириб, тергов қилардики, унинг тергов усули ҳам бошқача эди. Бу ҳақда қуйироқда муфассал тўхталамиз.

Қатли куш-у талон-торожлардан, қамоққа олишлар-у қоча-қочлардан маълум бўлдики, Жиззах шаҳару қишлоқларида қариялар-у ёши қайтганлар, аёллар-у болалардан бошқа қўзғолонда иштирок этганлигини фараз қилиш мумкин бўлган ҳеч бир киши қолмаганди. Бу шўри қуриганларнинг миқдори 15-16 минг атрофида эди. Аммо полковник Чижиков ва прапоршик Троцкийларнинг қайд этган рақамлари тахминий эди.

Ана шу қарилар, аёллар, болалар тўдасига яшириниб ва қочиб юрган кўзғолон бошлиқлари ва иштирокчиларини зудлик билан тутиб беришлари ҳақида буйруқ берилди. Мабодо уч кун, яъни 3 августдан 7 августгача буйруқ бажарилмайдиган бўлса, аҳоли уй-жойидан мосуво бўлиб, чўл-у биёбонга бадарға қилиниши маълум бўлди!

Энди, тасаввур қилинг! Бу ожиз-у нотавонлар тўдасининг қўлидан нима келади? Бу уйи куйганлар қаердан билсинки, кўзғолонда кимлар иштирок этган? Уларни қаердан топса бўлади?

Ҳолбуки, Жиззах-у Самарқанд турмалари «кўзғолончи»лар билан тўлган эди. Кўзғолонда иштирок этган ҳам, этмаган ҳам қўрққанларидан жон талвасасига тушиб, тўрт томонга қараб тумтарақай қочган эдилар. Нону сувга зор бу нотавон тўданинг қўлидан бир иш келмаслигини ҳукуматнинг ўзи яхши биларди. Аммо бу фармоннинг маъноси шунда эдики, бу тўдани даштларда очликдан ўлдиртириб, Русиядан келадиган янги муҳожирлар учун Жиззахни «тозалаб» қўйиш эди.

Бу ўринда бир савол туғилади: Ҳукумат келган аҳолига шарт қўймасдан ҳам уларни бадарға қилса бўларди. Нега уч кунлик муҳлат ва аҳмоқона шарт қўйилди? Бу шарт шунинг учун эдики, мабодо бирор-бир матбуот нашри бегуноҳларни ноҳақ жазолашда ҳукуматни айблаб чиқса, ўшанга жавоб тариқасида тайёргарлик кўриб қўйиш заруриятидан эди.

Ваъда қилинган 3 кун ўтди. Бадарға қилиш муддати 7 август соат 12 да эди. Янги Жиззах шаҳрида ҳарбий ҳолат ҳукмрон. Саллот ва офицерларнинг юзлари қаҳролуд, кўзларида ғазаб алангаланган, уч сўздан иккитаси «собаки», «сволочи». Гарчи қатл жазосига муносиб кўрилиб, мол-мулки тортиб олинган, 20 минг аҳоли ўлдирилган, қишлоқлари ер билан текислаб ташланган бўлса-да, «оқ пошшо»нинг итлари ҳали улардан интиқом ололмагандек эдилар.

Офтоб тик найзага келганда оломоннинг қий-чуви чор атрофни тутиб кетди. Бу, сахрога қараб юзланган болалар, аёллар ва кексаларнинг оху воҳи эди. Кун айни қизиган пайт пиёда саллотлар ва отлик казаклар қиличу тигларини яланғочлаб, милтиқларини ўқталиб, оломонни ҳар томондан ҳайдаб, бозор майдонига тўпладилар. Халойиқ чўлу биёбонларда очликдан ўлиб кетмаслик учун егуликка нон-сув олиб чиққан эди. «Баҳодир» саллотлар эса аҳолининг ана шу охирги бурда нонларини олиб, майдоннинг ўзида бемалол кавш қайтарардилар.

Оломонга фармон ўқиб берилди. Шаҳар аҳли Жиззахдан бир неча қақирим четда бўлган Кўл даштига сургун қилинган эди. Қилич ва милтиқлар офтоб нурида ярақлаб халойиқни Кўл даштига томон ҳайдай бошлади. Йиртиқ-ямоққа ўралган – номигагина кўйлак-иштон вазифасини бажарадиган латта-путтага ўраниб олган болалар, аёллар, қариялар гирён-у нолон бўлиб даштга қараб судраларди. Чанг, оху

фарёд, нолаю дод осмонга ўрларди. Юришга мадори етмай, тупроққа ағанаб, ўтириб қолганларни милтиқ кўндоғи ва тепки билан ўзларига келтириб, юришга мажбур қилардиларки, пиёда ва суворийларнинг тилидан «собаки», «сукины дети» сўзлари тушмасди.

Энди манзарани кўз олдингизга келтириб, тасаввур қилинг:

Йиртиқ-ямоққа ёпинган, очлик ва ташналик азобидан лаблари, юзлари гезариб судралаётган минг-минглаб одамлар... Юқоридан офтоб ўт пуркаяпти, пастдан тупроқ куйдирмоқда, олдинда ҳатто гиёҳ ҳам унмайдиган биёбон, орқадан эса милтиқ, қилич яланғочлаб кетаётган саллоту сипоҳийлар...

## Суд жараёни

Уч йил давомида Фарбий фронтда ўлиш ва асирга тушишдан бошқа чоралари қолмаган қонхўр Николайнинг саллотлари шарқий «фронт»да «қаҳрамонлик» намуналарини кўрсатиб, абгор бўлган халқнинг болалари ва аёлларини қиличдан ўтказдилар, хонумонларини яксон қилдилар, қишлоқ ва шаҳарларини култелага айлангирдилар. Ниҳоят, суд жараёни бошланди.

Ҳеч қандай суриштирувсиз ва суд қилмасдан туриб, минг-минглаб одамларнинг ёстигини қуритган бу иблислар учун суд жараёни нега керак бўлиб қолди?

Бу, ҳукумат судсиз бегуноҳларни жазолади, деган гапнинг олдини олиш учун эди. Ҳукумат «адолатли», у ҳеч кимни бекорга жазоламайди, тергов ва суд шунинг учунки, гуноҳкор жазосини олади, бегуноҳ озод этилади...

Судга тортилганлар 500 киши бўлиб, улардан ҳеч бири қутулолмади. Бироқ ҳукуматнинг расмий ҳужжатларида озод этилганлар ҳам бўлди тарзида ёлғон маълумотлар битилди. «Озод этилганлар» дейилганда, бўйни совун суртилган сиртмоқдан қутулиб, оёғига 15 қадқлик кишан солиниб Сибириёнинг совуқ шахталарига сургун қилинганлар назарда тутилган.

Бир пайтлар Гирмониёнинг собиқ императори Вилгельм хитойликлар шаънига бемаза бир гап айтганди: «1000 та хитойликдан кўра саллотнинг эски пайтаваси аълороқ». Жазо колонияси бошлиғи полковник Иванов ўзини Вилгельмга тенглаштириб, унинг гапини Туркистон аҳлига нисбат беради. У ўз фармонида «1000 та маҳаллийдан кўра бир ит тузукроқ», деб ёзганди (4). Ана шундай ваҳшийлардан яна бири таърифида сўз юритишга ваъда берганимиз оҳранка бошлиғи полковник Беловскийдир.

У ўрта бўй, кўм-кўк кўзлари ўйнаб турадиган айёр одам эди. Айёрлиги ва абжирлиги учун жўралари уни «жулик» дейишарди. Ўзи асли киевлик бўлиб, саллотлик пайти фельдшерлик қиларди. Солдатлик муддати

тугагач, Самарқанд уезди маҳкамасида оддий бир котиблик ишига жойлашди. «Ишбилармон»лигидан оз фурсат ўтгач, мудир вазифасига ўтди. 2-3 йилдан сўнг Самарқанд шаҳрига пристуф этиб тайинланди. Жаҳон уруши бошлангандан кейин Самарқандда начальник охранка бўлди.

Бу одам ишлар бўйича мудир ва пристуф бўлган пайтлари порахўрлиги билан машхур эди; начальник охранка бўлгач, туваги тиллодан бўлди, десам, хато бўлмайди.

Унга жиззахлик Муҳаммад Шокиров деган киши таржимонлик ва агентлик (айғоқчилик) қиларди.

Маҳаллий кишилар унинг маҳкамасини «кинчихона» (синчи маъносида), ўзини эса «Кинчитўра» дер эдилар. Қуйидаги воқеа унинг қай даражада порахўрлигини очиб беради.

Бир куни 2-3 киши ўтирган пайтимиз тахминан 25-26 яшар йигит келиб, таниши билан салом-алик қилгач, қуйидаги воқеани сўзлаб беради:

«Мен қишлоқдан пахта келтириб сотиб, пулини энди олаётган эдимки, Ҳамди деган бир киши пайдо бўлиб, мени бир жойга олиб бормоқчи бўлди». «Қаерга олиб боряпсан?» – деган сўроғимга, «Мен Кинчитўранинг одами бўламан, сени тўранинг олдига олиб боришим керак», деди.

Бу гапни эшитиб, дармон қуриди, унга ҳамроҳ бўлиб маҳкамага келдик. Идорага келишимиз ҳамоно ҳеч нарсани сўраб-суриштирамай мени ҳибсга олдилар. Тун ўтди, тонг отди. Шу одам келиб, икки чаккамга бужулга ўхшаган нарсани тираб, устидан чарм тасма билан боғлаб, тасмани қаттиқ бурай бошлади. Мен оғриқ азобидан дод солиб, қайси гуноҳим учун мени қийнаётганини сўрадим.

Унинг ҳикояси хулосаси шуки, охири 100 сўм пул бериб қутулган. Чинданам, чаккалари қизариб, шишган эди. Кинчитўрага кетганида отини саройга боғлаган экан, энди ўша отини олиш учун пули йўқлигини айтиб, танишидан 3-4 сўм қарз олди.

Ана шундай баттол ва порахўр одам Жиззах қўзғолонини бостириш учун мутасадди этиб тайинланганди. Ўз одами Муҳаммад Шокировни ҳам Жиззахга олиб келганди. Янги шаҳардаги хилват бир ҳовлини идора учун танлаб, ўша ерда хотини билан яшарди. Ҳовлига Муҳаммад Шокировдан бошқа одам деярли кириб чиқмасди. Гуё идорада ўзи, хотини ва Шокиров махфий иш олиб борардилар. Унинг кун тартиби шундай эди.

М.Шокиров асли жиззахлик бўлиб, полицияда ишлаб келарди. Бинобарин, шаҳар-у қишлоқни, катта-ю кичикни жуда яхши биларди. У ҳар шаҳарда сипоҳий бўлиб чиқиб, қаерлардандир 5–10 кишини судраб келарди. Идорага олиб кириб, бу бечораларни турли хил қийноқларга солар, пул берганларни озод қилиб, пул беришнинг иложини қилолмаганларни – гуноҳи борми, йўқми – қатъи назар турмага



жўнатарди. Пулдор одам, албатта, кам эди. Охранка бошлиғи қарийб 400 кишини ҳибсга олиб, шулардан 300 тасини яқиндаги Самарқанд турмасига жўнатганди.

У «гуноҳкор»ларни қийнаб, қаерда пули, моли борлигини исковучдек билиб, топиб келардики, энг зўр муттаҳамлар ҳам унинг олдида ип эшолмасди.

Суднинг 5 та мажлиси бўлди. Шулардан иккитаси Жиззахда, учтаси Самарқандда.

Маълумки, ҳарбий суд ҳайъати офицерлардан иборат эди. Улардан адолат кутиш мумкин эмасди, чунки уларнинг хаёлида осий ва отишдан бўлак фикр йўқ эди. Судда иштирок этиш учун нафақага чиққан Соколов деган полковникни Самарқанддан Жиззахга жўнатадилар. У вагон-ресторанда ўтириб, маҳаллийлар шаънига кўп бўлмағур гаплар айтди: «Мени суд ҳайъатида иштирок этиш учун Жиззахга таклиф қилдилар. Мен судда бу итларни чивиндек эзиб ташлайман, Жиззахнинг ҳар бир дарахтига буларнинг ҳаром жасадини осийб қўяман».

Ана шундай йиртқич офицерлардан таркиб топган суд ҳайъатидан адолат талаб қилиш – қуриган дарахтдан мева талаб қилиш билан баробар эди.

### **Суднинг бошланиш ё хамир учидан патир**

Бу суд аввалги судлардан бўлса ҳам, лекин улардан кўра қисқароқ бўлди. Жиноят шунчалар «равшан» эдики, ҳатто, тергов олиб боришни ҳам лозим топмадилар. Зеро, далил «қатъий», шикоятга ўрин йўқ эди. Бу иш икки қўшнининг жанжалидан келиб чиққан одатий машмашалардан бўлса-да, суд ҳайъати унга «жиддий» ёндашди.

Жиззах қўзғолонидан олдинроқ бозорнинг икки қоровули нима масалададир жанжаллашиб, бир-бирларига адоват билан қарайдиган бўлганлар.

Ўшалардан бири қўзғолондан сўнг занг босган, обойма (тирдон) си ҳам йўқ, мутлақо яроқсиз ҳолга келган эски тўппончани топиб, бояги кишининг ҳовлисига кўмиб қўяди ва фалончи ҳам қўзғолонда иштирок этган, ҳовлисининг фалон жойида тўппончаси бор, дея маъмурларга хабар беради. Ҳарбий маъмурлар ўша заҳоти солдатларни юбориб, ўша ҳовлидан бояги занглаб кетган тўппончани топиб, ҳарбий судга топширадилар. Ўшанда бировни гуноҳкор қилиш учун наинки тўппонча, балки оддий бир калтак ҳам қифоя қиларди.

Тўппонча «эгаси»ни ҳибс қилиб, ишини судга оширдилар.

«Ўта муҳим жиноятчи»ни солдатлар олиб кирдилар. Оқловчи адвокат йўқ. Суд бошланди. Занглаган тўппонча столнинг устида. Ундан сўрадилар:

– Тўппонча сеникими?

«Гуноҳқор»нинг ранглари оқариб, кўзёшлари шашқатор бўлди.

– Тўппонча меники эмас, – деди. – ...Бу душманлик ва тухматдан бошқа нарса эмас.

У яна нимадир демоқчи эди, унга гапиришни тақиқлаб қўйдилар. Шундан сўнг тўппончани айлантириб, у ёқ-бу ёғини кўргач, бир офицерни чақириб, ишлаш-ишламаслигини текшириб кўришга буюрдилар. Новча ва барваста офицер тўппончани олиб ташқарига йўналди. Суд ўтаётган хона сув куйгандек жимжит. Орадан бир соатдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳайъат бетоқат бўла бошлади. Нима гаплигини билиш учун яна бир офицерни жўнатдилар. Яна анча фурсат ўтди... Бир пайт тўппончанинг овози чиқди. Тўппончанинг овози чиқмасдан олдин «гуноҳқор» бир қадар тинчланган эди. Бироқ ўқ овозини эшитиб, рангрўйи ўчиб, қалтирай бошлади. Офицер кириб, тўппончани столнинг устига қўйди:

– Тўппонча бузилмаган, ундан ўқ отиш мумкин, – деди...

Аmmo икки офицер бир ярим соатлар чамаси текширган тўппонча бу яқин йилларда ишлатилмаганлиги кундек равшан эди.

Икки-уч варақдан иборат суд ишини «машварат» қилиш учун ҳайъат ичкарига олиб кирди... Машварат нима? Инсоннинг тақдири ҳал бўлган эди.

Бечора «гуноҳқор» қалтирар, унсиз йиғлар, кўзлари тўрт томонга жавдирар, бироқ ҳеч нарсани кўрмасди. Шўринг қургур тўппончани қандай ишлатиш тугул уни умрида бирор бор кўрмаганди. Бироқ ана шу нарса унинг умрига зомин бўлаётганди. У ўша фожиалар пайти ёш болаларига бир парча нон топиш умидида куймаланиб юрганди. Энди эса бўйнига сиртмоқ тушиш арафасида турарди. Унинг ички, руҳий бир қуввати ҳам йўқ эдики, ўлимни писанд қилмаса, дор остига хотиржам борса...

**Ҳар турли ғоялар билан яшайдиган кишиларда руҳий бардамлик ва қувват бўлади. Улар энг оғир дамларда ана шу руҳий кучларига таяниб, дор остига боришни шараф деб биладилар.**

Албатта, бу толесизда бундай ғоялар йўқ эди, бўлган тақдирда ҳам ўзи беҳабар ҳолда кўнглининг қоронғи қай бир пучмоқларида мудраб ётарди.

Уни ўлимга ҳукм этаётганлар беш-олти ойдан кейин суд олдида туриб қилган жиноятлари, ноҳақ тўккан қонлари учун жавоб беражакларини, унинг ўзидек дор остида қалтираб туришларини, давру давронлари тугагини у билмасди. Билганида бунчалик ғамгин ва музтар бўлмасди, ҳаётдаги буюк миссиясини бажаргандек сиртмоқни шоду хуррамлик билан бўйнига иларди.

Бугун маълум бўлдики, саҳар пайти ўша «гуноҳкор»ни юзлаб маҳбусларнинг кўзи олдида турма майдонида дорга осганлар.

Биринчи суд мажлисининг натижаси шундай якунланди...

Суд ҳайъати «машварат» учун ички хонага кирганида бир хиллар ўйлаган эдики, адолат қарор топади, бечорани озод қиладилар. Бироқ бундай бўлмади. Бошқа бир хиллар эса суд ҳайъатининг хулосаси қандай бўлишини сезиб туришарди. Хато хатони, адолатсизлик адолатсизликни келтириб чиқаради. Маҳбуснинг гуноҳсизлиги кундай равшан бўлса-да, суд ҳайъати аъзоларининг ваҳшийлиги ҳам шу даражада аниқ эди...

Кўзёшлари гирён бўлиб, истибдод қурбонига айланаётган у бечоранинг унсиз таваллолари суд қиляётган йиртқичларнинг кўнглига йўл тополмади. Суд ҳукми ғазаблар алангасига мой қуярди, бу гулханни янада баландроқ гуриллатарди.

Эй, софдил инсон, йиртқич бўрининг панжалари остида ётган кўй жонидан умидвор бўлармисан? Йиртқичлар галаси бўлган бу суд ҳайъати қурбон устига қурбон талаб қиларди. Бу қонхўрларни ўқиган, зиёли, дейсан, тўғри, улар одам ўлдириш, хонумонга ўт қўйиш, гораг қилиш бўйича сабоқ олишган.

## Иккинчи суд

Бу суд ҳам Жиззахда бўлиб ўтганди. Суд ҳукми билан 184 киши осилишга ҳукм қилиниб, шулардан 22 нафари дорга тортилди, қолганларининг ҳукми каторга жазоси билан алмаштирилди.

Тўғри, Туркистон аҳолисининг бир қисмини ташкил қиладиган маҳаллий маъмурлар — волосной, қози, оқсоқол, савдогар, судхўр, мулкдорлардан ташқари, аксарият аҳоли Чор ҳукуматини душман деб биларди. Чунки юқорида баён қилинганидек, ярим аср бадалида ҳукуматдан зулмдан бошқа нарса кўрмаганди. Ана шулар кўзғолонга фикран тарафдор эдилар. Бир қисм аҳоли кўзғолонга қалбан тарафдор бўлсалар-да, лекин бу [уларнинг] характерларида қатъийлашиб улгурмаганди. Жуда кам, тахминан 200 нафар атрофидаги кишилар кўзғолонда иштирок этишганди. Уларнинг бор-йўқ қуроли 10—15 та ов милтиғи, кетмон, ўроқ ва калтақдан иборат эди. Аммо кўпчилик ўн-ўн икки кунлик «ур калтақ, сур калтақлар» пайтида ўлдирилиб, қолганлар ҳар тарафга қараб қочиб кетишганди. Кўзғолонда иштирок этганлардан бир неча киши қолган бўлиб, улар Абдурахмон чувачи [жевачи] нинг партияси (5) га мансуб эдиларки, Жиззахда ҳарбий суд ҳукми билан қўлга олинган эдилар. Бу партиянинг 189 нафар аъзоси қамоққа олинди. Ҳолбуки, кўзғолонда бор-йўғи улардан бармоқ билан санарли кишилар иштирок этганди.

Иккинчи судда 184 киши жавобгарликка тортилган бўлса-да, шулардан Абдурахмон чувачи атрофидаги 10–12 киши ўз айбига иқроор бўлди. Қолганларни ҳукм қилиш учун ҳеч қандай асос ва далил топилмади. Асос ва далил шу эдики, улар кўча, бозор, уйлардан ҳибсга олинганлиги ёки оҳранага пул топиб беролмаганлиги ва қатъий далил эса уларнинг маҳаллий кишилар эканлигида эди.

Ю.Арбатнинг «Правда Востока» газетасидаги мақоласи (1936 йил 24 июль) да ёзилишича, иккинчи ҳарбий суд билан Жиззахдаги суд жараёни ниҳоясига етган. Аммо ана шу 184 кишидан ташқари, бошқа 300 киши устидан Самарқандда уч бор суд мажлиси бўлганди. Булар оҳранка бошлигининг юқорида зикр қилинган таъмағирлиги туфайли Самарқанд турмаларига жўнатилган мутлақо бегуноҳ кишилар эди.

Бу суд Самарқандда ўтказилиб, олдинги икки суддан кўра тантанаворроқ кечди. Олдинги суд ҳайъати ҳуқуқ илмидан беҳабар офицерлардан таркиб топган бўлиб, унда на прокурор ва ҳимоячи иштирок этганди. Аммо учинчи суд пайтида бу камчиликлар бартараф этилганди.

Умуман олганда, асли на прокурор ва на ҳимоячининг иштирокига ҳожат бор эди. Суд жараёнида прокурорнинг иштирок этиши бегуноҳларнинг гуноҳини янада кўпайтирарди, ҳар турли саволлар бериб, чалғитиб, йўқ айбларни бўйнига қўярди. Ҳимоячиларнинг эса мутлақо кераги йўқ эди. Чунки совун суртилган сиртмоқ ва дорнинг ёғочи уларни нигорон бўлиб кутарди. Бошқа томондан жаллоднинг болтаси билан 15 қадокли кишан тайёр турарди. 60–70 яшарли кишилар Сибирьёга бораётганда ўзларини вагондан ташлаб қочишлари эҳтимолига қарши бу кишанлар билан уларнинг қўл-оёқлари занжирбанд қилинарди!.. Сибирь шахталарида қўлларга илинган кишаннинг бир учи замбилга боғланардики, бу фалокат урганларни милтиқ қўндоғи билан ҳадеб уравермай, золим Николай замонида ўлиб-нетиб қолмасликлари учун эди.

Бу галги суд ҳайъатида бир раис ва тўрт аъзо бўлиб, тўрттала аъзо ҳам Самарқанднинг оддий офицерларидан эди. Раис, прокурор ва котиб шу суд учун Тошкентдан махсус чақирилганди. Бу тўрттала аъзо ҳам бир пулга қиммат одамлар бўлиб, уларнинг суддаги иштироки номигагина эди.

Бу икки қотил, яъни раис ва прокурор эшак табиат одамлар бўлиб, юзларидан қаҳр томиб турарди. Раис узун бўйли, рангпар, виқор билан боқадиган камгап, гапини бўлиб-бўлиб сўзлайдиган киши эди. Кўзлари чунонам беҳол ва беназир бўлиб, гўё қорачиқлари ҳозир тамоман йўқолиб кетадигандек туюларди. Бақрайиб қараб турар, деярли киприк қоқмасди.

Бу ўринда раис ва прокурорнинг ташқи ва ички қиёфасига тўхталиб ўтишни лозим топдик, чунки иш ана шу икки қотилнинг қўлида эди.

4 аъзо эса ҳайбаракаллачи маддоҳлар бўлиб, аниқроқ айтганда, уйнинг дарпардаси ёки овқат устолига ёпиладиган пўпакли мато (скатер) каби хонага зеб берадиган бир буюмдек эдилар, яъни суд ҳайъатида қўр тўкиб ўтиришдан бошқа нарсага арзимайдиган кишилар эдилар. Фақат шу суддагина улар аҳамиятсиздек бўлиб кўринардилар, аслида уларнинг оқ кўллари маҳаллийларнинг қизил қонига бўялганди... Раис ва прокурорнинг кўринишлари тубандагидек эди: ҳаракатлари оҳиста, юзлари тош қотган, афтига қараб бирор-бир маъни уқиб бўлмас, умуман, ҳиссиётдан бутунлай бегонадек эдилар.

Сўроқ пайтидан ҳам кам гапиришар, гуноҳкорлардан гўё унга мутлақо алоқаси йўқ гапларни сўрашарди. Гуноҳкорлардан бир-икки оғиз гап сўрагач, бошини аввал ўнг томонга, кейин чап томонга буриб, сўроқ навбатини ҳайъат аъзоларига ҳавола этарди, лекин уларда ҳам гапириш истаги йўқ эди: кўлларидаги қалам билан столда турган рўйхатга қанақадир белги чизиб ўтирардилар. Прокурор ва ҳимоячининг гапларидан сўнг кўлларидаги ўша қалам билан гуноҳкорга «ўтир» ишорасини қилишар, сўроқ навбати бошқа гуноҳкорга келарди.

Бандиларнинг ичида 30 ёшгача бўлганлар кам эди, кўпчилик 40–45 ёшларда бўлиб, қарийб 100 киши атрофида эдилар.

Ишнинг ғалатилиги шунда эдики, 300 га яқин «қўзғолончи»ни 3 қисмга ажратиб, суд қилардилар ва ҳар бир қисм муайян бир вулуснинг аҳолиси эди.

Биринчиси Бағдод (ҳозирги Фориш) вулуси, иккинчиси Сангзор вулуси, учинчиси қайси вулуслиги хотирамдан кўтарилган. Албатта, бу тенг тақсимланишлар тасодифий бўлмай, ҳар бир вулусдан 100 кишидан олиб, тантанали суд қилиш олдиндан келишиб олинган эди. Шу 100 кишидан 5-6 киши турманинг ўзида ўлган ёки бемажоллигидан судга ҳам келолмаганлар эди.

Маҳқумларни осигга ҳукм қилаётганлари ва имзо чекаётганларида суд ҳайъати таркибидагиларнинг бир тола мўйи ҳам қилт этмасди...

Иккинчи қотил прокурорнинг кўриниши раиснинг акси эди. У бир поручик бўлиб, ўрта бўйли, тез-тез гапирадиган палағда овозли бир киши эди. Гаплари катта тезликда кетаётган машинанинг остидан сачраётган тошга ўхшарди; бошқача айтганда, унинг ўзи машина эди-ю, гаплари машина остидан отилиб кетаётган тошлар эди. У шундоқ тутақиб, дарғазаб бўлардики, гўё қаҳру ғазабдан яралган ҳайкал, десак, хато бўлмайди. У бир тутқич бермас асов ва сармаст бир от эдики, ҳам тишларди, ҳам тепарди, ҳам боши билан калла соларди.

Раиснинг юзида раҳм-шафқат кўринмасди, прокурор тўғрисида гап кетганда эса раҳм-шафқатни эслашнинг ўзи ноўрин. Унинг тош қотган юзига чимдим табассум ҳам ярашмасди. У мажлисда ўзини шундай тутардики, у гўё оч қолган бўри-ю, судланаётганлар мисоли кўй-қўзи эдилар.

Гуноҳкорлар унинг газаб алангаланган кўзларига тоб беролмай, кўзларини ерга қаратар, қўрқиб-қалтираётганларидан нима қилишларини билмай, гўёки ҳозир бўри ҳамласига отилиб, уни тилка-пора қиладигандек кутишиб туришарди. У нафақат гуноҳкорларга, балки залда ўтирган бошқа кишиларга ҳам нафрат билан қарар, иложи бўлса, залда ўтирган бошқа кишиларни ҳам гуноҳкорлар сафига қўшса...

Мазкур учинчи мажлис собиқ Гражданлар клубининг катта залида ўтарди. Зал саҳнасида катта узун устол қўйилган бўлиб, устига қизил мовут ёпилган. Столнинг бир томонида раис, белларига шамшир тақиб тилларанг погонларини ярақлатиб, кўксига қатор нишонлар тақиб олган тўрт аъзо икки ёнида қатор ўтиришарди. Прокурор суд ҳайъатининг чап томонида, 7-8 нафар ҳимоячи, яъни адвокатлар ҳайъатнинг ўнг томонида жойлашганди.

Устолнинг устида узун ва қалин учбурчакли хоч ўрнатилган бўлиб, ҳар бурчагидаги нақшинкор ўймалар диний ривоятларга ишора берарди. Христианларнинг ота, ўғил ва муқаддас руҳ ҳақидаги тушунчалари унда тажассум топганди. 100 нафарча гуноҳкорни милтиқли аскарлар қуршаб турарди. Судни томоша қилишга келганлар ҳам унча кўп бўлмай, 15–20 чоғли кишидан иборат эди. Зеро, хоҳ европалик бўлсин, хоҳ маҳаллий бўлсин, суддан нафратланардилар — шу боис одам камчил эди. Улар ташқарида махсус жойда ўтиришарди.

Умуман олганда, жиноят бирор-бир қурол-аслаҳа билан содир бўлади. Суд пайтида ана шу далилий ашёлар устол устида туриши керак, лекин ушбу судда бунақа «ашё»ларнинг ўзи йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Сабаби юқорида баён этилганидек, кўзғолон иштирокчиларининг кўпчилиги ўша пайтдаёқ ўлдирилган, бошқа қисми Абдурахмон чувачига қўшилиб осилган, қолганлари эса Сибириёга сургун қилинганди.

Бу ердаги «гуноҳкорлар» эса, такрор айтамыз, кўча, раста, бозорлардан тутиб келинган, оддий тирикчилик кўйида куймаланиб юрган кишилар бўлиб, бўҳтон, чакувга учраб, охранка агентларига пора беролмай қамалган одамлар эди. Баъзи бир бойлар ҳам ўзларини қутқариш ва ҳукуматга садоқатларини кўрсатиш учун баъзи камбағалларни ушлаб беришганди.

Бу суд ҳақ билан ноҳақни ажратиш учун эмас, балки мустабид «оқ подшо» савлати ва шукуҳини кўрсатиш учун, Туркистон аҳолисининг кўнглига янада қўрқув солиш ҳамда уларнинг кўзини мошдай очиб кўйиш учун олиб бориларди.

Суд жараёнини тасвишлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зотан, суд қарори олдиндан тайёрлаб қўйиларди. Бироқ судда кечган икки воқеани айтиб ўтсак, суднинг ҳақиқий моҳияти яққол кўзга ташланиб қолади.

Биринчи воқеа бундай бўлганди:

Бандиларни сўроқ қилиш вақти бошланди. Суд раиси қўлидаги рўйхатга қараб, бандини ёнига чақирар ва таржимон орқали айбига иқрорми, иқрор эмаслигини сўрарди.

Банди, албатта, иқрор эмас...

Раисдан сўнг савол бериш навбати аъзоларга келади. Раиснинг икки томонида иккитадан бўлиб ўтирган нақшинкор хумга ўхшаган аъзолар қонундан умуман хабарсиз бўлиб, нима ҳақда гап бораётганлигини ҳам англаб етмаган эдилар, шунинг учун бўлса керак савол бериш ўрнига жимгина ўтиришни маъқул кўрардилар.

Уларнинг тўрда кўр тўкиб ўтиришларининг ўзи кифоя эди, раиснинг ҳам улардан бошқа талаби йўқ эди. Кўряписизми, расмий аҳмоқгарчилик қай даражага етган?!

Аъзолардан сўнг савол навбати прокурорга келади. Навбати етганлигини билган прокурор ўзини шер ҳис қилар... йўқ, шер демайлик, шерни ҳақорат қилган бўламиз, чунки шернинг қорни тўйгач, овга бошқа рағбат сезмайди. Прокурор ўзини бўридек тутарди, чунки бўри қўйларга ҳамла қилса, бир бошдан қўлидан келганча қўйларни бўғизлаб, чавақлаб кетаверади. Прокурор бўри тахлит ҳамла қилар, қонли лабларини тамшаниб-тамшаниб ялар, курсисиди тебраниб, баъзан ўрнидан кўтарилиб бўкиргудай бўларди.

Ана энди навбат унга етди. Раис бандини унга ҳавола қилди. Банди гўёки гўшт парчаси-ю, прокурор оч ит... оч қолган ит ҳам каттароқ гўшт парчаси ташланса, бирдан емай, аввал тишлаб, кейин олди оёқлари остига олиб, атрофга аланглаб-аланглаб, узиб ея бошлайди. Тўйгач, қолганини кейинги кунлар учун яшириб қўяди...

«Ит гўштга етган» пайти, яъни прокурорнинг навбати етган маҳал қўлидаги рўйхатга қараб қўяр, бандига бошдан-оёқ назар солиб, палағда товуши билан савол беришни бошларди...

Прокурор ишни (дело) бир неча бор ўқиб кўрган бўлса-да, ҳатто, иккинчи, учинчи даражали далиллар ҳам йўқ эди. Унинг қаршисиди қўл-оёғи боғланган маҳбус турардики, прокурор учун бошқа далилнинг кераги ҳам йўқ эди.

Прокурор суҳандонлиги ва чечанлигини маҳорат билан ишга солиб, муаммоли, шубҳали, чалкаштирувчи қисқа-қисқа саволлар бериб, гуноҳкорларни чалғитмоқчи бўлар ва гуноҳкорнинг жавоби гўёки айбига иқрор бўлгандек оҳангда жаранглашини истарди. Чунки гуноҳкорнинг айбига иқрор бўлиши мингта далилдан кўра қулайроқ эди.

Гуноҳкор прокурорнинг саволига тушунмай, баъзан қайта сўрашга журъат қилолмас ёки жавоб берса ҳам прокурорнинг найранг ва фириб билан тўқиган тўрига илиниб қолардики, у ўзининг бераётган жавоби ўзига зарар келтиришини фаҳмламасди...

Дарвоқе, ота-боболари қишлоқда яшаб ўтган кишининг ўзи умрида шаҳарни кўрмаган бўлса, ажаб эмас. Унинг айтиб-эшитадиган гаплари ҳам деҳқончилик билан боғлиқ гап-сўзлар: ҳўкизу омон, ўроғу кетмон, эшағу тўқим ва ҳоказо. Боз устига, мактаб деб аталадиган бинони ҳам умрида кўрмаган. Энди у қаердан билсинки, бир гап учун наинки бир уй ё ўн уй, балки минглаб уйлар кўйиб кетса, хонумонлар бузилса, нафақат бир шаҳар, балки бутун бошли бир мамлакатлар хароб бўлса...

Прокурор гуноҳкорга тикилиб, олдиндан тайёрлаб қўйган саволларини бера бошлайди. Аммо, таржимон прокурорнинг бу айёрлигини пайқаб қолиб, унинг жиноятига шерик бўлишни истамай, бу саволларга шарҳ бериб, авом тушунадиган тилга ўтира бошлайди. Шу тариқа 2-3 гуноҳкор прокурорнинг чангалидан қутулиб чиқишга муваффақ бўлади.

Прокурор ўзи учун бу ноқулай вазиятни таржимондан кўриб турарди; зеро, у савол бераётганида таржимоннинг кўзига қаттиқ тикилар, саволларини дона-дона қилиб талаффуз қиларди, лекин таржимон унга эътибор бермай, ўз ишига собит турарди...

Прокурор кўрдик, бандилар унинг қўлидан қутулиб кетяптилар, берган саволларининг бирига ҳам мувофиқроқ жавоб ололмапти, яъни ов бароридан келмапти...

Тўртинчи маҳбус келади... Прокурор икки-уч бандини яхши гапириб овламоқчи бўлади (яхши гапириш, албатта, унинг наздида, аммо бу яхши муомаласи оддий одамларнинг ҳақоратларидан ҳам ёмонроқ эди), бироқ қўлидан ҳеч нарса келмай, кейингиларини кўрқитиб, кўрқитиб жавоб олмақчи бўлади.

Аммо бу гал прокурор ўзини тия олмайди. Унингча, таржимон берган саволларни нотўғри таржима қилиб, хиёнат қиларди. Унинг сабр косаси тўлиб, бир пайт таржимонга ташланиб қолади:

– Менимча, сиз менинг саволларимни нотўғри таржима қилаяпсиз, бир оғиз гапимни маҳбусга ўн оғиз қилиб етказаяпсиз! Менинг гапимга гап қўшмасдан айнан таржима қилишингизни талаб қиламан!..

Шу пайт прокурорнинг ранг-рўйи ўчиб, ғазабдан қалт-қалт титрарди. Таржимон ўзини сокин тутиб, жавоб қайтаради.

– Прокурор жаноблари, сиз адабий тилда гапиряпсиз, агар мен сизнинг гапингизни айнан ва сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсам, қишлоқнинг одами сизга нима деб жавоб беради? Жавоб берган тақдирда ҳам саволга мувофиқ келмайди, англашилмовчилик юзага келади. Агар сиз гапингиз ва саволингизни очиқроқ, аниқроқ баён қилсангиз, менинг шарҳ бериб ўтиришимга ҳожат қолмасди.

– Буёғи сизнинг ишингиз эмас, вазифангиз айнан таржима қилиш, сиз менга йўл кўрсатманг, мен ўз ишимни яхши биламан, — дейди прокурор янада қизишиб.



– Кечирасиз, жаноб прокурор, менинг вазифам саволингизни гуноҳкорга тушунтириб бериш, токи у саволга тушуниб жавоб берсин. Зеро, бу ерда инсоннинг тақдири, ҳаёт-мамоти ҳақида гап кетяпти, — дея таржимон бу гал қатъийроқ жавоб қайтаради.

– Яна такрорлаб айтаман, менинг саволимга гап илова қилманг, мен нимани дейман, борича таржима қилинг, сизни бу ерга таржима қилиш учун олиб келганлар! — дея прокурор хирилдоқ овози билан фарёд солиб, қаҳр билан столга мушт соллади...

Шу лаҳза суд ҳайъати, адвокатлар ҳайъати, маҳбуслар, хуллас, залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ҳайратдан қотиб қолишади, залда пашша учса, эшитилгудек сукунат чўкади.

Прокурорнинг бу таҳдидидан сўнг таржимон суд раисига мурожаат қилади:

– Раис жаноблари, мени ҳарбий суд мажлиси таржимонлигидан озод қилишингизни сўрайман, чунки мен прокурорнинг талабини бажаролмайман ва виждоним олдида гуноҳкор бўлишни истамайман...

Суд раиси ҳар икки томонни тинчитиб, аъзолари билан маслаҳатлашиб олиш учун махсус хонага кириб, 3-4 дақиқадан сўнг прокурорни ҳам чақириб олади.

Ичқарида нима гап бўлганлиги бизга қоронғу, аммо бир неча лаҳзадан сўнг прокурор залга чиқиб, лабу юзига ярашмаган аянч бир табассум билан таржимондан узрхоҳлик тилайди.

– Илтимос, мени кечирасиз. Ишимиз оғир, сал асабийроқ бўлиб қолибман, ўзингиз биласиз, прокурорнинг вазифаси — гуноҳни бўйнига қўйиш...

Таржимон прокурорнинг узрхоҳлиги тугамай, унинг гапини кесади:

– Албатта, прокурорнинг вазифаси гуноҳни бўйнига қўйиш, таржимоннинг вазифаси эса бировнинг гапини иккинчи кишига механик ўгирмасдан, аниқ тушунтириб етказишдан иборат...

Шундан сўнг суд раиси ҳам таржимоннинг олдига келиб, табассум билан ўз ишини давом эттиришини сўрайди:

– Мажлисга қатнашинг, билганингизча ишингизни давом эттиринг...

Ичқарида раис билан прокурор ўртасида нима гап бўлганлиги номаълум эди, лекин улар чиққач, вазият бир мунча ойдинлашади...

Раис ва прокурор бир идорада ишлардилар. Унинг раисга шоғирдлиги ҳам бор эди. Яқинда уни юқоридан прокурорликка тавсия қилишганди. Гарчи поручик даражаси прокурорликка нолойиқ бўлса-да, ўшанда офицерлар камчилиги учун кичик даражадагилар ҳам катта амалларга қўйиларди.

Таржимон эса бу «бўрилар ва қўйлар» мажлисига мажбуран чақирилган бўлиб, агар ихтиёр ўзида бўлса, ҳозироқ орқа-олдига

қарамай, қочишга тайёр эди. У прокурор билан бўлган машмашадан сўнг раис менга жавоб берса керак, деб бир қадар хурсанд бўлиб турарди. Бироқ, у кутгандек бўлмади, яъни тегирмон тошидан ҳам оғирроқ таржимонлик юки яна унинг бўйнига ортилди...

Суд давом этарди.

Навбат гувоҳларга келди.

Гувоҳ полковник Вукин билан бирга ўлдирилган таржимон Зокиржоновнинг ўғли эди. Бу йигит кўзғолон бостирилгач, қаердандир келиб, одамларга: «Хабарим бор, отамни сен ўлдиргансан!» дея тухмат қилар, пул берганларни қўйвориб, пул бермаганларни «начальник охранка»га топшириб ҳибс қилдиради.

Ана шу тахлит ҳибсга олинганлардан ўн чоғли киши гуноҳкорлар курсисиди ўтирарди.

Гувоҳ Зокиржонов чақирилди.

Раис расмият юзасидан савол берди:

— Гувоҳ Зокиржонов, отангизни ўлдиришда бу гуноҳкорлардан кимлар иштирок этган, таниганларингизни қўлингиз билан кўрсатинг!

Гувоҳ оддий маҳаллийлардан эмасди, шаҳарда тўрт йиллик рус мактабини тугатгани, русчани яхши билгани ҳолда анча журъатли эди.

У устол олдида келиб ўзини ноқулай ҳис қила бошлади, кўлларини қаерга қўйишни билмай каловланди. Бошини чап томонга андак эгиб, кўз остидан раисга қарар, ўзини гувоҳ эмас, гуноҳкордек сезарди, кейин раиснинг иккинчи саволига жавоб берди:

— Мен бу одамларни танимайман...

Раис унинг гапини эшитмади ё фаҳламади шекилли саволини тақрорлади.

Гувоҳ бу саволга бошини ҳам қилганча жавоб берди:

— Танимайман.

Прокурор бу жавобни эшитгач, ранги ўчиб, жойида қотиб қолди, лаблари титраб, кўзлари ғазабдан қисилиб кетди. Чунки якка-ю ягона далил ҳам қолмади, пойдевори омонат иморати бузилиб, охири гиштаригача яксон бўлди! Гувоҳнинг бу инкори судга берилган қақшатқич зарба бўлди. Дарҳақиқат, аввалги «танийман» деган ёлғони бугун «танимайман» деган рост гап билан ўрин алмашди. Ҳатто ўзини виқор ва салобат билан босиқ кўрсатиб ўтирган раис ҳам нима қиларини билмай, бир оз сукутга толгач: «Нега аввал танийман деганларингни бугун танимай қолдинг?» — дея қалтироқ овоз билан сўради.

— Ўша пайтда, — деди гувоҳ, — отамнинг мусибати билан нима қилганимни ўзим ҳам билмайман. Кимнинг ёқасидан олишни билмай, отамни шу ўлдирган бўлса керак, деган хаёлга борардим, аммо, энди ўзимга келдим.

Раис ҳар қанча тиришса ҳам, гувоҳ «танайман»ини давом эттираверди. Прокурор унга саволлар бериш бефойдалигини тушуниб, унинг баҳридан кечди. Аммо, аввал бошда «гаранг» бўлиб, кейин «хушёр» бўлганлигининг сабаблари бор. Гуноҳкорлар ўлимдан қутулишнинг бирдан-бир чораси Зокиржоновга пул бериш эканлигини англаб етган эдилар. Улар қариндош-уруғлари орқали пораю чора бериб, унинг «танайман» деган сўзини сотиб олдилар. Лекин бу чора ҳам «гуноҳкорлар»га фойда бермади, Тошкентнинг олдиндан чиқариб қўйган қарори ўз ишини қилди.

Умуман олганда, суд асосининг мантиқи гуноҳкорга қарши тўққиз далил бўлса-ю, беғуноҳлигига бир далил бўлса, кейингиси билан гуноҳкор оқланиши мумкин. Бироқ бу судда барчаси аксинча эди. Чунки бу ўринда гуноҳкорларга нисбатан наинки 9 та далил, ҳатто, битта ҳам далил йўқ эди.

Қўзғолонни бостиришда маҳаллийлардан 15–20 минг киши ўлдирилди, деган овозалар тарқади.

Қанча одам ўлдирилганини ҳеч ким санаган эмас, албатта. Бунақа ҳисоб-китоблардан ҳукумат ҳам манфаатдор эмасди, балки масаланинг устини ёпишга ҳаракат қиларди.

Ўлдирилганларнинг миқдори ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Газетага ёзишга эса цензорь йўл қўймасди. Бу борадаги ягона далил Жиззах уездигаги кишиларнинг оғзаки гапи эди. Чиндан ҳам, ўша пайтлар: «Қишлоқда одам кам қолди», дейишарди. Аниқ ҳужжат бўлмаса-да, бу ерда аҳолидан эшитган маълумотни беришни лозим топдик. Балки бу овозаларда муболаға ҳам бўлиши мумкин. Лекин Жиззах шаҳари-ю қишлоқларида ҳам одам камайиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас.

## **Тўртинчи ҳарбий суд**

Бу судда ҳам 100га яқин гуноҳкорнинг иши кўриб ўтилди. Уларга қўйиладиган аниқ ашёвий далиллар бўлмаса-да, улар «начальник охранка»нинг протоколи билан қамалган эдилар. Учинчи судда бўлгани каби бунисида ҳам «адолат» номидан иш кўрилиб, «тергов» олиб борилди, «гуноҳкорлар»нинг «айби» бўйнига қўйилди ва Тошкентнинг элдан бурун чиқариб қўйган қарори кучга кирди. Маҳбусларнинг бир қисми дорга тортилиб, қолганлари Сибириёга сургун қилинди.

## **Бешинчи суд**

Бу охириги суд эди. Унда ҳам 100га яқин маҳбус иштирок этди.

Ҳарбий клубнинг катта залида бўлиб ўтган бу судда ўша ҳайъат ҳакамлик қилди ва олдинги судларда бўлганидек, бунисида ҳам ҳар доимги асъасаю дабдаба ҳукмронлик қиларди... Аммо аввалги икки

судга нисбатан бошқача ўтган бу суднинг тафсилотига тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Бошқача ўтган бу суднинг ўзгачалиги шунда эдики, бу охири суд бўлиб, гуноҳкорларнинг қариндош-уруғларига бирор чора излаб топиш учун фурсат етарли эди. Гуноҳкорларнинг қариндош-уруғларидан бир неча киши Тошкентга бориб, ўша пайтлар адвокатлик қиладиган жадидларнинг йирик намояндаларидан бири Убайдулла Хўжаевга олдиндан хизмат ҳақини тўлаб, уни гуноҳкорларга вакил бўлишга кўндирдилар.

Убайдулла Хўжаев Петроградга бориб, у ердан биринчи даражали икки адвокат Бениамин Ахтамов ва Иброҳим Ахтамовларни Самарқандга олиб келди. Бу татар адвокатлар ака-ука эдилар. Бениамин Ахтамов (акаси) Давлат Думасининг депутати эди. Жами адвокатларнинг сони 10 тага етди.

Суд мажлиси бошланди. Гуноҳкорлар ва гувоҳлар сўраб бўлинди. Гуноҳкорларга қарши бу судда асосий далил «начальник охранка»нинг протоколи эди.

Сўроқ тугади. Навбат прокурорга келди. Прокурор узундан-узоқ нутқи давомда сувдан ҳалво ясаб, йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатишга кўп куч сарфлади ва суддан гуноҳкорларга қаттиқроқ жазо беришни сўради.

Сўз навбати адвокатларга етди. Аввал Бениамин Ахтамов чиқиб, нутқ сўзлади. У нутқда бегуноҳларга айб қўйилаётганлигини, бу борада Туркистон ҳукуматдорларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилаётганлигини таъкидлаб, бу ҳақда Давлат Думасига ахборот бераман, дея жойига ўтирди. Саккиз нафар бошқа адвокатлар ҳам билганларича нутқ сўзлаб, халқнинг саводсизлигини мисол келтириб, суддан маҳбусларни авф қилишни сўрашди. Шундан сўнг навбат охири адвокат Иброҳим Ахтамовга етди ва у қарийб икки соатча нутқ сўзлади. Нутқидан хотирамда қолган жойларини баён этаман:

– Муҳтарам судьялар! – деди у. – Мана неча асрлардан буён Русияда ноқонунийлик ва сохта идора тизими давом этиб келмоқда. Ҳозир бу қонунни суиистеъмол қилиш ва сохтагарчиликка муфассал тўхталадиган бўлсак, суд мажлиси ҳали-бери тугамайди. Лекин айни замонда, яъни XIX аср охири ва XX аср бошларида қонунни оёқости қилаётган, сохтагарчиликни кучайтираётган бизнинг ўзимиз, бошқача таъбир ноўрин.

Чунончи, қонунларга амал қилмаслик оқибатида юзага келган тартибсизликлар, исёнларни ким билмайди, дейсиз. 1892 йил Астраханда тартибсизликларнинг вабодек тарқалиши, ўт қўйишлар, турли шаҳарларда яҳудийларни қирғин қилишлар, Кавказда арманилар билан татар (турк) лар ўртасидаги можароларнинг юзага келиши Русияда

урчиб кетган қонунсизликларнинг оқибати эканлигини қай биримиз инкор эта оламиз?

Баҳамжиҳат бўлиб, тинч-тотув яшашни хуш кўрадиган Туркистон аҳлини ана шу қонунсизликлар ва идора тизимидаги сохтакорликлардан бошқа нима кўзғатди? Яна қанақа сабаб қурол-яроқсиз одамларни тўп, пулемёт, милтиққа қарши юришга, найза ва қиличга кўкрагини тутиб беришга мажбур қилди? Гарчи бунт [исён] лар, погром [ўт кўйишлар]лар, можаролар ва кўзғолонлар турли вазият ва жойларда турлича кўринишда юзага келган экан, уларнинг бир асоси, бир сабаби, бир аслияти, бир манбаси борки, буларнинг ижодкори бир гуруҳ кишилاردир...

Агар ҳукумат бу асос ва сабабларни йўқотишни истаганида ҳозиргидек сиёсат олиб бормаган бўларди ва ҳеч ким уни танқид қилмас эди. Лекин ҳукумат бу масалада ташаббус кўрсатмади. Истамагани учунми? Нега истамайди?.. Биз бу саволга жавоб беролмаймиз. Ҳамма иллат ҳам ана шу ерда. «Нега истамайди?» деган саволга жавоб берсак, барча ҳийлаю найранглар фош бўлади... Ҳукумат сиёсатини ўзгартириш ё ислохотлар ўтказишга салгина ҳаракат қилганда ҳам бир иложи бўларди, лекин доктор касални даволаш ўрнига унинг ўлимини тезлаштиряпти...

Иброҳим Ахтамов шу ерда озроқ нафасни ростлагач, нутқини яна давом эттирди:

– Жаноб судьялар, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси билардики, тиш-тирноғигача қуролланган миллионлаб аскарга эга ҳукуматга қарши бориб бўлмайди, унга қарши турадиган қуввати йўқ, исён кўтаргани билан мағлуб бўлишини ҳам яхши тушунарди, Туркистонда мустақил давлат қуриш хомхаёлдан бошқа нарса эмаслиги ҳаммага аён эди. Аммо, кўрдик, адолатсизлик кун сайин авж олиб боряпти ва бу одамлар таназзул ёқасига етиб келганлигини англади. Иш жонига тегиб, пичоқ суюгига қадалгач, бунақа азоб-уқубатли тирикчиликдан кўра ўлганим яхши, дея ўзини тўпу милтиққа нишон қилиб берди...

Ўз бошига ўзи мушт уришдан иборат бўлган бу фавқулоддаги журъатни бартараф қилиш ҳукуматнинг хаёлига ҳам келмади, зеро, истамади, ҳатто ўйлаб кўришни ҳам хоҳламади. Аксинча, инсонлик шаъни ва ҳуқуқи поймол бўлган халойиқ узра ўқлар ёмғирини ёғдирди. Булардан ташқари, қанча одамларни турмага тиқиб, уларнинг юзига тупурди, бугун эса суд қилияпти. Оддий суд ҳам эмас, ҳарбий суд қилинмоқда.

Жаноби прокурор қонунни варақлаб, баъзи бир ҳарбий жиноят моддалари бўйича айблов эълон қилияптики, прокурорнинг келтирган моддаларидан ҳеч бири кўрилаётган бу ишларга алоқадор эмас. У топиб олган ана шу моддаларини зўр бериб бу ишларга тиқиштирмоқчи

бўляпти. Ваҳоланки, унинг ўзи нима ҳақда гап кетаётганлигини ҳам тушуниб етмаганга ўхшайди.

Модомики, исён кўтарганнинг қуроли эски бир темиру таёқдан иборат экан, бунинг учун уни ҳарбий жиноятчи сифатида отиш ва осишга ҳукм қилиб бўладими? Жаноби прокурор талаб қилаётган бундай қарорини қаерда кўрган экан? Нимага асосланиб қаттиқ жазо талаб қилаётган экан? Жаноб прокурорнинг нутқидан маълум бўляптики, у келтирган моддаларининг маъносини умуман тушуниб етмаган.

Адвокат Иброҳим Ахтамов прокурор келтирган ҳарбий қонун моддаларининг кўрилаётган ишларга алоқаси йўқлигини бир қанча мисоллар билан исботлаб, қўзғолонни юзага келтирган асос адолатсизлик эканлигини таъкидлаб, жойига ўтирди.

Прокурор адвокат нутқ сўзлаётганда худди чўғни устига ўтириб қолгандек бетоқат бўлиб ўтирганди, адвокатнинг гапи тугаши билан суд раисидан ижозат ҳам сўрамай, қаҳр ва ғазаб билан гапира бошлади:

– Бу нобакор ва кўрнамакларни отишу осиш ҳам камлик қилади! Мен қонунларни билиб татбиқ қилганман!..

Адвокат раисдан ижозат сўраб, сўз олди.

– Муҳтарам судьялар! Жаноби прокурор менга ғазаб билан жавоб берапти. Бу ер қаҳр ва ғазаб сочадиган майдон эмас, балки мантиқий нутқ сўзлайдиган воизлик майдони. Тўғри, офицерлик амали ундан ғазабнок бўлишни талаб қилади, лекин у бу ерда прокурор амалида ўтирган экан, вазият ундан мантиқли сўзлашни талаб қилади.

Мен прокурор келтирган қонун моддаларининг мазкур жараёнга алоқаси йўқлигини таҳлил қилиб бердим, зотан, бу моддаларнинг ноўрин татбиқ этилаётганлигини нафақат мен, балки ҳуқуқ илмидан озгина хабари бўлган ҳар бир одам ҳам яхши тушунади. Агар прокурор қонунни нотўғри татбиқ қилганлигини тан олса, ўзи учун яхшироқ бўларди, зеро, масалда айтилганидек, «Тўғри гапда ёлғон бўлмайди». Аммо ҳозирги гапларидан кўриниб турибдики, жаноб прокурор қонундан мутлақо беҳабар ва бу ҳуқуқшунос учун катта айб саналади.

Суд гуноҳдорлардан охириги сўзларини эшитиб, қарор чиқаришдан олдин маслаҳатлашиш учун ичкарига кириб кетди...

Суд ҳайъати кириб кетгач, судни кўришга келганлар адвокат Иброҳим Ахтамовнинг нутқи ҳақида баҳслаша кетдилар. Йигилган барча кишилар И.Ахтамовнинг нутқидан ҳайратга тушган эдилар. Зеро, Туркистонда ҳеч бир инсон ҳукуматга қарши айтилган бундай гапларни эшитмаган эди, барча унинг журъатига қойил қолганди...

Олдинги суд мажлисларининг қарори узоғи билан бир соат ичида ўқиб эълон қилинарди.

Қарордан маълум бўлишича, суд прокурорнинг талабини инобатга олмай, қаттиқроқ жазо ўрнига «енгилроғи»ни қабул қилган, яъни ўлим жазоси ўрнига барча гуноҳкорлар Сибириёга сургун қилинадиган бўлган.

Йиғилганлар «енгилроқ» жазо берилиши сабабини Бениамин Ахтамовнинг «Давлат Думасига маъруза қиламан», деган таҳдидидан, дея талқин қила бошладилар.

Бу фикрларда жон бор эди. Ваҳоланки, Туркистондаги бу ноқонунийликлар Давлат Думасидаги сўл қанотдагилар учун яхшигина дастак бўлиши мумкин эди.

Жиззах шаҳри ва уезди аҳолисининг жазога мустаҳиқ этилган охириги суди шу бўлди.

### **Қирғиннинг оқибати**

Охириги судда адвокатлар ҳукуматнинг адолатсизлиги ва зулмини рўйирост очиб ташладилар. Бу гаплардан шу нарса аёнлашадики, ҳукумат ўтказаётган сиёсатидан ўзи ҳам хавфсираб турибди. Лекин олиб бораётган сиёсатини ҳукуматдорлар яхши биларди. Такрор айтамиз, асосий мақсад туб аҳолини батамом қириб, уларнинг ўрнига муҳожирларни жойлаштирмақ эди...

Такрор бўлса ҳам яна бир бор эслатиш жоиз: қирғин пайти 20 минг атрофида одам ўлдирилганлиги овоза бўлганди. Бу ерда ўлдирилганларнинг сони кам ё кўп бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Улар тўп, милтиқ, пулемёт ва қиличдан ўлдирилган эдилар. Лекин очликдан ўлганлар, Бухоро ва Афғонистонга тарқаб кетганлар улардан кам эмасди. Қирғиндан сўнг очликдан ўлганлар ўн минглардан ошарди.

**Жиззах деҳқончиликка ихтисослашган уезд эди. Ҳар йили Жиззахдан юз минг пуд галла Фарғонага жўнатиладди.**

**Жиззах уездида шундай галла омборлари бор эдики, галлаларни ҳар томонга жўнатган билан тугамасди, чунки у ерда неча йиллик галла-дон тўпланганди. Бекорга Жиззахни новвойхона, дейишмасди.**

Агар Жиззах уездида уч йил қаҳатчилик бўлса ҳам, галласи нафақат ўзига, балки бутун Туркистонга етарди. Жиззахда қаҳатчилик бўлганлигини шу пайтгача ҳеч ким эшитмаган.

Тўғри, 1917-1918 йилларда на қор ёғди, на ёмғир. Самарқанд уездларида ҳам ёнғинчилик бўлмади. Лекин Самарқанд вилоятида ҳеч ким ўлган эмас. Бироқ Жиззах уездининг кўпчилиги очликдан жон берди. Тирик қолганлар боши оққан томонга тарқаб кетди, қишлоқларда ҳатто ит ҳам қолмади.

**Очарчиликнинг сабаби** шунда эдики, қиргин ғалла ўриш пайтига тўғри келганди. Баъзилар нон учун 4-5 пуд янчиб оларди, лекин ҳосилни йиғиб олишга киришмаган эдилар. Айнан ўша пайт рамазон ойи бўлиб, кўпчилик рўза тутарди ва дармонсизлик сабаб бўлса керак, ҳосилни 10–15 кун кейин йиғиб олмақчи эдилар. Ана шу пайтда қиргин бошланди. Жазо отрядлари ғаллазорларга ўт қўйди, ҳатто омборхоналардаги ғаллалар ҳам куйиб кетди. Бу – захира ҳам қолмади, дегани. Лекин Николайнинг жазо отрядларидан омон қолган ғаллазорлар ҳам бор эди, бироқ экинни ўриб оладиган одам қолмаганди. Бу одамлар ўшанда қаерда эди?

Биринчидан: Ишлашга қурби етадиганлар ўлдирилган эди!

Иккинчидан: Бир қанча кишилар қочиб, ҳар томонга тўзиб кетганди.

Учинчидан: Яна бир қанчалар турмада ётарди ё суд бўлганлари Сибирийёга сургун қилинганди.

Тўртинчидан: Фронт ортини мустақамлаш учун мардикорликка жўнатилганлар ҳам кўпчиликни ташкил қиларди.

Бешинчидан: Экинзорлар эгасиз қолган эди, у пайт мулк хусусий бўлиб, бировнинг мулки билан бировнинг иши йўқ эди.

Олтинчидан: Ўша 1916 йилнинг октябри охирлари – ноябрь бошларида бир оз осудалик ҳукм сурган бўлса-да, болалару аёллар учун ҳосилни йиғиб оладиган бирор-бир жиҳоз, восита қолмаганди, яъни ҳукумат ўроқларни ҳам тортиб олганди. Шу тариқа 1915–1916 йилги ҳосил нобуд бўлиб, даштлардаги деҳқончилик касодга учради.

Шаҳар ва шаҳар атрофидаги аҳоли асосан савдогар, дўкондор, косиб ва суғориб деҳқончилик қиладиган кишилардан иборат эди, юзага келган осуда вазиятдан фойдаланиб, аста-секинлик билан ишларини йўлга қўя бошладилар. «Худо урди – деҳқонни урди», деган гап Жиззах уезди деҳқонларига қараб айтилган эди.

**Юзага келган тинчлик ва осудалик шароитида ўз қишлоқларига қайтган Жиззах уезди одамлари очарчиликнинг шундай ҳамласига дуч келдиларки, қишлоқларда ҳатто тирик жон ҳам қолмади.**

Захираларнинг тугаб, 1915-1916 йилги ҳосилнинг нес-нобуд бўлиши оқибатида кейинги йил уруғлиги, уруғлик топилган тақдирда ҳам омочга қўшиладиган ҳайвоннинг йўқлиги деҳқончиликни тамоман издан чиқарди. Демак, 1916-1917 йилларда ҳосил экилмади ҳисоби. 1917-1918 йилларда эса ёгингарчилик умуман бўлмади. Натижада қимирлашга мажбли етган Жиззах аҳли ҳар томонга сочилиб кетди.

Ўша қурғоқчилик бўлган йили Самарқанд вилояти уездлари бўлган Самарқанд, Каттакўрғон, Хўжандда очарчилик бунчалик катта талафот етказган эмас. Сабабини эса ўзингиз тушуниб турибсиз.



**Жадидлар халқнинг қай табақасига мансуб  
ва уларнинг мақсадлари не эди?  
(Қирғинга алоқалари борми ё йўқми?)**

Жадидларни икки қисмга ажратамиз: инқилобгача бўлган жадидлар ва инқилобдан кейинги жадидлар. Биз бу ерда фақат инқилобдан олдинги жадидлар ҳақида гапирамиз.

Бу жадидлар асосан дўкондорлар, қози ва волоснойнинг котиблари, таржимонлар, тижоратчи кишилардан иборат эди. Уларнинг кўпчилиги диндор бўлиб, улар юртни дин доирасида тараққий этишини истардилар. Динни фанга, фанни динга татбиқ қилардилар. Бу тоифадаги жадидлар Русия ҳукуматига дўстлик билан қарамасдилар, бильякс унинг синишини хоҳлардилар. Русияда фаолият кўрсатадиган бирор-бир партия билан алоқалари ҳам йўқ эди. Тўғри, улар тараққий истардилар, бу тараққийлари, энг аввало, моддий бўлиб, маънавий тараққийлари ислом дини эди.

Жадидларнинг саъй-ҳаракатлари асосан жадид усулидаги мактаблар бўлиб, ўзга аъмоли йўқ эди. 1912 йилда Самарқанд жадидларининг сони 12 тага етиб, бир неча китобхона очишга муваффақ бўлдилар. Улар гарчи ҳукуматни дўст санамасалар-да, лекин унга қарши боришни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар.

Жиззах қирғинидан олдин жадидларнинг аҳволи худди шундоқ эди. Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам вазият шунга ўхшаш эди. Бироқ қирғин маркази Жиззахда жадидлардан асар ҳам йўқ эди. Ўша пайтда Жиззах уезди Самарқандга тобе бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ҳам Самарқандга алоқадор эди. Агар Жиззах аҳолиси жадидлар билан алоқага киришганда Самарқанд жадидлари билан муносабат ўрнатган бўлардилар. Агар Жиззах кўзғолонида жадидлар иштирок этган бўлса, бу, энг аввало, Самарқанд жадидлари бўларди. Бироқ Самарқанд жадидларининг нафақат Жиззах уезди, балки Самарқанд уезди билан ҳам алоқаси ўзига яраша эди. Жадидлар бу кўзғолонда нафақат иштирок этдилар, балки ундан хабарлари ҳам йўқ эди.

Ўртоқ Файзулла Хўжасв Жиззах кўзғолонининг 20 йиллиги билан «Правда Востока» газетасидаги (1936 йил 15 август) мақоласида тўғри ёзади, яъни жадидларнинг ўша кўзғолонга раҳбарлик қилганлари бўхтондир. Бу кўзғолонни фақат жабрдийда омма ташкил қилганди. Ўша вақтлар жадидларнинг омма олдида этиборлари йўқ эди, омма жадидлар – кимлар, уларнинг мақсади нима – буни ҳам билмасди.

Уламолар жадидларни ёқтиришмасди, чунки улар динни замонга мослаш тарафдори эдилар. Бойлар эса фақат тижорат ва даромад билан банд эдиларки, «тараққий» деган сўз уларнинг қулоғига ҳам кирмасди. Деҳқонлар эса жадидлар ҳаракатидан мутлақо беҳабар эдилар. Демак,

биринчи гуруҳ жадидларнинг Жиззах қўзғолонига ҳеч қандай алоқалари йўқ эди, мабодо алоқалари бўлганда хунрезликлар бўлади, деб бу чиқишларни ман қилар эдилар.

Жадидларнинг орасида ҳам турли хил одамлар бор эди. Бирови газета номи чиқиб машҳур бўлишни истаса, бирови моддий бойлик илинжида яшарди. «Умум»нинг мақсади олдинга кетишини истаганлар бунини фақат миллий доирада кўрарди. Ўша вақтда катта тижорат ишлари, заводлар, банклар мусулмон бўлмаган бошқа дин вакиллари қўлида эди. Уларга нисбатан мусулмонлар паст даражада эди. Жадидлар ана шу нарсалар мусулмонлар қўлига ўтишини исташарди. Бошқача ибора билан айтганда, шапка ва фуражка ўрнида салла ва чопон бўлишини хоҳлардилар. Бундай мақсад Самарқанд ва Туркистон шаҳарларига хос бўлиб, Бухоро жадидлари бошқача йўлдан борарди. Бухоро жадидларининг саъй-ҳаракатларини ўртоқ Файзулла Хўжаев ва Садриддин Айний «Бухоро инқилоби тарихи»да ёритиб берганлар.

Инқилобдан кейинги иккинчи гуруҳ жадидларнинг фаолияти анча кенг қамров бўлиб, бу мавзу алоҳида рисола ни тақозо қилади.

## **Панисломизм ва пантуркизм борасида**

Баъзи европалик ўртоқлар қўзғолонни панисломизм ва пантуркизмга боғлайдилар. Аммо бу «изм»ларнинг қўзғолонга ҳам, биринчи гуруҳ жадидларга ҳам алоқаси бўлмай, балки иккинчи гуруҳ жадидларнинг гояларига дахлдор эди. Қўзғолондан мақсад «кофир»ларни ўлдириш, деб ўйлайдиганлар ҳам топилади. Аммо бу сабабларнинг ҳеч бири Жиззах қўзғолонига дахлдор эмас. Бу фикрларнинг асоссизлигини қўзғолоннинг ўзи кўрсатиб берди. Чунончи, қўзғолончилардан ҳеч бири қирғин пайти тўғри келган русни ўлдиравермади, балки кимдан жабр ва зулм кўрган бўлса, ўшанинг ўзига тажовуз қилдилар. Золимларнинг ҳеч бир оила аъзоларига ҳам тегинмадилар.

Бу қўзғолонга дин эмас, зулм сабаб бўлганди. Омма зулмнинг зўридан жазавага келганди. Панисломизм ё газовот деган гаплар қўзғолонга сунъий равишда тиқиштирилди. Зотан, халқ оммаси панисломизмнинг нималигини билмасди ҳам. Чунончи, илгариги замонларда ҳам халқ оммаси Бухоро ва Қўқон хонлари зулмига қарши шундай қўзғолонлар қилиб турардики, у пайтлар панисломизм деган гапдан ному нишон ҳам йўқ эди.

Панисломизм ва пантуркизм иборалари иккинчи гуруҳ жадидлари орасида пайдо бўлиб, инқилобдан кейин ўз фаолиятини намоян этди.

Агар ўшанда подшо ҳукумати зулмни кучайтирмаганда қирғин ҳам бўлмасди. Хуллас, қўзғолоннинг асоси зулм ва зўравонлик эди.

## Изоҳлар

1. Чиндан ҳам, 1916 йил қўзғолони стихияли тарзда бошланган. Унинг бошланишида жадидларнинг совет тарихчилари томонидан айбланиб келиши ҳам, айрим жадидларнинг эса «Бу қўзғолонни биз бошлаб берганмиз», деб даъво қилганларида ҳам асос йўқ. Илғор жадидлар, аксинча, яхши қуролланмаган ва чор зулмига қарши курашга тайёр бўлмаган омманинг галаён кўтариши яхши оқибатларга олиб бормаслигини билиб, қўзғолончиларни галаёндан тўхтатмоқчи бўлганлар. Аммо галаён бошлангач, улар, дастлаб аҳоли манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, қўзғолон шafқатсизлик билан бостирилгандан кейин эса Туркистонда рўй берган хунрезликлар ҳақида Россия Давлат думасига ахборот бериб, қўзғолончиларга берилган жазо чораларини энгиллаштиришга уринганлар.

«Жиззах қўзғолони» ёзилган 1937 йилда жадидларга нисбатан расмий муносабатнинг ўта салбий бўлганлиги ушбу хотиралар муаллифига ҳам озми-кўпми таъсир ўтказган кўринади.

2. Биринчи жаҳон уруши арафасида «Ёш турклар» ҳаракати вакиллари Туркистоннинг бир қанча шаҳарларига келиб, туркий халқларнинг ўзаро бирлашиш ғоясини тарғиб қилганлар. 1917 йилнинг февралига қадар улар Туркистон шаҳарларида бирор сиёсий ташкилот ёки уюшма тузишга ҳаракат қилганлари тўғрисида бирор маълумот йўқ.

3. Ушбу хотиралар матни бир неча дафтарларга ёзилган. Мазкур сўзлардан кейинги хотираларнинг 3-дафтарга ёзилган давоми, афсуски, топилмади.

4. Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода ушбу фармоннинг қачон қабул қилингани ва уни қаерда ўқигани тўғрисида маълумот бермаган. Шунинг учун бу фактнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш имкони бўлмади.

5. 1917 йилга қадар Туркистон ўлкасида бирорта сиёсий партия бўлмаган. Бинобарин, Абдурахмон жевачининг ҳам партияси бўлмаганлиги шубҳасиз. Бу ўринда сўз фақат унинг ортидан эргашган кишилар, яъни унинг тарафдорлари тўғрисидагина бўлиши мумкин.

6. **Убайдулла Хўжаев** (1885–1939) – биринчи дипломли ўзбек адвокати. 1909 йили Саратов шаҳридаги юридик идораларда ишлаб ва таҳсил кўриб юрган чоғида Л.Н.Толстойга хат ёзиб, унинг ёмонликка қарши ёмонлик билан жавоб бермаслик ҳақидаги таълимоти юзасидан баҳс қилган. Ватанига қайтиб келгач, «Садои Туркистон» газетасини нашр этган. 1916 йил қўзғолонларининг вашийларча бостирилиши билан муроса қила олмаган У.Хўжаев Петербургга бориб, Россия Давлат Думасининг А.Ф.Керенский бошчилигидаги комиссиясини Туркистонга олиб келишга муваффақ бўлган. Айни пайтда суд жараёнларида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган бегуноҳ кишилар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Қозондан татар аловокатларини олиб келган.

7. **Бениамин Ахтамов** (Ибни Амин Ахтямов, 1877, Уфа – 1941, Москва) – татар юристи ва сиёсий арбоб. 1916 йил қўзғолони қатнашчилари устидан Жиззах ва Наманган шаҳарларида бўлиб ўтган суд жараёнларида адвокат сифатида иштирок этган.

8. **Иброҳим Ахтамов** (Ахтямов, 1880, Уфа – 1931, Москва) – татар юристи I Бутунроссия мусулмонлари қурултойи иштирокчиси (1917, Москва). 1916

йил қўзғолони қатнашчилари устидан Жиззах ва Наманган шаҳарларида бўлиб ўтган суд жараёнларида адвокат сифатида иштирок этган.

9.Хотира муаллифи ёзганидек, жадидларнинг нафақат биринчи, балки иккинчи гуруҳи фаолиятида ҳам пантуркизм, айниқса, панисломизм «ғоя»лари муҳим ўрин тутмаган. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин большевикларнинг Россия тасарруфидаги туркийзабон ўлкаларга мустақил яшаш ҳуқуқини бермаслигига амин бўлган жадидлар бир пайтда Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистонда Мухторият ҳукуматларини барпо этмоқчи ва шу йўл билан бу ўлка халқларининг мустақил яшашлари учун пойдевор қурмоқчи бўлганлар. Аммо большевиклар жадидларнинг бу мақсадлари амалга ошмаслиги учун барча чорани кўрдилар. Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркиядан пантуркизм ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Туркистонга келган эмиссарлар айрим маҳаллий ёшларга озми-кўпми таъсир кўрсатганларига қарамай, ўтган аср бошларида Туркияда таҳсил кўрган Фитрат сингари илғор ёшлар Ўзбекистоннинг ўз миллий тараққиёт йўлини белгилаб, шу йўлдан бориши лозимлигини айтдилар. Панисломизм ва пантуркизм атамалари большевиклар томонидан жадидчилик ҳаракати намояндаларини бадном этиш ва уларни халқ оммасига қарши қўйиш учун ўйлаб топилган.

*Кириш сўз ва изоҳлар билан  
нашрга тайёрловчи филология фанлари  
доктори Наим Каримов*

# СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИГА ДОИР ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАР

## БУХОРО ХАЛҚ ШҶРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ХАЛҚ МАОРИФ НАЗОРАТИГА

*Маълумки, Бухоро Халқ ШҶролар Жумҳурияти 1921–1923 йилларда маҳаллий кадрлардан турли соҳаларда мутахассислар етиштирмоқ учун Туркистон ва Бухоро ҳудудида яшовчи ўзбек, туркман, яҳудий болаларидан иборат бир гуруҳни Германияга ўқишга юборган. Бу тўғрида кўп ёзилган. Катта олим Шерали Турдиевнинг «Улар Германияда ўқиган эдилар» номли узоқ йиллик тадқиқоти ҳам шу масалани ҳолисона ёритади ва ўн беш талаба тақдирини тадқиқ этади. Бироқ, Германияда ўқиган талабаларнинг тўлиқ рўйхати шу кунгача маълум эмас эди. Куйида илк бор эълон қилинаётган ҳужжатда ўқишга борган барча талабалар ҳақида ихчам маълумот берилган. Ҳужжатнинг қимматли томони шундаки, барча тавсифларни бевосита Бухоро Халқ ШҶролар Жумҳуриятининг Олмониядаги маориф вакили Олимжон Идрисий (1880–1957) нинг ўзи араб имлосида ёзган.*

*Ҳужжат 1923 йил 8 ноябрда Берлинда ёзилган.*

*Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги 56-фонднинг 224-йиғма жилди (103-105-варақлар) да сақланмоқда.*

*Ҳужжат имло ва услуб жиҳатдан ўзгартирилмай эълон қилинмоқда.*

## Шогирдлар ҳақида лойиҳа

### I

1. Вафожон Чўлибой.
2. Аҳмад Наим Ҳаким.
3. Афзал Аҳмаджон.
4. Вали Қаяом.
5. Саттор Жаббор.
6. Олимжон Қодир.
7. Баҳоиддин Амин.

Бу етти талаба октябрдан бери Берлинда мутабадад муаллим ва мураббий оилаларинда иқомат эдиюрлар. Бир группа ташкил эдарак мутахассис бир лисон муаллиминдан ҳар кун икки соат олмонча ўрганурлар. Олмон оилаларинда ўтурдиқлариндан амалий тарзда ийи тараққий этюрлар. Бу била давом этдиги тақдирда мойса қадар мактаба кира билажак даражада лисон ўрганажаклар. Вафожон, Аҳмад Наим, Афзал ва Баҳоиддин қобилиятлилари. Вали Қаяом ила Саттор Жаббор унлардан сўнг Олимжон Қодир эса учинчи даражада турсада, ижтиҳод жиҳатиндан аввалгиларинда ошми ўлдиғиндан синфи баробар таъқиб эда билур.

8. Аҳмад Шакурӣ. 55 кун хастахонада қолмая мажбур. Эски безгак хасталиғиндан маода дигар овруларда-да мубтало ўлдиғиндан қорнинда амалиёти жарроҳия эдилди. Эътиборли бир қаров натижасинда бир даража иййилишди. Шемди хусусий бир муаллимдан олмонча дарс олиюр. Дорулфунундаги олмонча лисон дарсинда давом эдиюр. Фавқулодда закий даҳо эсада, чўқ ижтиҳодли ва у қадарда асабий ҳам хастадир. Мойса қадар мактабга кира билажак даражада тил ўрганажакдир.

9. Саидали Усмон. Октябрдан бери Берлинда, иййи бир пансионда иқомат ва олий муҳандис мактабинда давом этаюр. Муваффақият-ла имтиҳон бериб, олий муҳандис мактабина асли талаба ўлурилиқ қабул ўлунди. Закий ва чолишқон бир шогирд ўлуб, хусусий бир муаллимдан лисон ва дигарлариндан риёзиёт дарсида ўқиюр. Эски безгак хасталиғи авдат бўлгонидан 20 кун хаста хонада қолди.

## II

10. Шамсулбанот Ашарот. Маскав дорулфунунинг тиббия шўъбаси талабалариндан ўлуб, октябрь ўн бешиндан бери Берлинда. Иййи бир дўқтур оиласинда иқомат ва дорулфунун тиббия шўъбасина асли талаба ўлароқ давом эдиюр. Олмонча ила баробар ўқудуги фанларида бик иййи билдигиндан камоли муваффақият ила имтиҳон беруб, дорулфунуна кирди. Мукомил учун хусусий бир муаллимдан лисон дарси олиюр.

11. Гулсум Музаффар. Октябр бошиндан бери Берлинда. Иййи бир олмон оиласинда ўтириюр. Хусусий бир муаллима ва дорулфунундаги лисон шўъбасина давом эдарак олмонча тил ўганиюр. Ўлдиқча закий ва қобилиятли бир қиз ўлуб бўйла кедирса мойсада орзу айлаги таълим-тарбия мактабина билимтиҳон кира билажакдир.

12. Омонулла Нусратулла,  
13. Садриддин Зиёиддин,  
14. Қавомиддин Киромиддин

Бу етти талабанинғ ҳар бирси Берлинда ойри муаллим ва мураббий оилаларинда иқомат эдаюрлар. Муштариго хусусий бир муаллимдан ҳар кун икки соат дарс олиюрлар. Ўтурдуқилари оила афродилага ҳар замон қўнушароқ илмий тарзда-да лисон ўганиюрлар. Бунларда Абдурахим, Қавомиддин,

15. Азизжон  
Алихўжа,
16. Ҳомиджон  
Самаджон.
17. Абдурағим  
Абдулвоҳид.
18. Аброр Рашид.
  
19. Маҳмудий Хўжа.
20. Мишоил  
Иброҳим.
21. Раҳматжон.
22. Маҳмуджон  
Авазжон.
23. Неъматилла  
Амин.
24. Солихўжа  
Ҳомидхўжа.
25. Асомиддин  
Аловиддин
26. Усмон Омон.
27. Абдулла Пўлат.
28. Қиёсиддин  
Салоҳиддин.
  
29. Аброр Асрор.
30. Абдурашид  
Абдулвоҳид.
31. Холмурод Ҳожи.
32. Искандар Чори.

Азизжон (фақат бунинг ижтимоий бир оз ўксик) биринчи даража закий ва мутаъадад шогирдлар бўлуб, дигарлари эса иккинчи даражададирлар. Билхоса Омонулла Нусратулла хийли заифдир. Бухородаги эски тиб ҳам варажалари иқлимнинг дағишмасида бурода уъдат этдигундан бунларнинг ҳепсида 1—4 ҳафта хастахонада ётмоққа мажбур бўлдилар. Мутахассис дўқтур ва профессурларнинг диққатли қаровлари натижасида ҳепсида тузалмишлар.

Бу ўн талабанинг ҳепсида тиб даража ёш ҳам қон озлиғи хасталиқларина мубтало ўлдиқлариндан(9) 2 ва 3 ҳафта хастахонада қадори ўлунароқ касб офият этдилар. Шемдиги ҳолда Берлинда ойри-ойри оилаларда иқомат эдорлар ва ҳепси бирликда хусусий бир муаллимдан ҳар кун икки соат лисон ўргандикдан сўнгра интисоб эдажаклари мисоллара кўра мактаблара куз йиё ўлунажақлардир. Бунлардан Муҳаммади Хўжа, Усмон Омон, Асомиддин, Солихўжа, Муҳаммаджон ва Раҳматжон чўқ закий; Мишоил ила Исматилла Амин ўрта даражада ўлуб, Абдулла Пўлат эса ҳийла заиф ва оз қобилиятли шогирддир. Фақат ўлдиқча ижтиҳод этдигиндан шемдия қадар дигарлар била баробар давом эда билдиса-да, фима баъд гендисида бир муаллим тутилажақдир. Шемди икки ҳолда, бир тарафдан, дигарлари ила баробар синифа давом эдиюр, дигар тарафдан, эса бир махсус муаллимдан дарс ўрганиюр.

Ўн яшарлик бу тўрт кичик шогирдлармизда Берлинда ойри-ойри оилаларда ўтириюрлар ва ҳар кун ўнга қадар хусусий бир мураббиянинг тахт назоратинда ўйниюрлар, ўқиюр ёзмая ўграниюрлар. Бунлардан аввалги иккиси 1 ва 4 ҳафта хастахонада қолдилар, дигар вақтларда эса, оиланинг жужуқлари каби ўз тарбиячилари остинда бўлниюрлар ва дигарлариндан даҳо чобуқ лисон ўрганиюрлар. Аввалги иккиси чўқ ва сўнгги иккиси оз қобилиятли ва дувартисада ҳасбул саботда (13) чобқин талабаларимиздандир.

<b>Шемди</b>	– энди
<b>Муштариго</b>	– машгулотлар
<b>Варажалар</b>	– иситмалар
<b>Рин</b>	– бепарво
<b>Интисоб</b>	– нисбат, алоқадорлик
<b>Йиъ (ийи)</b>	– яхши маъносида
<b>Дувалтиса</b>	– тугатилса
<b>Хасбул сабот</b>	– сабр қилиш, чидам ҳолати
<b>Дуттиклар</b>	– қўллаш, ушлаш, қоидалар
<b>Финвор</b>	– январь
<b>Жимнастик</b>	– гимнастика
<b>Ийи таракқий гўстари</b>	– яхши ўсиш, интилиш кўрсатди
<b>Валявм</b>	– кунлар
<b>Гендилар</b>	– кейингилар
<b>Хидмат нофеъа маъмул</b>	– фойдали хизмат

*Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи  
санъатшунослик фанлари номзоди  
Сирожиддин Аҳмад.*



## О РАБОТЕ КОНТРЕВОЛЮЦИОННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПО ЛИНИИ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Куйида эълон қилинаётган ёзма кўрғазма Боту совет махсус хизмати ходимлари томонидан аксилишуровийлик ва миллатчилик фаолиятида айбланиб қамоққа олинганидан сўнг терговчилар томонидан ёздирилган. (Кўрғазманинг 8 банди 1930 йилнинг 30 сентябрида, қолган бандлари 11 декабрда ёзилган.) ОГПУ қамоқхонасида жисмоний ва руҳий тазйиқ остида ёзилган кўрғазманинг нима эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Совет махсус хизмати ходимлари сиёсий маҳбуслардан ўзларининг мақсад ва режаларига мос келадиган кўрғазмаларни қандай йўллар билан олганлари ҳақида рус ва ўзбек матбуотида анчагина ёзилган.

Маълумки, оммавий қатағонларни юзага келтирган «шахсга сиғиниш» ходисаси Сталин вафот этгач, шўро раҳбарлари томонидан танқид қилинди, далилсиз, аксар ҳолларда тўқилган айблар билан қамалганларни, яъни қатағон қурбонларини оқлаш ишлари бошланди. Тирик қолган жабрдийдалар шўро махсус хизмати ходимлари томонидан қайтадан сўроқ қилиниб, уларни оқлаш учун материал тайёрланди. Шундай жабрдийдалардан бири Боис Қориев (Олтой) ҳам 1957 йилнинг 17 июнь ҳамда 1958 йилнинг 24 январь кунларида қайта сўроқ қилинди. Олтой январь ойидаги сўроқда аксилишуровий фаолият, миллатчиликда айбланиб тергов қилинган пайтларида ГПУ, ОГПУ, НКВД ходимларининг тазйиқи билан ўзи ва бошқаларга тухмат қилишга мажбур бўлиб, гўё ўзлари тузган яширин ташкилотнинг аксилишуровий, миллатчилик йўналишидаги фаолияти ҳақида кўрғазмаларини тўқшига қандай мажбур бўлганини қуйидагича айтган: «В действительности это (сўз аксилишуровий, миллатчилик ишлари ҳақида бормоқда — Б.Д.) нами, работниками Наркомпроса не проводилось, а показывая о данных фактах, я брал моменты, имевших место в действительности и искажая их, т.е. придавая им националистическую окраску, показывал как о фактах антисоветской деятельности нашей организации».

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз: миллий республикаларда шўро ҳукуматининг миллий, иқтисодий, умуман, бутун сиёсатидан норози бўлиб, эрк, мустақилликни орзу қилган, бу йўлда ҳаммаслақлари билан шартли уюшган, қандайдир ҳаракат қилиш кераклигини англаган кишилар, миллатпарварлар бўлгани факт. Лекин улар шўро махсус хизмати органлари кўрсатганлари даражасида ҳаракат қилолмаганлар. Кўпларининг ҳаракати ниҳоятда чекланган даражада бўлган ёки, умуман, дилидаги орзусидан нарига ўтмаган. Айтиш мумкинки, улар амалда сезиларли, бирон натижа берадиган

*муайян фаолият олиб бориша олмаган. Уларнинг шўро замонида мустақилликни орзу қилиб, шу йўлда заррача бўлса-да, ҳаракат қилганларининг ўзи таҳсинга сазовордир.*

*Бинобарин, мазкур кўрғазмага танқидий кўз, алоҳида мушоҳада ва мулоҳаза билан қараш талаб қилиниши табиий. Биз ҳурматли китобхондан шу жиҳатларни эътиборга олишни истардик.*

*Мазкур кўрғазмада XX аср ўзбек адабиёти тарихида муайян из қолдирган «Чигатой гурунги» ва «Қизил қалам» адабий ташкилотлари тўғрисидаги тасаввурларни ойдинлаштирадиган, тўлдирадиган, баъзи бадиий асарларнинг тақдири билан боғлиқ ҳолатларга аниқлик киритадиган фактлар мавжудлигини ҳисобга олиб, уни эълон қилишга жазм этдик.*

1. Быстрое разветвление пантюркистской контрреволюционной организации в Туркестане, особенно в Ташкенте в первые годы пролетарской революции оказало внушительное серьёзное влияние на развитие литературного движения среди, по терминологии тогдашних пантюркистов, «туркестанских тюрков». «Джадидская литература» начала торжественно праздновать свою недолговечную победу. Каждый мало-мальски грамотный, так называемый «туркестанский тюрк», «сын великого Турана» считал своим священным долгом воспевать величество «единого непобедимого тюркского народа», «освобождение от ига русских – «туркестанских тюрков», «красоту природы гор, полей несравненного Турана и нравов населяющих его тюрков». Среди смеющейся толпы были и рыдающие; они оплакивали темноту «своей любимой нации и неполное ее освобождение»: пел член Красного Комитета Коммунистической партии Юсуф Алиев («Сын тюрка» – его псевдоним), пел известный националист Фитрат, пел активный контрреволюционер Тангрикул Ходжи Максудов, пел со слезами один из «попов» националистов Чулпан. Эти песни с восторгом, с восхищением слушали Тюрякуловы, Рыскуловы, Рахимбаевы, Икрамовы и тихо подпевали сами. Эти песни с радостью, с печалью внимали, так называемые «туркестанские тюрки», иными словами буржуазные слои узбекского народа. Националистический дух торжествовал беспрепятственно, националистическое воспитание пронизывало в гущу населения, как ядовитая змея. Так «туркестанские тюрки» были крещены в первый раз после пролетарской революции деятелями контрреволюционной пантюркистской организации.

Свои неписанные законы диктовала жизнь. Из недр пантюркистской контрреволюционной организации выросла новая узбекистская контрреволюционная организация «Чигатой гурунги» и начала проявлять признаки самостоятельного существования.

«Чигатай гурунги» левой ногой стояла на почве пантюркизма. Она устами своих главных руководителей — Фитрата, Рамзи и др. говорила, что «для объединения нужно оформление: узбекская нация должна оформиться как самостоятельная нация, после чего можно говорить о создании «единой великой тюркской нации»; неоформленная сила с оформленной силой не объединяется, а поглощается последней; мы, узбеки, не хотим этой ассимиляции...» (Отчет 1-го Узбекского орфографического съезда. — Ташкент, 1921 г., речь Фитрата). После этого основного положения следовал громкий девиз: «Без собственной культуры, без собственного языка, без собственной литературы нет самостоятельной нации».

Узбекистанская контрреволюционная организация «Чигатай гурунги», истинную природу которой до самого последнего времени тщательно скрывали старые ее поклонники: Икрамов, Рамзи и я, начала проявлять большую активность в области художественной литературы, которая была «вывеской» ее. Она внушительно говорила, что «сейчас надо наше перо сделать штыком против врага». Это притворялось в жизнь. Труды Фитрата «Уғузхон», «Чин севиш», «Хинд ихтилолчилари» — «Восточная политика» — и т.п., Рамзия: «Туркистон хонлиги» и др. являются показательными примерами вышеуказанного. Песни, песни истинно националистические чигатайгурунгистов стали с каждым днем слышнее и слышнее. Пел «отец» узбекистов Фитрат, пел Рамзи, пел Чулпан, пел Ильбек, пел четырнадцатилетний я. Эти песни с еще большим восторгом, восхищением слушали Тюрякуловы, Рахимбаевы, Хидиралиевы, Икрамовы и тихо подпевали сами. Эти песни с радостью, с печалью внимала узбекская буржуазия. Так «самостоятельная узбекская нация» была крещена во второй раз после пролетарской революции деятелями контрреволюционной узбекистской организации «Чигатай гурунги».

2. Узбекистская контрреволюционная организация «Чигатай гурунги» долго не могла существовать, но ее идея все росла, распространялась, ее программа все расширялась, уточнялась. Это все совершалось вопреки распространенному до сего времени мнению несистематично, негладко, ибо жизнь страны определяла развитие и распространение идеи и узбекистской контрреволюционной организации. По моему мнению, «Чигатай гурунги», опирающаяся на тот же класс — буржуазию, на который опиралась пантюркистская контрреволюционная организация, вынуждена была прекратить свое существование потому, что растерянная ударами пролетарской революции узбекская национальная буржуазия в своей основной массе лучше понимала пантюркистов, видела в их руках реальную силу и опыт борьбы и шла за ними. Басмачество,

организованное пантюркистской контрреволюцией, было той реальной силой, которое даже заставило многих узбекистов присоединиться к пантюркистам и участвовать активно в борьбе против Соввласти. В числе последних был Фитрат, Лазиз Азиз-Заде, Икрамов и др. Идеи «Чигатай гурунги» во многом были новы, еще непонятны широкому кругу узбекской буржуазии и левее, чем идеи пантюркистов. Буржуазию и мелкую буржуазию испугали первые шаги «Чигатай гурунги»: реформа орфографии, отношение к религии и т.д. Интересно отметить, что ход развертывающихся событий все больше и больше приближал их друг к другу. Таким образом, идеи «Чигатай гурунги» росли во всех областях жизни, и в том числе в области художественной литературы Узбекистана.

3. Главный руководитель «Чигатай гурунги» Фитрат говорил, что «одна из насущных задач данного периода времени – это организация, учение и воспитание в националистическом духе обладателей особенно из молодежи пера, являющегося штыком против врагов узбекской национальности. Через них легко и быстро можно будет и на растущее поколение оказать влияние». Эти слова Фитрата оправдались. Для доказательства здесь достаточно напомнить влияние Чулпана на учащихся школ Узбекистана.

В 1921 г. учащиеся средних учебных заведений, воспитанные «Чигатай гурунги» - я, Саид Ахмед Назиров, Туляган Муминов, Саид Али Усманходжаев, Ахмед Шукуров и др. решили претворить в жизнь вышесказанную идею Фитрата и организовали «литературный кружок учащихся узбеков средних учебных заведений Ташкента». Этот кружок работу свою начал в Узбекском мужском инпросе, где в то время существовала группа контрреволюционной подпольной пантюркистской организации, членами которой были более взрослые учащиеся инпроса – Насыр Саидов, Сабир Кадыров, Хадия Куватов, Мухтар Мухаммеди, Хабиб Кадыров, Асад Насыров и др. Они предложили объединиться и под вывеской «литературного кружка» развернуть среди учащихся работу контрреволюционной организации. Это не осуществилось потому, что мы, учащиеся средних учебных заведений, были мобилизованы и отправлены в Фергану, а после возвращения из Ферганы я уехал (в январе 1922 г.) в Москву, и другие члены, организовав общество «Кумек», занялись подготовительной работой к отправке молодежи за границу. Надо сказать, что этот литературный кружок, ставивший перед собой задачу – воспитание молодежи в националистическом духе и помощи контрреволюционному движению – положил начало возникновению такого рода литературных кружков в разных учебных заведениях Узбекистана.

4. Начиная с 1922 г. в разные московские учебные заведения начали приезжать в большом количестве учащиеся узбеки, среди которых было очень много националистов, участников контрреволюционного

движения. Старая связь их между собой была блестящей почвой для объединения по старым принципам. Но условия студенческой жизни Москвы не были благоприятны для быстрого объединения и развертывания работы. Вскоре, в 1923 г., Бухарский инпрос в Москве, руководимый Ходы Файзием, Камчинбеком стал собирательным пунктом этих студентов. Говорили об организации клуба узбекских студентов в Москве. Приезд Икрамова, Таджиева, Бурнашева дал большой толчок этому вопросу и стал ребром вопрос о руководстве этим клубом. Всем известно, руководство над таким клубом означало руководство над всем студенчеством Узбекистана в Москве. Интересно отметить то, что между Икрамово-Таджиевской группой и группой Хыдыралиева и др. находящимся в Москве произошла большая стычка. Если не ошибаюсь, зимой 1923 г. в клубе Коммунистического университета трудящихся Востока было созвано собрание узбекских студентов, которое продолжалось до 6 часов утра и эти две группы обвиняли друг-друга в национализме. Но ни та, ни другая группа не могла открыто выступить с разоблачением потому, что они все были одинаково виноваты в участии в контрреволюционном движении. Один из противников Икрамово-Таджиевской группы Парпи Ходжи выступил с обвинением Икрамова в том, что он не только националист, но и «ташкентист». На этом же собрании Бурнашева окрестили титулом Икрамовского адъютанта. Положение действительно было угрожающее и для Икрамово-Таджиевской группы. Ибо могли противники разоблачать всю контрреволюционную работу Икрамова, Таджиева и их товарищей. Нужно было быстро ликвидировать этот инцидент. Икрамов, Бурнашев, пользуясь своим знакомством с работниками ЦК ВКП(б) и МК ВКП(б), сумели ловко через них отделаться от этой неприятной истории. Скандал затих, но не совсем: по временам он вспыхивал то здесь, то там. Назначение Абдулхая Таджиева заведующим узбекским инпросом в Москве (бывш. Бухарским инпросом) укрепило до некоторой степени положение Икрамово-Таджиевской группы.

Шакир Сулеймановым, Саид Ахмед Назировым и др. организованный с ведома Абдулхая Таджиева литературный кружок в инпросе работали очень плохо, но все-таки сумели вокруг него собрать определенную группу учащихся. Даже иногда в стенгазетах появлялись туманно-националистические произведения учащихся, на которые Таджиев, обращая внимание, перед всеми делал вид как будто не замечает. В Москве я, Шакир Сулейманов, Саид Ахмед Назиров, Асадулла Насыров, Васык Мухамедов, Атаджан Хашимов, Саид Гани Валиев, Наим Саидов и др. собирались у кого-нибудь и говорили о поддержке Икрамова, Таджиева, сочувственно о националистическом движении

в Узбекистане, о работе среди узбекских учащихся Москвы по националистическому воспитанию. В свою очередь мы все были тесно связаны с Икрамовым и Таджиевым. Они нам давали директивы о работе среди узбекских учащихся Москвы. Я в это время часто бывал и у Фитрата, высланного тогда из Бухары и говорили по этим же вопросам. Икрамов и Таджиев все это знали. Здесь не лишне будет указать, что корни националистического воспитания, бурно развившегося в узбекском инпросе в Москве (последние годы своего существования этот инпрос был реорганизован в рабфак имени т. Сталина), при Абдулхае Таджиеве и Калонове сохранились до последних дней существования этого учебного заведения. При А.Таджиеве был большой инцидент с националистическими настроениями. При Калонове (в 1929 г.) раскрылся контрреволюционный кружок учащихся этого рабфака. Члены кружка писали контрреволюционные стихи и некоторые из них собирались эмигрировать в Турцию (сестра жены С.А. Назирова и др.). На общем собрании учащихся после раскрытия этого дела Саид Ахмед Назиров даже пытался какнибудь защитить их. Это дело было замято в Узбекистане, конечно, не без ведома самого Икрамова. Он был в Москве и после приезда в Узбекистан пассивно дал знать, что можно это замять. Но вмешательство московских партийных организаций заставило НКП перебросить рабфак в Самарканд, ибо Акмаль Икрамов, Таджиев, Рамзи все были встревожены ходом развертывания этой истории.

5. Идея организации узбекских писателей для воспитания их и через них других в националистическом духе уже к моменту назначения Иногамова Рахима (он был одним из активных членов известной «Изчи тудэ» и ярким пантюркистом, он даже в 1919-20 г. старался говорить на турецком языке) наркомом просвещения была распространена достаточно. В 1926 г. я от Назирова получил письмо (я тогда учился в Москве) с сообщением об организации «Кзыл калам». Организаторами, по словам Назирова, были: он, Рахим Иногамов, Вадуд Махмудов, а идейными руководителями были Икрамов, Фитрат. Цель этой писательской организации, носящей громкое революционное название, была та же, какая была выдвинута «Чигатаем гурунги» еще в 1919 г. Разница была в том, что эта новая писательская организация имела яркую красную вывеску и находилась под крыльями «больших людей». «Кзыл калам» тогда находился почти в полном распоряжении Вадуда Махмудова, а через него Фитрата и Чулпана. Доказательствами могут служить следующие факты:

1) Вадуд Махмудов фактически являлся редактором единственного учительского журнала «Маориф ва укутувчи». Если посмотреть вышедшие в то время номера этого журнала, то легко можно убедиться как

открыто в националистическом духе воспитывалось узбекское учительство. Националистические произведения Чулпана и др. печатались почти в каждом номере этого журнала и создавался им громкий авторитет среди интеллигенции. Влияние напечатанных в «Маориф ва укутувчи» националистических произведений сказывалось и среди учащихся разных учебных заведений. Об этом даже писали в газетах. Это конечно видели и секретарь ЦК КП(б) Уз. Икрамов, являющийся — по его собственному заявлению — «самым аккуратным читателем этого журнала» и Иногамов — нарком просвещения; но они молчали, радовались до тех пор, пока другие начали замечать.

2) Вадуду Махмудову было поручено сделать доклад на общем собрании о джадидской литературе или о Чулпане (я эту историю подробно не знаю потому, что я тогда в Узбекистане не был). Вадуд Махмудов в то время перешел от национализма в лагерь бехаистов. Свой доклад он пропитал религиозным духом и создал этим и для себя и для Иногамова неблагоприятную обстановку. Иногамов, по словам участников собрания, очень равнодушно обошел все это. Но дело приняло общеизвестность и надо было принять меры. Решили побить Вадуда Махмудова самим и это было сделано, если не ошибаюсь, под руководством Наби Кадырова. Поступок Иногамова не мог остаться незаметным. Это и другие нетактичные откровенности Иногамова заставили Икрамова и др. руководителей перевести его на другую работу.

6. Иногамов был «наказан» так же, как ласковая мать пересаживает своего мокрого ребенка на сухое место. Его назначили заведующим отделом печати ЦК КП(б) Уз. Вероятно это для того, чтобы не один журнал «Маориф ва укутувчи» находился в руках В. Махмудова, а вся печать перешла в их руки!

Перемещение Иногамова ничего не изменило по существу в «Кзыл каламе». Остались те же самые люди без В. Махмудова, торжествовала та же самая идея. Работа «Кзыл калама» хромала. Здесь необходимо указать, что один из активистов «Кзыл калама» Саид Ахмед Назиров, являющийся тогда председателем правления Госиздата, издавая произведение Чулпана, Фитрата и др. собравшихся вокруг «Кзылкалама» писателей, с одной стороны, помогал материально им, а с другой — распространял националистические идеи контрреволюционной организации.

7. После окончания учебы в Москве я вернулся в Самарканд в январе 1927 г., Икрамов оставил меня секретарем комиссии ЦК по борьбе на идеологическом фронте. Работа с интеллигенцией, как раньше указывал в своих показаниях, была поставлена ребром. В конце февраля или в начале марта Икрамов в своем кабинете, познакомив меня с работой, сказал: «Твою статью прочел, хорошо. С Рамзием поговорил,

конечно. Наша основная задача сейчас – собрать вокруг себя интеллигенцию. Конечно, сам хорошо понимаешь – этот вопрос очень острый. Ты должен будешь разъезжать по округам для изучения вопроса интеллигенции. Когда приедешь на места осторожно свяжись с националистической интеллигенцией, предварительно обсудив с нашими товарищами вроде Лутфулла Алимовым, Мирзохид Миракыловым, а перед поездкой в Бухару – с Фитратом. Я в ЦК это никому не могу доверять. Когда Таджикив придет, он будет этим вопросом заниматься. Сидящий сейчас в АПО ЦК КП(б) Уз. заведующим Мухтарджан Алимов – не наш человек. Поэтому, несмотря на то, что эту работу лучше было поручить АПО, я решил сам ею заняться. Мое положение секретаря ЦК заставляет меня больше говорить красивые слова. Вот, еще тебе поручение: ты сейчас займись «Кзыл каламом». Здесь очень хорошо можно развернуть националистическое воспитание». Эти директивы Икрамова я очень аккуратно выполнил. В Коканде был поздно вечером у Лутфуллы Алимова, поговорил с Миракиловым, Ашурали Захировым, М. Ахматхоновым и др. Перед отъездом в Бухару зашел к Фитрату, узнал людей, познакомился с положением Бухары. В Бухаре же сначала поговорил с Саиджановым, Халмурадовым и познакомился с другими националистическими интеллигентами. Икрамов предупреждал, чтобы я в каждом городе сначала заходил в ГПУ и показывал им бумагу ЦК КП(б) Уз. «Это, – говорил он, – нужно для того, чтобы не вызвать подозрения. Но все равно нужна осторожность».

Поручение Икрамова по части «Кзыл калама» начали осуществлять я, Рамзи и Наби Кадыров. Несколько раз обсудили вопрос о масштабе, форме, тактике, руководителях «Кзыл калама». Идея этой писательской организации не вызвала никакого разговора: единогласно еще раз подтвердили, что «Кзыл калам» будет одним из центров по воспитанию молодежи в националистическом духе. Хорошо помнится ироническое замечание Рамзи при одном обсуждении этого вопроса в присутствии Шакира Сулейманова (секретарь «Кзыл калама» – старый участник контрреволюционного движения) «Что вы хотите создать пролетарский союз писателей?!» Конечно, мы не думали об этом.

В конце 1927 г. Наби Кадыров, я, Рамзи, Шакир Сулейманов, в кабинете Рамзи обсудили название, масштаб работы и устав «Кзыл калама». Было предложено назвать «Организацией советских писателей». Мы без колебания отвергли это предложение, считая, что никто не собирается подготовить советских писателей. Рамзи сказал: «Надо назвать организацией революционных писателей «Кзил калам». Наше дело разве не революционное?» Все согласились. Наби Кадыров сказал, что «Кзыл калам» должен быть республиканской организацией». Я ему напомнил



постановление Ср. Аз. Бюро о том, что «Кзыл калам» считать организацией писателей г. Самарканда. Он неприличными словами выругал Ср. Аз. Бюро, особенно тов. Нодея и обещал, договорившись с Икрамовым провести этот вопрос через Исполбюро ЦК КП(б) Уз. Написать устав поручили мне. Я поставил вопрос о членах. Рамзи сказал, что «кроме скомпрометированных, всех можно принимать. Даже Фитрата нужно использовать; но, конечно (улыбаясь добавил), Боту это не укажет в уставе». Н. Кадыров согласился. Мне не пришлось написать устава «Кзыл калама» и руководство полностью взять на себя. Был назначен зав. АПО Самаркандского окружкома (Наби Кадыров все время хотел оставить меня своим заместителем в ЦК; он, кажется, на Исполбюро тоже выступил против назначения зав. АПО ОК КП(б) Уз. и просил назначить меня его заместителем) и порядочно оторвался от «Кзыл калама». Председателем «Кзыл калама» был назначен председатель Государственного Ученого Совета Наркомпроса Атаджан Хашимов.

8. Надо сказать, Атаджан Хашимов работу «Кзыл калама» оживил. Ответственным секретарем организации назначил Буюка Каримова, хорошо всем нам известного националиста, контрреволюционера; собрал вокруг себя как ядро организации Буюка Каримова (исключен из партии и ВПИ за национализм и как враг Сов.власти), Уйгуна (исключен из комсомола как националист и чуждый элемент), Шакира Сулейманова (известный старый контрреволюционер), Хамида Алимджанова (молодой националист), Абдуллы Аляви (старый националист), Малика Рахмана (исключен из ВПИ и сослан ГПУ), его брата Фаттаха Рахмана (тоже исключен из комсомола и ВПИ) и др. Хашимов, живя с Фитратом в одном доме и работая (кроме Наркомпроса) с ним в ВПИ, во всех делах «Кзыл калам» получал помощь Фитрата. Сам неоднократно был свидетелем указания Фитрата Атаджану. Однажды, в 1928 г. зимою, вечером я зашел к Фитрату. Он мне советуя уйти из окружкома, сказал: «Надо тебе тоже перейти на работу в Наркомпрос. Идеологический фронт, как вы именуете, действительно важнейший фронт. Раз хотите за собой повести интеллигенцию, воспитать молодежь в националистическом духе, то нужно же укрепить НКП. Один Рамзи — хотя молодец он — не все может сделать. Настаивай перед Икрамовым. Я хотел какнибудь увидеть его, но неудобно». После этого он осудил меня и Атаджана Хашимова: «Вы оба молодые, служите одной идее, почему же так друг на друга нападаете перед всеми?». Я улыбаясь коротко ответил ему: «Это так называемая маскировка, большой хозяин учит так (большим хозяином мы между собой называли Икрамова).

Атаджан Хашимов поручал доклады Фитрату, Булату Салиеву, Аляви и др. Они все, конечно, освещали вопрос немарксистски и в своих докладах очень умело передавали молодежи националистический дух.

Для примера можно напомнить доклад Фитрата (стенограмма имеется), где особо подчеркивается богатое прошлое узбекской литературы. На докладе присутствовали, начиная с Чулпана, все. Так воспитывалась бесщумно в националистическом духе молодежь, собравшаяся вокруг писательской организации «Кзыл калам». В конце 1928 г. после доклада Фитрата в «Кзыл каламе», я в доме Рамзи, в присутствии Таджиева, сказал: «Кзыл калам» как будто оправдывает надежды». Таджиев посмотрел на Рамзи, который подтверждал правильность моих слов и тихо сказал: «Атаджан, кажется, неглупый человек... как он, сейчас член партии? Я ответил, что «еще не переведен в члены и рекомендовавшие его Ходы Файзи и др. думают снять свои рекомендации». Рамзи подчеркнул необходимость его поддержать. Я в 1930 г. (в июле) с Хашимовым были у Искандера и Ильмурадова (зашли к ним домой) и сказал, что «Хашимов преданный свой человек, надо обязательно перевести в члены партии». Они обещали очень скоро это сделать. Так, я выполнил задание Таджиева и Рамзи, данное еще в 1928 г.

Руководители «Кзыл калама» начали осуществлять вышеупомянутую идею расширения сферы влияния этой организации. Это достигалось двумя путями: 1) нужно было организовать на местах филиалы «Кзыл калама», обеспечив руководящий центр контрреволюционными элементами; 2) нужно было издательскую работу по линии художественной литературы Госиздата захватить в руки «Кзыл калама».

Атаджан Хашимов сам был в Коканде и организовали там Кокандское отделение «Кзыл калама», во главе которого фактически были Лутфулла Алими, Абдулла Рахматзаде, Ашурали Захиров, Эркин, братья Рахмановы (о них см. выше, они вначале не были там, находились в Самарканде) и несколько молодых писателей (фамилии их не знаю). Попытка подчинить Ташкентскую писательскую организацию под свое влияние, несмотря на то, что Таджиев, Наби Калыров, Рамзи (члены Исполбюро ЦК КП(б) Уз.) были за это, не увенчалось успехом потому, что в Ташкенте росло недовольство политикой Икрамово-Таджиевской группой и оно влияло на работу «Кзыл калама» в Ташкенте. Я, Атаджан Хашимов, Рамзи, Шакир Сулейманов в Наркомпросе в 1928 г. решили использовать группировку внутри Ташкентской писательской организации. Рамзи предложил «поддержать группу Аюбова». Он это обосновал так: «За Аюбовым стоят Кайюм Рамазанов, Ильбек, Санджар и др. нам известные националисты; Сотты Хусайн, по моим сведениям, связан ташкентскими нашими врагами».

Издательская работа Госиздата частично была захвачена «Кзыл каламом». Последний взял на себя рецензию худ. произведений и составление разных литературных сборников. Это давало возможность, с одной стороны, «Кзыл каламу» материально поддержать своих членов

и тем самым собрать вокруг себя больше и больше писателей, во вторых – способствовать распространению националистических произведений. Мне помнится один случай, показывающий как относился руководящий центр контрреволюционной организации к этому делу. Об этом деле перед своим докладом в отделе печати доложил Хашимов зав. отд. печати Наби Кадырову, который одобрив это, сказал: «Надо кого-нибудь из своих ребят посадить в Госиздат, чтобы «Кзыл калам» мог оказать свое влияние на работу Госиздата по линии художественной литературы. Последнее время, до Уйгуна, в Госиздате по художественной литературе работал Шакир Сулейманов, о котором писал вначале.

9. С начала 1929 года работа «Кзыл калама» начала сильно хромать. Это объясняется тем, что руководители «Кзыл калама» конференциями перед 4-м курултаем и самим 4-м курултаем были хорошо побиты и никто не хотел заниматься вопросами художественной литературы, пока не выяснится общее положение наших людей. Рамзи перед и после 4-го курултая вынужден был думать только о себе, а после 4-го курултая занялся научной работой – лингвистикой и уехал из Узбекистана, Атаджана Хашимова начали бить. Члены «Кзыл калама» были расстроены этим неблагоприятным для нас положением. Во время научной орфографической конференции непосредственный руководитель «Кзыл калама» Атаджан Хашимов получил удар со стороны новых работников ЦК КП(б) Уз. Связь Атаджана Хашимова с Фитратом и влияние последнего на работу «Кзыл калама» было давно известно всем, особенно в этот период руководства Хашимова выявилось лицо «Кзыл калама», как продолжателя линии «Чигатай гурунги». В «Кзыл каламе» фактически господствовали Фитрат, Чулпан, Абулла Аляви. Принимая это обстоятельство во внимание (конечно, к-р цель «Кзыл калама» другим еще не была известна), новые работники ЦК КП(б) Уз. во главе с тов. Гиясовым Хашимова начали снимать с разных его работ. Во время орфографической конференции по поручению Гиясова Алимджанов на пленуме ЦК нового узбекского алфавита вынес предложение исключить Хашимова из состава ЦК Н(ового) Уз(бекского) Ал(фавита). Его мотивировки нарочно были сострепаны так нелогично, что все члены ЦК Н(ового) Уз(бекского) Ал(фавита) были за Хашимова. Я выступил против и Атаджана Хашимова оставили членом. Но это был сильный и последний удар для Атаджана Хашимова, а через него для «Кзыл калама».

В мае 1929 г. после этого случая, по совету Фитрата, мы решили прекратить работу «Кзыл калама». Фитрат сказал мне и Атаджану: «Сейчас для вас создались самые неблагоприятные условия; если будете продолжать попытку работать в «Кзыл каламе» без опоры, то скоро

вас совсем разоблачат, лучше вам подождать до выяснения положения Икрамова». Я с Рамзием тоже были такого мнения.

Таким образом, после четвертого курултая «Кзыл калам» испытал большой кризис. Но его активные члены, кроме нас (меня, Рамзи, Хашимова и др.), напр. Абид Хамидов, Хамид Алимджанов, Буюк Каримов и другие в ВПИ и в других местах заступали за нас, восхваляли Икрамова и ругали наших противников.

10. Во второй половине 1929 года, когда мы все снова собрались в Самарканде, встал вопрос о «Кзыл каламе». «Кзыл калам», как всем известно, являлся одним из крупных центров работы среди молодой интеллигенции. Старые члены «Кзыл калама», чувствуя теперь почву для работы, начали громко говорить о «Кзыл каламе». Этим вопросом горячо занялся сам Икрамов, как всегда. По поручению Икрамова решено было создать оргбюро «Кзыл калама», состав которого перед заседанием секретариата был согласован с Икрамовым. Икрамов к этому отнесся очень серьезно и подобрал больше своих людей, даже считал Сатты Хусаина человеком т. Юсупова, вычеркнул из списка, но потом вынужден был включить. О председателе оргбюро «Кзыл калама» я беседовал после утверждения состава оргбюро в секретариате с Икрамовым. Он сказал: «Тебе, как зам. наркома неудобно быть председателем оргбюро «Кзыл калама». «Кзыл калам» должен подчиниться Наркомпросу и ты должен осуществить общее руководство. Председателем можно назначить Зия Саидова. Линия должна быть прежняя, но надо сферу влияния гораздо расширить; не надо отпускать тех ребят, которые в прошлом году были собраны вокруг «Кзыл калама».

Итак, мы начали работу «Кзыл калама» в 1929 году и я сделал первый доклад «О задачах узбекской художественной литературы в реконструктивный период», в котором я прикрыто защищал Чулпана. В своих докладах Алтай и Хамид Алимджанов пошли нас еще дальше – назвали Чулпана «попутчиком». Почему же мы так поступили? Из моих показаний об использовании старой интеллигенции и Чулпана видно, что наша общая установка требовала этого. Как я раньше писал, после моего этого выступления в доме Фитрата Эльбек, Санджар и другие восторженно отзывались об этом. Я общую установку своего доклада, как всегда, согласовал с Икрамовым. Кажется, не было моего доклада по какому-нибудь новому вопросу, установки которых предварительно не были бы согласованы до выступления с Икрамовым. Между прочим, почти мои более менее крупные произведения сначала просматривались Икрамовым. В начале 1929 года я написал повесть, где разоблачались некоторые антикоммунистические поступки коммунистов. Это было плодом моего настроения после 4-го курултая. Я хорошо помню, и

здесь ничего особенного не было для контр-революционной организации. Первый прочел Икрамов и сказал: «Эта повесть даст повод к дальнейшему подкапыванию нас самих, ибо ты, хотя разоблачаешь не наших людей, но много там подозрительных моментов, потому нужно коренным образом переделать». После этого я оставил свою повесть в покое до самого последнего времени (об этом подробно напишу в своей автобиографии). Да, не только мои произведения сначала санкционировались Икрамовым, но и произведения Чулпана и Абдуллы Кадырова санкционировались им. Помню, роман Абдуллы Кадырова «Мехробдан чаён» был санкционирован Икрамовым (см. допол.).

В 1929 году я не мог уделить достаточно внимания на работу «Кзыл калама», ибо был слишком нагружен наркомпросовскими делами. Поэтому, назначив Алтая Кариева зам. председателя «Кзыл калама», поручили ему собрать вокруг себя актив и усилить контрреволюционную работу по линии художественной литературы. Председатель «Кзыл калама» Зия Саидов, состоящий в группе Рахими в редакции «Кзыл Узбекистана», не мог развернуть работу писательской организации, по-моему, по двум причинам: 1) он не пользовался авторитетом среди писателей, 2) он все время находился в разъезде. Поэтому мы вынуждены были назначить Алтая Кариева председателем. До его назначения я спрашивал мнение Икрамова в его доме. Он сказал: «Я с Алтаем Кариевым беседовал долго на бульваре Всеобуча. Он очень хочет занять более видное место, можно назначить его председателем, посмотрим как он будет работать для нас...»

Относительно названия этой писательской организации продолжался прежний спор. Одни предлагали назвать «организацией пролетарских писателей», я настаивал оставить прежнее название «организация революционных писателей». В конце концов мы приняли название «организация советских писателей «Кзыл калам». Дело было не в самом названии, а в том, чтобы иметь возможность вовлечения в эту организацию более широкого круга несоветских старых писателей: Абдуллы Аляви, Эльбека, Чулпана, Фитрата и т.п. Об этом, конечно, нельзя было открыто говорить. Поэтому спорили, выставив на сцену название организации.

Для того, чтобы начать систематическую работу в «Кзыл каламе», мы в начале 1930 г. в кабинете Рахими в «Кзыл Узбекистане» решили создать рабочую тройку в составе А. Кариева (председатель), Мир-Темур Турсунова (ответ. секретарь) и я (член). Поручили Алтаю Кариеву разработать план работы, приступив к подготовке съезда «Кзыл калама». Там же решили несколько человек из наших командировать в районы для изучения состояния литературной работы.

11. После создания тройки я решил набросить план работы «Кзыл калама». По моим замыслам, создавшимся в течение долгого времени после разговоров с Икрамовым, Таджиевым, Рамзи, Фитратом, Рахими, Хашимовым и др. «Кзыл калам» должен иметь почти в каждом округе свои филиалы, а они в учебных заведениях и по возможности на предприятиях кружки... А центр «Кзыл калама», находящийся в Самарканде, организовав свой клуб, должен тесно связаться с литературной секцией Научно-исследовательского института, председателем которой был я. Конечно, этому никто не мог возражать. Мы должны были только обеспечить все эти кружки своим руководством. Для развертывания работы мы начали под руководством Алтай Кариева подбирать в центре людей: Шакира Сулейманова, Наима Саидова, Уйгуна, Мир-Темура, Бахрома Ибрагимова, Хамида Алимджанова, Буюка Каримова др. Мы думали на местах провести окружные конференции и в октябре или ноябре созвать республиканский съезд «Кзыл калама». Конечно, это все хорошо, ничего контр-революционного нет, но дело в цели. Цель работы была определенно контр-революционная, ибо хотели, организовав писателей молодежь воспитать в националистическом духе, создать контр-революционные кадры. Были с этой целью в Фергану командированы Алтай Кариев и Мир-Темур. Они в г.г. Коканде и Фергане организовали группу нац. писателей и поручили вести подготовительную к конференции работу. Туда должен был поехать для проведения конференции Шакир Сулейманов, хорошо знающий контр-революционных деятелей Ферганы.

Было ли все это известно центру к-р организации. Было. С одной стороны, я все время информировал Икрамова, с другой, Алтай Кариев и Хамид Алимджанов непосредственно ходили к нему и получали от него необходимые указания. В составе последнего оргбюро были: Зия Саидов, я, Алтай, Мир-Темур, Шакир Сулейманов, Рахими, Сатти Хусаинов, Сабира Халдарова, Хамид Алимджанов и еще несколько учащиеся ВПИ.

Отсутствие материальной помощи членам писательской организации являлось большим препятствием развертывания работы «Кзыл калама» по линии контр-революционной организации. Поэтому я, Алтай Кариев поставили перед Ирматовым вопрос о материальной помощи писателям с таким расчетом, чтобы источник этой помощи находился в своих руках и мы могли вознаграждать каждого по контр-революционной работе. Написать проект было поручено мне, но я не успел. Этот вопрос не был новым. Еще в 1928 г. Икрамов поручил Рамзи отпустить из средств Н(ар)К(ом)проса некоторую сумму для «Кзыл калама». Но «Кзыл калам» в том состоянии, в котором он находился, не мог использовать

эти средства. По этому вопросу, т.е. по материальному вопросу, кажется, Алтай Кариев был у Икрамова и у Каримова, которые как будто одобрили наше намерение.

Таким образом, здесь было скрыто желание создать материальную заинтересованность молодых писателей и более активно привлечь их в контр-революционную работу. Об этом говорили мы (Алтай Кариев, Шакир Сулейманов, Рахими, Рамзи и др.) неоднократно в разных формах.

В начале мая в моем кабинете в Наркомпросе об этом с Алтаем мы открыто говорили.

Я выше указывал, что председателем «Кзыл калама» назначили Алтая по его открытому желанию. Необходимо указать здесь один личный момент, который сыграл тоже некоторую роль в деле его назначения председателем «Кзыл калама». Его, как литератора, никто не ценил, сам Икрамов все время смеялся: даже его вещи с большим трудом печатались в журналах и газетах. Это его обижало и создавало неблагоприятное настроение для контр-революционной его деятельности. В беседе с Икрамовым о назначении Алтая Кариева председателем и этот момент был принят во внимание. Поэтому мы все время старались создать Алтаю Кариеву авторитет среди молодых писателей, правду сказать, которые не хотели идти за ним. Этим и можно объяснить и некоторую псевдолевизну Алтая Кариева в вопросах использования Чулпана, против которой выступил Икрамов даже на пятом курултае. Икрамов, запретив мне говорить на пятом курултае о художественной литературе, сам сказал, что «есть некоторые люди литераторы, которые сами ничего не делают и левыми фразами другим мешают работать». Сущность этого была понятно нам, в том числе и Алтаю Кариеву, который слишком обиделся на Икрамова и на меня.

Итак, писательская организация «Кзыл калам» с самого начала своего существования до последнего времени была организацией, аналогичной организации «Чигатай гурунги» и, можно сказать, продолжала узбекистскую контр-революционную линию «Чигатай гурунги». Разница была в том, что «Чигатай гурунги» являлась центральной организацией, занимающейся контр-революционной работой не только по линии художественной литературы, а «Кзыл калам» думал и вел контр-революционную работу по линии художественной литературы, являясь частью узбекской контр-революционной организации. Влияние «Кзыл калама» на Педагогическую академию имени Икрамова было очень большое. Учащиеся Педакадемии были заражены националистическим духом. В 1928 г. даже некоторые учащиеся Педакадемии — члены-активисты «Кзыл калама» организовали особую контр-революционную группу в ВПИ и с открытым выступлением провалились (Мирза Рахимов, Малик

Рахманов, Фаттах Рахманов и др.). После этого другие активисты «Кзыл калама» из ВПИ начали осторожно вести работу, захватив в свои руки ячейку, профком (Абид Хамидов, Бегляр Джунай, Хамид Алимджан, Уйгун и др.). Как «Чигатай гурунги», так и «Кзыл калам» находились фактически под идейным руководством Фитрата. Как я выше указал, все вопросы «Кзыл калама» сначала решались в доме Фитрата (конечно, не официально), потом в «Кзыл каламе». Это очень ярко видно особенно при Хашимове. Делал Фитрат доклад, участвовал на собраниях и заседаниях «Кзыл калама». Но, самое главное, все время считались с его мнением. Вот, это видно в знаменитой статье А. Хашимова о чигатайской литературе. Эта статья написана фактически А. Хашимовым, Фитратом и Абдуллой Аляви, в которой проповедуется идея чигатаизма и «Чигатай гурунги».

12. Я выше указал, что Икрамов санкционировал многие произведения Чулпана и Абдуллы Кадырова. Назиров Саид Ахмед, когда был председателем УзГИЗа, выпустил сборник стихов Чулпана «Тонг сирлари». Тогда Саид Ахмед говорил мне, что эту книгу прочел Икрамов и разрешил напечатать. Второе, о пьесе Чулпана «Уртак Қаршибоев». Икрамов сам мне поручил поддержать Чулпана, охраняя его пьесу от нападения (об этом подробно уже написано мною), и Чулпану хотел сам лично дать несколько советов. Третье – Икрамов поручил мне после заседания фракции ЦИКа в июне этого года написать письмо Чулпану с просьбой написать какую-нибудь художественную вещь и обещал сам просмотреть. Я это передал в Ташкенте в своем доме Чулпану.

Роман Абдуллы Кадырова «Мехробдан чаён» колебались издать. Он отнес свой роман Икрамову домой и последний после прочтения сказал Ходы Файзию (зав. УзГИЗ) о необходимости издания этого романа. Об этом мне говорил Ходы Файзи, Абдулла Кадыров и сам Икрамов.

Таким образом, Икрамов был хорошо знаком с работой «Кзыл калама». Он перед отъездом на 16-й съезд просил меня собрать материалы для него, обещая сделать после возвращения из отпуска доклад на общем собрании «Кзыл калама». О сущности доклада подробно не говорил, но мне было известно, что он хотел познакомиться с членами «Кзыл калама» и защитить нас от нападения некоторых ташкентцев, которые обвиняли нас в национализме.

Несколько слов об этой истории.

В начале этого года Рамзи, из Ташкента приехав, сообщил, что в Среднеазиатской Ассоциации Научно-исследовательских учреждений готовится против нас атака. Через несколько дней я от него получил тезисы по узбекской художественной литературе, составленные СААНИУ. В тезисах меня, Чулпана, Фитрата, Зия Саидова, Алтая называли буржуазными писателями. Я эти тезисы передал Икрамову и он ужасно



взволнованно сказал, что надо требовать от Ср. Аз. Бюро вмешательства. Нам защититься было не трудно... Ибо напечатанных буржуазных произведений не было и они ничем реально не могли доказать. Поэтому и в «Кзыл каламе» (на собраниях) и в других местах мы начали протестовать. Икрамов, кажется, в мае 1930 г., во время пленума ЦК КП(б)Уз. в здании ЦК мне сказал: «Я Зеленскому заявил протест против тезисов СААНИУ, ты сейчас иди к нему и потребуй от него, чтобы тебя Ср Аз. Бюро реабилитировало». Тов. Зеленский гулял во дворе ЦК и подходя к нему требовал моей реабилитации. Он обещал хорошо познакомиться с вопросом и потом принять соответствующее решение. В июле, приехав я в Ташкент, был у т. Зеленского и еще раз поставил этот вопрос и добился его обещания реабилитировать меня. Я это, по приезду, передал Икрамову и он успокоился.

*30 сентября, 11 декабря 1930 г.*

### **Изоҳлар:**

**Боту** (1904–1938) – Маҳмуд Мақсудович Ҳодиевнинг адабий таҳаллуси. Тошкентда туғилган. Шоир, журналист. «Умид учқунлари» (1925) ва «Товуш тўлқинлари» (1929) шеърӣй тўпламларининг муаллифи. 1922–1927 йиллари МГУнинг рабфак ва иқтисод факультетида ўқиган. 1927–1928 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида масъул инструктор (йўриқчи), матбуот бўлимининг муваққат мудири бўлиб ишлаган. 1928–1929 йиллари Самарқанд округ партия комитетининг ташвиқот ва тарғибот бўлимига мудирлик қилган. 1929–1930 йиллари Ўзбекистон маориф халқ комиссарининг ўринбосари лавозимида бўлган. 1930 йил 23 июлда «Миллий истиқлол» яширин ташкилотининг аъзоси сифатида ГПУ томонидан қамоққа олинган. «Наркомпрос иши» деб аталган гуруҳ таркибида ОГПУ «учлиги»нинг 1933 йил 31 мартдаги қарорига биноан отувга ҳукм қилинган, ҳукм 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Қатагоннинг 1937 йилги ўпқонига ҳам тортилиб, 1938 йил 9 майда отиб ташланган.

**Рабфак** (рабочий факультет) – ўтган асрнинг 20–30-йилларида меҳнаткашларнинг болаларини олий таълим олишга тайёрлаш учун олий ўқув юртлири қошида ташкил этилган факультет.

**ГПУ** (Государственное политическое управление) – Давлат сиёсий бошқармаси. Шўро ҳокимиятининг махфий хизмат муассасаси. Дастлаб ЧК (Чрезвычайная комиссия) – фавқулодда комиссия) деб аталган. Сўнг ГПУ, 30-йиллар бошига келиб эса ОГПУ (Объединенное государственное политическое управление) – Бирлашган давлат сиёсий бошқармасига айланган.

«**Миллий истиқлол**» – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш мақсадида XX аср 20-йиллари ўргаларида ташкил топган яширин ташкилот.

«**Наркомпрос иши**» – Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги тизимида ишлаган ходимларнинг «Миллий истиқлол» яширин ташкилотига алоқадор

бўлганларини ёки бўлганликда тахмин қилинганларини шўро махфий хизмати муассасаси алоҳида гуруҳ сифатида 1930 йилда қамоққа олган. ОГПУ «учлиги»нинг 1933 йил 31 мартдаги қарорига биноан 9 киши (Боту, Носир Саидов, Маннон Ромиз, Собир Қодиров, Боис Қориев /Олтой/, Ҳосил Восилов, Хайруллахон Алавий, Қажомхўжа Алиев, Қамчинбек /Абдулла Гайнуллин/) отувга ҳукм қилиниб, сўнг бу ҳукм 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. Қолганлар (Лутфулла Алавий, Мажид Воҳидов, Саидахмад Назиров, Ҳожи Назаров, Усмон Салимий, Раҳим Шокирбеков, Ботир Фуломов) ўн йилга, 1 киши (Фатхиддин Алимов) уч йилга ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига ҳукм қилинган. Мазкур ташкилот аъзоларининг қамалишига Маориф халқ комиссарлиги тизимида ишлаган Обид Саидовнинг маргимушдан заҳарланиб, 1930 йилнинг 23 июнида касалхонада ўлиши сабаб бўлган. У ўлимидан сал олдин аксилинқилобчи, миллатчи сифатида айбланган Саъдулла Қосимов устидан бўлиб ўтган судда гувоҳ сифатида қатнашиб, яқин кунларда «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзоларини фош қилажагини айтган.

**Юсуф Алиев** – жадидларнинг «Миллий иттиҳод» («Иттиҳод ва тараққий») ташкилоти аъзоси. «Даҳрий коммунистларга қарши курашга кўмак комитети»нинг ташаббускорларидан. Бу ташкилот 1922 йилда шўролар махсус хизмат ходимлари томонидан фош этилган.

**Туркестанские турки** (Туркистон турклари) – Туркистонда яшовчи маҳаллий туркий қавмларни, биринчи галда ўзбекларни шундай аташган. Туркистонни Чор Россияси забт этгач, мустабиллар туркий қавмларнинг бош бўгини дейилган ҳозирги ўзбекларни «сарт» деб аташган, 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий чегараланиш содир бўлганда, бу сўз ўрнига «ўзбек» номи қўлланилган.

**Национализм** (миллатчилик) – маҳаллий халқлар ўз миллати, унинг ўтмиши, бой маданияти, улуғ ажлодлари билан фахрланиб ёзган асарларини шўро мафкурачилари шундай атама билан, муаллифларини эса «миллатчи» деб аташган. Бора-бора эрк, мустақилликни орзу қилган, шу йўлда ҳаракат этган шахсларга ҳам шундай ёрлик ёпиштирилган. Аслида, шўролар «миллатчилик» деб атаган сўз заминида миллатпарастлик, миллатсеварлик ётади.

«**Изчи тўда**» – А. Икромов ва Саид Аҳрорийлар томонидан 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг тузилган маҳаллий ёшлар уюшмаси.

**Фитрат** (1884–1938) – Абдурауф Раҳимовнинг адабий тахаллуси. Таниқли адабиётшунос, шоир, драматург, ҳикоянавис, публицист. «Чигатой гурунги» адабий-бадий ташкилотининг асосчиси, «Қизил қалам» адабий ташкилотининг фаол аъзоларидан. Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида олиб борган фаолияти учун шўро ҳокимияти томонидан қатағон қилинган.

**Тангрикул ҳожи Мақсудов** (Тангрикул Мақсудий, 1881–1931, 23.04) – педагог, драматург ва шоир. 1919–1921 йилларда «Миллий иттиҳод» ташкилотига фаолият кўрсатган, шўро ҳукумати томонидан отилган.

**Чўлпон** (Абдулхамид Сулаймонов, 1897–1938) – атоқли шоир, драматург, носир, публицист. Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида курашгани учун шўро ҳокимияти томонидан отилган.

**Назир Тўрақулов** – таниқли публицист, давлат ва жамоат арбоби. 1892 йилнинг октябрида Қўқон шаҳрида туғилган. 1919 йил 8 июлдан Фарғонада

чиқа бошлаган «Янги Шарқ» газетасининг дастлабки муҳаррири. Туркистон АССР Маориф халқ комиссари (1920), Туркистон АССР МИК раиси (1920 йил сент. – 1921 йил авг.), Туркистон КП МК масъул котиби (1921-1922), Туркистон МИК ҳузуридаги қирғиз (қозоқ) бўлими раиси (1921-1922). 1922 йили «Инқилоб» журналининг дастлабки 5 сонига муҳаррирлик қилган. Қозоқча «Оқ жўл» газетаси бош муҳаррири бўлган. 1922 йилдан 1928 йилгача Москвадаги СССР халқлари марказий нашриётининг директори, сўнг 1936 йилгача дипломатик хизматда, 1936-37 йиллари Москва ва Ленинграддаги Шарқ халқлари институтида илмий ходим ва проректор бўлиб ишлаган. 1937 йил 15 июнда аксилшўровий фаолият ҳамда миллатчиликда айбланиб қамалган. 1937 йилнинг 3 ноябрида отилган.

**МИК** – Марказий ижроия комитети.

**МК** – Марказий Комитет.

**ЦК КП(б) Уз** (Центральный Комитет Коммунистической партии (большевиков) Узбекистана) – Ўзбекистон коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети) – Ўзбекистон коммунистлар партиясининг марказий органи, республиканинг сиёсий, иқтисодий, маданий, умуман, барча соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қилувчи партия муассасаси. «Большевик» сўзининг келиб чиқиши куйидагича: РСДРП – Россия социал-демократик ишчилар партиясининг Лондонда бўлган съезди (1903 йил июль-август) да унинг низоми ва дастури қабул қилинган. Низомнинг 1-моддаси юзасидан партия аъзолари иккига – Ленин ва Мартов тарафдорларига бўлинади. Ленин тарафдорлари низомда партия аъзолари ўртасида темир интизом бўлиши, улар партия ташкилотларидан бирида шахсан иштирок қилган ҳолда унинг топшириқларини сўзсиз бажаришлари шарт этиб қўйилишини қувватлаганлар. Мартов тарафдорлари эса бу даражада қаттиқ талаб қўйилмасин, партия аъзоси унинг ташкилотида шахсан иштирок этиши шарт эмас, моддий қўллаб турса бас, деган фикрнинг тарафдори бўлишган. Овоз беришда Ленин тарафдорларининг таклифи кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Шу боис Ленин тарафдорлари «большевик»лар ва «озчилик» маъносини англатувчи «меньшевик»лар юзага келган.

**Турор Рисқулов** (1894, 26.12, Еттисув. – 1938, 08.02, Москва) – давлат ва жамоат арбоби. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1922, сент. – 1924, январь), РСФСР Халқ Комиссарлар Совети раисининг ўринбосари (1926–1937). 1937 йил 21 майда аксилшўровий фаолият ҳамда миллатчиликда айбланиб, НКВД томонидан қамоққа олинган ва отилган.

**РСФСР** (Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика) – Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси. 1917 йилги октябрь тўнғариши натижасида юзага келган шўролар жумҳуриятининг номи, 1922 йил 30 декабрда шўролар жумҳурияти СССР деб аталгач, РСФСР унинг таркибидаги республикалардан бирини англатган ва 1991 йил 7 декабрда мавжуд бўлган.

**Абдулла Раҳимбоев** (1896, Хўжанд. – 1938, 07.05.) – давлат ва жамоат арбоби. Туркистон АССР МИК раиси (1920–1922). РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигида коллегия аъзоси (1921, март-август), Бухоро

компартияси (1923, июнь-ноябрь) ва Туркистон КП МК котиби (1923, ноябрь – 1924, ноябрь) лавозимларида ишлаган. 1925 йилдан Москвада: СССР халқлари марказий нашриёти бошқармаси раиси (1928, июль – 1929, май). Тожикистон Халқ Комиссарлари Совети раиси (1933 дан), СССР МИК раисларидан бири (1934, дек.). 1937 йил 7 сентябрда аксилшўровий фаолиятда ҳамда миллатчиликда айбланиб қамоққа олинган. Қатағон қурбони.

**Акмал Икромов** (1898, Тошкент – 1938, 15.03, Москва) – сиёсий арбоб. 1925 йил февралдан ЎзКП МК котиби, 1929 йилдан 1937 йил сентябригача ЎзКП(б) МК биринчи котиби. 1937 йил 21 сентябрда ўнг аксилшўровий ташкилотлар билан алоқа қилганликда айбланиб қамоққа олинган. 1938 йилнинг 2–13 март кунлари Москвада суд қилиниб, 15 мартда отиб ташланган.

«**Чигатой гурунги**» – 1919 йили Фитрат ташаббуси билан ташкил қилинган адабий-бадий ташкилот. Унинг тил ва имло тўдаси, адабиёт тўдаси, театр ва санъат тўдаси бўлган. Тил ва имло масаласида ўзбек тилининг софлиги учун курашган. Адабиёт масаласида мумтоз адабиётимизнинг ғоявий-бадий юксаклигини кўрсатишга интилган. Театр ва санъат масаласида ўзбек халқининг тарихидан ўрин олган буюк шахсларни драмалар қаҳрамонлари сифатида тасвирлаб, улар мисолида ёшларни ватанпарварлик ва миллат-парварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Мумтоз мусиқамиз ва санъатимизни тадқиқ этишга уринган. Туркистон АССР Маориф нозирлиги томонидан 1921 йилнинг бошида тугатилган. Мазкур адабий-бадий ташкилот ўзбек миллий тилига, халқимизнинг бой ўтмиши ҳамда мумтоз мусиқаси ва санъатига алоҳида эътибор бергани учун шўро мафкурачилари томонидан узоқ йиллар «ўзбекчилик» (миллатчилик)да айбланиб келган.

**Маннон Ромиз** (Рамзий, 1895–1938) – ёзувчи, адабиётшунос, публицист, давлат ва жамоат арбоби. 1928–1930 йилларда Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари лавозимида ишлаган. 1930 йил 1 сентябрда ГПУ томонидан қамалган. Белгиланган қамоқ муддатидан олдин 1934 йили озодликка чиқарилган. 1937 йил 18 августда яна қамоққа олиниб, 1938 йил 27 апрелда отувга ҳукм қилинган.

**Элбек** (1898, Тошкент вил. – 1939, 11. 02, Магадан) – Машриқ Юнусовнинг адабий таҳаллуси. Шоир, публицист, фольклоршунос. Н.Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқитувчилик қилган (1920 йилдан), Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. «Армуғон», «Ёлқинлар», «Кўзгу», «Сезгилар», «Меҳнат куйлари» каби ўндан зиёд шеърый тўпламлар муаллифи. Қатағон қурбони.

**Иномжон (Иноғомжон) Хидиралиев** (1891, 23.02, Поп тум. – 1928, 31.12, Москва.) – давлат ва жамоат арбоби. 1922–24 йилларда Туркистон АССР МИК раиси. РСФСР Ер ишлари федерал комитети президиуми аъзоси (1923–1924), Ер ишлари комиссари.

**Лазиз Азиззода** (1895, Тошкент – 1987, Тошкент) – маорифчи, илмий ходим. 1910–1917 йилларда мадрасада таҳсил олган. 1919 йили РКП(б) Тошкент шаҳар мусулмон бюросининг раиси бўлган. 1920 йил декабрдан 1921 йил июлигача Бухорода ишлаган. Тошкентга қайтгач, ўлка бадийий техникуми директорининг ўринбосари бўлган. 1923–1924 йиллари Москвада Миллатлар халқ комиссариати

қошидаги ўзбек секциясининг котиби, айна пайтда «Учқун» журнали таҳрир хайъати аъзоси бўлган. 1924 йили Тошкентга қайтгач, САГУнинг шарқ факультетига кириб, бир йилдан сўнг олий маълумотли деган диплом олади. 1925–1926 йиллари илмий марказда ишлаган. 1926 йили Москвага бориб, Шарқ халқлари коммунистик университетида ўқитувчилик қилган, айна замонда СССР халқлари этник маданияти илмий-текшириш институтининг аспирантурасида ўқиган. Номзодлик диссертацияси ҳимоя қиладиган куни ГПУ томонидан қамалган. 1954 йили озод этилган. 1956 йилдан Маданият вазирлигида, 1959 йилдан ЎзФА Шарқшунослик институтида ишлаган.

**САГУ** (Среднеазиатский Государственный университет) – Ўрта Осиё Давлат университети, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети; 1918 йил май ойида Халқ университети тарзида таъсис этилган. 1920 йил 7 сентябрда Туркистон давлат университетига айлантирилган, 1923 йилда САГУга, 1960 йилда Тошкент Давлат университети (ТошДУ) га ўзгартирилган, 2000 йил январида ЎЗМУ номини олган.

**Саидахмад Назиров** 1904 йили Тошкентда туғилган. 1922–24 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университетида таълим олган. 1924–1927 йиллари Маориф халқ комиссарлигида ишлаган. 1927 йили Ўзбекистон давлат нашриётида бошқарув раиси бўлган. Москва технология институтининг охириги курсида ўқиётганида ГПУ томонидан қамоққа олинган (1930, 20 октябрь).

**Комвуз** (Коммунистическое высшее учебное заведение) – Коммунистик олий ўқув юрти.

**Тўлаган Мўминов** (1902–1938) – Германияда ўқиган талабалардан. 1922–1931 йилларда Берлиндаги Олий техника мактабида ўқиган. «Чигатой гурунги» алабий-бадий ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлган. 1937 йил 2 сентябрда НКВД томонидан қамоққа олинган. Қатагон қурбони.

**Носир Саидов** (Носир Шарифхўжаевич Саидов) 1901 йили Тошкентда туғилган. Маориф халқ комиссарлиги тизимида ишлаган. 1930 йил 28 июнда ГПУ томонидан қамоққа олинган. 1938 йили отувга ҳукм қилинган.

**Собир Қодиров** 1900 йилда Тошкентда туғилган. Маориф халқ комиссариати тизимида Главпрофобр (Бош касб-ҳунар таълими бошқармаси) нинг мудири бўлиб ишлаган. 1930 йил 27 июлда ГПУ томонидан қамоққа олинган.

**Наим Саидов** – «Янги Фарғона» ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газеталарига муҳаррирлик қилган.

**Баҳром Иброҳимов** – Йўқсул тахаллуси билан ижод қилган шоир. 20-йилларнинг ўрталарида шўро махсус хизматига ишга ўтиб кетган.

**Ботир Фуломов** (1906–1938) – шоир. «Намуна» мактабини тугатгач (1923), Ўзбек эрлар билим юртига кирган. Бирмунча муддат хотин-қизлар билим юртида ишлаган. Сўнг Маориф халқ комиссарлиги тизимида ишга ўтган, айна пайтда техника-педагогика техникумига директорлик қилган. «Наркомпрос иши»га тортилиб қамалган. Қатагон қурбони.

**Беглар Жунай** – Самарқанддаги илмий-тадқиқот институти ходими.

**Қамчинбек** – Абдулла Ҳабибуллаевич Гайнуллиннинг тахаллуси. 1898 йили Тошкентда туғилган. 1916 йили мардикорликда бўлган. 1917 йил октябрь

тўнтаришидан сўнг Маориф халқ комиссариати тизимида ишлаган, сўнг Янги туркий алфавит Бутунитгифоқ Марказий комитетининг котиби бўлган. Дастлаб 1930 йил 5 октябрда ГПУ томонидан миллатчиликда айбланиб қамалган. 1941 йил 3 октябрда яна қamoқ жазосига ҳукм қилинган. Қamoқдан қайтгач, 1949 йил 2 майда Янгийўл (Эркин қишлоғи)да вафот этган.

**Абдулхай Тожиев** (1899, декабрь, Тошкент – 1938, 27.04.) – журналист ва жамоат арбоби. Партия-совет идораларида юқори лавозимларда ишлаган: 1923 йил апрелидан «Туркистон» газетаси масъул муҳаррири. 1925-26 йилларда Тошкент область партия комитети котиби, 1927–29 йилларда эса ЎзКП(б) МК инструктори (йўриқчиси), тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири. 1929 йили «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири. 1929–1935 йилларда СССР Олий Советининг Миллатлар Совети котиби, 1937 йилдан ЎзССР Советлари МИК раиси ўринбосари. 1937 йил 3 августда НКВД томонидан қamoққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

**Бурнашев Ханиф Хисомович** (1900–1937) шўро даврида партия-совет идораларида масъул лавозимларда ишлаган. 1924 йилдан РКП(б) МК Ўрта Осиё Бюроси ташвиқот ва тарғибот бўлимининг мудири, 1926 йил январидан ЎзКП(б) МКда ишлаган. 1928 йилда ЎзССР ер ишлари халқ комиссари, СССР ер ишлари халқ комиссарининг ўринбосари. Қатағон қурбони.

**Шокир Сулаймон** (1900, Қўқон. – 1942, 05.09) – шоир, журналист. Қўқон, Оренбург мадрасаларида ўқиган. Тошкент ва Москвадаги ўқув муассасаларида таълим олган. 1925 йили Самарқандга келиб, «Қизил қалам» адабий жамятига кирган. «Маориф ва ўқитгувчи», «Ер юзи» журналлари муҳарририятида ишлаган (1930–1931). Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)да дарс берган (1931–1936). 1936 йили Тошкентга келиб, Ёзувчилар уюшмаси бўлимига мудирлик қилган. Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир (1937–1938), СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалида илмий ходим. Қатағон қурбони.

**Отажон Ҳошимов** – адабиётшунос, жамоат арбоби. 1905 йили Тошкентда туғилган. Тошкентдаги ўзбек билим юртида (1919–21), Москвадаги ишчилар факультетида ўқиган (1921–1924). 1924 йили Москва Давлат университетининг ижтимоий факультетида кирган. «Қизил қалам» адабий ташкилотининг раҳбарларидан бири (1926). ЎзССР Халқ Комиссарлиги Кенгаши қошидаги Илмий кенгаш раиси (1927). Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)даги СССР ФА қошидаги Шарқшунослик институти аспиранти (1929–1933). Шу институтнинг илмий котиби (1933). Ўзбекистон Фанлар комитети раиси, Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти директори (1934), Ўзбекистон Фанлар комитети раиси ўринбосари (1937). 1937 йил 2 августда аксилшўровий, миллатчилик фаолиятида айбланиб, қamoққа олинган. 1938 йил 4 октябрда отилган.

**Раҳим Иноғомов** (Иноғомов Раҳимжон Охунжонович) 1902 йили Тошкентда туғилган. 1925–1926 йиллари Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари. 1926 йилдан Ўзбекистон КП МК матбуот бўлими мудири. «Қизил қалам» адабий ташкилотига бирмунча муддат раҳбарлик қилган. «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзоси бўлган. Марказ раҳбарларини жойларда мустахлақчилик сиёсатида қарши курашмаётганликда. Ўрта Осиё Бюроси

назоратчи органларини эса зўравонликда айблаган. Шу боис шўро раҳбарлари томонидан «майда буржуа ва миллатчилик томонларига оғиш» деб баҳоланган. Ўз вақтида аксилшўровий ва миллатчилик деб аталган ҳаракатнинг бир тармоғи унинг номи билан «иноғомовчилик» дея аталган. 1938 йил 5 октябрда НКВД томонидан отилган.

**ВПИ** (Высший педагогический институт) – Самарқандда 1927 йилда ташкил топган олий педагогика институти. 1930 йилда Педагогика академиясига айланган. 1933 йили Ўзбекистон Давлат университетига, 1960 йили Самарқанд Давлат университетига, 1960 йили Самарқанд Давлат университетига айлантирилган.

**Вадуд Махмудов** (1898, – Самарқанд области, Тойлоқ қишлоғи – 1976, Душанбе) – муаллим, журналист, адабиётшунос. 1914 йилгача Самарқандда усули жадид мактабида ўқиган, сўнг янги усул мактабларида ўқитувчилик қилган. 1917 йил кузидан 1918 йил баҳоригача Уфадаги Олия мадрасасида таҳсил ишлаган. 1919 йилдан 1925 йилгача ўқитувчилик қилиб, халқ маорифи тизимида ишлаган. 1925–1926 йиллари Москвадаги Бадиий адабиёт институтида ўқиган. 1926–1927 йиллар «Маориф ва ўқитувчи» журнали муҳаррирининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1927–1929 йиллар Тожикдавнашрда штатдан ташқари таржимон. Бхаизм (бобизм) мазҳабига қизиққан. 1930 йил 18 августда ГПУ томонидан қамалган. 1937 ва 1944 йиллари яна қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1954 йил 26 январда озод этилгач, Самарқандда яшаган. 60-йилларнинг охирида Душанбега чақирилиб, 2 жилдлик «Фарҳанги забони тожикий» («Тожик тилининг изоҳли луғати»)ни тузиш ишига жалб этилган.

**Ашуралӣ Зоҳиров**, Зоҳирий (1885–1938) – маърифатпарвар, журналист, тилшунос. «Садои Фарғона», «Янги Фарғона» газеталари муҳарририятида ишлаган. Фарғона педагогика техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Қатағон қурбони.

**Лутфулла Олимий** (1893, Наманган – 1938) – маорифчи, журналист. Дастлаб эски мактабда хат-саводини чиқарган. 1916 йили Уфадаги Олия мадрасасида ўқиган. Янги усул мактабларида ўқитувчилик қилган, шаҳар маориф бўлимида хизмат этган. 1925 йилдан «Янги Фарғона» газетаси муҳарририятида ишлаган, унинг муҳаррири бўлган. Қатағон қурбони.

**Абдулла Раҳматзода** – XX асрнинг 20-йилларида «Янги Фарғона» газетасига муҳаррирлик қилган.

**Саиджонов** (Мусожон Йўлдошевич) – 1893 йили Бухорода туғилган. Бухоро жадидчилиги ҳаракати намояндаларидан. Бухорода амирлик тугатилгач, жумҳурият раҳбарларидан. Бухоролик талабаларни Германияда ўқишга юбориш ташаббускорларидан. «Миллий иттиҳод» ташкилотидан қатнашган. 1925 йилдан тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасида ишлаган. 1937 йил 13 апрелда НКВД томонидан қамалиб, шу йилнинг 25 октябрида отилган.

**Буюк Каримов** (1906–1945) – фольклоршунос. 1926 йили Ўзбек билим юртини тугатган. Самарқанд Педакадемиясида (1927–1930), Маданий қурилиш илмий-текшириш институти аспирантурасида (1930–1933) ўқиган. 1934 йилдан умрининг охиригача Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ишлаган.

**Уйғун (1905–1990)** – Раҳматулла Отақўзиевнинг адабий тахаллуси, шоир ва драматург. 1930 йили Самарқанд Педагогика академиясини тугатган. Турли газета ва журналлар таҳририятларида хизмат қилган. 1951–1954 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувиغا раис бўлган.

**Ҳамид Олимжон (1909, 12. 12, Жиззах. – 1944, 03. 07, Тошкент)** – атоқли ўзбек шоири, жамоат арбоби. Самарқанд билим юртида, Педагогика академиясида ўқиган. Турли газета ва журналлар таҳририятларида ишлаган. 1939–1944 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг масъул котиби. Автомашина ҳалокатида нобуд бўлган.

**Обид Ҳамидов** – Самарқанддаги педагогика техникумининг ўқув ишлари мудирини бўлган.

**Абдулла Алавий (1903–1931, 09. 01.)** – шоир, филолог олим. 1924–1927 йиллари Ленинград Шарқ тиллари институтида ўқиган. Бир оз муддат шу институтда ўқитувчилик қилган. Самарқанддаги Педакадемияда адабиёт назариясидан дарс берган. Сил касалидан вафот этган.

**Бўлат Солиев (1882, Астрахан – 1937)** – тарихчи, профессор (1927), Самарқанддаги Олий педагогика институтида Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудирини. 1936 йилдан Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Ўзбекистон тарихи секциясига бошчилик қилган. Қатағон қурбони.

**Аюбов (Аъзам Аюб) 1904** йили Тошкентда туғилган, журналист. «Ер юзи» журналининг муҳаррир ўринбосари, «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул котиби бўлиб ишлаган. 1942 йили қатағон қурбони бўлган.

**Қайюм Рамазон (1897–1942)** – педагог, тилшунос олим. Туркистон Маориф халқ комиссарлигида ишлаган. Турли ўқув юртларида дарс берган. 1929–1937 йиллари Тил ва адабиёт институтида илмий ходим. «Ўзбек тили иш юритиш китоби»нинг муаллифи (1928–1929), тўрт жилдлик «Ўзбекча тил сабоқлиги» китобининг (1925–1926) муаллифларидан бири. Қатағон қурбони.

**Санжар (Босит Сиддиқов, 1900, Тошкент – 1938, 08.10.)** – Санжар Сиддиқнинг адабий тахаллуси, журналист, таржимон. «Ер юзи», «Китоб ва инқилоб», «Гулистон» журналларида масъул котиб бўлган. Давлат нашриётида ишлаган. Рус ва жаҳон адабиётидан таржималар қилган. Қатағон қурбони.

**Сотти Ҳусайн (Ҳусайнов, 1907, Қўқон – 1942)** – адабиётшунос, драматург. Дастлаб ўқитувчилик қилган. 1927–1928 йилларда «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири. 1935–1938 йиллари Москвадаги Қизил профессура институтида ўқиган. 1938–1940 йилларда ЎзССР Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти директори. 1941–1942 йиллари ЎзКП(б) МК тарғибот ва ташвиқот бўлимида мудар ўринбосари. Қатағон қурбони.

**Раҳимий (Насриддин Раҳимий)** – шоир, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида ишлаган.

**Миртемир (Турсунов, 1910, 30.05, Туркистон – 1978, 25.01 – Тошкент)** – таниқли ўзбек шоири. 1925–1929 йиллари Ўзбек эрлар билим юртида ўқиган. 1929 йили Самарқандга бориб, Ўз МИК раиси Й.Охунбобоевга котиб бўлган. Айни пайтда Педакадемияда ўқиган. 1932 йил 2 августда ОГПУ томонидан миллатчиликда айбланиб қамалган. Қамоқдан чиқиб, журналистика соҳасида ишлаган, адабий ижод билан шуғулланган.



**Собира Холдорова** (1907 – 1981, 01.08.) – журналист; давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашган ўзбек хотин-қизларидан. 1929 йили Москвадаги журналистика институтини тугатган. Қатагон жабрини тортган.

**Каримов Абдулла** (1896 – 1938, 27.04.) – партия-совет идораларида юқори лавозимларда ишлаган (1929 йилдан ЎзССР ХКС раисининг биринчи ўринбосари, 1937 йилда раиси). 1937 йил 4 сентябрда аксилшўровий миллатчиликда айбланиб қамалган. Қатагон қурбони.

**ХКС – Халқ Комиссарлари Совети.**

«...в знаменитой статье А. Хашимова» – бу ерда гап Отажон Ҳошимнинг «Пролетариат ва чигатой адабиёти тўғрисида» («Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1928 йил, 4-сон) мақоласи устида кетяпти.

**Ср. Аз. Бюро** (Среднеазиатское бюро) – 1922 апрелда тузилган РКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси. 1925 йилдан ВКП(б)нинг Ўрта Осиё Бюроси деб юритилган. Бюро Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотлари фаолияти устидан назорат қилган. ВКП(б) МКнинг 1934 йил октябрда қабул қилган қарори билан тугатилган.

**ВКП(б)** (Всесоюзная Коммунистическая Партия большевиков – Бутуниттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси. Кейинчалик КПСС (Коммунистическая партия Советского союза) – Совет Иттифоқи коммунистик партияси деб юритилган.

«Псевдодлевизна Алтая Кариева в вопросах использования Чулпана» (Чўлпондан фойдаланиш масаласида Олтой Қориевнинг сохта сўзлиги) – Олтойнинг «Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1928 йил, 7, 10 август) мақоласидаги Чўлпон тўғрисида билдирилган фикрлар, «Қаршибоев – куруқ ҳужум учун» («Қизил Ўзбекистон», 27 декабрь) мақоласининг умумий руҳи назарда тутилади. Олтой булар билан чекланмай, «Ёш ленинчи» газетасининг 1930 йил 27 июль сонида «Чўлпончилик кайфиятлари билан курашайлик» деган шиорнамо, ўта жангари руҳдаги мақоласини ҳам эълон қилган.

«Попутчик» («Йўловчи») атамасини большевикларнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бўлган Лев Троцкий «Революция ва адабиёт» китобида (1923) биринчи бўлиб қўллаган. Унда «социалистик инқилоб» деб аталган 1917 йил октябрь тўнтаришига бетараф бўлган адибларга нисбатан нигилистик қараш руҳи акс этган. «Йўловчи» сўзининг маъноси ҳам шуну аниглади: унингча, бундай ёзувчилар социализм «шоҳбекати» томон йўл олган «поезд»да пролетариат билан маълум бекатгача ҳамроҳ бўлиб боришади, сўнг қарашлар, ижтимоий манфаатлар муайян зиддият даражасига етгач, улар «поезд»дан тушиб қоладилар, яъни янги турмуш қурилишида охиригача пролетариат билан бўлолмайдилар.

**Олтой** (1903–1977) – журналист ва шоир Боис Қориевнинг адабий тахаллуси. 1923 йили «Дархон» газетаси таҳририятида, сўнг «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятида ишлаган. 1925 йили ташкил этилган «Ёш ленинчи» газетасининг биринчи муҳаррири. Давлат илмий кенгаши раисининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Дастлаб «Қизил қалам» адабий жамияти раисининг ўринбосари, 1930 йил 13 июлдан унинг раиси. Шу йилнинг 29 июлида «Наркомпрос иши» бўйича қамалган. Қатагон жабрини тортган.

**Ҳоди Файзий** – татар миллатига мансуб бўлиб, ўзбек матбуоти ривожига муайян ҳиссасини қўшган. Чунончи, 1919 йил 8 июлдан Фарғонада нашр қилина бошлаган «Янги Шарқ» газетаси ҳамда 1922 йилда Тошкентда ташкил этилган «Инқилоб» журнали таҳририятларида, Ўзбекистон давлат нашриётида ишлаган. 30-йилларда Қримга кетиб, у ерда НКВД ходимлари томонидан миллатчилик ва аксилшўровийликда айбланиб қамалган.

**Зиё Саид** (1901, Тошкент – 1938, 04.10) – ёзувчи ва журналист Қосим Солиҳовнинг тахаллуси. 1918 йили «Ватан» мактабида ўқиган. 1919 йили «Турон» кутубхонасига ишга кирган. 1920 йилда «Тонг» журнали, сўнг «Туркистон» газетаси таҳририятида ишлаган. «Қизил қалам» адабий жамиятига раислик қилган. Ҳамза номидаги театрға директорлик қилган. 1937 йил 5 августда НКВД томонидан қамалган. Қатағон қурбони.

**Абдулла Қодирий** (1894, 10.04 Тошкент – 1938, 04.11) – атоқли ўзбек ёзувчиси, журналисти. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари ва бошқа талайгина ҳажвий асарларнинг муаллифи.

**Зеленский Исаак Абрамович** (1890–1938) –партия-совет идораларида масъул лавозимларда ишлаган шахс. 1924 йил ноябридан 1931 йилгача ВКП(б) МК Ўрта Осиё Бюросининг биринчи котиби. 1929 йил июнидан декабригача ЎзКП(б) МК биринчи котиби. 1925–31 йилларда Ўзбекистон КП(б) МК ва ЎзССР МИК аъзоси бўлган. Қатағон қурбони.

*Кириш сўз ва изоҳлар билан  
нашрга тайёрловчи филология  
фанлари номзоди  
Бойбўта ДУЎТҚОРАЕВ.*

**Протокол допроса  
обвиняемого ФИТРАТА Рауф Рахимовича  
от 25 октября 1937 года**

*Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан тарихимизнинг совет даврида унутилган ва сохталаштирилган саҳифалари ўз ўрнига қайтарилиб, ўзбек халқи тарихидаги «оқ доғлар» тўлдирилмоқда. Совет режими даврида «мутлақо махфий» тамғаси остида сир сақланган мавзулардан бири Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва унинг амалга оширилиши бўлиб, мазкур мавзу ҳақида 75 йиллик шўролар ҳукмронлиги даврида сукут сақлаб келинди ёки большевиклар томонидан амалга оширилган репрессия (қатағон) ва террор (қатли ом) тўғрисида юзаки фикрлар билдирилди, холос. Ҳолбуки, чала ҳақиқат ёлғондан ҳам кўпроқ зарар келтиради. Миллат қачонки ўз тарихининг ҳам шонли, ҳам фожияли, ҳам мураккаб ва зиддиятли даврларида кечган тарихий воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунса, уларни холис таҳлил ва талқин қилишдан ташқари, тарихдан бугунги кун ва келажак учун етарли сабоқлар чиқара олса, ана*

шундай ҳолатда бу миллатни енгиб бўлмайди. Тарихдан сабоқ чиқарган бундай миллат ҳар қандай шароитда, ҳар қандай тузум ва диктаторлар ҳукмронлиги даврида ўз келгуси тараққиёти учун замин тайёрлайди, қоронғилик ва жаҳолатда яшаб туриб эзгулик ва нурга интилади.

XX аср ўзбек халқи ҳаётида, унинг маданияти ва адабиётида ёрқин ва ўчмас из қолдирган шахслардан бири Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (1886–1938) ҳисобланади. Фитрат феномени ўтган асрда нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам ноёб ҳодисадир.

Фитрат ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда сўнгги ўн йилликларда қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам, ҳозиргача бу буюк тафаккур соҳибининг тийнати, дунёқараши ва ижодий йўли тўлиқ равишда ўрганилмаган. Тарихчи ва адабиётшунос олимлар Фитрат ҳақидаги барча манбалардан етарли даражада фойдалана олишмаяпти. Ана шундай манбалардан бири «Фитратнинг жиноий иши» бўлиб, у махсус хизматлар архивида сақланади. Ушбу жиноий иш 1937 йил 22 июлдан то 1939 йил 30 ноябргача бўлган даврни ўз ичига олган.

Фитрат 1937 йил 22 июлда Тошкентда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси томонидан қамоққа олинган. Фитратга 1920–1923 йилларда миллатчи «Иттиҳод ва тараққий» ҳамда «Миллий иттиҳод» ташкилотларига аъзо бўлганлик, «Чиғатой гурунги» пантуркистлар ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлик каби айблар кўйилган. Фитрат қамоққа олингач, у илк марта 1937 йил 25 октябрда Давлат хавфсизлиги лейтенанти Тригулов ва Давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Шарипов томонидан сўроқ қилинган. Ушбу сўроқ баённомаси 25 варақдан иборат бўлиб, рус тилида ёзилган. Демак, терговнинг ўзи ҳам рус тилида олиб борилган. Сўроқ баённомасининг ҳар бир варағи охирида Фитратнинг имзоси мавжуд. Айрим варақларда қорамтир доғлар (Фитратнинг тергов жараёнида қийноқлардан тўкилган қайноқ қизил қонининг белгиси) мавжудлиги «одил совет суд тергови» қандай тарзда олиб борилганлигидан тилсиз гувоҳлик бериб турибди.

Архив ҳужжатида илова қилинган қарийб 130 та изоҳ ва шарҳларда Фитрат яшаб ўтган даврнинг ҳаққоний манзарасини бериш учун ҳаракат қилинди. Фитрат томонидан тергов жараёнида номлари тилга олинган давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, айрим тарихий атама ва жой номлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга изоҳларда номлари тилга олинган ҳар бир тарихий шахс билан Фитрат ўртасидаги ўзаро муносабат ва ижодий мулоқот имконият даражасида ёритилди. Шунингдек, Фитрат томонидан сўроқ баённомасида қайд этилган айрим нотўғри фикрларга (бу ҳолатнинг объектив ва субъектив жиҳатлари тўғрисида юқорида тўхтаб ўтдик) муносабат билдирилди.

*Масаланинг нозик жиҳати шундан иборатки, ушбу «жиноий иш» Фитрат ҳақидаги ижобий тасаввуримизга соя солмаслиги, алломанинг нуфузи ва обрўсига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Совет даврида шакланган ва қотиб қолган стереотиплар ва қарашларга кўра, бундай хужжатлар одатда эълон қилинмаган ёхуд маълум мақсадни кўзлаб, бирорта шахсни обрўсизлантириши мақсадидагина чоп қилинган. Бизнинг ниятимиз эса ҳолис бўлиб, фақат илмий жамоатчилик ва ўқувчилар оммасига Фитрат ҳаётининг қамоқда кечган сўнги 15 ойлик даврини хужжатлар тили билан кўрсатиш, мустабид тузум ва истибдод, зулм ва зўравонлик ҳукмронлик қилган шароитда Фитратнинг оддий инсон сифатидаги кечинмалари ва фикрларини тушунишга уринишдан иборатдир. «Жиноий иш»да кўпгина мулоҳазалар сохталаштирилган, айрим ўринларда ҳақиқат билан алдов ўзаро чирмашиб кетганки, буни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқ лозим.*

*Агар Фитратнинг «жиноий иши»га оид хужжат ёки бошқа бирор манбанинг асл ҳолида эълон қилиниши, унинг мукамал изоҳлар билан таъминланишидек ишининг Ўзбекистон Республикаси миқёсида ҳали амалга оширилмаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу дастлабки тажрибада баъзи хатолар ва камчиликларга йўл қўйган бўлишимиз табиий. Умид қиламизки, бундай камчиликлар тадқиқотчилар томонидан бизга айтилса, улар келгусида архив хужжатларини эълон қилиш жараёнида, албатта, эътиборга олинади.*

**ФИТРАТ Рауф Рахимович, 1886 г. рождения, узбек, беспартийный, из семьи крупного торговца, б[ывший] министр иностранных дел БНСР, до ареста профессор Узбекского научно-исследовательского Института языка и литературы, не судился.**

**Вопрос:** Вы арестованы, как активный участник контрреволюционной националистической организации. Вы вели организованную борьбу против Советской власти с первых дней её существования и до момента вашего ареста, следствие требует дать правдивые показания.

**Ответ:** Я признаюсь в том, что я действительно вел активную борьбу против Советской власти, являясь выходцем из среды крупной торговой буржуазии Бухары, я не мог примириться с принципами, провозглашаемыми революцией. С первых дней революции моя литературная деятельность, направленная к обоснованию и пропаганде идей буржуазного национализма и пантюркизма а выдвинула меня одним из идеологов буржуазно-националистического движения в Туркестане, представляемого партией джадидов.

Как идеолог джадидизма, связавшись с руководителями контрреволюционной подпольной организации «Милли Иттиход» и войдя в её руководящий центр, я встал на путь организованной контрреволюционной борьбы против Советской власти и продолжил эту борьбу до дня моего ареста.

**Вопрос:** Кто и когда привлек вас к руководству к-р [контр.] организации «Милли-Иттиход»?

**Ответ:** В к-р националистическую организацию «Милли-Иттиход» я был завербован в 1921 г. председателем Совета Министров Бухарской Народной Республики Файзуллой Ходжаевым, впоследствии Пред[седатель] СНК Уз[бекистана], а моя роль, как одного из идеологов буржуазного национализма, обеспечила мне особое место среди руководящей верхушки этой организации. Получив моё согласие на вступление в к-р организацию, Файзулла Ходжаев привлек меня к участию в правительстве Бухарской Народной Республики, в котором я занял пост министра иностранных дел, а затем министра просвещения.

**Вопрос:** Вы сказали, что вошли в руководящий центр к-р организации «Милли-Иттиход». Уточните ваши показания в этой части.

**Ответ:** Я был завербован Файзуллой Ходжаевым и вошел в число руководителей бухарского центра «Милли-Иттиход». Этот центр был сделан в 1920 году членами Туркестанского ЦК «Милли-Иттиход» — Сагдулла Турсун Ходжаевым, Мунаввар Кары Абдурашитовым, Файзулла Ходжаевым, Ходжи Сафа Джурабаевым, Абдукадыр Кушбеги-евым, Салимхон Тюлляхановым и Миян Бузрук Салиховым. Для усиления работы организации из Ташкента периодически приезжали к нам руководители ЦК «Милли-Иттиход» Рыскулов и Юсуф Алиев.

Бухарский филиал «Милли-Иттиход» объединял буржуазно-националистические элементы, воспитанные партией джадидов, известные под названием младобухарцев. Этим по существу объясняется то положение, что Бухарский филиал «Милли-Иттиход» являлся одним из наиболее сплоченных и сильных как в идейном, так и в организационном отношении. Способствовало этому и то обстоятельство, что правительство БНСР почти целиком состояло из членов «Милли-Иттиход».

О персональном составе Бухарского филиала «Милли-Иттиход» я могу дать подробные показания.

**Вопрос:** К вопросу о составе организации мы вернемся позднее. Сейчас дайте показания о политических идеях к-р организации, в которой вы состояли и о практической работе, которая проводилась этой организацией и вами лично.

**Ответ:** К-р националистическая организация «Милли-Иттиход» основной своей целью ставила ликвидацию Советской власти в

Туркестане и образование, на базе пантюркизма, самостоятельной буржуазно-демократической республики, в которой были бы объединены все территории РСФСР население, тюрко-татарскими народностями (Туркестан, Татария, Крым, Азербайджан), с безусловным отторжением этих территорий от РСФСР.

При проведении вооруженной борьбы с Советской властью организация рассчитывала на использование внутренних контрреволюционных сил, однако отторжение указанных территорий предполагалось произвести главным образом при помощи иностранных государств, на что нами делалась основная ставка.

Особенно последовательным и решительным сторонником вооруженной борьбы с Советской властью с помощью иностранных государств являлся Файзулла Ходжаев, который в ряде бесед со мной резко высказывался против проникновения Советской власти в Среднюю Азию. При вербовке меня в организацию Файзулла Ходжаев мне сообщил, что наша Бухарская организация «Милли-Иттиход» имело в качестве конкретной и ближайшей задачи развертывание активной борьбы за сохранение независимости Бухарской Народной Республики. основным практическим мероприятием, проводимым нами, в осуществлении стоявших перед организацией задач, являлась организация басмачества и установление связи с иностранными государствами.

**Вопрос:** Конкретизируйте, как именно и через кого организовалось и направлялось басмачество и устанавливалась связь с иностранными государствами.

**Ответ:** Басмаческому движению в Туркестане наша организация придавала большое значение и возлагала на него много надежд, как на средство активной борьбы против Советской власти. Басмачество рассматривалось нами как зачаток национальной армии будущего буржуазно-националистического государства. Поэтому руководством басмаческим движением занимался непосредственно Файзулла Ходжаев, при активном участии Муинджан Аминова, Ата Ходжаева и Усман Ходжаева. Организуемое под кулацко-националистическими лозунгами басмаческое движение представлялось нами перед правительством РСФСР как народное движение против принципов Советской власти.

Планомерная и организованная деятельность «Милли-Иттиход» в этом направлении привела к тому, что в период 1920-1924 гг. вся Заравшанская долина была охвачена басмаческим движением, возглавляемым крупными курбаши Мулла Кахаром Джура Амином, Мурод Машкопом, Митан Палваном и другими. Такое же положение было в Ферганской долине. Одновременно с развертыванием басмаческого движения, нами была активизирована работа по установлению связи с иностранными государствами.

Турецкое правительство, с целью установления контакта с нами а так же для помощи в организации вооруженной борьбы с Советской властью, командировало в Туркестан известного Энвер Паша, который был связан лично с Файзуллой Ходжаевым.

Энвер Паша, ознакомившись с положением, поддержал нас в том, что басмаческое движение является наиболее действенной и реальной силой, используя которую, мы могли достичь своей цели. Однако он указал, что разрозненность действий басмаческих отрядов понижает эффективность борьбы и предложил нам объединить действия басмаческих отрядов в Туркестане. В осуществлении этого предложения Файзулла Ходжаев, вместе с Мунаввар Кари Абдурашитовым приняли меры к объединению басмаческих отрядов Зеравшана и Ферганы. Это привело к укреплению и усилению басмаческого движения в этих районах.

В 1922 году член нашей организации Касым Кары был командирован в Персию, для установления связи с персидским правительством Он был принят персидским шахом и получил обещание с его стороны помочь нам в борьбе с Советской властью. Там же, в Персии, Касым Кары установил связь с представителями английского правительства.

В тот же период нами была установлена непосредственная связь с Турецким правительством, для чего в Турцию выезжали наши представители, члены организации — Мухамад Назари и Исмаил Садри.

Через Юсуп Заде и Хашим Шаика, нами была установлена связь с правительственными кругами Афганистана.

**Вопрос:** Уточните ваши показания о связях организации «Милли-Иттиход» с иностранными государствами. В частности, дайте показания — в чем конкретно выражалась связь организации с Англией?

**Ответ:** Я, как и большинство членов правительства БНСР, во главе с Файзуллой Ходжаевым, добивался сближения с Англией, рассчитывая на её помощь в борьбе с Советской властью, и свою внешнюю политику подчинял этой задаче.

Практически это осуществлялось в виде заключения тайных военно-политических договоров с правительствами восточных государств — Афганистана и Персии, находившихся под влиянием Англии и внешняя политика которых в значительной степени направлялась последней.

С правительствами Афганистана и Персии нами было заключено ряд военно-политических договоров в основном, предусматривающий помощь нам в борьбе с Советской властью. В частности, в 1922 году в г. Герате был заключен подобный договор с правительством Афганистана, подписанный с нашей стороны министром иностранных дел Рахмат Рафиковым и сотрудником министерства иностранных дел Мирза

Исаметдиновым. Со стороны Афганистана договор подписали военные чины Афганистана – Хабибулла Хан и Абдуходы Хан.

В том же 1922 году, аналогичный договор был заключен и с Персидским правительством. Основные пункты договора были выработаны нашим представителем Касым Кары и Шахом Персии. Этот договор был заключен после того, как Касым Кары заручился согласием английских представителей в Персии на оказание нам поддержки в духе заключаемого договора.

После заключения договора с Афганистаном, нами в Кабул был послан свой полпред – Хашим Шаик. Узнав об этом, правительство РСФСР, через своего представителя в Бухаре предложил нам отозвать Хашим Шаика. В связи с этим Файзулла Ходжаев дал директиву Хашим Шаику не возвращаться в Бухару, а оставаться в Кабуле, для постоянной связи между ним и правительственными кругами Афганистана. Я эту директиву Файзуллы Ходжаева передал Хашим Шаику через своего родственника, работника министерства иностранных дел Хайдар Хаяти. Хашим Шаик и в данное время продолжает оставаться в Кабуле.

В дальнейшем, в связи с изложением положения в Туркестане международного положения, изменились и наши отношения с иностранными государствами. В частности, большое место в наших расчетах стала занимать Германия.

**Вопрос:** О каких изменениях вы говорите, уточните.

**Ответ:** В 1924-1925 гг. басмачество было почти полностью разгромлено и мы потеряли реальную силу, дававшую нам возможность проводить свою политику. Правительство БНР было распушено и Бухара стала советской. Экономические и политические мероприятия Советской власти окончательно повернули дехканство на сторону Советской власти. В связи с этим начался разгром нашей базы – байство, духовенство, басмачество, а также и основных кадров нашей организации «Милли-Иттиход». Нам пришлось свернуть свою к-р деятельность и уйти в глубокое подполье.

Наряду с продолжавшейся работой по организации басмаческих выступлений – основной нашей задачей стало являться накопление антисоветских сил и применение нашей к-р деятельности к новым условиям – окончательного укрепления Советской власти в Узбекистане. В этот период значительную роль в националистической к-р борьбе против Советской власти начинает играть Акмаль Икрамов, четко ставивший перед организацией новые задачи, выдвинувший новые лозунги борьбы и привлекая в организацию большое количество новых членов. В связи с этим и название организации, как не отвечающее новым задачам, было изменено. Организация стала называться «Милли-Истиклял», каковое и сохраняла до настоящего времени, т.е. до моего ареста.



**Вопрос:** Продолжайте ваше показание о связях вашей организации с иностранными государствами за последние годы.

**Ответ:** С 1927-1928 годов, Файзулла Ходжаев связь с которым у меня оставалась близкой, начал интересоваться положением в Германии и установил связь с разведкой последней через германского агента Абдувахаб Муради. Через этого же Муради Файзулла Ходжаев установил с одним из лидеров Туркестанских эмигрантов Мустафа Чокаевым.

Об Абдувахаб Муради мне Файзулла Ходжаев говорил часто. В одной из бесед он рассказал мне, что Муради – германский агент и что он имел к нему поручение от Мустафы Чокаева. Файзулла Ходжаев устроил Абдувахаб Муради на работу и поддерживал его. Кроме Абдувахаб Муради, Файзулла Ходжаев был тесно связан с Мухамади Ходжаевым, которого он устроил в аппарат СНК Уз. Мухаммади Ходжаев учился в Берлине и после возвращения стал очень близок к Файзулле Ходжаеву.

Точно так же до самых последних дней Файзулла Ходжаев поддерживал и продвигал на ответственные посты Маткул Султана, прибывшего из Германии. Последнее время Маткул Султан работал зам. Пред. Комитета Наук при СНК Уз.

С 1933 г. особенно часто в беседах со мною Файзулла Ходжаев говорил о Гитлере, восхищаясь его победой и методами, которыми он захватил власть. Файзулла Ходжаев считал Гитлера выдающимся государственным деятелем, сумевшим в короткое время восстановить мощь и международное значение Германии. Фашистские убеждения Файзуллы Ходжаева полностью разделялись мной.

**Вопрос:** Какую роль вы заняли в к-р организации в новый период её существования?

**Ответ:** Продолжая вести к-р националистическую деятельность совместно с Файзуллой Ходжаевым, я в 1927 году одновременно установил связь с Акмаль Икрамовым и по его совету и помощи взял на себя руководящую роль в проведении к-р националистической деятельности на идеологическом фронте. Посредником между мной и Икрамовым в нашем сближении был Атаджан Хашимов, работавший в то время Председателем Ученого Совета УзССР. Атаджан Хашимов сообщил мне мнение Икрамова о задачах организации, перспективах к-р деятельности организации, частично о новых членах, привлеченных ими. Он же свел меня с Икрамовым Акмалем в его доме, в Самарканде, где впоследствии я часто беседовал с Икрамовым и получал у него к-р националистические установки. Для лучшего развертывания к-р работы на идеологическом фронте, я был переведен на работу из Ташкента в Самарканд.

**Вопрос:** Каковы цели и задачи к-р националистической организации «Милли-Истиклял», одним из руководителей которого являлись вы?

**Ответ:** Основной целью нашей организации являлось достижение независимости Узбекистана от Советского Союза, с установлением буржуазно-демократического строя.

Независимость мы предполагали достигнуть отторжением Узбекистана от Советского Союза вооруженным путем, при поддержке капиталистических государств, заинтересованных в ослаблении Советского Союза. В качестве конкретных задач, для достижения указанной цели, проводились следующие мероприятия:

а) продвижение на руководящие посты в республике активных и преданных членов к-р организации.

б) концентрация активных националистов на важнейших экономических, политических и идеологических участках.

в) обработка в к-р духе и вовлечение в организацию новых членов из среды работников совпартаппарата и интеллигенции.

г) проведение широкой националистической пропаганды и агитации; внедрение среди населения националистических идей; воспитание молодежи в националистическом духе;

д) возбуждение среди населения недовольства Советской властью, распространение пораженческих настроений;

е) сохранение и организация повстанческих кадров из среды байства, духовенства, б. басмачей и б. торговцев.

Указанные мною задачи в первом и последнем пункте практически встали перед нашей организацией и проводились в жизнь с 1934-35 гг., когда ожидалось возникновение войны капиталистических стран против Советского Союза, что создало бы благоприятные условия для нашего выступления за отторжение Узбекистана.

**Вопрос:** Назовите фамилии известных вам членов к-р организации.

**Ответ:** Мне известен руководящий состав организации в центре и часть руководителей периферийных филиалов.

В руководящий состав организации, её актив, входили, кроме меня: Икрамов Акмал – руководитель организации, секретарь ЦК КП(б) Уз.; Файзулла Ходжаев – председатель СНК Уз., Абдулхай Таджиев – б. зав. культпропом ЦК КП(б)Уз., в последнее время зам. пред. ЦИК УзССР; Атаджан Хашимов – б. пред. ГУСа УзССР, в последнее время пред. Комитета Наук при СНК УзССР; Абдулладжан Каримов – б. Наркомпрос УзССР, в последнее время зам. пред. СНК УзССР, его вербовал Акмал Икрамов; Абдулла Мустакаев – б. работник культпропа ЦК КП(б) Уз., в последнее время работает в Крыму, его вербовал Абдулхай Таджиев; Ходы Файзы – б. директор Ком[мунистического] университета в Самарканде, в последнее время работал директором Института в Крыму. Его вербовал Абдулхай Таджиев; Ваис Рахими –

б. работник Самаркандского обкома КП(б) Узб., в последнее время работает директором Музея искусств в Ташкенте, его вербовал Рамзи; Бату— Максуд Ходыев — б. зам. наркома просвещения Уз. в 1930 году провалился и по делу к-р организации «Милли-Истиклял», осужден к 10 годам заключения, его вербовал Акмал Икрамов; Маннон Рамзи — б. Наркомпрос УзССР, тоже провалился по делу к-р организации «Милли-Истиклял», осужден к 10-ти годам заключения, досрочно освобожден, в последнее время работает в Ростове/Дону; Боис Кариев — литературный псевдоним «АЛТАЙ», поэт, в 1930 году по делу организации «Милли-Истиклял» осужден к 10-ти годам заключения, его завербовал БАТУ; Саидахмад Назиров — б. управляющий УзГИЗа, в 1930 году осужден по делу организации «Милли-Истиклял»; Газы Галим Юнусов — профессор, б. председатель Комитета узбековедения, арестован; Пулат Салиев — профессор-историк, занимался преподавательской работой, в последнее время работал в Узбекском Государственном университете, его завербовал Саид Ахмед Назиров. Абдурахмон Сагды — профессор литературы, занимался преподавательской работой, в последнее время работал в Ферганском пединституте, его завербовал Боис Кариев.

Наша организация в структурном построении имела форму цепочки, составленной из троек, например: Атаджан Хашимов — работал со мной и Газы Галим Юнусовым; Абдулхай Таджиев руководил работой Абдуллы Мустакаева и Ходы Файзи; Бату Ходыев работал с Абдулла Аляви и Боис Кариевым (Алтай) и т.д... Каждая тройка имела свои ячейки членов организации. Такое построение организации нами было введено для лучшего обеспечения от провала всей организации.

Исключительно тщательно конспирировалась в нашей организации роль Икрамова, как руководителя организации.

Это построение организации обеспечило нам возможность сохранить основные кадры при разгроме в период 1923-30 гг. В этот период, в связи с делом пред. Верх. Суда Узбекистана Сагдулла Касымова, нашей организацией, по инициативе Бату и Рамзи, был убит, как предатель, Абид Саидов, выступавший на суде с разоблачением отдельных активных участников организации. Следствие по делу убийства Абид Саидова дало возможность властям раскрыть существование «Милли-Истиклял». Большая группа активных членов нашей организации — Бату, Рамзи, Боис Кариев, Насыр Саидов и др. были арестованы.

Нанесенные в эти годы удары по организации несколько деморализовали руководство, в частности Акмаль Икрамова, Файзулла Ходжаева, Абдулхай Таджиева, которые в связи с процессом Касымова, а затем Бату — Рамзи, находились в состоянии паники. Благодаря этому

деятельность организации на некоторое время свернулась и вновь уже была активизирована в период 1933 г. и проводила активную борьбу против Советской власти до последних дней.

**Вопрос:** Дайте показание о конкретной контрреволюционной деятельности «Милли-Истиклял» и вашей лично в последние годы.

**Ответ:** Зимой и летом 1933 года, на квартире Файзуллы Ходжаева было проведено ряд совещаний руководящего центра организации, на которых принимали участие Акмал Икрамов, Файзулла Ходжаев, Миршарапов, Акбар Исламов и Абдулладжон Каримов. На этом совещании обсуждались вопросы активизации к-р работы организации. С этого периода, особенно с 1935 года, наша организация широко развернула к-р вредительскую работу во всех областях народного хозяйства и на идеологическом фронте.

Прежде всего, к-р работа шла по линии сохранения старых националистических кадров и захвата руководящих постов в советско-партийном аппарате Республики. В этом отношении нашей организации удалось сделать очень многое и к 1937 году почти на всех руководящих постах в центре республики и в главнейших городах периферии были и члены нашей организации. Благодаря этому сохранять старые националистические кадры не представляло трудности. Я знаю до 15 человек членов организации – участников «Милли-Иттиход», контрреволюционеров, неоднократно разоблаченных в связи с конкретными к-р фактами в их работе, которых Файзулла Ходжаев устраивал на работу, оказывал материальную помощь и сохранял от репрессии. Могу перечислить таких людей, как Муса Хакимов, Кары Юлдаш Пулатов, Абдурашид Мукамилов, Саттар Ходжаев, Муинджан Аминов, Ата Ходжаев, братья Бурхановы и др., контрреволюционная деятельность которых всем известна и которые держались на свободе и продолжали свою к-р деятельность исключительно благодаря поддержке руководителей нашей организации.

Нашей контрреволюционной организацией проводилось к-р вредительская работа в области сельского хозяйства и товарооборота. Мы сохраняли басмаческие элементы, но исчерпывающих показаний по этим вопросам я не могу дать, так как я лично проводил националистическую к-р работу исключительно в области идеологической, о чем могу дать подробные показания.

**Вопрос:** Вы были полностью в курсе контрреволюционной деятельности организации, поэтому следствие считает неверным ваше последнее заявление и ещё вернется к этому времени. Дайте показания о к-р националистической деятельности организации и вашей лично на идеологическом фронте.

**Ответ:** На идеологическом фронте также велась работа по сколачиванию националистических кадров, их сохранению, воспитанию и привлечению к к-р работе новых кадров из молодежи. Решающую роль в этом вопросе играл Акмаль Икрамов, который через УСМАНОВА Мумина, БЕРЕГИНА Курбана и КАРИЕВА проводил указанную работу.

Файзулла ХОДЖАЕВ аналогичную работу проводил через УСМАНОВА Мумина и ХАШИМОВА Атаджана. В результате их деятельности, к 1937 году, вокруг научно-исследовательского Института языка и литературы, Комитета Наук, Союза Советских Писателей в Узбекистане были собраны крепкие группы буржуазных националистов писателей и научных работников, как, например: ЧУЛПАН, Гази Галим ЮНУСОВ, ЭЛЬБЕК, Каюм РАМАЗАНОВ, Абдулла КАДЫРИ, Миян Бузрук САЛИХОВ, Ходы ЗАРИПОВ, АЙБЕК и др. Входил в эту контрреволюционную группу и я.

Я в своих трудах систематически популяризировал пантюркизм, проводя идеи о создании единого пантюркистского государства. Популяризации этой идеи служили мои работы – «Образцы узбекской литературы» и «Образцы древней тюркской литературы». Контрреволюционная сущность этих моих произведений неоднократно разоблачалась в газете, но они продолжали распространяться нами, благодаря тому, что на руководящих постах сидели члены нашей организации.

Когда ряд работников, как, например, БАЙБУЛАТОВ, поставили вопрос об изъятии этих произведений, то мною, при помощи Акмаль ИКРАМОВА, был составлен ответ, напечатанный в научных журналах. Ответ содержал опять таки пропаганду пантюркизма, защищая чагатаизм и т. п.

Я участвовал в обосновании и популяризации теории самобытности Востока, в основном созданной ХАШИМОВЫМ Атаджаном. Эта теория доказывала невозможность применения марксистско-ленинского учения в вопросах развития культуры Востока. Эта теория не была разбита до самых последних дней и Институт языка и литературы, под видом критики ее, продолжала широко популяризировать ее контрреволюционные положения.

Нами, при моем активном участии, было создано в литературе к-р течение, получившее название «чагатаизм». Мы доказывали, что лучшим периодом в развитии узбекской культуры и, в частности, литературы – являлся период Чагатая. Как известно, этот период характеризуется возникновением и распространением идей пантюркизма, (выражаемых Навои), мистицизма, (выражаемых Машрабом) и т.п. Чагатайская литература, чагатайский язык, изложенный нами в соответствии с современностью, но непонятный массам, мы считали источником и

базой дальнейшего развития узбекской культуры, литературы и в этом направлении вели широкую пропагандистскую работу через Институт языка и литературы, через кафедры лингвистики, захваченные нами почти по всем учебным заведениям. Эту свою концепцию мы противопоставили марксистско-ленинской теории развития культуры, вообще, и на Востоке, в частности, и тормозили на практике развитие новой, советской культуры в языке и литературе.

В развитии идей к-р пантюркизма мы – ХАШИМОВ, Гази Галим ЮНУСОВ, Каюм РАМАЗАНОВ, я – ФИТРАТ и другие – широко пропагандировали в литературе, в учебниках, в лекциях, в научных работах – сингармонизм в узбекском языке, доказывая, что сингармонизм есть железный закон развития узбекского языка. Этим мы стремились связать язык узбеков с языком турков, обособить его и застраховать от проникновения интернациональных и особенно новых советских терминов. Мы противопоставляли это свое учение теории Маркса–Энгельса об эволюции языка, в связи с изложениями общественно-экономических условий.

Пропаганда и протаскивание сингармонизма проводились нами при прямой поддержке члена к-р организации УСМАНОВА Мумина. В 1935 году УСМАНОВ вызвал меня, через ХАШИМОВА, в культпром ЦК КП(б) Уз., где собрались, кроме меня и УСМАНОВА, Каюм РАМАЗАНОВ, ЭЛЬБЕК. УСМАНОВ интересовался вопросами сингармонизма и предложил нам шире популяризировать наше мнение о нем. Тут же, на этом совещании, мы по инициативе УСМАНОВА, обсуждали вопрос о природе и сущности к-р националистического общества «Чагатай-Гурунги», созданного в 1919 году мною. УСМАНОВ нам сказал, что «Чагатай-Гурунги» и её принципы не должны считаться контрреволюционными и не нужно использовать и пропагандировать в данное время.

Летом 1936 года, по инициативе ИКРАМОВА, б. зав. отделом печати ЦК КП(б) Уз. КАРЦЕВ собрал у себя в кабинете в ЦК – меня, ДЖУЛКУНБАЯ, ЭЛЬБЕКА, Зия САИДОВА, был еще БЕРЕГИН Курбан. От имени ИКРАМОВА, КАРЦЕВ заверил, что невзирая на резкую критику, нас, со стороны общественности, ЦК КП(б) Уз. будет поддерживать и популяризировать. Тут же было решено издать массовым тиражом мое произведение «Киёмат» и «Гальнек Махсум» – ДЖУЛКУНБАЯ.

**Вопрос:** Вы сказали, что последние годы ваша к-р националистическая деятельность протекала в Институте языка и литературы. Дайте показания по существу.

**Ответ:** Узбекский научно-исследовательский Институт языка и литературы, по прямым директивам Файзуллы ХОДЖАЕВА, был

превращен в один из центров нашей к-р организации. Руководил этим Институтом Атаджан ХАШИМОВ, под руководством которого проводили к-р работу я – ФИТРАТ, Гази Галим ЮНУСОВ, Каюм РАМАЗАНОВ, ЭЛЬБЕК, САЛИХОВ и другие.

Институт за время своего существования не дал ни одного капитального, действительно научного, советского труда, несмотря на то, что истратили на эти цели миллионные средства. Наряду с этим, контрреволюционные произведения членов организации, националистов – Миян Бузрук САЛИХОВА, Атаджан ХАШИМОВА, ЭЛЬБЕКА, Ходы ЗАРИФ, АЙБЕКА – разрабатывались и издавались массовыми тиражами.

В 1936 году, по инициативе Атаджан ХАШИМОВА и Ходы ЗАРИФ, на основе фольклорных материалов была выпущена «Поэма о Ленине», стоившая десятки тысяч рублей. Поэма впоследствии была изъята, как политически вредная и содержащая клевету на В.И. Ленина. Изданный Институтом перевод брошюры «Маркс и Энгельс о литературе» был сделан таким языком, что произведение совершенно не было понятно для узбеков.

В 1937 году были изданы переводы «Евгений Онегин» и «Бахчисарайский фантан» Пушкина в переводах АЙБЕКА и Усман НАСЫРОВА. В этих переводах Пушкин умышленно был совершенно извращен и в глазах узбеков, читающих эти переводы. Пушкин из великого русского поэта превратился в плохого писателя. Наряду с этим, полезные и идеологически выдержанные произведения умышленно задерживались. Так, например: Халил ЯКУБОВ написал критический обзор работ ДЖУЛКУНБАЯ, члена нашей организации. Эта работа до сих пор не выпущена.

С 1933 по 1937 году, в Институте языка и литературы проводилась еще следующая вредительская работа: ежегодно план набора аспирантов выполнялся формально. Но к середине года из принятых оставалось 30-35 %, т. к. остальные оказывались не подготовленными. В тоже время аспиранты, разделявшие наши убеждения оставались, несмотря на всю неподготовленность. Из выпускаемых аспирантов большая часть использовалась не по назначению. Средства же, отпускаемые на подготовку аспирантов, ежегодно расходовались полностью.

За все время Институт не выпустил ни одного учебника. Гази Галим ЮНУСОВ, в течение 6 лет получал 25 % доплаты к своей зарплате, за работу, по составлению учебника грамматики. Этого учебника нет до сих пор.

Государственные средства разбазаривались путем незаконной выдачи гонораров. Каждый научный работник, за свою зарплату обязан дать в год несколько трудов по определенной теме. Однако за эти работы всем, помимо зарплаты, выплачивались отдельно гонорары.

Атаджан ХАШИМОВ ежегодно получал научную командировку, по каждой из них он обязан был дать печатные труды. Средства на эту цель он расходовал, но никаких трудов никогда не давал. ХАШИМОВ и АЙБЕК в 1935 г. получил большую сумму денег за составление книги – «История узбекской литературы при колониальной эпохе», книга до сих пор не выпущена.

С 1927 г. по заданию Наркомпроса и Института собирается и уже собрано много фольклорного материала (народные песни, сказки и т.д.). По сегодняшний день эти материалы лежат без всякой разработки, как на эту цель истрачены огромные средства.

*(Яшил сиёҳда Фитратнинг имзоси)*

*Допросил: Пом. Нач. Отделения 4-го Отдела УГБ НКВД Уз.  
лейтенант Гос. безопасности –*

*(Имзо) (ТРИГУЛОВ).*

*Опер. Уполномоченный 4-го Отдела УГБ НКВД Уз.  
мл. [младший] лейтенант Гос. безопасности –*

*(Имзо) (ШАРИПОВ).*

## Изоҳлар

**Фитрат** (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурауф Абдурахим ўгли) (1886, Бухоро – 1938 йил 4 октябрь, Тошкент) – машҳур ёзувчи, драматург, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос ва санъатшунос олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби. Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири. Биринчи ўзбек профессори (1926).

Фитрат 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда оқланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 йил 25 сентябрда Фитратга (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

**Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)** – Бухорода қизил аскарлар томонидан 1920 йил 2 сентябрда амирлик тузуми ағдариб ташлангач, юзага келган демократик республика (1920–1924). Бутун Бухоро халқ вакилларининг V қурултойи (1924 йил 18–20 сентябрь)да БХСР Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантирилди. 1924 йил ноябрь ойи охирида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши муносабати билан БССР тугатилди.

Фитрат БХСР ҳукуматида 1921–1923 йилларда маориф нозири, хорижия (ташқи ишлар) нозири, Халқ хўжалиги кенгаши раиси, Бутун Бухоро Марказий Ижроия қўмитаси ва БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раисининг ўринбосари ва бошқа масъул лавозимларда хизмат қилган.

Фитрат 1937 йил 22 июлда (бошқа бир ҳужжатда 1937 йил 24 апрелда) Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин (бошқа бир ҳужжатда Апресян) нинг буйруғи билан Тошкентда қамоққа олинган.



**Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти** – ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. Бу институт 1934 йил январда дастлаб Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий-тадқиқот институти (1931–1933 йилларда фаолият кўрсатган) нинг филология бўлимлари асосида ташкил топган. Фитрат 1931 йилдан то қамоққа олинган 1937 йилгача ушбу институтда бўлим мудирини ва профессор лавозимида ишлаган. Шу даврда ўзбек зиёлиларининг энг машҳур намояндalарини институтда Фитрат ва Отажон Ҳошимов бошчилигида фаолият кўрсатган. 1991 йилда институтга Алишер Навоий номи берилди.

**Совет ҳокимияти** – 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да бўлган тўнтариш натижасида вужудга келган ҳокимият. Тошкентда совет ҳокимияти 1917 йил 1 ноябрда ўрнатилган. Совет ҳокимияти томонидан 1922 йил 30 декабрда СССР тузилган. 1991 йил декабрда СССР парчаланиб, ўн бешта республика мустақил давлатларга айланди.

**Пантуркизм, пантуркизм** (юнонча «пан» – ҳамма, барча ва турк) – туркий халқларни бирлаштириш ғояси (туркчилик таълимоти)га Россия ва Англия империялари, шунингдек, СССР томонидан берилган расмий ном. Россия империяси маъмурилари Туркистон ва Кавказдаги миллий озодлик ҳаракатларининг иштирокчиларига пантуркизм тамғасини босишган. Бу ўринда Фитрат терговчининг тазйиқи остида буржуа миллатчилиги ва пантуркизм ғояларини асословчи ва ташвиқ қилувчи асарлар ёзганлигини айтмоқда.

**Жадидлар партияси** – жадидлар томонидан Туркистонда ташкил қилинган Ёш бухороликлар партияси (1910 йилда тузилган) кўзда тутилмоқда.

**Жадидизм (жадидчилик)** (арабча жадид – янги) – XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда юзага келган маърифий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракат. Бу ҳаракат дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский (1851–1914) раҳбарлигида кримтагарлар ўртасида вужудга келган. Жадидчилик ҳаракатининг шаклланиш ва мағлубиятга учраш давлари бўлиб, уларни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудида бу даврлар 1895–1905, 1906–1916, 1917–1920, 1921–1929 йилларни ўз ичига олади. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси М.Бехбудий (1875–1919) деб тан олинган. Фитрат Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири бўлиши билан бирга Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоявий мафкурачиси ҳам ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида жадидчилик ҳаракати ноҳақ танқидга учради ва ҳаракат намояндalарини қатагон қилинди.

**«Миллий иттиҳод»** – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган яширин миллий сиёсий ташкилот (1919–1925). «Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқаси» (1917 йил, июль) ҳамда «Иттиҳод ва Тараққий» («Иттиҳоди тараққий», 1917–1919) яширин ташкилотлари асосида Мунавварқори Абдурашидхон ўғли (1878–1931) ва Садриддинхон Шарифхўжаев (1878–1946) ташаббуси билан Тошкентда тузилган. «Миллий Иттиҳод» ташкилоти большевиклар режимига қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олдида Туркистонда

миллий мустақил давлатни барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. Фитрат «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Бухоро шўъбасидаги энг кўзга кўринган сиёсий арбоб эди. «Миллий иттиҳод» ташкилоти 1925 йил бошларида ўзини тарқатилган, деб эълон қилади ва кейинчалик унинг асосида «Миллий истиқлол» ташкилоти тузилади.

**Файзулла Хўжаев (1896–1938)** – таниқли давлат ва сиёсат арбоби. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан ва Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири. Бухорода мадраса таҳсилини олган ва Москвада хусусий муаллимлар қўлида ўқиган. 1917 йилдан бошлаб Фитрат билан бирга Ёш бухороликлар партиясининг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашди. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланиб, 1920 йил 14 сентябрда БХСР ҳукумати тузилгач, Ф.Хўжаев БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси (1920–1924), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925–1937), СССР МИК раисларидан бири лавозимларида ҳам фаолият кўрсатган. Унинг сиёсий арбоб бўлиб шаклланишида устози ва сафдоши Фитрат катта роль ўйнаган. Ф.Хўжаев 1917 йил 17 июнда (бошқа бир ҳужжатда 9 июлда) Москва шаҳрида қамоққа олинган. 1938 йил 13 мартда Москвада «Советларга қарши ўнг троцкийчи блок» иши бўйича сохталаштирилган суд жараёнида ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўша йилнинг 15 мартда қатлгоҳда отиб ташланган. 1965 йил 6 мартда оқланган.

**Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (1891–1938)** – давлат ва жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. У «Тараққийпарварлар» ташкилотининг аъзоси сифатида жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган (1908–1917). Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, С. Турсунхўжаев Тошкент Эски шаҳар совети ижроия кўмитаси раиси ўринбосари (1918), Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918–1919), Миллий ишлар халқ комиссари, Ташқи ишлар халқ комиссари (1919), Туркистон Компартияси МК котиби, айни пайтда Бухоро Компартияси МК масъул котиби (1920–1921), БХСРнинг савдо ва саноат халқ нозири (1921), ХХСР ижтимоий таъминот, савдо ва саноат халқ нозири (1923–1924), ХХСР Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари, ХХСР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси (1924), шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. У 1920–1921 йилларда «Миллий иттиҳод» Марказий Кўмитаси аъзоси сифатида БХСРда катта ташкилотчилик ишларини олиб борган. С. Турсунхўжаев совет режими томонидан 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда у оқланган.

**Мунавварқори Абдурашидхонов (1878–1931)** – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаларидан бири. Тошкент жадидларининг отаси. Тошкентдаги Дархон маҳалласида зиёли оиласида туғилган. XX аср бошларида Туркистонда чиқарилган турли жадид газеталарига муҳаррирлик қилган. Янги усул (жадид) мактаблари очган, бу мактаблар учун дарсликлар ёзган. Шўро ислон (1917) ва «Миллий иттиҳод» ташкилотларига асос солган. У совет ҳокимияти даврида Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг Тошкент шўъбаси бошлиғи (1918–1919), БХСР Маориф нозирлигида вақф бўлими бошлиғи (1920–1921) ва маориф соҳасида турли лавозимларда ишлаган.

Бу даврда Мунавварқори миллий курашда Фитратни ўзига ҳамкор деб эмас, балки мухолиф ҳисоблаган. Мунавварқори 1929 йил 6 ноябрда Тошкентда қамоққа олиниб, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегиясининг қарори билан Москвада отиб ташланган. 1989 йил 23 мартда у оқланган.

**Ҳожи Сафо Жўрабоев** – миллий раҳбар ходимлардан. 1920 йил 8 сентябрда Бокуда бўлган Шарқ халқлари қурултойида Мунавварқори, Турор Рисқулов, Чўлпон ва бошқа туркистонликлар қаторида у ҳам қатнашади. БХСР тузилгач, маълум муддат Бухорода яшаган ва масъул лавозимларда хизмат қилган. 1937 йилда Москвада яшаган. Кейинчалик у совет режими томонидан қатағон қилинган.

**Абдулқодир Қушбеғиев** – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан. 1918 йили «Турк Адами Марказияти» яширин ташкилотини тузишда фаол қатнашган. БХСР тузилгач, маълум муддат бу ерда яшаган ва совет идораларида хизмат қилган. 1920 йил кузида Бухорода Ҳошим Шойиқнинг уйида бўлган кенгашда С. Турсунхўжаев, А. Қушбеғиев, П. Хўжаев, А. Муҳитдинов, Ф. Хўжаев, М. Аминов ва М. Саиджоновлар, Раҳмат Рафиқ, А. Абусайидов ва б. қатнашиб, РСФСР таъсирига қарши курашиш масалаларини муҳокама қилишган.

С. Турсунхўжаевнинг 1938 йил 23 мартда терговда берган кўрсатмасида айтилишича, бу пайтда А. Қушбеғиев қамоқда бўлган. У Туркистон район муҳофаза бўлими (чор оҳранкаси)нинг махфий агенти бўлган.

**Салимхон Тиллахонов** (1900–1931) – жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири. Тошкентда зиёли оиласида туғилган. Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, Тошкент Эски шаҳар маориф бўлими мудирини. Маориф институти директори, 1923 йили ташкил қилинган «Нашри маориф» уюшмаси ташкилотчиларидан бири. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Сирдарё вилояти раҳбарларидан. Кейинчалик бу ташкилот асосида ташкил топган «Миллий истиқлол» яширин ташкилоти фаолиятида (1926–1929) муҳим роль ўйнаган. С. Тиллахонов 1929 йил 6 ноябрда ОГПУ томонидан қамоққа олиниб, 1931 йил 23 июнда Москва шаҳрида отиб ташланган. 1989 йил 24 мартда у оқланган.

**Миён Бузрук Солиҳов** (1891–1938) – адабиётшунос, фольклоршунос ва санъатшунос олим. Истанбул университетини тугатгач (1927), Ўзбекистон ва Тожикистондаги турли институтларда дарс берган ва илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Ўзбек адабиёти ва театр санъатига оид рисола ва китоблар муаллифи. С. Айнийнинг «Дохунда» романини тожикчадан ўзбек тилига таржима қилган. 1937 йил 7 августда ҳибсга олиниб, 1938 йил 5 октябрда «халқ душмани» сифатида отиб ташланган.

**Турор Рисқулов** (1894–1938) – таниқли давлат ва жамоат арбоби. 1916 йил миллий озодлик ҳаракатида, 1917 йил Ўзбекистонда қозоқ ёшларининг инқилобий ташкилотини тузишда қатнашган. Т. Рисқулов Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918–1919), РКП(б) ўлка Мусулмонлар бюроси раиси (1919–1920), Туркистон АССР МИК раисининг биринчи ўринбосари ва раиси (1919–1920), РСФСР миллий ишлар халқ комиссарининг иккинчи ўринбосари (1920–1922), Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1922–1924), РСФСР ХКС раисининг ўринбосари (1926–1937) ва бошқа масъул

лавозимларда ишлаган. У Туркистондаги «Иттиҳоди тараққий» миллатчилик ташкилотига алоқадорлик ва «пантуркизм»да айбланиб, 1937 йил 21 майда ҳибсга олинган. 1938 йил 10 февралда Москвада отиб ташланган. 1956 йил 8 декабрда у оқланган.

**Юсуф Алиев (1891–1946)** – Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан бири, жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. Тошкент Эски шаҳар ижроия комитетининг масъул котиби, Туркистон АССР миллий ишлар халқ комиссари ўринбосари (1918-1919), РКП(б) Ўлка Мусулмонлар бюроси аъзоси (1919-1920), Тошкент Эски шаҳар ижроия комитетининг раис ўринбосари, Туркистон АССР ер ишлари халқ комиссари, Бухоро Компартияси МК котиби, БХСР ички ишлар халқ нозири ўринбосари (1920-1921), Самарқанд вилояти маориф бўлими мудир, Туркистон давлат нашриёти раиси (1921), Туркистон АССР ички ишлар халқ комиссари ўринбосари (1922), Хоразм Халқ Совет Республикаси маориф халқ нозири ўринбосари (1923). Ўзбекистон ССР тузилгандан кейин Ю.Алиев турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантириш ва ер-сув ислоҳотини ўтказишда унинг хизмати катта.

**Ёш бухороликлар** – Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси. Дастлаб 1908 йил декабрда «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамияти шаклида тузилган. 1910–1920 йилларда «Ёш бухороликлар» партияси деб аталган. А.Бурҳонов, М.Бурҳонов, С.Айний, Усмон Хўжа, О.Хўжаев, М.Саиджонов Ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари эди. Кейинчалик унинг фаолиятида Фитрат, Ф.Хўжаев ва М.Мансуров катта роль ўйнашди. Бухорода амирлик ҳокимияти ағдариб ташлангач, 1920 йил 14 сентябрда Ф.Хўжаев бошчилигида БХСР Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Ёш бухороликлар ўз ислоҳотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолияти давомида амалга оширишга ҳаракат қилди. 1923 йил июнда Москванинг қатъий талаби билан О. Хўжаев (БХСР Нозирлар Шўроси раисининг биринчи муовини ва ташқи ишлар халқ нозири), Фитрат (маориф халқ нозири), С.Хўжаев (молия халқ нозири), Мухторжон Саиджонов (ички ишлар халқ нозири), М.Аминов (Бухоро Иқтисодий Кенгаши раиси), Наим Ёқубзода (назорат комиссияси раиси) ва бошқа собиқ Ёш бухороликлар лавозимларидан олинди, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Ёш бухороликлар сафидаги жадидларнинг ҳаммаси 30-йилларнинг ўрталарида қатғон қилинди.

**Босмачилик** (Басмачество) – Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши олиб борилган қуроли ҳаракатга шўро ҳукумати даврида берилган расмий ном. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал вақтли матбуотда, сўнгра совет расмий ҳужжатларида «босмачи» ва «босмачилик» иборалари кенг ишлатилган. Бу иборалар Туркистон минтақасидаги миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши олиб борган қонли курашларини ниқоблаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан ўйлаб топилган ҳамда «бандитлик», «қароқчилик» деган сўзлар билан асосиз равишда бир қаторга қўйилган.

Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкура-чилари жадидлар ва уламолар бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач (1991 йил 31 август), «Босмачилик» ҳаракати деб таҳқирланган бу кураш ўзбек тарихчилари томонидан «қаршилик кўрсатиш ҳаракати» деб аталмоқда.

**Муинжон Аминов** (1890–1937) — давлат ва жамоат арбоби. Бухорода қози оиласида туғилган. БХСР ташкил топгач, Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси — Марказий Ревком аъзоси (1920–1921), Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари ва раиси (1922), БХСР ички ишлар халқ нозири ва бошқа лавозимларда хизмат қилган. Фитрат билан биргаликда 1920–1923 йилларда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Бухоро шўъбаси фаолиятида муҳим роль ўйнаган. М.Аминов кейинчалик Самарқанд ва Тошкентда яшаган. У қамоққа олинган пайт (1937 йил 7 январь)да Тошкентдаги «Ўзбекбирлашув» ёғ-мой контораси бошлиғи лавозимида ишлаган. БХСРнинг собиқ 17 раҳбар арбоблари: О.Хўжаев (1880–1937), Мухторжон Саиджонов (1893–1937), С.Хўжаев (1897–1938), Мусожон Саиджонов (1898–1937), Н.Ёқубзода (1890–1937), Муқамил (1884–1937) ва Мухамар Бурҳонов (1897–1938), Масхар Бурҳонов (1878–1937) ва Мисбах Бурҳонов (1905–1937) лар, А.Муқомил (1901–1937), Р.Музаффаров (1898–1937), Ҳ.Хўжаев (1898–1937), А.Абусаидов (1875–1937), П.Хўжаев (1867–1937), А.Юсуфзода (1890–1937), А.Абдуллаев (1878–1937) қаторида М.Аминов ҳам 1937 йил 14 октябрда ЎзССР НКВД ҳузуридаги махсус «учлик» қарори билан 1937 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланди. 1965 йил 2 декабрда оқланган.

**Ота Хўжаев** (Отаулла Хўжаев, Ато Хўжаев, Отахўжа Пўлатхўжаевич Хўжаев, 1880–1937) — Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, давлат ва жамоат арбоби. Савдогар оиласида туғилган. Бухорода мадраса таҳсилини олган. Сўнгра Туркияга бориб, ақаси Усмон Хўжа, Фитрат ва бошқалар билан 1909–1913 йилларда Истанбулда таҳсил олган. «Тарбияи атфол» ташкилоти ва Ёш бухороликлар партияси фаолиятида қатнашган. БХСР ташкил топгач, О.Хўжаев Қарши вилояти инқилобий қўмитаси раиси (1920), БХСР ички ишлар халқ нозири (1921), БХСР Нозирлар Шўроси раисининг биринчи ўринбосари (1921–1923), Нозирлар Шўроси раиси вазифасини бажарувчи (1922 йил, август–ноябрь), ташқи ишлар халқ нозири (1923), БХСРнинг Москвадаги мухтор вакили (1922 йил, январь–май) каби масъул лавозимларда ишлаган. 1921 йил ёзида О.Хўжаев бошчилигидаги махсус комиссия Балхувонда Давлатмандбек кўрбоши, Камолбий ва Қайом Тўқсабо билан БХСР ҳукумати номидан музокаралар ўтказган ва 1921 йил 12 августда сулҳ шартномасини имзолаган. О.Хўжаев 1920 йилдан Бухорода яширин фаолият кўрсатган «Миллий иттиҳод» ташкилоти ишида фаол қатнашган. РКП(б) МК Ўрта бюроси раиси Я.Э.Рудзутакнинг талаби билан Фитрат ва бошқа нозирлар қаторида у ҳам 1923 йил июнда ўз лавозимидан олиб ташланган ва БХСР ҳудудидан сургун қилинган. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, турли лавозимларда ишлаган. Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийси директори (1933). Қамоққа олиниш арафасида Бухоро шаҳридаги гастроном директори бўлган. 1937 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланди. 1965 йил 2 декабрда оқланган.

**Усмон Хўжа** (Усмон Хўжаев, Усмонхўжа Пулатхўжаев, 1878–1968) – машҳур давлат ва жамоат арбоби, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. Йирик савдогар оиласида туғилган. Бухорода мадраса таҳсилини олган ва дастлабки янги усул мактабларидан бирини очган. 1908 йилдан Истанбулда ўқиган. 1912 йил бошларида Бухорога қайтгач, «Тарбия атфол» ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланган. 1917 йилда Ёш бухороликлар партияси МК таркибига киритилган, фирқа хазиначиси бўлган. Колесов воқеасидан сўнг, Тошкентда Ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузган (1918 йил, апрель). У укаси Отаулла Хўжаев ва амакиваччаси Файзулла Хўжаев билан бирга Ёш бухороликлар партиясининг йирик намояндalари эди. БХСР тузилгач, Усмон Хўжа молия халқ нозири (1920), Давлат назорати нозири (1921), Марказий Ижроия Кўмитаси раиси (1921 йил сентябрь–1922 йил бошлари) лавозимларида ишлаган.

Усмон Хўжа БХСРдан совет Россиясининг қизил аскарлари олиб кетилиши ҳамда Бухоронинг мустақиллиги учун изчил курашди. 1922 йил бошларида шўролар билан алоқасини узиб, аввал Кобулга, сўнгра Туркияга борди. У Анқарада Турк култури (Турк маданияти) институтини ташкил қилишда катта жонбозлик кўрсатган. «Янги Туркистон» (Истанбул, 1927–1932) журналининг асосчиси ва муҳаррири. Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар муаллифи. У 1968 йил 28 июлда 90 ёшида Истанбулда вафот этган.

**Мулла Абдулқаҳҳор** (Мулла Қаҳҳор, Қаҳҳорбек, 1884–1924) – Бухорода қизил армияга қарши ҳаракат раҳбарларидан бири, йирик уламо. Бухоро босқини (1920 йил август–сентябрь) дан сўнг, собиқ ҳукмдор Саид Олимхоннинг фармони билан Ғарбий Бухородаги 15000 нафар аскарга Бош кўмондон қилиб тайинланган. У 1921 йилда Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитонда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, Нурота вилоятига юриш қилган. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини қизил аскарлардан озод қилган (1922 йил, март). Бироқ кейинчалик қизил аскарлардан мағлубиятга учраб, орқага чекинди. У 1923–1924 йилларда ўз ҳаракатларини Кармана ва Нурота вилоятларида яна фаоллаштирди. Қизил аскарлар билан Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йил 21 июнда Мулла Абдулқаҳҳор оғир ярадор бўлди ва мағлубиятга учради.

**Жўра Амин** (1889–1926) – Ғарбий Бухорода фаолият кўрсатган кўрбошилардан. Мулла Абдулқаҳҳорнинг ўринбосарларидан бири ҳисобланган. Унинг гуруҳи асосан Бухоро шаҳри атрофларида, Жондор ва Қоракўл туманида фаолият кўрсатган. 1922 йил декабрь ойининг охиригача Жондор қишлоғини қизил аскарлардан ҳимоя қилган. 1923 йил февралда 120 йигитдан иборат Жўра Аминнинг гуруҳи Бухоро шаҳрининг шимоли-ғарбидаги Жондор – Яккатутда фаолият кўрсатган. 1926 йил май ойида ҳозирги Пешкў туманидаги Хожа Уббон зиёратгоҳида қизил аскарлар билан бўлган жангда Жўра Амин кўрбоши ҳалок бўлган.

**Мурод Мешкоб** – Ғарбий Бухорода қизил армияга қарши курашган кўрбошилардан. Унинг гуруҳи асосан Зандани ва Ромитон туманларида ҳаракат қилган. 1922 йилда Мурод Мешкоб Зандани қишлоғидан 16 қақирим ғарбда жойлашган Хўжа Порсо қишлоғида ўзи қурдирган масжид атрофидаги

истеҳкомда қизил аскарлар ҳужумини анчагача қайтарган. 1922 йил 5 декабрда унинг гуруҳи Вобкентни қизил аскарлардан озод қилган. 1923 йил февраль ойида Мурод Мешкоб гуруҳи 120 йигит билан Хўжа Заъфарон зиёратгоҳи атрофида фаолият кўрсатган. Кейинчалик Мурод Мешкоб қизил аскарларга қарши бўлган жанглarning бирида ўлдирилган.

**Метан Полвон** — Ҳарбий Бухорода фаолият кўрсатган қўрбошилардан. Мулла Абдулқаҳорнинг укаси. У биродарлари Мулла Абдулқаҳҳор ва Наим Полвон билан биргаликда қизил аскарларга қарши курашган. 1921-1922 йилларда Фиждувон, Шофиркон, Вобкент туманларида фаолият кўрсатган. Метан Полвон 1923 йил бошларида ўзининг 40 йигити билан Нуротада ҳаракат қилган. 1924 йил ўрталарида қизил аскарларга қарши жанглarning бирида ҳалок бўлган.

**Анвар Пошо** (1881—1922) — таниқли давлат арбоби, ҳарбий саркарда. Ёш турклар инқилобининг фаол иштирокчиси, «Иттиҳод ва Тараққий» партияси раҳбарларидан бири. 1922 йил 4 августда Шарқий Бухоронинг Балжувон атрофидаги Обидара қишлоғида қизил аскарларга қарши бўлган жангда Анвар Пошо ҳалок бўлган.

**Қосим қори** (Қосим Қориев) — Ёш бухороликлар фирқаси сафида бўлган. 1918 йилдан сўл эсерлар партияси аъзоси. У 1922 йили «Миллий иттиҳод» ташкилотининг топшириғи билан Эронга жўнатилган. БХСР билан Эрон ўртасида шартнома тузиш учун жиддий саъй-ҳаракат кўрсатган.

**Муҳаммад Назарий** (Маҳмуд Назар) — «Миллий иттиҳод» ташкилотининг фаол аъзоси. XX аср бошларида Истанбулда таҳсил олган. Маҳмуд Назар БХСР ташкил топгач, масъул лавозимларда ишлаган. «Бухоро ахбори» (1922 йил 4 апрель) газетасида ёзилишча 1922 йил март ойида Бухоро Республикасидан Мустафо Камол Пошо (1881—1938) бошчилигидаги Туркия ҳукуматини расмий суръатда таниш ва ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб афандилар бошчилигидаги вакиллар Анқарага ташриф буюришади. Турк тарихчиси Меҳмет Саройнинг ёзишича, Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб элчилик вазифасини удалаб ортга қайтганларида большевикларнинг айғоқчилари томонидан хоинона ўлдирилган.

**Исмоил Садрий** — «Миллий иттиҳод» ташкилотининг фаол аъзоси.

**Юсуфзода** (Абдурахим Юсуфзода, 1880—1937) — Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоёндаси, давлат арбоби ва дипломат. Андижонда ҳунарманд оиласида туғилган. Андижон ва Бухородаги мадрасаларда ўқиган. 1912 йилдан Ёш бухороликлар партиясида фаол қатнашган. БХСР тузилгач, у Чоржўй вилояти инқилобий қўмитаси раисининг ўринбосари, БХСР зироат (деҳқончилик) нозири (1920), БХСРнинг Афғонистондаги элчиси (1921-1922), БХСР адлия нозири (1922-1923), Халқ маориф нозирлигида вақф ишлари бўйича махсус комиссия раиси (1923), БХСРнинг Москвадаги элчиси (1923-1924). Юсуфзода Москвада ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган «Бухоро ҳаёти» (1924) журналини ташкил этган ва унга муҳаррирлик қилган. Ўзбекистон ССР тузилгач (1925 йил февраль), турли лавозимларда ишлаган. 1936 йил 22 мартда Самарқандда қамоққа олиниб, Тошкентда 1937 йил 25 октябрда отиб ташланган. 1965 йил 22 сентябрда у оқланган.

**Ҳошим Шоиқ** (Ҳошим Шайх Ёқубов, Қори Муҳаммад Ҳошим Шоиқ Бухорий, тахминан 1865–1935) – давлат ва жамоат арбоби. Мусулмончиликни қабул қилган Бухоро яҳудийларидан. Истанбулда муаллимлар тайёрлайдиган ўқув юртида билим олган. 1918 йили Бухорода амирлик ҳокимияти ағдарилгач, қисқа муддат БХСР ташқи ишлар нозири ва ҳарбий ишлар назирининг муовини (1922) лавозимларида ишлади. 1922 йил февралда у Бухоронинг Афғонистондаги янги элчиси қилиб тайинланди. Ўша йилнинг охирида у БХСР ҳукумати номидан қизил армияни Бухородан чиқариб юбориш ҳақидаги махфий битимни Афғонистон раҳбарияти билан имзолайди. Бу битим ошкор бўлгач, халқаро миқёсда катта шов-шувга сабаб бўлади. Россиянинг тазйиқи билан 1923 йил 18 июнда Кобулдаги Бухоро элчихонаси тугатилади. Ҳошим Шоиқ бу воқеалардан сўнг доимий яшаш учун Афғонистонда қолиб, маориф вазири лавозимида фаолият кўрсатади. 1935 йилда 70 ёшида вафот этган.

**Раҳмат Рафиқов** (Раҳмат Абдуллабекович Рафиқов, Раҳмат Рафиқ, 1886–1930) – давлат ва жамоат арбоби. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. 1917 йилда Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитаси аъзоси. Бухоро Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Р.Рафиқов БХСР адлия нозири, ташқи ишлар нозири, ички ишлар нозири лавозимларида ишлади, шунингдек, Бутун Бухоро МИКнинг Шарқий Бухоро ишлари бўйича Диктаторлик комиссиясининг раиси бўлиб турди. Ўзбекистон ССР тузилгач, у ички ишлар халқ комиссари (1925 йил, февраль) лавозимини эгаллади. Р.Рафиқов «ўн саккизлар гуруҳи» фаолиятида қатнашганлиги учун 1925 йил охирида бу лавозимдан олиб ташланди ва партия сафидан чиқарилди. У кейинчалик Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги доимий вакили лавозимида ишлади. 1930 йилда Р.Рафиқов Тошкентда фожиали ҳалок бўлган.

**Мирза Исомиддинов** (Мирзо Ҳисомитдин) – дипломат. БХСР ташқи ишлар назирлигида фаолият кўрсатган. З.Валидийнинг ёзишича, у 1923 йил 26–28 июнда Кобулда бўлиб ўтган Туркистон Миллий Бирлигининг мажлисида Усмон Ҳўжа, Ҳошим Шоиқ каби БХСРнинг собиқ раҳбарлари билан бирга қатнашган. У 1923 йилда Ҳиндистонга бориб, хорижда Туркистон истиқлоли йўлида кураш олиб борган.

**Ҳабибуллаҳон** – Афғонистон давлатида 1922 йилда масъул лавозимда ишлаган ҳарбий қўмондон.

**Абдуҳодихон** – Афғонистон давлатида 1922 йилда масъул лавозимда ишлаган ҳарбий қўмондон.

**Ҳайдар Ҳаётӣ** – БХСР ташқи ишлар назирлигида ишлаган. Ҳошим Шоиқнинг қариндоши.

**Акмал Икромов** (1898–1938) – таниқли давлат ва сиёсат арбоби. Тошкентда туғилган. Дастлаб жадидчилик ҳаракатида қатнашиб, «Элхон» тахаллуси билан шеърлар ёзган. «Изчилар тўдаси» ва «Чигатой гурунги» ташкилотининг аъзоси. Совет ҳокимияти қарор топгач, Наманган, Фарғона, Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган (1919–1921). А.Икромов Туркистон Компартияси МК котиби ва ташкилий инструкторлик бўлими мудири (1921–1922), Тошкент вилояти



партия комитети котиби, айти пайтда 1925 йил февралдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби, биринчи котиби (1929 йил декабрь – 1937 йил сентябрь), айти пайтда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби (1931–1934) лавозимларида ишлаган. 1937 йил 20 сентябрда Тошкентда қамоққа олинган ва 1938 йил 15 мартда Москвада отиб ташланган. 1957 йил 3 июнда оқланган.

«Миллий истиқлол» – Ўзбекистон зиёлилари томонидан ташкил қилинган яширин ташкилот (1926–1929). «Миллий иттиҳод» ташкилоти асосида тузилган. Кейинчалик бухоролик ва фарғоналик миллий иттиҳодчилар ҳам бу ташкилотга келиб қўшилганлар. «Миллий истиқлол» ташкилоти Ўзбекистонда демократик республика тамойилларига асосланган тузум ўрнатишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши, деб ҳисоблади. Бироқ совет давлати мустақамлана бошланиши билан ташкилот ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. 1929 йил ноябрда Мунавварқори бошчилигидаги 38 киши (сўнгра уларнинг сони 87 кишига етди) бу ташкилотнинг аъзоси сифатида қамоққа олинди. ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелидаги қарори билан Мунавварқори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов, Фулом Икромов, Миркомил Каримов, Нажмитдин Шераҳмедов, Толибжон Мусабоев, Асадулла Хўжахонов, Усмонхўжа Тўхтаўжаев, Исроилжон Иброҳимов, Тангриқул Ҳожи Мақсудов, Ҳасан Қори Хоний, Зайнутдин Қори Насриддинов, Мулла Ғайбулла Дадамўхамедов, Абдуллабек Мусабеков, Саид Аҳрорий (жами 15 киши) Москвада отиб ташланди, қолган 70 киши эса турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Абдуваҳоб Муродий (1901–?) – биринчи ўзбек агрономларидан. Тошкент шаҳрида туғилган. Жадидлар томонидан ташкил қилинган «Хоний» ва «Намуна» мактабларини тугатган. Берлин Қишлоқ хўжалик академиясида таҳсил олган (1921–1925). Германия ва Мисрда амалиётни ўтаган. Ўзбекистонга қайтгач, 1926–1930 йилларда Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси директори Р.Р.Шредернинг ёрдамчиси вазифасида ишлаган. «Миллий истиқлол» ташкилоти фаолиятида қатнашганлиги учун 1930 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрида қамоққа олинди, 10 йил муддатга ҳукм қилинган. 1989 йил 28 мартда оқланган.

Мустафо Чўқаяв (Мустафо Чўқай, 1886–1941) – таниқли давлат ва сиёсат арбоби. Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳри яқинида туғилган. У туркийларнинг қипчоқ уруғига мансуб бўлган, она томонидан насаби Хива хонлигига бориб тақалади. Тошкентдаги рус гимназияси (1902–1910) ва Петербург университетининг ҳуқуқ факультетида (1910–1916) ўқиган. Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси котиби (1916–1917). 1917 йил апрелда Петрограддан Тошкентга қайтиб, сиёсий жараёнлар ичида тобланди. Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, «Бирилик туғи» газетаси муҳаррири (1917). Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар нозири (1917–1918), Бош нозир (1918 йил январь-февраль). 1919 йил февралда у Европа давлатларига махсус меморандум билан муурожаат қилиб, истиқлолчилар курашини қўллаб-қувватлаш ва большевикча режимни ағдаришга чақирган. У 1919–1921 йилларда Тифлис (ҳозирги Тбилиси) шаҳрида яшаган.

Мустафо Чўқай 1921 йил ёздан муҳожирликда Туркия, Франция, Польша, Германияда яшаган. Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Кўмитаси раиси (1929–1941). Париж ва Берлинда 1929–1939 йилларда ўзбек тилида «Ёш Туркистон» журналини чиқарган. 1941 йил 27 декабрда Берлиндаги «Виктория» касалхонасида вафот этган ва Берлиндаги мусулмонлар қабристонида дафн қилинган. Мустафо Чўқайнинг Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятига бағишланган асари «Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари)» номи билан Тошкентда 1992 йили нашр қилинган.

**Муҳаммадий Хўжаев** – Ўзбекистон ССР ХКС аппаратида масъул лавозимда ишлаган миллий ходимлардан.

**Султон Матқул** (1902–1938) – дастлабки ўзбек энергетикларидан. Хўжандда туғилган. Тошкентдаги «Кўмак» жамиятининг ёрдами билан 1922 йили Германияга таҳсил олиш учун борган. Берлиндаги Олий техника мактабида электротехника соҳасида ўқиган (1922–1930). 1931 йилда Тошкентга келиб, Ўзбекистон электрлаштириш бошқармасида бош инженер, Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Фанлар Комитети раисининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. «Социалистик фан ва техника» журналининг муҳаррири бўлган. У Фитратни ўзининг маънавий устози сифатида тан олган. 1937 йил 13 августда қамоққа олинган ва 1938 йил 9 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланган. 1956 йил 17 ноябрда оқланган.

Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Фанлар комитети (Фан комитети) – 1932 йил 4 октябрда илмий-текшириш ишларига раҳбарлик қилиш мақсадида Ўзбекистонда ташкил қилинган илмий муассаса. 1934 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР ХКС қарамоғига топширилган. Ўзбекистон ССР Фанлар комитети 1940 йил январда СССР ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФАН)га айлантирилди. ЎзФАН негизида 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси (ЎзФА) ташкил қилинди.

1937 йили Ўзбекистон ССР Фанлар комитети раисининг ўринбосари лавозимида Отажон Ҳошим (1905–1938) ва Султон Матқул фаолият кўрсатган.

**Отажон Ҳошимов** (Отажон Ҳошим, 1905–1938) – адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. Рус-тузем мактабида, кейин ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиган (1919–21). Сўнгра Москвага бориб, Бухарин номидаги ишчилар факультетида (1922), Қизил профессорлар институтида (1923–1927) таҳсил олган. У ўзбек ёзувчиларининг биринчи адабий уюшмаси – «Қизил қалам» ташкилотининг дастлабки раҳбари (1926–1929). Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)даги СССР ФА Шарқшунослик институти аспиранти ва илмий котиби (1929–1933), Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтининг биринчи директори (1934–1937). Шунингдек, у Фанлар комитети раисининг ўринбосари (1937) лавозимларида ишлаган. Отажон Ҳошим Фитратни ўзига устоз деб билган. Тил ва адабиёт институтига Отажон Ҳошим директорлик қилган даврда Фитрат бўлим бошлиғи ва профессор лавозимида ишлаган. 1937 йил 2 августда «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. 1957 йил 9 майда у оқланган.

**Абдулҳай Тожиёв** (1899–1938) — жамоат арбоби, журналист. Тошкентда туғилган. Уч йиллик рус-тузем мактаби ва олти ойлик муаллимлар курсини, кейинчалик Москвадаги Коммунистик университет (1920)ни тугатган. Қизил профессорлар институтида ўқиган. У Тошкент Эски шаҳар партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудир (1920–1921), халқ маорифи бўлими мудир (1921), Туркистон Компартияси Сирдарё область партия комитети котиби (1921–1922), «Туркистон» газетаси муҳаррири (1923–1924), Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети масъул котиби (1925–1926), Ўзбекистон Компартияси агитация ва пропаганда бўлими мудир (1927–1929), «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири (1929), Бутуниттифоқ Советлари МИК Миллатлар Совети котиби (1929–1935), Тошкент шаҳар Совети раиси (1935–1937) ва ЎзССР Советлари МИК раиси ўринбосари (1937) лавозимларида ишлаган. 1937 йил 3 августда Тошкентда қамоққа олинган ва Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлган суд қарорига кўра отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Абдуллажон Каримов** (1896–1938) — давлат ва жамоат арбоби. Қўқонда туғилган. У Москвадаги Коммунистик университетда ўқиган (1925–1926). А.Каримов Фарғона область касаба союзлари совети раиси, Қўқон уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси раиси (1920–1926), Туркистон Компартияси Фарғона область партия комитети агитация-пропаганда бўлими мудир, Фарғона область милицияси ва Фавқулодда комиссияси бошлиғи (1921–1922), Туркистон АССР маориф халқ комиссари ўринбосари (1924), Фарғона область партия комитети 1-котиби (1925), Ўзбекистон Компартияси МКК раиси ва ЎзССР ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари (1927–1929), ЎзССР ХКС раисининг биринчи ўринбосари (1929–1937), Ўз ССР ХКС раиси (1937 йил июнь–сентябрь) каби масъул лавозимларда ишлаган. Ўзбекистон ҳукумати бошлиғи А.Каримов 1937 йил 5 сентябрда қамоққа олинган ва 1938 йил 27 апрелда отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Абдулла Мустакаёв** — Ўзбекистон Компартияси МК агитация ва пропаганда бўлимининг масъул ходими. Кейинчалик Қримда ишлаган.

**Ҳоди Файзий** (1895–1937) — маърифатпарвар. Авлиёота (ҳозирги Гороз) шаҳрида туғилган. Уфалдаги «Олия» мадрасасида ўқиган. 1910 йил Туркистонга келиб, маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган. Туркистон ўлкаси қишлоқ ва шаҳарларида ўқитувчилар тайёрлаш курсларини очган. Москвадаги ўзбек талабалари ўқийдиган «Бухоро маориф уйи» директори. Ҳоди Файзий Самарқанддаги Коммунистик университет директори, сўнгра Қримдаги институт директори бўлган. 1937 йил декабрда қатагон қилинган. 1956 йилда оқланган.

**Воис Раҳимий** (1904–1938) — миллий раҳбар ходимлардан. Хива шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Компартияси Самарқанд обкомининг масъул ходими. Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш бош таҳририятининг котиби. У 1937 йил 6 августда қамоққа олинган ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Рамзий** (Маннон Ромиз, Маннон Абдуллаевич Рамзий, 1896–1938) – журналист ёзувчи, жамоат арбоби. Тошкент шаҳрида туғилган. 1918–1930 йилларда совет ва партия идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Маориф, миллий матбуот ва нашриёт ишларининг ривожланишида фаол иштирок қилган. Рамзий Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитасининг раиси (1922) бўлган. 1924–1925 йилларда Помирда ишлаган. «Туркистон», «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон» газеталари ва «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналлари муҳаррири (1927–1929), Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари (1927–1930). Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган. 1930 йил 1 сентябрда «Наркомпрос иши» бўйича қamoққа олинган. 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида 9 киши қаторида ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қamoқ жазоси билан алмаштирилган. Миркомил Миршароповнинг «иши»даги маълумотномада ёзилишича, Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби А.Икромовнинг аралашуви билан 1934 йили Маннон Рамзий муддатидан олдин қamoқдан озод қилинган. У Ростов-Дон шаҳридаги «Ростсельмаш» заводида кадрлар тайёрлаш бўйича бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. 1937 йил 17 августда Ростов-Донда қamoққа олинган. Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлиб ўтган судда Маннон Рамзий ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўша куни отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Боту, Мақсуд Ҳодиев** (1904–1938) – шоир, жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. Рус-тузем мактаби (1914–1917), ўқитувчилар тайёрлаш курси (1918–1920), Москва Давлат университетининг иқтисод факультетида (1925–1927) ўқиган. Фитрат билан Боту ўртасидаги муносабатлар 1918 йилдан бошланган. Фитрат унинг устози ҳисобланади, шоирга «Боту» тахаллусини ҳам Фитрат танлаган. Фитрат муҳаррирлигида Тошкентда 1920 йили нашр қилинган «Тонг» журнаliga Боту масъул котиблик қилган. Фитрат билан Мунавварқори ўртасидаги гоъвий келишмовчиликлар жараёнида (бу пайтда Мунавварқори туркпараст, Фитрат ўзбекпараст бўлган) Акмал Икромов билан Боту устозлари Фитрат фикрларини қўллаб-қувватлашган. Аммо давр кейинчалик устоз ва шогирдни икки томонга ажратиб юборди. Боту устозидан узоқлашиб, большевиклар томонига бутунлай ўтди. У 1927 йил бошларида Москвадан Самарқандга келиб. Марказий партия мактабининг раҳбари бўлади. Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудири (1927), Самарқанд обкомида агитация ва пропаганда бўлими бошлиғи (1928–29), Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссарининг ўринбосари (1929–1930) лавозимларида ишлайди. Боту лирик шоир сифатида шеърий тўпламлар чоп этган. У 1930 йил 27 июлда «Наркомпрос иши» бўйича қamoққа олинган. 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қamoқ жазоси билан алмаштирилган. Боту жазони ўташ учун Соловки оролларидаги концлагерга юборилган. 1937 йили Москвага олиб келиниб, қайта суд қилинган ва 1938 йил 9 майда отиб ташланган. 1960 йил 26 мартда оқланган.

**Олтой, Боис Қориев** (1903–1977) – шоир ва адабиётшунос. Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Абдувоҳид қори 1917–1918 йилларда ташкил топган

«Шўрон исломия» жамиятининг раиси, «Фуқаҳо» жамиятининг фаолларидан бири, Ўрта Осиё уламоларининг «Маҳкамаи шаръия» идорасининг раиси бўлган. Боис Қориев 1919 йилдан «Чигатой гурунги» ташкилоти фаолиятида қатнашган. Унга «Олтой» тахаллусини устози Фитрат берган. У ўзбек билим юртини тугатиб (1924), шу ерда ўқитувчи ва директор бўлиб ишлаган. У «Ёш ленинчи» газетасининг 1-муҳаррири (1925) (1929-1930) бўлган.

Олтой 1930 йил 26 июлда «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган. У ҳам М.Рамзий ва Боту сингари 1933 йил 31 мартда Москвада бўлган суд жараёнида аввал ўлим жазосига, сўнгра 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Олтой Ухта-Печорск ва Воркута лагерларида жазони ўтаган. 1940 йили озод бўлиб, Чимкентда яшай бошлаган. 1941 йил январда қамоққа олиниб, 5 йил муддат олган. 1946 йил озод бўлиб, Ўрта Чирчиқ туманида яшаган. 1948 йил 24 декабрда у 3-мартга қамоққа олинган ва 10 йил жазога ҳукм қилинган. 1955 йил 14 мартда озод қилинган. 1956 йил 12 сентябрда Олтой оқланган.

Олтой Тил ва адабиёт институти (1959–1966) ва Алишер Навоий номи Адабиёт музейида катта илмий ходим (1966 йилдан) вазифасида ишлаган. Филология фанлари номзоди (1963). Олтой шеърый тўпламлар ва адабиётшуносликка оид илмий мақолалар ҳамда хотиралар эълон қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1975).

**Саидахмад Назиров** – Ўзбекистон Давлат нашриётининг бошқарувчиси. Фитратнинг айтишича, у 1930 йилда «Миллий истиқлол» ташкилоти иши бўйича қамоққа олинган.

**Ғози Олим Юнусов** (Ғози Юнус, 1893–1938) – тилшунос ва фольклоршунос олим. Тошкент шаҳрида туғилган. Туркия университетиди, Анқарадаги ал-Азхар мадрасасида ўқиган (1912–1914). 1918 йили «Турк ўчоғи» ташкилотини тузган. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Тил ва терминология қўмитасида илмий котиб (1920–1922), Самарқанд педагогикада ўзбек тили кафедраси профессори (1925–1930), Тил ва адабиёт институтида илмий ходим (1934–1937) бўлиб ишлаган. Фитратнинг айтишича, Ғози Олим ўзбеклаштириш қўмитасининг раиси ҳисобланган. Самарқанд, Фарғона, Сирдарё областларида бўлиб, халқ кўшиқлари ва мақолларини, «Алпомиш» достони ва эртақларни тўплаган. Тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршуносликка оид кўплаб мақолалар ёзган. У 1937 йил 3 июлда Тошкентда ҳибсга олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. 1989 йилда у оқланган.

**Ўлтай Солиев** (Булат Мажидович Солиев, 1882–1937) – тарихчи олим, профессор (1927). Бухородан кўчиб борган савдогар оиласида Астрахан (Ҳожи тархон) шаҳрида туғилган. Қозон ва Уфа мадрасаларида ўқиган. 1909 йилдан Туркистон ўлкаси қишлоқларида мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган. «Эл байроғи» газетаси (1917-1918), Бухорода нашр этилган «Маориф» журналининг муҳаррири (1923-1924). Москвадаги Қизил профессорлар институтида ўқиган ва Коммунистик университетнинг тарих факультетини тугатган (1925–1927). 1927 йилдан Самарқандда Ўзбекистон Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) профессори. Мазкур институтда Ўрта Осиё тарихи

кафедрасини ташкил қилган. Бу даврда биринчи ўзбек профессори Фитрат ҳам ушбу институтда дарс берган. П. Солиевнинг илмий фаолияти Ўрта Осиё тарихи ва иқтисодийетини ўрганишга бағишланган. У 1937 йил 13 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланган. 1956 йили оқланган.

**Абдурахмон Саъдий** (1889–1956) — ўзбек адабиётшуноси, филология фанлари доктори (1949), профессор (1930). Уфа губерниясида туғилган. Троцк шаҳридаги мадраса (1906)ни, Истанбулда дорилфунун (1907–1911)ни тугатган. У Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидаги ўрта ва олий ўқув юртларида дарс берган (1921–1956). Ўзбекистонда адабиёт дарслиklarининг дастлабки муаллифларидан. А.Саъдийнинг вульгар социологик қарашлари аллома Фитратга ёқмаган ва улар ўртасидаги муносабатлар зиддиятли бўлган.

**Абдулла Алавий**, (1903–1931) — шоир ва адабиётшунос. Пскентда туғилган. Ленинград Шарқ тиллари институтида ўқиган (1924–1927). Самарқанддаги Педагогика академиясида дарс берган (1927–1930). Алавий ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасида илмий ишлар эълон қилди, лирик шоир сифатида танилди. 1931 йил 7 январда 28 ёшида Самарқандда вафот этган.

**Саъдулла Қосимов** (1901–1930) — миллий раҳбар ходимлардан бири, жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. С.Қосимов 1922 йилдан Туркистон АССР судлов тизимида фаолият кўрсатган. Тошкент вилояти суди раиси (1925–1926). Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси (1926 йил июнь — 1929 йил март). Ўз фаолияти давомида Марказнинг шовинистик сиёсатига қарши чиққан. Шунинг учун лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинган (1929 йил баҳори). 1930 йил март–июнь ойларида республика пойтахти Самарқандда бўлиб ўтган суд жараёнида С.Қосимов ва унинг тарафдорлари (7 киши; Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ прокурори Бадриддин Шарипов ва б.) «буржуа миллатчилари» сифатида «босмачилар»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. Уларга «қосимовчилик» тамгаси босилган. С.Қосимов, Б.Шарипов, Насриддин Алимов, Спиридонов отиб ўлдиришга, Мирсоат Мирзокиров, Иброҳим Хўжаев, Самигҗонов 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. У 1930 йил ёзида Самарқандда отиб ташланган.

**Обид Саидов** — «Миллий истиқлол» ташкилотига суқулиб кирган ГПУ айғоқчиси. Тергов ҳужжатларида ёзилишича, 1930 йил ёзида у миллий ходимлар томонидан ўлдирилган. Мавжуд ҳужжатларда унинг ўлими тўғрисида бир-бирига зид маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар орасида тарихий ҳақиқатга мос келувчи фикрни топиш қийин. Тахминимизча, О.Саидов ўлимидан совет сиёсий идоралари (ГПУ ва б.) провакация мақсадида фойдаланиш учун уларнинг ўзлари бу қотилликни «тайёрлашган» ва уни ташкилот аъзолари қўли билан амалга оширган. Айнан унинг ўлимидан кейин Боту, Рамзий ва бошқаларнинг қамоққа олиниши ҳамда «Наркомпрос иши»нинг вужудга келиши ушбу тахминимизни асослайди.

**Носир Саидов** — «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзоси, ГПУ айғоқчиси Обид Саидовнинг укаси. Обид Саидов ўлдирилгач, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги раҳбарлари билан биргаликда Носир Саидов ҳам 1930 йил ёзида қамоққа олинади. Москвада 1933 йил 31 мартда бўлиб ўтган суд жараёнида у ҳам олдин ўлим жазосига, сўнгра эса 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**Миршаропов, Миркомил Миршаропов** (1900–1938) – ҳарбий арбоб. Авлиёота (ҳозирги Тороз) шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактабини тугатган (1914). 1917 йилда Тошкентга кўчиб келган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳарбий нозир (1921), нозир муовини (1924). Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929). Самарқанддаги ўзбек отлиқ аскарлар полкининг командири ва комиссари (1929–1932), 19-тоғли отлиқ Ўзбек дивизияси қўмондони ва комиссари (1932–1935), СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги ҳарбий атташеси (1935), Шимолий Кавказ ҳарбий округи Алоҳида отлиқ бригадаси қўмондони ва комиссари (1936–1937). М. Миршаропов комбриг ҳарбий унвонига эга бўлган. М. Миршаропов совет режими томонидан Майкопда қамоққа олиниб (1937 й. 28 октябрь), Тошкентга жўнатилган. У ўзбек дивизияси ёрдамида Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиш ва мустақил давлатни барпо этишга уринишда айбланди. 1938 йил 10 октябрда бўлган суд жараёнида М. Миршаропов бошчилигидаги 16 та ҳарбий командир ва кўплаб оддий аскарлар отиб ташланди. Вафотидан сўнг оқланди.

**Акбар Исломов** (1896–1938) – давлат ва жамоат арбоби. Қўқонда туғилган. Эски ва рус-тузем мактабларида, Ўрта Осий Давлат университетиди (1922–1925) ўқиган. Бухоро амирлигида РСФСР вакили ўринбосари (1919), Туркистон АССР ички ишлар нозир ўринбосари ва комиссари (1919–1921), Тошкент округ ижроия комитети раиси (1925–1927), ЎзССРнинг СССР ҳукумати ҳузуридаги доимий вакили (1927–1929), Ўзбекистон ССР молия халқ комиссари (1929–1937). А. Исломов 1937 йил 3 августда қамоққа олинди ва Тошкентда 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди. Вафотидан сўнг оқланди.

**Муса Ҳақимов** (Мусохўжа Ҳақимов) – Бухорода фаолият кўрсатган миллий раҳбар ходимлардан бири. У 1930 йилларда Тошкентда фаолият кўрсатган.

**Қори Йўлдош Пўлатов** (Қори Йўлдош, 1890–1965) – давлат ва жамоат арбоби, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. Бухоро амирлигига қарашли Карки шаҳрида туғилган. Мир Араб мудрасасида таҳсил олган. Қори Йўлдош Ёш бухороликлар фирқаси Карки шўъбасининг бошлиғи (1912 йилдан), Самарқанд область халқ таълими мудири (1919–1920), БХСР маориф нозир (1920–1922), ички ишлар нозир (1922), молия нозир ва Бухоро Иқтисодий Кенгаши (БухЭКОСО) раиси (1922–1923), Ўзбекистон ССР молия халқ комиссари (1925–1929), айна пайтда СССР Давлат банки Ўрта Осий бўлими бошқарувчиси муовини (1929–1932), Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида, Андижон ва Хоразм округларида турли лавозимларда (1929–1937) ишлаган. У 1909 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги Карки беқлигидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Янги усул мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Бухорода маориф тизимини ташкил қилиш, Германия ва Туркияга 70 нафар ёшларни ўқишга юборишда Фитрат билан биргаликда катта ишларни амалга оширган. У 1923 йил июнда Марказнинг кўрсатмасига биноан Фитрат билан биргаликда БХСРдаги масъул лавозимларидан олиб ташланган. 1937 йил 11 июлда Тошкентда қамоққа олинган. Магадан вилоятидаги сиёсий маҳбуслар лагерида ўн йиллик қамоқ

жазосини ўтагач, озодликка чиқади. Бироқ 1949 йил март ойида яна қамоққа олинган. 1956 йилда озод этилган. 1957 йил 1 июлда оқланган. У 1965 йил 1 апрелда Тошкентда вафот этган.

**Абдурашид Мукомиллов (1901–1937)** – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг намояндаси. Карки беклигидаги Чақир қишлоғида туғилган. 1915 йилдан Ёш бухороликлар партияси фаолиятида қатнашган. Карки шаҳридаги янги усул мактабини битирган (1917). Ёш бухороликлар фирқаси Карки шўбасининг бошлиғи (1919–1920). Бухорода амирлик ҳокимияти ағдариб ташлангач, А. Мукомиллов 1920–1921 йилларда Каркида, 1921 йили Тошкентда Бош консул сифатида фаолият кўрсатган. БХСР ташқи ишлар ноziри (1922), БХСРнинг Москвадаги фавқулодда вакили (1922–1923), БХСР Халқ Нозирлар Шўроси иш бошқарувчиси (1924), Бухоро Компартияси МК котиби ва бошқа лавозимларда ишлаган. Ўзбекистон ССР ташкил топгач, у Қашқадарё ва Зарафшон вилоятлари ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари (1925 йилдан), «Средазсельхозснаб» акционерлик жамияти раиси (1931–1936), «Ўзглавмясо» трести бошқарувчиси (1937) лавозимларида ишлаган. А. Мукомиллов Зарафшон вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган пайтида «Ўн саккизлар гуруҳи» фаолиятида қатнашганлиги учун жазоланди. 1937 йил 22 июнда Тошкент шаҳрида қамоққа олинди. 1937 йил 25 октябрда Тошкентда отиб ташланди. 1961 йил 25 декабрда оқланган.

**Саттор Хўжаев (1897–1937)** – Бухородаги миллий раҳбар ходимлардан бири. Жамоат арбоби. Бухоро шаҳрида йирик савдогар оиласида туғилган. БХСР ташкил топгач, Қарши ижроия қўмитаси раиси (1922), молия ноziри ўринбосари ва ноziри (1923) ҳамда бошқа лавозимларда ишлаган. Айнан ўша йилларда Саттор Хўжаев Бухородаги «Миллий иттиҳод» ташкилотида фаол қатнашган. Кейинчалик «Ўзбекзаготпушнина» ташкилотиди директор ўринбосари (1937) вазифасида ишлаган. У Тошкентда 1937 йил 17 мартда қамоққа олинган ва 1937 йил 25 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1965 йил 2 декабрда у оқланган.

**Ака-ака Бурҳоновлар, Бурҳоновлар сулоласи** – XIX аср охири XX аср биринчи чорағида Бухородаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда муҳим роль ўйнаган маърифатпарвар хонадон вакиллари. Уларнинг аждодлари ўрта асрлардан бошлаб Бухорода йирик уламо: шайхулислом, қозикалон, муфтий, раис, мударрис сифатида машҳур бўлганлар. XX асрдан бошлаб сулола вакиллари Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликлар партияси фаолиятида муҳим ўрин тутишган.

**Мукамил Бурҳонов (1884–1937)** – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси, давлат ва жамоат арбоби. Бухоро шаҳрида мударрис оиласида туғилган. «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамиятининг асосчиларидан бири (1909 йил, декабрь). Ёш бухороликлар ташкилотининг аъзоси (1910 йилдан). Ўз уйида яширин равишда янги усулдаги мактаб очган (1912). Бухорода амир ҳокимияти ағдариб ташлангач, БХСР адлия ноziри (1920 йилдан), БХСРнинг РСФСР ва СССР ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили, Файзулла Хўжаевнинг шахсий котиби (1921–1925) лавозим-



ларида ишлаган. 1930 йилдан нафақага чиққан ва Самарқандда яшаган. У 1937 йил 2 июнда Самарқандда қамоққа олинган. Мукамил Бурҳонов 1921–1923 йилларда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг газначиси бўлган ва ташкилот раҳбарияти таркибига кирган.

**Масхар Бурҳонов** (1878–1937) – уламо ва маърифатпарвар. Мукамил Бурҳоновнинг акаси. БХСР ташкил топгач, маориф номирининг ўринбосари бўлган. Кейинчалик у Самарқандда укаси Мухамар Бурҳоновнинг хонадонида яшаган. Самарқандда қамоққа олинган пайтда (1937 й. 19 июль) у пенсионер бўлган.

**Мухамар Бурҳонов** (1897–1937) – маърифатпарвар ва ўқитувчи. Мукамил Бурҳоновнинг укаси. Туркияда таълим олган. 1921 йилда Бухорога қайтиб, БХСР милиция бошқармаси бошлиғи (1921–1923) вазифасида ишлаган. 1921–1924 йилларда «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятида қатнашган. Ташкилот топшириғи билан у 1924 йили Туркияга бориб, Усмон Хўжа билан учрашган ҳамда 1926 йилгача ўша ерда яшаган. 1926 йили Ўзбекистонга келиб, Самарқанд шаҳридаги 5-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Мухамар Бурҳонов акалари билан бир кунда – 1937 йил 2 июнда Самарқандда қамоққа олинган ва Тошкентга жўнатилган.

**Мисхаб Бурҳонов** (1905–1937) – журналист ва ёзувчи. Бухоро шаҳрида Музейин (Музаил) Бурҳонов оиласида туғилган. Мукамил Бурҳоновнинг жияни. У Москвага бориб, Бухоро Маориф уйида ўқийди (1922 йилдан). Сўнгра Сталинобод (ҳозирги Душанбе шаҳри)даги республика газетасида журналист бўлиб ишлайди. «Миллатчилик» кайфиятини намоён қилганлиги учун 1933 йил декабрда қамоққа олинган ва икки йилча қамоқда ўтирган. 1937 йил 5 майда у Сталинобод шаҳрида яна қамоққа олинади ва Тошкентга олиб келинади.

Бурҳоновлар хонадони вакиллари (4 киши) Тошкентда БХСР собиқ раҳбарлари устидан бошланган суд жараёнига тортилди ва улар 1937 йил 25 октябрда Тошкентда отиб ташланган. Мисхаб Бурҳонов 1962 йил 26 ноябрда, қолган уч ака-ука Бурҳоновлар 1965 йил 2 декабрда оқланган.

Бурҳоновлар хонадони вакиллари билан Фитрат жуда яқин бўлган. У Музейин Бурҳоновнинг қизи Фотима Бурҳоновага (1913 йилда Бухорода туғилган) уйланган. Лекин бу никоҳ мустаҳкам бўлиб чиқмайди. Музейин Бурҳоновнинг ўғли Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов (1916–2002) машҳур композитор бўлиб етишди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муסיқасини ёзган (1992).

**Мўмин Усмонов** (1903–1938) – Қўқон шаҳрида туғилган. Москвада Шарқ халқлари университетиде ўқиган (1926–1930). «Қизил Ўзбекистон» газетаси маҳаррири (1931–1933). Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари (1933–1934), Ўзбекистон Компартияси МК маланият ва пропаганда бўлими мудири (1934–1935), Ўзбекистон Олий қишлоқ хўжалиғи коммунистик мактаби ректори (1935–1937), Ўзбекистон Компартияси МК пропаганда ва агитация бўлими мудири (1937). У 1937 йил 3 сентябрда Тошкентда қамоққа олинган ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Курбон Берегин** (Курбон Оллоберганов, 1904–1938) – жамоат арбоби ва журналист. Хива шаҳрида камбағал хунарманд оиласида туғилган. Хивадаги мадрасада (1917) ва Қозондаги ҳарбий-сиёсий мактабда (1921), Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университетида (1922) ўқиган. Хоразмда 1923–1927 йилларда ёшлар ташкилотларида ишлаган. «Инқилоб қуёши» газетаси муҳаррири ва Хоразм округи партия қўмитасида бўлим мудири (1927–1929), Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигида шўъба мудири (1929–1931), «Маданий инқилоб» (ҳозирги «Маърифат») газетаси муҳаррири (1931), Ўзбекистон Давлат нашриёти правленияси раиси (1931–1933), Ўзбекистон Компартияси матбуот шўъбаси мудири ва инструктори (1933–1935), «Совет адабиёти» журналы муҳаррири (1935–1937), Ўзбекистон Компартияси МК маданий-оқартув бўлими мудири (1935–1937), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи (1936–1937). Публицистик мақолалар, шеърлар ёзган. Курбон Берегин 1937 йил 5 сентябрда Тошкентда қамоққа олинди ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди. 1956 йил 31 майда оқланди.

**Қориев** – бу ўринда Қориевлар хонадонининг вакилларида бири Боис Қориев (Олтой) назарда тутилмоқда.

**Чўлпон** (Абдулхамид Сулаймон ўғли Юнусов, Абдулҳамид Сулаймонов, 1898–1938) – жадид адабиётининг йирик намояндаси, янги ўзбек шеъриятининг асосчиси, таниқли ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи, маданият ва жамоат арбоби. Андижон шаҳрида туғилган. Дастлаб мадрасада (1908–1912), сўнгра рус-тузем мактабида (1912–1914) ўқиган. 1914 йили Тошкентга келиб, «Садои Туркистон» газетаси билан ҳамкорлик қилган. Бошқирдистон Мухторияти ҳукумати (Оренбург)да ҳукумат раисининг котиби (1918), Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Илмий кенгашда раис (1920–1923), «Бухоро аҳбори» газетасида муҳаррир (1921–1922), «Турон» театрида директор (1921; 1922–1923), Ўзбек драма студияси (Москва, 1924–1927) ва Ўзбек давлат драма театрида адабий эмакдош (1927–1931), СССР ХКС ва Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон (Москва, 1931–1934), «Муштум» ва «Гулистон» журналларида адабий ходим (1935–1937) бўлиб ишлаган.

Унинг устози Фитрат билан илк учрашуви 1919 йил бошларига тўғри келади. Фитрат бошчилигидаги «Чигатой гурунги» ташкилоти мажлисларида у ҳам фаол қатнашган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шоирга Чўлпон (Тонг юлдузи) тахаллусини қўллашни ҳам айнан Фитрат маслаҳат берган. Чўлпон 1921–1923 йилларда «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятида қатнашган. У «Нашри маориф» ташкилоти (1923 йил, январь) нинг асосчиларидан бири. Чўлпон ўз асарларида, хусусан, шеърларида Туркистон мустақиллигини куйлаган. 1937 йил 13 июлда Тошкент шаҳрида қамоққа олинган. 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда оқланган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган, 1991 йил 25 сентябрда Фитрат, Абдулла Қодирий (1894–1938) ва Чўлпонга (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди. Чўлпон «Мустақиллик» ордени билан ҳам тақдирланди.

**Элбек** (Машрик Юнусов, 1898–1939) – шоир, тилшунос ва фольклоршунос. Бўстонлик туманида туғилган. 1911 йили муҳтожлик орқасида Тошкентга кўчиб келган. «Хоний» мактаби (1911), сўнгра Авлонийнинг янги усул мактабида (1914) ўқиган. Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқитувчилик қилган (1920 йилдан). Маданий қурилиш илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1931–1934). У истеъдодли шоир сифатида кўплаб шеърӣ тўпламлар эълон қилган.

Фитрат бошқа шогирдлари қатори унга ҳам тахаллус танлаб, «Элбек» нисбасини берган. Фитрат бошчилик қилган «Чигатой гурунги» ташкилотида Элбек ҳам фаол қатнашган. Тошкентнинг «Тил ва имло» тўдасига дастлаб Чўлпон, сўнгра Элбек раҳбарлик қилган. Фитрат томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламида унинг ҳам шеърлари босилган. У 1937 йилда қатағон этилиб, 10 йиллик жазо муддатини ўташ учун Магаданга жўнатилган ва ўша ерда 1939 йил 11 февралда вафот этган. 1957 йил 1 августда оқланган.

**Қаюм Рамазон** (Қаюм Рамазон, Ўқтам, 1900–1938) – тилшунос олим. Тошкент шаҳрида Эшонхўжа Хоний ва Мунавварқорининг янги усул мактабида ва мадрасада (1912–1916), Боку педагогика техникумида (1916–1917) ўқиган. «Чигатой гурунги»ни ташкил қилишда қатнашган ва унда котиб бўлиб ишлаган (1919–1920). РКП(б) Ўлка мусулмонлар бюросида масъул котиб (1919–1920). БХСРда фаолият кўрсатди (1920–1921). «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарида адабий ходим (1921–1923), Ўзбекистон ССР МИК қошидаги Янги ўзбек алифбоси Марказий Қўмитаси аъзоси (1928–1930), Фанлар комитети ҳузуридаги Тил ва адабиёт институтида доцент (1934–1937). Ўзбек мактаблари учун дастлабки она тили дарсликларини яратган.

**Қаюм Рамазон** С.Тиллахонов ва А.Муродий билан бирга 1917 йили «Турк адам марказияти» фирқасига кирган. Сўнгра «Иттиҳоди тараққий» ташкилотига аъзо бўлган. 1919–1922 йилларда Фитратнинг кучли таъсири остида бўлган. 1937 йил 12 июлда Тошкентда қамоққа олинган ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. 1957 йилда оқланган.

**Абдулла Қодирӣ** (1894–1938) –янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси. Тошкентда борбон оиласида туғилган. Мусулмон мактабида (1904–06), рус-тузем мактабида (1908–1912), Абулқосим Шайх мадрасасида (1916–1917), Москвадаги Адабиёт курсида (1925–1926) ўқиган. Тошкент Эски шаҳар озуқа қўмитасининг котиби (1918), «Озиқ ишлари» газетаси муҳаррири (1919), «Муштум» журнали ташкилотчиларидан бири (1923–1926). А.Қодирӣ «Йиғинди гаплар» (1926) ҳажвиясида ЎзССР МИК раиси Йўлдош Охунбобоевни танқид қилганлиги учун 1926 йили Самарқандда қамоққа олиниб, 2 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Фитратнинг илтимоси билан Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев адибни қамоқдан чиқаришга муваффақ бўлади. Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар авж олгач, 1937 йил 31 декабрда Абдулла Қодирӣ қамоққа олинган ва 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1956 йил 9 октябрда оқланган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, А.Қодирий (вафотидан сўнг) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1991) ва «Мустақиллик» ордени (1994) билан тақдирланган.

**Ҳоди Зарипов** (Ҳоди Зариф, 1905–1972) – ўзбек фольклоршунослиги асосчиси, филология фанлари доктори (1956), профессор (1967). Эски ва янги усуллардаги мактабларда, Боку ўқитувчилар семинарийсида (1923–1926) ўқиган. Ўзбекистондаги маориф ва маданият муассасаларида ишлаган (1926–1930). Ўзбекистон маданий қурилиш илмий тадқиқот институти этнография шўъбаси бошлиғи (1931–1934), Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими мудири (1934–39; 1956–65; 1960–72), институт директори (1944–1948), директор ўринбосари (1955–1962), энциклопедия бўлими бошлиғи (1965–1968), Навоий кўргазмаси (Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи) нинг 1-директори (1939–1956), Шарқ қўлёзмалари (Шарқшунослик) институтининг директор ўринбосари (1943–1944). У ўзбек халқ бахшиларидан кўплаб дostonлар ёзиб олган.

**Ойбек** (Муса Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, 1905–1968) – машҳур ёзувчи ва шоир, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА академиги (1943 йилдан). Тошкентда бўзчи оиласида туғилган. Мунавварқорининг «Намуна» мактабида (1918–1921), Навоий номли таълим ва тарбия техникум-интернатида (1921–1925), Ўрта Осиё Давлат университети (1925–27; 1929–30) ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)даги Халқ хўжалиги институтида (1927–1929) ўқиган. Турли олий ўқув юртлирида дарс берган. Маданий қурилиш илмий тадқиқот институти (1933) ва Фанлар комитети ҳузуридаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим (1934–1937). 1937 йилда оммавий қатағонларнинг авж олиши Ойбекнинг «миллатчи» ва «миллий иттиҳодчилар»га хайрихоҳ киши сифатида ишдан ҳайдалиши ҳамда тазйиққа учрашига сабабчи бўлади. Кейинчалик у ЎзССР ФА ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи (1943–1953), «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири (1945–1959), ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг директори (1950–1952), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1945–1949), «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали Бош муҳаррири (1958–1968). 1951 йилда яна қатағон тўлқинининг бошланиши билан Ойбекка нисбатан тазйиқ кучайиши натижасида у инсулт хасталигига учрайди ва узоқ давом этган касаллик оқибатида 1968 йил 1 июлда вафот этган. Ойбек вафотидан кейин «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган (2001).

**«Ўзбек адабиёти намуналари»** – Фитрат томонидан нашр қилинган тазкира (Самарқанд–Тошкент, 1928 йил, 1-жилд). Унда қадимги даврдан то XVI аср бошларигача бўлган ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари тўпланиб, муайян тизимга солинган. Тазкирага Отажон Ҳошим сўзбоши ёзган. Афсуски, тазкиранинг 2-жилди эълон қилинмай қолган. Бу жилдда теурийлардан сўнгги давр (XVI асрдан бошлаб) то XIX аср охиригача бўлган ўзбек адабиёти намуналари киритилиши мўлжалланган эди.

**«Энг эски турк адабиёти намуналари»** – Фитрат томонидан нашр қилинган тазкира (Самарқанд–Тошкент, 1927). Унда миллий адабий меросимизнинг энг қадимги даврдаги ёдгорликлари, масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони

луғатит-турк» асаридан парчалар эълон қилинган. Тазкирага Фитрат сўзбоши ёзган. Бу тазкира ўзбек тилида ислоҳ қилинган араб ёзувида чоп этилган. Фитратнинг «Танланган асарлар» (4-жилд. Тошкент: Маънавият, 2006) китобиде бу тазкирадан парча (117–123-бетлар) эълон қилинган.

**Жалил Бойбўлатов** – танқидчи, вульгар социологизм позициясида турган. Ж. Бойбўлатов ўша йиллардаги қатор чиқишларида Фитратни пантуркизм ва панисломизмда ноҳақ айблайди. Фитрат сиёсий идораларнинг буюртмасини бажарган «ўртоқ» Бойбўлатовга очиқ хат шаклида ёзган «Ёпишмаган гажаклар» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1929 йил 15-16 сентябрь) мақоласида муносиб жавоб қайтаради. Фитратнинг ушбу мақоласи «Танланган асарлар» (3-жилд. Тошкент: Маънавият, 2003) китобиде эълон қилинган.

**Чигатойчилик** – ўзбек мумтоз адабиётига ўрта асрларда берилган ном. Мўғуллар ҳокони Чингизхон (1155–1227) томонидан 2-ўғли Чигатой (?–1242) ва унинг меросхўрларига ҳукмронлик қилиш учун 1224 йили берилган ҳудуд – Чигатой улусида яратилган адабиёт. XIII–XIV асрларда мавжуд бўлган Чигатой улуси ва XIV–XVI асрларда эски ўзбек тили маъносида қўлланган чигатой тили ҳамда чигатой адабиёти истилоҳларини умумлаштирувчи атама. Навоий (1441–1501) ўз асарларини туркий чигатой тилида битганлигига алоҳида урғу берган. Фитрат чигатойчилик атамасини қўллаганда (1929 йил ёзилган «Ёпишмаган гажаклар» мақоласи ва 1937–1938 йиллардаги тергов жараёнида), бу тушунчани ўзбек миллатчилиги маъносида ишлатади. 1917–1918 йилларда мамлакатимиз мактабларида «Умумий турк тили», «Умумий турк адабиёти» истилоҳлари ҳукм сурган пайтда Фитрат асос солган «Чигатой гурунги» жамияти ўзбек тили ва ўзбек адабиётини ўрганиш учун Хадрада пулсиз курслар ташкил қилган.

**Чигатой, Чигатойхон** (?–1242) – Чигатой улуси ҳукмдори (1224–1242), Чингизхоннинг иккинчи ўғли. Чигатой отаси Чингизхоннинг босқинчилик юришларида фаол иштирок этган. У 1221 йил 25 ноябрда хоразмшоҳ Султон Жалолиддин билан Синд дарёси бўйидаги қақшатқич жангда отаси ёнида турган. 1224 йили Чингизхон мўғуллар забт этган ерларни ўғилларига мулк тарзида тақсимлаб берган. Шарқда найман қабилалари яшайдиган Олтойдан Фарбада Жайхун (Амударё)гача, Фулжадан Самарқанду Бухорогача бўлган ҳудудлар Чигатойга теккан. Унинг қароргоҳи Или дарёси водийсида жойлашган. Чигатой ўзига тегишли улус бошқарувини аввал хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (?–1254), 1238 йилдан унинг ўғли Масъуд Ялавоч (?–1289) га топширган. Ўзи умрининг охиригача Ўқтой қоон саройида маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатган. Чигатой номи билан унинг улуси – Чигатой улуси, Мовароуннаҳр аҳолиси сўзлашадиган туркий (эски ўзбек тили) тили эса чигатой тили деб ном олган. XIII аср ўрталаридан то XVI аср бошларигача Мовароуннаҳрнинг туркий аҳолиси чигатойлар деб номланган. Фитрат чигатойчилик, чигатой адабиёти, чигатой тили, «Чигатой гурунги» деганда айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган туркий аҳолини, яъни ўзбекларни тушунган. Шунингдек ўзбек халқи таркибида чигатой уруғи ҳам бўлган.

**Навоий** (Алишер Навоий, 1441–1501) – буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби. Ҳиротда туғилган. У теурийзодалар, хусусан, бўлажак

ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) билан бирга тарбияланган. Ҳирот, Машиҳад, Самарқандда мадраса таҳсилени олган. Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач (1469 йил, март), Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтади ва саройда муҳрдор (1469–1472), бош вазир (1472–1487) вазифаларида ишлайди. Астробод вилояти ҳокими (1487–1489) бўлган. Навоийнинг шеърӣ даҳоси нафақат ўзбек адабиётини, балки бутун туркий халқлар адабиётини энг юқори поғонага кўтарди.

**Мистицизм, мистика** (юнонча *mystikos* – сирли) – диний фалсафий таълимот. Инсон руҳи худо ва бошқа илоҳий кучлар билан бирлаша олади, деган фикрни илгари суради. Исломда, хусусан, тасаввуф оқимларида фано, яъни Аллоҳ висолига эришиш тушунчаси шу маънода ишлатилади. Мистика тушунчаси барча жаҳон динлари: ислом, христианлик, яҳудийлик (иудаизм), ҳиндуизм, буддизмга хосдир.

**Машраб** (Бобораҳим Машраб, 1640–1711) – машҳур шоир ва мутафаккир. Наманганда туғилган. Машраб ислом дини асослари ва тасаввуфдан яхши хабардор бўлган Мулла Бозор Охунд қўлида диний таълим олган, сўфий тариқатлари бўйича билимини оширган, форсий тилни ўрганган. Машраб 1665–1673 йилларда Қашғарда йирик дин арбоби Офоқхўжа Эшон (1625–1695) даргоҳида хизмат қилади. Пири даргоҳидан қувилган Машраб кейинчалик кўнимсиз ҳаёт кечириб асосан, ижодий иш билан шуғулланган. Машраб сўфийликдаги қаландарлик ҳаракатининг машҳур намояндасидир. Ундан бой адабий мерос қолган. Машраб 1711 йили Балх ҳокими Маҳмудбий қатағон буйруғи билан дорга осиб ўлдирилган.

Фитрат Машраб ижодига катта ҳурмат билан ёндашган. Унинг «Машраб» мақоласи ўзбек адабиётшунослигида Машраб шахси ва ижоди ҳақида нотўғри тасавурлар шаклланган даврда ёзилган бўлиб, у машрабшуносликдаги муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Бу мақола Фитратнинг «Танланган асарлар» (2-жилд. Тошкент: Маънавият, 2000) китобида босилган.

**Чигатой адабиёти** – XIII–XVI асрларда эски ўзбек адабий тилида яратилган адабиётларнинг умумий номи. Лутфий (1366–1465), Алишер Навоий, Мажлисӣ (XV–XVI асрлар), Муҳаммад Солиҳ (1455–1535) каби бу даврда яшаб ўтган ўзбек шоирлари ўзларини чигатой тилида ижод қилган адабиётнинг вакиллари, деб ҳисоблашган. Фитрат бу истилоҳни Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинганидан сўнг Чигатой қўл остидаги ҳудудда яратилган адабиётга нисбатан қўллади. У «Чигатой адабиёти» мақоласида куйидагича ёзди: «Бу адабиёт Чигатойдан бошлаб темурийларнинг йиқилишларигача (13–16-асрларда) бўлган адабиётдир. Чигатой адабиётининг кўтарилиши Ўрта Осиё савдо сармоясининг кўтарилиш даври бўлган темурийлар давридир». Фитратнинг бу мақоласи «Танланган асарлар» (2-жилд: Тошкент: Маънавият, 2000) китобида нашр этилган.

**Чигатой тили** – XIII–XVI асрларда ўзбек адабий тили ва лаҳжаларига нисбатан шартли равишда қўлланилган атама. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Фарғонада ёзилган адабий асарлар тили билан Хоразм ва Олтин Ўрдада чигатой тилида, яъни эски ўзбек тилида ёзилган адабий асарлар ўртасида

маълум лаҳжавий фарқлар сезилиб туради. Тадқиқотчилар томонидан Чигатой тилида яратилган асарлар одатда икки даврга ажратилади: 1—давр — XIII-XIV асрлар, 2—давр — XV-XVI асрлар.

**Ўзбек маданияти ва адабиёти** — ўзбек халқи томонидан сўнгги уч минг йил давомида яратилган маданият ва адабиёт намуналари. Ўзбек маданияти ва адабиёти асрлар давомида жаҳон халқларининг маданияти ва адабиёти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшиб борган. Фитрат бу ўринда ушбу ҳолатни назарда тутмоқда.

**Ўзбек тили** — Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. Ўзбек халқи (ўзбеклар)нинг тили, асосан, Ўзбекистонда, шунингдек, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Туркия, Саудия Арабистони, Хитой, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда тарқалган. Ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони 28 млн. киши, жумладан, Ўзбекистонда 20,8 млн киши (2005).

Ўзбек тилида учта асосий лаҳжа гуруҳи бор. Булар: 1) қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; 2) қипчоқ лаҳжаси; 3) ўғуз лаҳжаси. Ўзбек адабий тилининг меъёларини белгилашда Тошкент шеваси фонетик жиҳатдан, Фарғона ва Андижон шевалари эса морфологик жиҳатдан таянч шевалар деб олинган. Ўзбек адабий тили Лутфий, Саккокий (XIV-XV асрлар), Навоий, Бобур (1483—1530) ижоди билан бошланиб, Оғаҳий (1809—1874), Фурқат (1859—1909), Муқимий (1850—1903) ижодида давом этди ва сайқал топди. Ҳозирги ўзбек адабий тили эски ўзбек адабий тилининг давомчиси сифатида XX асрнинг 1-чорағида қорлуқ-чигил лаҳжасининг Тошкент ва Фарғона шевалари базасида шаклланган. Ҳозирги ўзбек тилини атрофлича чуқур ўрганишга эса XX асрнинг 20-йилларидан киришилган. Бу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар Фитрат ва унинг шоғирдлари Ашурали Зоҳирий, Қаюм Рамазон, Элбек, Ғози Олим Юнусов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

**Туркий тиллар** — ҳозирги ва қадимги туркий халқлар ва элатларнинг тиллари. Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар асосан Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, ХХР, Афғонистон, Эрон, Тожикистон, шунингдек, Болгария, Руминия, Украина, Германия, Кипр, Македония, Албания, АҚШ, Саудия Арабистони ва бошқа бир қанча мамлакатларда яшайди. Сўнгги маълумотларга кўра, туркий тилларда сўзлашувчиларнинг умумий сони 130 млн. кишидан ортиқ.

Олтой назариясига кўра, туркий тиллар тарихи олтой тиллари бир тил бўлиб ташкил топган қадимги замондан — олтой давридан бошланади. Олтой бобо тили (асос тил) дастлаб иккига — тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига, сўнгра турк ва мўғул тилларига ажралган. Туркий тиллар деганда, Сибирдан Болқон ярим оролигача бир чизиқ бўйлаб чўзилган улкан географик ҳудудда тарқалган ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, саха (ёқут), тува, хакас, олтой, қарағас, шор, туркман, озарбайжон, турк, гагауз, татар, крим-татар, бошқирд, чуваш, қўмиқ, нўғай, қорачой-болқор, тоғалар, телеут, караим, чуваш каби ўттизга яқин тил тушунилади. Туркий тиллар,

ҳозирги тарқалиш географиясига кўра, қуйидаги минтақаларга ажралади: Ўрта Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Сибирь ва Ғарбий Сибирь, Волга-Кама ҳавзаси, Шимолий Кавказ, Закавказье ва Қора денгиз бўйи.

**«Чигатой гурунги»** – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (1919–1921). Фитрат бошчилигида Тошкентда тузилган. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши ва Колесов воқеаси (1918 йил февраль-март)дан кейин асосан Тошкентда фаолият кўрсатаётган жадидлар тактик мақсадларни кўзлаб, совет ҳокимияти билан яқинлашишга мажбур бўлдилар. Ушбу ташкилот номла-ниши XIII–XIV асрларда мавжуд бўлган Чигатой улуси ва XIV–XVI асрларда эски ўзбек тили маъносида қўлланган чигатой тили каби атамалар ва истилоҳлар билан боғлиқдир.

**«Чигатой гурунги»** туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни жиддий ўрганишга киришган. Ташкилотнинг «Тил ва имло тўдаси», «Адабиёт тўдаси», «Санъат ва театр тўдаси» ва бошқа шўъбалари бўлган. «Тил ва имло тўдаси»га дастлаб Чўлпон, сўнгра Элбек раҳбарлик қилган. «Чигатой гурунги» ташкилоти фаолиятида, Фитратдан ташқари, Қ.Рамазон, Чўлпон, Элбек, Ғ.О.Юнусов, М.Уйғур, А.Зоҳирий, Ш.Раҳимий, Ш.Зуннун, А.Икромов ва бошқалар иштирок этишган. «Гурунгчилар» томонидан 1919 йилда араб алифбосини ислоҳ қилган ҳолда янги алифбо яратилган. Тил ва имло қурултойти (1921 йил январь) ўтказилган. «Чигатой гурунги» ташкилоти фаолияти 1921 йил бошларида Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан тўхтатилган. Кейинчалик Фитрат ва унинг шоғирдлари қамоққа олинганч, уларга қўйилган энг катта айблардан бири ушбу ташкилот фаолиятида қатнашганлик бўлган.

**Карцев** – Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими бошлиғи (1936). 1937 йилда ишдан олиниб, қатағон қилинган.

Ўша кунни биз 4 киши бўлиб бордик. Республика қатагон қурбонлари уюшмаси тузилди. Мен ҳам ҳайъат аъзоллигига сайландим. Кўп ўтмай, бизни Адлия вазирлигига чақириб, рўйхатдан ўтганлигимиз тўғрисида гувоҳнома беришди. 25 майда эса, Республика қатагон қурбонлари уюшмасининг Қибрай тумани бўлими тузилиб, унга мени раис этиб сайлашди. Шундан сўнг Матвеева менга: «Сиз менинг ёрдамчим бўласиз. Украинага сурғун қилинганлар масаласи билан шуғулланасиз», — деди. Ўша пайтда мен Украинага кулоқ-сурғун қилинган собиқ гўдаклар ва болалар билан суҳбатлашганимда, баъзилари Украинага 1930 йилда сурғун қилинганмиз, дейишса, бошқалари 1931 йилда, дейишарди. Шу боис мен бу муаммони аниқлашга ҳаракат қилдим. Бирок, кимдан сўраш керак? Катта ёшдагилардан кимлар ҳаёт? Шунини аниқлашим керак эди. Ўша пайтда уюшмамизнинг идораси йўқ эди. Шу боис Матвеева иккаламиз бу тўғрисида ўша пайтдаги Тошкент шаҳар ижрокўми раиси Озод Асқаровнинг қабулига кирдик. Уюшмамизга Юнусобод тумани Тимирязев кўчасидаги бинодан 3 хона ажратишиб беришди. Ишимиз бир оз бўлса-да юришиб кетди...

Энди мавзуга қайтаман. Бир куни ишхонада қатагон мавзуида суҳбатлашиб ўтирганимизда, хизматдошларимдан бири: «Собир ака, сиз онамнинг оддиларига бориб, шу тўғрида гаплашинг. Ахир онам ҳам сизлар билан Украинада бўлганлар-ку», деди. Мен 1991 йил ёзида Чинобод қишлоғига бордим.

**Қурвон хола** (раҳматли ўша пайтда 75 ёшда эдилар) мени хурсандчилик билан кутиб олдилар. Сўнгра бир оз кўзёш қилиб: «Собиржон, қандай онангиз бор эдилар-а. Раҳматли Шаҳодат опам Украинада қолиб кетдилар», деди. Мен ҳам кўзимга ёш олдим». Биз бир баракда қўшни бўлиб яшаганмиз. Сиз бир яшарча бўлиб қолганингизда қаттиқ касал бўлиб қолган эдингиз. Онангиз Шаҳодат опам: «Болам ўлиб қолмаса», деб, йиғлаб ўтирар эдилар. Мен уларга: «Кўйинг, опа, ундай деманг, тузалиб кетади», деб тасалли берардим. Кўп ўтмай, тузалиб кетгансиз», – дедилар. Мен Қурвон холадан: «Нима сабабдан сизларни сургун қилишган?» деб сўрадим. Қурвон хола: «1930 йил ёзида мен 16 ёшли бўйчан, тўлагина қиз эдим. Мени Қибрайга узатишди. Кўп ўтмай, мен келин бўлиб тушган оила ҳам қулоқ қилиниб, Украинага сургун қилинди. У ерда қайнотам, қайнонам ва турмуш ўртоғим ҳам вафот этишди. Бир ўзим қолдим. Савхозда ишладим. Урушдан аввал қўқонлик Носир акангизга турмушга чиқдим. Носир акангиз тракторчи эдилар. Армияга олишмади. Уруш бошланганида савхоз тракторлари, комбайнларини мамлакат ичкарасига ҳайдаб кетиш группасида қатнашиб, 1941 йил кузида Тошкентга келганмиз».

Қурвон холадан: «Украинага 1930 йилда кетганмизми ёки 1931 йилдами?» – деб сўраганимда, «Мен ўша пайтда ёш эдим. Буни яхши эслай олмайман. Сиз буни аниқ билишни истасангиз, Ботаника қишлоғида Қосим ота, Тожи ходалар бор. Улар ҳам Украинада биз билан бирга бир баракда яшаган. Сиз уларни танийсиз. Бориб сўранг, Қосим ота яхши биладилар», – дедилар.

Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, Ботаника қишлоғига бордим. Соҳибкор кўчасидаги 175-уйни қидириб, Қосим оталар ҳовлисига кириб бордим. Ҳовлида энгашиб юрган 85 ёшли Тожи хола мени таниб: «Вой, Собиржонмисиз? Келинг, келинг», деб ичкарига таклиф қилдилар». Қосим ота дераза ёнига қўйилган каравотда ётар эдилар. 86 ёшни қоралаган бўлсалар-да, ҳали руҳан тетик бўлиб, кўзлари хиралашиб қолганлиги учун Тожи холадан: «Ким келди?» – деб сўрадилар. «Йўлдош аканинг ўғли», дедилар Тожи хола. «Раҳимми, Каримми?» деб сўрадилар ота. «Йўқ, бу кичик ўғиллари Собиржон». Ота билан ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтдим. Республикада ва Қибрайда қатагон қурбонлари уюшмаси тузилганлиги, Сталин давридаги адолатсизликлар тўғрисида гапирганимда, Қосим ота ўрнларидан бир оз туриб: «Сенлар қатагон, қулоқ



қилишда Сталинни айблайсанлар. Нима, Сталин Москвадан туриб: Аҳмедов Қосимни ёки сени отанг Мўминов Йўлдошни қулоқ қилларинг!» демаган-ку. Мен ҳам, отанг ҳам нотўғри қулоқ қилинганмиз. Мен отам ўрнига қулоқ қилинган бўлсам, сенинг отанг тоғаларинг қамалиб кетганлиги учун қулоқ қилинган. Кўрдингми, адолатсизлик қаерда? Ахир ота учун бола жавоб бермаслиги, қайноға учун куёв жавоб бермаслиги керак эди-ку. Ҳамма айб ўша пайтдаги маҳаллий раҳбарларда бўлган. Қибрай қишлоқ советига раислик қилган бетайин, эркакмижоз Фотима Қосимова деган аёл одамларни эркакчасига сўкиб, ҳақорат қилар, Қибрай халқини хонавайрон қилганлардан бири ўша аёл эди. Унинг ёрдамчиси Ойбуви (уни Ойбуш дейишарди) деган қозоқ аёл, уларнинг югурдаги Миннаъмат деган (Қибрайда уни Минглаънат дейишган), Тошмирза букир, кўр Толип каби бир неча сотқин агентлар ўз қишлоқлари аҳолисини қиргин қилишда жонбозлик қилганлар».

«Сизларни нима учун қулоқ қилиб, сургун қилишган?» сўрайман отадан.

— Ўша пайтда биз Қибрайда яшардик. Отам Аҳмад ҳожи катта домла бўлганлар. Домла бўлганликлари учун ислом дини тарғиботчиси, деб қулоқ қилинадиганлар рўйхатига тушиб қолганлар. Кимдир отамга: «Домла, тезроқ бу ердан кетинг, эрта-индин қулоқ қилинадиган оила бошлиқларини қамоққа олишади», дебди. Шунда отам кечаси бир яқин дўсти билан кетиб, оиламизни йиғиб: «Болаларим, сизлар билан хайрлашадиган пайт келди. Мен кетмасам бўлмайди. Эрта-индин қамоққа олишса, уларнинг қўлидан чиқиб бўлмайди. Шунча йил қилган ибодатим куйиб кетади-ку», деб йиғлаб, ҳаммамизни бағрига босиб, ўзига керакли нарсаларни олиб, хайрлашиб, сенларни Худога топширдим, деб чиқиб кетдилар. Онам, Санам холанг, бир неча йилдан бери оёқлари шол бўлиб юролмасди. Уч-тўрт кундан сўнг отамни қамоққа олишга келишди. Мен: «Отам бир ҳафтадан бери уйга келмайдилар», — дедим. Шунда улар мени ўзлари билан олиб кетиб, Тошкентдаги Туясаройга (ҳозирги УзГУМ ёнида) қамаб қўйишди. Сени отанг Йўлдош ака ва бошқа қибрайликлар ўша ерда экан. Бирор ҳафтадан сўнг оиламизни олиб келишди. Қий-чув, йиғи-сиғи. Ҳукуматни, раҳбарларни қарғашар, сўкишар эди. Мўлжалдаги оилалар йиғилгач, мол ташийдиган қизил вагонларга қамашиб, Украинага жўнатишди.

Гапни Тожи хола давом эттирдилар:

— Бошимизга ит кунини солишди, бу уйинг куйгурлар. Украинадаги инсон боласи чидаб бўлмайдиган ҳаётни сизга айтмай қўя қолай, бошингиздан ўтган. Украинада очарчиликдан ва оғир касалликдан Қосим отангизни укаси ва синглиси, икки нафар фарзандимиз вафот этишди. Украинадан қайтиб келгач, ўғлим Болтавой туғилди. Уни авайлаб,

эҳтиётлаб, катта қилиб, уйлантирдик. Бола-чақали бўлди. Энди қариганимизда бизга суянчиқ бўлади, деганимизда, мана, 3-4 йил бўлди, тўсатдан хасталаниб, вафот этди. Худойим бизга қариган чоғимизда фарзандларимиз роҳатини кўришни насиб этмади, — дедилар Тожи хола.

Беихтиёр мени ҳам кўзларимга ёш келди.

Қосим отадан сўрайман:

— Ўша пайтда Қибрайда саводли, ўқимишли эркаклар бўлганми раисликка сайлашга?

— Ўқимишли эркаклар бўлган. Улар эскича ўқишган, деб қўйишмаган.

— Хўжалигингизда нималар бор эди? — деб сўрадим яна.

— Оиламиз катта бўлгани учун 8 хонали уй, катта ҳовли, от-арава, тегирмон, 2 та сигир, 1 гектар еримиз бўлган.

Кўринишидан уларнинг хўжалиги ўзига тўқ ўртаҳол хўжалик бўлган. Қосим ота мендан: «Отангни хўжалигида нималар бўлган, биласанми?» — дедилар. Мен бу тўғрида отамдан сўрамаганман. Ўша пайтда Раҳимжон акам 12 ёшда бўлганлар. Акамнинг айтишларича, онамнинг отаси Рўзимуҳаммад бувам совға қилган уй-ҳовли, сигир-бузоқ, 5-6 та қўй-қўзилар ва 1 гектарча экин экадиган еримиз бўлган экан, дедим.

— Ана кўрдингни, отангни хўжалиги оддий деҳқон хўжалигидек бўлган. Кулоқ қилинмаслиги керак эди, — дедилар ота.

Қосим оталар оиласи ҳам 1-пахтачилик совхозининг Нижегородка хуторида бизнинг оиламиз билан бир баракда яшаган экан.

Қосим ота: «1930 йилнинг ёзида Қибрайдан 29 деҳқон хўжалиги Украинага кулоқ-сургун қилинган», дедилар.

Қосим ота аввал пахтачилик даласида бригадирлик қилганлар, сўнгра аравакашлик, тегирмончилик қилганлар. Уруш бошлангач, ишчилар батальонига сафарбар қилиниб, Қараганда кўмир конига (бизнинг отамиз каби) олиб боришган. Украинадан 1947 йил 8 апрелда йўлга чиқиб, 5 майда Тошкентга стиб келишган. Қибрайда яшашга қўйишмагач, Ботаника қишлоғидан ер олиб, иморат қилиб, ўша ерда яшаб қолганлар.

Тожи холадан:

— Украинада бўлганлигингиз тўғрисида бирорта ҳужжат сақланганми? — деб сўрадим.

— Яқин-яқинларда бор эди. Ташлаб юборган эканмиз, — дедилар.

Улар билан хайрлашаётганимизда Қосим ота: «Ботаникада, катта йўл ёқасида, Қорабоев Жўра бор. У киши ўша кулоқлаштириш даврида аравакашлик қилиб, кулоқ қилинган оилаларни Туясаройдаги қамоқхонага олиб борган», дедилар.

Қосим отаникидан чиқиб, Чирчиқ – Тошкент йўлидан бир оз юргач, **Жўра отанинг** уйига етиб бордим. Жўра ота (марҳум) кўча эшиги олдида ўрнатилган ўриндиқда ўтирган эканлар. Салом-алиқдан сўнг ўзимни таништирдим. Жўра ота (1908 йил туғилган) 30-йиллар бошида Қибрайда ташкил этилган «Темир қадам» жамоа хўжалигида аравакашлик қилиб, қишлоқ совети буйруғи билан Украинага сургун қилинган «қулоқ» оилаларини Тошкентга Туясаройдаги қамоқхонага олиб борар эканлар.

Жўра отадан сўрайман:

– Нима учун бизнинг оиламизни қулоқ қилишган? Ахир отам ўша пайтда оддий одам бўлиб ишлаган эканлар. Уй-жой, ҳовлини онамнинг оталари Рўзимуҳаммад бувам берган эканлар, онамнинг номида бўлган дейишади.

– Эй жиян, – дедилар Жўра ота, – ўша пайтда кимни нима учун қулоқ қилинаётганини тушуниб бўлмасди. Бунга ҳеч ким суриштирмасди. Нима учун фалончинини қулоқ қилиясанлар, деб кўр-чи, ўзингни қаерда кўрардинг. Оёғингни ерга теккизмай олиб кетишарди. Шунинг учун бу тўғрида гапиришга кўрқисарди. Отангни бойнинг куёви, бунинг устига, икки қайноғаси қамалиб кетганлиги сабабли бўлса керак.

Мен Жўра отадан яна сўрадим:

– Ўша пайтда уй-жой, мол-мулкларни мусодара қилишганини ўз кўзингиз билан кўргансиз. Нималарни олиб кетишга рухсат этишган?

– Фақат эски кўрпа-тўшак, шолча, эски кийим, эски рўзғор буюмларини. Ҳамма янги нарсаларни хатлаб, комиссия ихтиёрига беришган. Ўша пайтда ҳеч қандай қонун-қоидага амал қилишмаган.

Жўра ота билан хайрлашаётиб, улардан Қибрайда яна ким билан бу тўғрида гаплашсам бўлади, деб сўраганимда, ота: «Жалойирда Турсунбой ака (марҳум) яшайди, қибрайлик, у киши ҳам Украинага қулоқ қилинган. Сен уни танисанг керак. Бу тўғрида гаплашиб кўр», дедилар.

1991 йилга келиб, Қибрайда 30-йиллар бошида Украинага қулоқ-сургун қилинган катта ёшдагилар жуда кам қолган эдилар.

Мен Турсунбой отанинг ўғли, Ички ишлар хизмати майори (1929 йилда туғилган) Иноғом (марҳум) билан бир неча марта суҳбатлашган эдим. Мен Иноғомга Қибрайдан Украинага қулоқ-сургун қилинганлар тўғрисида маълумотлар йиғиб юрибман, деганимда, у: «Дам олиш кунини бизникига боргин. Отам қариб қолганлар, кўзлари яхши кўрмайди, қулоқлари ҳам яхши эшитмайди. Борсанг, мен отамдан 30-йиллар бошидаги воқеаларни сўраб, сенга айтиб тураман, ёзиб оласан», деди.

Яна бир дам олиш кунини Иноғомларникига бордим. Улар Жалойир қишлоғида генерал Мурод Шералиев кўчасида туришарди. Иноғом мени кутиб турган экан. Ичкарига таклиф қилди. Онаси Мақсуда хола мен

билан илиққина кўришиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Сўнгра бир-икки пиёла чойдан сўнг Турсунбой ота ётган хонага олиб кирди. Ота: «Ким келди?» деб сўрадилар.

– Украинада биз билан бир ерда яшаган Мўминов Йўлдош отанинг ўли.

– Эй, Йўлдош корчалоннинг ўғлими? Раҳимми, Каримми? – деб сўрадилар.

– Энг кичик ўғиллари Собир, – деди Иноғом.

Ота билан салом-алик қилгач, Иноғом келганимнинг сабабини отасига тушунтирди. **Турсунбой ота** бир оз ўйлаб турдилар-да, сўнгра гапира бошладилар. Мен уларнинг гапларини яхши эшитмасдим, Иноғом менга айтиб турди. «Ҳақиқатан ҳам ўша пайтда кўп адолатсизликлар бўлган эди», дедилар ота.

Турсунбой ота Ёқубов асли қибрайлик бўлиб, 1931 йил ёзигача Қибрайда яшашган. Қибрайдаги, ҳозирги милиция ва ҳарбий комиссариат бинолари ўрнида ўша пайтда 4та қўрғон бўлиб, бири Турсунбой оталар ҳовлиси бўлган. Бу ерни Тўртқўрғон маҳалласи дейишган. Турсунбой ота бир оз саводли бўлгани учун 1931 йилда Қибрай қишлоқ советида котиблик қилади. Ўша йили ёз ойларининг бошларида қишлоқ советида мажлис бўлади. Мажлисга райондан ҳам раҳбарлар келишади. Мажлис кун тартибига қўйилган масалалар: ким қанча пахта эки, қанча ҳосил беради, қанча пила тайёрланади ва ҳ.к. Бу масалалар устида қисқача тўхталиб, гап асосий масала: янгидан аниқланган қулоқ хўжалиklarини тугатиб, уларни сургун қилиш тўғрисида боради. Шунда юқоридан келган раҳбар қишлоқ совети раисидан: «Қанча оила қулоқ-сургун қилинади?» – деб сўраганида, қишлоқ советининг раиси Фотима Қосимова деган аёл эди, «32 қулоқ оиласи сургун қилинади», деди. Шунда мен сўз олиб: «Бу қандай бўлди? Ўтган йили Қибрай қишлоқ совети бўйича 29 оила қулоқ хўжалиги Украинага сургун қилинган эди. Бу йил 32 оила сургун қилинса, колхозда ким ишлайди? Нима учун атрофимиздаги Дўрмон, Байтқўрғон, Чинобод қишлоқларидан 5–10 оиладан сургун қилинади-ю, бизда уларга қараганда 5-6 марта кўп», деган эдим, райондан келган ҳалиги раҳбар: «Ким ўзи бу қулоқларни ҳимоя қилаётган? Қулоқларни ҳимоя қилишга ким ҳуқуқ берди? Унинг оиласини ҳам қулоқ қилинглар!» – деб қолди. Мажлисида мени ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Чунки ҳамма кўрқиб қолган эди. Бир ҳафтача ўтгач, уйимизга комиссия бориб, уй-жой, мол-мулкимизни хатга олиб, сургун қилинганларга қўшиб, Украинага жўнатиб юборишди. Дардимни ичимга ютиб, индамай кетавердим. Ўн йил Скадовск туманининг 1-пахтачилик савхозига қарашли Нижегородка хуторида яшадик. Уруш бошлангач, армия хизматига олишди. Уч йилдан ортиқ

хизмат қилиб, Нижегородкага қайтиб келдим. 1946 йил ёзида Тошкентга келдик. Қибрайда яшашга рухсат этишмади. «Қизил Ўзбекистон» колхозига ишга кириб, ер участкаси олиб, мана шу уйни қуриб, яшаб келяпмиз.

Турсунбой ота билан суҳбатлашгач, Қибрайдан қулоқ қилинган оилалар 1930-1931 йилларда сургун қилинганлиги аниқ бўлди. Бу тўғрида яна ким билан суҳбатлашсам экан, деб юрганымда, Қибрай қишлоғининг Беруний кўчасида яшовчи Украинада биз билан бир совхозда яшаган, урушгача «Новая Маячка» болалар уйида тарбияланган қариндошим Юсупжонов Исроил (1929 йил туғилган) акани учратиб қолдим. Исроил ака менга: «Уйга бор, 95 ёшли бир отахон бор, улар билан суҳбатлашамиз», деди. Мен Исроил акага: «85 ёшли отахонлар билан суҳбатлашиш анча қийин бўлганлиги, 95 ёшли отахон билан суҳбатлашиш қандай бўлар экан», деганимда, «Уйга олиб келаман, биргаллашиб суҳбатлашамиз», деди.

Яна дам олиш куни Исроил аканикига бордим. Уйга таклиф қилди-да: «Сен ўтириб тур, мен ҳозир отахонни чақириб келаман», деди. Бир оздан сўнг 95 ёшли (1991 йилда) **Йўлдош ота Абдуқодировни** бошлаб келди. Отахон баланд бўйли, кенг елкали, алпқомат киши эканлар, ҳассаларини дўқиллатиб кириб келдилар. Бир-икки пиёла чой устида отахон билан танишиб олдик. Отахон Исроил акадан мени кимни ўғли, деб сўрадилар. «Украинага биз билан қулоқ-сургун қилинган адашингиз **Йўлдош ота Мўминовнинг** кичик ўғли», деди у.

– Э, бу йигит менинг аммамнинг невараси-ку, – дедилар отахон менга қараб, – Хонпошша бувингни билармидинг, мени аммам бўладилар. Отанг ишбилармон одам бўлгани учун **Йўлдош** корчалон дейишган. Акаларинг **Раҳим**, **Каримларни** яхши биламан.

Исроил ака: «Украинага онасининг қўлида кетган экан», деди. Шунда отахон: «Ўша пайтда аммам келинимга қийин бўлди, қўлида ёш боласи бор эди, деган эдилар. Ўша бола шу экан-да», дедилар отахон қулиб. Сўнгра отахон нима учун борганимни сўрадилар. Отахонни нима учун чақиртирганимизни айтганимдан сўнг **Йўлдош ота** шошмасдан, ўйлаб-ўйлаб гап бошладилар. Исроил ака уларнинг гапларини менга қайтариб турди. Мен ёзиб турдим.

Келинг яхшиси қулоқлаштириш, сургун қилиш даврини бошидан кечирган, пастдаги воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, эшитган 95 ёшли (1896 йилда туғилган) **Йўлдош ота Абдуқодировдан** эшитайлик. (Отахон 1992 йил вафот этдилар.)

– Эл-юрт бузилган пайтлар эди ўшанда. Ота-она қарғишини, эл-юрт қарғишини олган, насл-насаби бетайин келгиндилар, бузуқлар, шафқатсиз кимсалар раҳбар ишларга кўтарилиб қолган эдилар. Шу

боисдан юртимизнинг, ҳукуватимизнинг охири яхши бўлмади. Халқимиз бошига не кунларни солишмади, лаънати босқинчи зўравонлар. Маҳаллий раҳбарликка ҳам саводсиз, уқувсиз, бефаросат, юқоридан нима деса, шуни сўзсиз бажарадиган кимсаларни кўйишди...

Отахондан сўрайман:

– Кекса ёшдагилар ўша пайтда Қибрайда қулоқ-сургун қилинадиган катта бойлар бўлмаган, дейишади. Шундай бўлса, нима учун Қибрай қишлоқ советидан 70дан ортиқ деҳқон оилалари қулоқ хўжалиги ҳисобланиб, Украинага сургун қилинганлар?

Отахон бир оз ўйланиб турдилар-да:

– 70 хўжалик эмас, отилганлар ва қамалганлар билан бирга ҳисоблаганда, Қибрайдан 90дан ортиқ оила хонавайрон қилинган, – дедилар. – Инқилобдан аввал Қибрай атрофидаги яхши ерлар Сидоров Александр Семёнович деган ўрис бойига қарашли бўлиб, у бой қайсидир Туркистон генерал-губернаторининг қариндоши бўлган экан. Уни маҳаллий халқ «Шурка» дейишган. Унинг уч ўғли ва бир қизи бўлган. Қибрай атрофидаги ерларига мевали дарахтлар (асосан олмалар) эклириб, уларга бўлиб берган. Кейинчалик бу боғлар асосида 1935 йилда Қибрай давлат хўжалиги ташкил этилган. Боғлар эса, 1954 йил қишида қаттиқ совуқдан қуриб қолган. Қибрай қишлоғидан кўплаб деҳқон оилаларини қулоқ-сургун қилинганлигига асосий сабаблардан бири шундаки, деҳқонлар 1929 йилда ҳукуватнинг ёлгон ваъдасига ишониб, ерларига пахта экишган. Ўша йили об-ҳаво яхши келмаган, пахта ҳосили яхши бўлмаган. Ҳукуватнинг талабига кўра, пахта мажбурияти бажарилмай, ҳукуват деҳқонларга берадиган дон маҳсулотлари ва кийим-кечакларни бермаган. Бунинг устига пахта мажбурияти катта бўлган. Деҳқонлар давлатдан катта миқдорда пахта қарздор бўлиб қолганлар. Ўша пайтда бир пуд (16 кг) пахтанинг нархи 24 сўм бўлган. Агарда деҳқон давлатга 20 пуд (30 кг) пахта кам топширса, 480 сўм жарима тўлаган. Ўша пайтда ҳукуватнинг деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилишга қаратилган қарори чиққан эди. Унда деҳқон хўжалиги давлатга қанча кам пахта топширса, топширилмаган пахтанинг ҳар бир пудига беш баробар кўп миқдорда жарима тўллаши керак эди. Юқорида келтирилган мисолда деҳқон 480 сўм эмас, 2400 сўм тўлаши керак бўлган. Бечора деҳқон йил бўйи ишлаб, давлатдан ёрдам ололмай, катта миқдорда қарздор бўлиб қолгач, қандай қилиб келаси йилга пахта эксин. Шу боисдан бўлса керак, баъзи бир деҳқонлар уй-ҳовлисини, молини арзон-гаровга сотиб, бошқа ерларга қочиб кетганлар. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, пахта мажбуриятини бажармаган деҳқонларнинг уйларида тинтув ўтказилиб, яхши ниятлар билан тўйга деб қавиб кўйилган янги пахтадан тайёрланган кўрпа-тўшақларни олиб кетишган.

Ўша пайтда битта семиз қўй 40–50 сўм, яхши соғин сигир ёки от 250–300 сўм бўлган. Рўзгоридан орттириб, хўжалигига бирорта от ёки сигир ололмаган деҳқон қандай қилиб давлатга бир неча минг сўм тўлайди? Шу боисдан бўлса керак, давлатдан катта миқдорда пахта қарздор бўлиб қолиб, пахта экишдан бош тортган, жамоа хўжалигига киришни истамаганларни ҳам қулоқ хўжалиги ҳисоблаб, сургун қилишган. Ўша пайтда бир қишлоқда аҳил яшайдиган ҳамқишлоқларни бир-бирига гиж-гижлаб, ҳатто қариндош-уруғларни бир-бирига қарши қўйиб, уларни бадном этиш оддий тусга кирган эди. Шу йўл билан ҳам деҳқон оилаларни қирғин қилиш амалга оширилган, – дедилар отахон гапларини тугатиб.

Отахонни чарчатиб қўйган бўлсак-да, уларга яна бир савол бердим:

– Сизни нима учун қамашган?

– Бизнинг ота-боболаримиз новвойлик билан шуғулланиб келгани учун. Ота касбини давом эттириб новвойчилик қилардим. Ахир новвойлик ҳам бошқа ҳунармандчилик каби ҳукумат томонидан тақиқлаб қўйилган эди-да. Хуллас, новвойлик қилганим учун уч йилга қамашган эди, – дедилар отахон.

Отахонга кўпдан-кўп раҳматлар айтиб, уларга сиҳат-саломатлик тилаб, кузатиб қўйдик.

Мен собиқ иттифоқда қатагон қурбонларини оқлаш тўғрисида фармон ва қарорлар чиққач, Украинага қулоқ-сургун қилинган болалар тўғрисида маълумотномалар сўраб, 1989-1990 йиллар мобайнида Херсон вилоятининг Скадовск тумани ижрокўмига, сўнгра собиқ 1-пахтачилик давлат хўжалиги ўрнида ташкил этилган Украина груччилик техникум – совхозига, сўнгра Херсон вилояти Ички ишлар бошқармасига, Давлат хавфсизлиги қўмитасига, ижро марказига 1930-1931 йилларда Украинага қулоқ-сургун қилинган собиқ гўдаклар ва болалар тўғрисида маълумотнома юборишини сўраб, икки марта хат ёздим. Ҳамма хатларимга жавоб келди. Хатларда: «Уруш туфайли 1930-1931 йилларда Украинага қулоқ-сургун қилинганлар тўғрисида маълумотлар сақланмаган. Сиз бу тўғрида ўзингиз яшаб турган Республика, вилоят архивларига, Ички ишлар, Давлат хавфсизлиги бошқармаси архивларига мурожаат қилинг, у ерда ҳужжатлар сақланган бўлиши керак», деб ёзилган эди. Мен 1989-1990 йилларда Республика Ички ишлар архивига, Давлат хавфсизлиги қўмитасига мурожаат қилганимда, у ердаги ходимлар: «1930-1931 йилларда Республикада қулоқлаштириш ва сургун қилиш ишлари билан партия ва совет идоралари шуғулланган, бу тўғрида бизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ», дейишди. Сўнгра мен Республика партия архивига, Тошкент

вилояти партия архивига мурожаат қилдим. У ерда ҳам 1930-1931 йилларда Украинага кулоқ-сургун қилиш тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат сақланмаганлигини айтишди.

Республикамызда қатағон қурбонлари уюшмаси тузилгач, 1991 йил ёзида биз, 4 кишидан иборат уюшма ҳайъати аъзолари, Чилонзордаги Тошкент вилояти архивига бориб, архив бошлиғига нима мақсадда келганимизни айтдик. Архив бошлиғи бизни катта бир хонага олиб кирди-да, ҳаммамизнинг олдимизга 1930-1931 йилларга оид ҳужжатлар тўпламини кўйиб, яхшилаб текшириб чиқинлар. Сизлар излаётган ҳужжатлар шу ерда бўлса керак», деди. Биз 4 киши тушгача ўша тўпламларни синчиклаб текшириб чиқдик. Минг афсус, кулоқлаштириш ва сургун қилишга оид бирорта ҳужжат топилмади. Тўпланда фақат 1930-1931 йиллардаги қишлоқ хўжалигига оид материаллар бор эди.

Шундан сўнг архив бошлиғи менга: «Қибрай, Бекобод, Ангрэнда ҳам Тошкент вилояти архивининг филиаллари бор. Балки ўша архивлардан бирор ҳужжат топарсизлар», деди. Мен Қибрайдаги вилоят архиви бўлимига бордим. Архив бошлиғи ўзини 30-йиллар арафасида қамоққа олиниб, йўқ қилиб юборилган Саидазимбойнинг набираси, деб таништирди. Менга хайрихоҳлик қилиб, 4 та ўқувчилар папкасини олиб чиқди. Папкалар устига «Кулакское дело, секретно!» деб ёзиб қўйилган эди. Мен тўрт кун тушгача ўша 4та папкадаги тартибсиз, айқаш-уйқаш бўлиб кетган ҳужжатларни синчиклаб текшириб, мени қизиқтирган баъзи бир саволларга кам бўлса-да жавоб ёзиб олдим... Мен бошланғич мактабни лотин имлосида ўқиганим учун лотин ва рус имлосидаги ёзувларни бемалол ўқидим. Араб имлосида ёзилганларга «тишим ўтмади». Шундай бўлса-да, араб имлосида ёзилган бир рўйхатга эътибор бердим. 28 кишидан иборат бу рўйхатни «таржима» қилдириш учун бир ойча овора бўлдим... Орадан бир неча кун ўтгач, Қибрайда Латипов Убайдулла отани (марҳум) учратиб қолдим (у киши илгари Ядро физикаси институтида ишлаган эдилар). Отага архивдаги рўйхат ҳақида гапирганимда, у киши: «Мен мактабда ўқитувчилик қилганман, араб имлосида дарс ўтардим, мен таржима қилиб бераман», дедилар.

Убайдулла ота асли Бўстонлик туманининг Бурчмулла қишлоғидан бўлиб, 30-йиллар бошида ўша қишлоқдаги мактабда аввал ўқитувчи, сўнгра мактаб директори бўлиб ишлаганлар... Ўша пайтдаги партия ва ҳукумат раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар 1937 йили қамалмасларидан аввал Бурчмуллага дам олишга боришади. Уларни қишлоқ совети раиси, мактаб директори ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари кутиб олишади. Убайдулла отанинг ҳовлиси сув бўйида, соя-салқин жойда бўлгани учун меҳмонларни ўша жойга таклиф қилишади. Раҳбарлар кечгача дам олишиб, қайтиб кетишади. Орадан



бир қанча вақт ўтиб, Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар қамалиб қолгач, уларнинг «дум»ларини қидириш бошланади. Шунда Бурчмулла қишлоғидан бир-иккита ифвогарлар Убайдулла ота Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларни уйида меҳмон қилган, деб қаматиб юборишади. Убайдулла ота 10 йил ўтириб чиқади. Қамокдан чиққач, Бурчмуллага бормаи, Қибрайдан ҳовли олиб, муқим яшаб қолади. «Ўша пайтда давлат сиёсати шундай эди-да, ука», дедилар Убайдулла ота...

Эртаси кунни соат 10.00 да архивга бордик. Папкадаги рўйхатни топиб, Убайдулла отага кўрсатдим. Ота ўқиб, «таржима» қилиб турдилар, мен ёзиб олдим. Сўнгра бу тўғрида далолатнома ёзиб, Убайдулла ота, архив мудирини ва мен қўл қўйдик.

Мана ўша рўйхатнинг «таржима»си:

«18 февраль, 1992 йил, Қибрай посёлкаси:

Бизким, Республика қонунсиз қатагон қурбонлари уюшмаси ҳайъати аъзоси, Қибрай тумани бўлими раиси Мўминов Собир, кекса ўқитувчи, қатагон қурбони Латипов Убайдулла ота архив мудирини билан бирга 1992 йил 18 февралда Тошкент вилояти архивининг Қибрай бўлимида сақланаётган «Кулацкое дело — 32, по к. Қибрай, нач. 2 марта 1932 г. Окончено 17 июля 1932 г. На 95 листах документы по раскулачиванию по с/с Кибрай. Протоколы, списки» деб ёзилган папкадаги араб имлосида ёзилган рўйхатни ўқиб, қуйидаги ёзувларни «таржима» қилдик.

1932 йил 14 мартдаги Тошкент район Қибрай қишлоғида янгидан топилган қулоқ хўжаликлари...

Рўйхатдаги ҳар бир кишининг фамилияси, исми қаршисида у кишининг хўжалиги, бойлиги, нима иш билан шуғуллангани ёзилган.

Афсус, мен уларнинг ҳаммасини ёзиб олмаган эканман.

Рўйхатдаги 6-рақамда **Рўзибоев** (Рўзимухамедов бўлиши керак эди) **Жўра** менинг тоғам (1886 йил туғилган), онамнинг ақаси. Тоғамни қамаб юборишган. Охири пайтда Пахтаоролдаги қамоқда бўлган эканлар. Кейинчалик ҳеч қандай хат-хабар бўлмаган. Тоғамнинг фамилияси қаршисида катта бой: 2 от, 2 хўкиз, 2 сигир, 5 гектар ери бўлган, деб ёзилган. Ўша пайтда қонун-қоидаларга кўра, 25 танобдан (1 таноб — 16 сотих) ортиқ ери бўлганлар ҳам ўртаҳол деҳқон ҳисобланган. Жўра тоғамнинг отаси Рўзимухаммад бувамнинг ҳовлиси Қибрайдаги 8 март санаторийсининг ўрни ва унинг атрофидаги ерлар бўлган. 1926-1927 йиллардаги ер ислоҳоти даврида бувамиз ерларини бир қисмини давлатга топшириб, қолганини беш ўғил ва бир қизига (жумладан, менинг онамга) бўлиб берганлар. Уй-ҳовлиларни ҳам менинг онамга берган эканлар. 1930 йилга келиб, бувамнинг ихтиёрида ҳеч қандай бойлик қолмаган. Қибрайлик 96 ёшли Йўлдош ота Абдуқодиров, 91 ёшли Ориф ота Бобокалоновнинг айтишларича, 1991 йилда Рўзимухаммад бувамиз

катта бой эмас, катта деҳқон бўлган эканлар. Ерларини ери кам деҳқонга ижарага бериб, шундан тушган фойдага рўзгор тебратганлар.

Рўйхатдаги 3-рақамда 1901 йилда туғилган **Ориф Бобокалонов** ёзилган бўлиб, унинг қарамоғида 5 гектар ери, 1 оти, ҳўкизи ва сигири бўлган, деб ёзилган эди. Рўйхатдаги қолган кишилар менга нотаниш эди. Шу боис мен рўйхатни олиб, Ориф отаникига бордим. Ориф ота бир оз ўйлаб турдилар-да (ўша вақтда Ориф ота 90 ёшда эдилар), «Рўйхатдагилардан бир нечтасини Украинага сургун қилишган. Лекин ҳозир мен уларни эслай олмайман. Тоған Жўра акани танир эдим. У кишини қамаб юборишганини эшитганман. Рўйхатдаги Абдуқаюмов Хонкелди акани ҳам Украинага сургун қилишган. Ўзи Украинада вафот этган. Хотини ва болалари Қибрайга келгач, вафот этганлар», дедилар ота. Сўнгра Ориф ота оилаларининг Украинага сургун қилинганлиги тўғрисида гапириб бердилар:

– Бизнинг оиламизни ҳам 1932 йил ёзида Херсон вилоятининг Скадовск туманидаги 1-пахтачилик савхозига олиб боришган. 4-бўлимга қарашли 1-базада яшаганмиз. Пахта даласида ишлар эдим. Ҳаётда нималар ҳам бўлмайди. Бир тасодифий учрашув туфайли сургундан эрта қайтиб келганмиз. 1933-34 йиллар... Ҳамма ерда очарчилик, қаҳатчилик. Бунинг устига, оғир касалликлар тарқалган пайтлар эди. Хотиним оғир касал бўлиб қолди. Ўша пайтда Скадовск туманида сургун қилинганлар учун битта касалхона бўлиб, биз яшаб турган совхоздан 10–15 чақирим масофада жойлашган Чўлбоши қишлоғида бўлиб, у қишлоқни ерли халқ Чорбас дейишарди. (Чўлбоши номи XIX аср ўрталарида юз берган Россия – Туркия урушигача Қора денгиз бўйларида яшаган турклардан қолган.) Хуллас, дам олиш куни хотинимни Чўлбасдаги касалхонага олиб бордим. Янаги ҳафта хотинимдан хабар олгани бордим. Касалхона коридоридан кираётганимда, оқ халат кийган 35–40 ёшли, узун бўйли бир рус киши менга танишдек туйилди. У менга қарб турди-да: «Менинг олдимга кир», деди. Хотинимдан хабар олгач, унинг олдига кирдим. У касалхонанинг бош врачси экан. У мендан: «Қаерликсан?» деб сўради. «Тошкентданман», деган эдим, «Шаҳарнинг ўзиданми ёки...», деб сўради. «Қибрай қишлоғиданман», – дедим. «Ҳамқишлоқ эканмиз», деди кулиб. Мен ҳайрон бўлиб турардим. «Қибрай атрофидаги боғлар турибдими?» деб сўради яна. «Ҳа», дедим. «Ўша боғларни мен экдирганман», деди у. «Александр Семёнович деган катта бой бўлиб, уни маҳаллий халқ «Шурка» дейишган. Шундан хабаринг борми?» деди у. «Ҳа», дедим мен. «Қибрай атрофидаги ерларнинг кўпчилиги унга тегишли эди. Мен унинг хўжалигида агроном эдим», деди у. «Мен ҳам ўша боғда ишлаганман», дедим. «Таниб турибман сени. Бу ерда нима қилиб юрибсан?» деди. «Бизни қулоқ қилишди», дедим. «Сен бойнинг

боғида ишчи бўлиб ишлаган бўлсанг, қандай қилиб сени қулоқ қилишган?» сўради у. «Бизда шундай бўлди. Камбағал деҳқонларни ҳам қулоқ қилишди», дедим. «Бу нотўғри. Сени ҳам нотўғри қулоқ қилишган. «Мен сен ҳақингда Николаев (урушдан кейин Херсон) вилояти НКВДсига ёзаман. Сени сургундан озод қилишади», деди. У оиламизни қаерда қулоқ қилишганлиги, ҳозирги пайтда қачон ва қаерда яшаётганлигимизни ёзиб олди-да, «Энди сен кетавер, хотинингни даволаб жўнатамиз. Сени сургундан озод қилишади», деди яна. Мен ундан: «Ахир сиз агроном эдингиз-ку», дедим. У менга: «20-йиллар охирида иттифоқда мутахассислар етишмагани учун қишлоқ ёшларидан 25 минг кишини турли касбларга ўқитиш тўғрисида ҳукумат қарори чиққач, мен врачликка ўқидим. Ўқишни тугатгач, Ўзбекистонда бўлганим учун шу ерга ишга юборишди», деди. Мен уйга хурсанд бўлиб қайтдим. Бироқ бу тўғрида ҳеч кимга гапирмадим. Чамаси, икки ойдан сўнг Николаев вилояти НКВДсидан оиламиз нотўғри қулоқ қилинганлиги, ҳозирги вақтда оқланганлигимиз тўғрисида ҳужжат юборишди. Шу сабабли сургундан эрта келиб қолганмиз, — дедилар Ориф ота.

Ориф отадан сўрайман:

— Менинг отам тўғрисида нималарни биласиз?

— Отанг Йўлдош ака асл деҳқон эди. Ўша пайтда у ширкатда ишлар эди. Тоғаларинг қамалиб кетгач, уни ҳам ширкатдан бўшатиб юборишган. Колхозга кирмади. Ўзининг ерида деҳқончилик қилиб юрди. Ерининг кўп қисмига қайчибарг картошка экарди. Картошкага шундай ишлов берарди-ки, унинг ишига бошқа деҳқонлар ҳайрон қолишарди. Картошкадан мўл ҳосил олиб, қишда бувамнинг оқ аравасида Тошкентга, Пиён бозорга (ҳозирги Навоий театри майдонида бўлган) олиб бориб сотарди. Отанг билан бир неча маротаба ўша бозорга бирга борганман. Отангни қулоқ қилишмас эди, кимдир қайноғалари «халқ душмани» қамалиб кетган, деб уни ҳам қулоқ қилинадиганлар рўйхатига киритиб қўйган, дейишади. Ўша йили отангни ярим гектарга яқин картошкаси гулга кириб турганида 600 сўмга сотиб юборишган. Бунча пулга ўша пайтда 2 та яхши от ёки 2 та соғин сигир берарди, — дедилар Ориф ота.

Ориф отага қайта-қайта раҳматлар айтиб, уларга сиҳат-саломатлик тилаб хайрлашиб чиқиб кетдим. Ориф ота 2000 йилда 100 ёшга тўлиш арафасида вафот этдилар.

Бир куни қибрайлик **Абдулла ота Худойберганов** (марҳум) билан суҳбатлашиб қолдим. Абдулла ота Улугбек шаҳарчасида яшаб, шаҳарчага кираверишда кичкинагина бозор қурдириб, хайрли иш қилган эдилар. Абдулла ота менга ота томондан (у кишини Абдулла бозорқўм дейишарди) узоқ қариндош эканлар. Суҳбатимиз қатағон мавзуига

кўчгач, Абдулла ота 1932 йил ёзида Қибрайда 12 оилани Андижон вилоятининг янгидан ўзлаштирилаётган туманига қулоқ-сургун қилиб юборишгани, улар орасида Абдулла оталар оиласи ҳам бўлганлиги тўғрисида гапириб бердилар. Бироқ, қайси туманга боришганини аниқ айтмадилар. Уруш бошлангунча ўша ерда яшаб, уруш бошлангач, армияга қақшилганлар. Урушдан сўнг Қибрайга қайтиб келишган. Қибрайда яшашни истамай, Улугбек шаҳарчасидан ер участкаси олиб, уй қуриб, шу ерга кўчиб келганлар.

Шундай қилиб, мен 1991 йил ёз ойларида бир неча кекса тақдирдош отахонлар билан суҳбатлашиб, 1930, 1931 ва 1932 йилларда Қибрай қишлоғидан Украинага 70 дан ортиқ деҳқон оилалари қулоқ-сургун қилинганлигини аниқладим. Бироқ, уларнинг ҳаммасининг исм-шарифларини аниқлашнинг иложи бўлмади. Чунки архив ҳужжатлари йўқ қилиб юборилган эди. Украинага сургун қилинган катта ёшдаги тақдирдошлар эса, 5-6 тасини ҳисобга олмаганда, ҳаётдан кўз юмган эдилар. Уларнинг қулоқ-сургун қилинган фарзандлари ҳам бармоқ билан санарли даражада жуда кам қолган эди. Украинага қулоқ-сургун қилинганларнинг бир қисми сургун ва уруш йиллари азоб-уқубатларни бошларидан кечириб, она юртларига қайтиб келдилар. Оллоҳ таоло уларга она тупроқ бағрида ётишни насиб этди. Улардан менга маълум бўлганлар (юқорида ёзилганлардан ташқари): **Асилпўлат ота Умарҳожӣ ўғли** (Фаҳриддин Умаровнинг отаси, отамизнинг тоғалари), **Олимбой ота Юсупов**, **Одилжон ота Салимов**, отамиз **Йўлдош ота Мўминов**, **Пирмат ота Эрматовлар**.

Украинада очарчилик йиллари хасталаниб вафот этган Қибрайликлар: **Миртурсун бува аёли ва болалари билан**, **Юсуфжон ота**, **Бўрибой ота**, **Хонкелди оталарга ва аёллардан**: **Адолат буви**, онамиз **Шаҳодат хола**, **Каромат хола** (Фаҳриддин Умаровнинг онаси), **Чинобод қишлоғидан Солматов Тоир ота**, аёли **Тилла хола** ҳаммаларининг хоки ўзга юрт тупроғида қолиб кетди.

Украинага 1930-1931 йилларда қулоқ-сургун қилиниб, омон қолганларнинг хотираларини яқунлаб, қўлимни фотиҳага очиб, Курьони Каримдан уларнинг ҳаммаси хаққига дуо ўқиб, уларнинг жойлари жаннатда бўлишини, охирати обод бўлишини Оллоҳ таолодан сўраб қоламан. Омин!

\* \* \*

Қибрай қишлоғида яшаган 80–90 ёшни қоралаган отахонларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Республикамизда 1926-1927 йилларда ер ислоҳоти ўтказилган. Ўша пайтга келиб, шаҳар ва қишлоқларда катта

ер эгалари қолмаган. 20-йиллар бошида ерлари мусодара қилиниб, ўзлари Сибирга сургун қилинган. Қишлоқларда ўзига тўқ, ўртаҳол деҳқон хўжаликлари кўп бўлган. Уларнинг баъзиларининг ерлари 25–30 танобгача (1 таноб – 0,16 га) бўлган. Ери кам деҳқонларга давлат ҳисобидан ер берилиб, у ерга фақат пахта экиш талаб қилинган. Ўртаҳол деҳқонлардан ҳам ернинг бир қисмига пахта экиш талаб қилинган. Давлат пахта топширганларни озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлайди, деб ваъда берганлар.

Баъзи бир камбағал деҳқонлар пахта экишнинг уддасидан чиқмай, давлатдан олган молларини сўйиб еб, ерларини сотиб, қочиб кетганлар. 1929 йил пахтачилик учун ноқулай келиб, пахта ҳосили яхши бўлмаган. Давлатга пахта топшириш камайиб кетган. Шу боис, деҳқонлар давлатдан ваъда қилинган озиқ-овқат, кийим-бошни ололмаганлар. Шундан сўнг кўпчилик деҳқонлар пахта экмай, фақат озуқабоп (рўзғорбоп) экинлар экишган. Бундай ҳаракатлардан сўнг юқоридан махсус қарор чиқарилиб, унда пахта мажбурияти жорий этилган. Бунга асосан деҳқонлар давлатдан олган ерларидан, ўртаҳол деҳқонлар эса, ўз ерларидан юқоридан белгилаб қўйилган миқдорда пахта топширишлари мажбурий қилиб қўйилган. Барибир деҳқонларнинг кўпчилиги пахта мажбуриятига амал қилмай, уни бажаришдан бош тортганлар.

Ана шуларни назарда тутиб (архив) собиқ СССР Марказий Ижроия қўмитаси 13/ХП 1929 ҳамда 1/ХП 1930 йилларда чиқарган қарорларида шундай дейилган:

«Пахта мажбурияти бўйича буйруқни бажармаган шахслар ана шу қарорга асосан ҳар бир топширилмаган ПУД пахта учун (1 пуд – 16 кг) 5 баравар нархда жарима тўлайдилар».

Бир пуд пахтанинг харид нархи ўша пайтда 24 сўм бўлса, топширилмаган ҳар бир пуд пахтанинг жаримаси 120 сўм бўлган. Шундан сўнг кўпчилик деҳқонлар пахта экишдан бутунлай бош тортганлар.

Деҳқонларга ер бериб, улар пахта экмаса ҳам, пахта мажбурияти ёзиб қўйилаверган. Йил охирида эса улардан жарима талаб қилинган. Ўша пайтда қишлоқда яшовчиларга шундай талаб қўйилган. Қишлоқда яшайсанми, пахта экишга мажбурсан. Москвалик буйруқбозлар Республикамизда деҳқонлардан қандай қилиб бўлмасин кўплаб пахта етиштиришни талаб қилиб, бунга эришиш учун ҳамма ғайриқонуний ҳатто ғайриинсоний усулларни қўллаганлар.

1929–1930 йилларда Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган кўплаб қарорлар қишлоқ деҳқонларини оғир аҳволга солиб қўйди. Шундай қарорларнинг бирида қишлоқда яшовчи ҳар бир оила бир гектар ерга пахта экишга мажбурдир, дейилган.

Борди-ю у ерга пахта экмай, ер умрини бекорга ўтказса, Совнаркомнинг ўша қарорига биноан 650 сўм (2 та сигир пули) жарима тўлайди ҳамда жинойий жавобгарликка тортилади, дейилган.

Шундай қилиб, 1929-1930 йилларда кўпчилик деҳқон хўжаликлари жарима ва солиқлар бўйича давлатдан 300—500 сўмлаб қарздор бўлиб қолганлар. Ўша пайтда битта яхши от ёки яхши соғин сигирнинг нархи 250—300 сўмлигини ҳисобга олсак, деҳқон хўжаликларининг нақадар хонавайрон бўлганликларини тушуниш қийин эмас.

Кекса отахонларнинг хотираларига қараганда, 1929 йилда об-ҳаво пахтачилик учун ноқулайроқ келиб (Оллоҳ таолонинг қаҳри келганми!) пахта ҳосили яхши бўлмаган. Деҳқонлар пахта мажбуриятини бажара олмагани учун ваъда қилинган озиқ-овқат, кийим-кечак берилмаган. Қишлоқларда ялпи очарчилик бошланиб, деҳқонларда ҳукуматга қарши норозиликлар келтириб чиқарган.

1992 йил ёз ойларида Тошкент вилоят архивининг Қибрайдаги филиалидаги бир варақ, ярим варақ қоғозларда саводсизларча ёзилган маълумотларни кўчириб олдим.

Тошкент вилояти Қизил Ту қишлоқ советидаги Утемиш қишлоғидан **Ғоипов Бойимбей**га пахта мажбуриятини бажармаганлиги учун 8000 сўм жарима солинган. Ғоипов Бойимбей жаримани тўлашдан қочиб кетган. Соғлом фикр юритадиган одам ўйлаб кўрса, 8000 сўмга 30—40 та сигир харид қилиш мумкин бўлган пайтда бечора деҳқон шунча пулни қаердан олади?

Яна ўша қишлоқ советининг Сирғали қишлоғидан оиласида 9 жон бўлишига қарамай, пахта мажбуриятини бажармаганлиги учун 6023 сўм жарима солинган.

**Жалолов Зиёхон** — машҳур эшон бўлган. Диний тарғибот билан шуғулланганликда айбланиб, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Пахта мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3500 сўм жарима солинган, 3 йилга қамоққа ҳукм қилинган.

**Иноғомбеков Рустамбек**. Шоли жувози бўлган. 1930 йилда пахта мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3200 сўм жарима солинган. Мол-мулки мусодара қилиниб, Андижонга, янгидан ўзлаштирилган (яшаш учун оғир бўлган) ерга сургун қилинган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

\* \* \*

Келинг, энди 30-йиллар арафасида Украинанинг жанубий вилоятларида пахтачилик билан боғлиқ бўлган воқеаларга ўтайлик.

1991 йил ёзида Украинанинг Херсон вилояти Скадовск туманига қарашли, урушгача 1-пахтачилик совхозининг Нижегородка хуторида биз билан ёнма-ён яшаб шу совхозда меҳнат қилган қибрайлик 90 ёшли **Турсунбой ота Ёкубов**, 87 ёшли **Қосим ота Аҳмедов**, 80 ёшли **Одилжон ота Салимовлар** (уларнинг ҳаммаси ҳозир марҳумлар бўлган) билан суҳбатда улар шундай деган эдилар:

Украинанинг жанубий вилоятлари Херсон (урушгача Николаев), Одесса, Днепропетровск Мелитополь вилоятлари Қора денгизга яқин бўлганлиги учун иқлими Украинанинг шимолидан бир оз юмшоқ, ёзи ҳам иссиқ, серёгин бўлиб, 30-йиллар арафасида ана шу вилоятларда пахта етиштириш тажриба қилиб кўрилган. Ёгингарчилик мўл бўлган йилларда гўза яхши ривожланиб, дурустгина ҳосил бўлган. Бироқ баҳорнинг биздагидан бир ойча кеч бошланиши ва кузнинг эрта келиши сабабли кўсақларнинг кўпчилиги очилмай, пахта ҳосилини камайтириб юборади.

Бунинг устига, пахта етиштиришдаги оғир меҳнат, тажрибанинг етишмаслиги туфайли украинлар пахта экишни истамаганлар. Бироқ, ўша пайтда «Пахта мустақиллиги учун кураш!» шиорини байроқ қилиб олган москвалик зўравонлар украинлардан пахта экишни давом эттиришни, уларга бу ишда ёрдам берилишини айтиб, уларни пахта экишга мажбур қилганлар.

Айни пайтда Ўрта Осиё республикаларида жамоалаштириш компанияси бошлангач, деҳқонлар пахта етиштиришни ҳам, жамоа хўжалигига киришни ҳам, пахта экишни ҳам истамаганлар. Пахта мажбуриятини бажармай, жарималарни ҳам тўламаганлар. Шундан жамоага кирмаган, пахта экмаган, жарима тўламаган, ислом динига эътиқод қўйган ва бошқа ишларда гуноҳкор ҳисобланган кишиларнинг уй-жойи, мол-мулки, ери давлат ҳисобига мусодара қилиниб, ўзлари бола-чақалари билан Украинага қулоқ-сурғун қилинган. Уларни алдаб, 3-4 йилдан сўнг қайтиб келасизлар, уй-жойларинг, мол-мулкларинг сақланади, қайтиб келгач, оласанлар деб ёлғон гапиришган.

\* \* \*

Яна архивдан ёзиб олинган маълумотларга қайтсак.

1931 йилда Тошкент районидан қулоқ қилинган хўжаликлардан тортиб олинган мол-мулкка бир назар ташлайлик.

Ўша пайтда Тошкент шаҳри атрофидаги қишлоқ советларининг ҳаммаси Тошкент районига қараган.

Тошкент район Ўзгариш қишлоқ советининг Қўшқўрғон қишлоғида яшовчи қулоқ хўжалиги деб ҳисобланган **Нурматов Юсуфнинг** мол-мулки рўйхати:

1. Уйи-ҳовлиси — 1 та, 1500 сўм (1930 йилги нархда).
2. Оти — 1 та, 200 сўм.
3. Сигири — 2 та, 400 сўм.
4. Араваси — 1 та, 75 сўм.
5. Сандиқлар — 2 та, 40 сўм.
6. Тўшаклар — 2 та, 30 сўм.
7. Тўн (чўпон) 3 та, 60 сўм.
8. Ёстиқлар — 5 та, 25 сўм.

Ҳайрон қолади киши: кундалик турмуш учун зарур бўлган уй-жой, мол-мулкларни қайси виждон билан тортиб олишган. Бу ўтакетган талончилик, ваҳшийлик эмасми?

Бу мол-мулкларни мусодара қилишда Нурматов Юсуфнинг ўзи қатнашмаган, бинобарин, қонунбузарлик содир этилган. Чунки уй-жой, мол-мулкларни мусодара қилиш пайтида оила бошлиғи қатнашиши керак эди.

Яна Қўшқўрғон қишлоғидан кулоқ хўжалиги Юсупов Қурбоннинг мусодара қилинган мол-мулклари рўйхати:

1. Уйи-ҳовлиси — 1 та, 900 сўм.
2. Оти — 1 та, 200 сўм.
3. Буқаси — 1 та, 200 сўм.
4. Сигири — 1 та, 200 сўм.
5. Сандиқлар — 2 та, 30 сўм.
6. Палос — 2 та, 50 сўм.
7. Сандиқчалар — 2 та, 10 сўм.
8. Тоғора — 4 та, 16 сўм.
9. Кўрпалар — 2 та, 20 сўм.
10. Кигиз — 1 та, 20 сўм.
11. Яшик — 1 та, 20 сўм.
12. Валенка — 1 та, 20 сўм.

Агар юқоридагича мол-мулки бўлган деҳқон хўжалиги кулоққа чиқарилган бўлса, оддий деҳқон хўжалигининг мол-мулки, рўзғори қандай ачинарли аҳволда бўлган экан?

Тошкент туманининг Чинобод (ҳозирги пайтда Қибрай тумани) қишлоқ советида кулоқ қилиш ва янги кулоқ хўжаликларини аниқлаш тўғрисида 1931 йил 22 августда қайд қилинган протоколидан:

«Кулоқ хўжалиги деб ҳисобланган Абдуллаҳўжаев Саъдуллаҳўжа, катта ер эгаси, кулоқ хўжалиги, деб топилсин. Ер ишлашда ўзгалар кучидан фойдаланган.

**Мансурхўжаев Тиллаҳўжа**, катта ер эгаси, кулоқ хўжалиги деб топилсин. Ер ишларида ўзгалар кучидан фойдаланган».



Бу икки хўжалик давлат ҳисобига мусодара қилиниб, уларга нисбатан 2-категория (тоифа) даги чора қўлланилиб, оиласи, болалари билан Баёвутдаги янгидан ўзлаштирилган, яшаш шароити оғир бўлган ерга сургун қилинган.

Чинобод қишлоғидаги бир неча хўжалик бошлиқлари қулоқ қилинишларини билиб, уй-жойи, бола-чақасини ташлаб, қочиб кетганлар.

1886 йилда туғилган **Пиримкулов Салимбой**нинг оиласи 7 кишидан иборат бўлиб, хўжалиги мусодара қилинган. Ўзи қочиб кетган.

**Бекбердиев Усмон** 1895 йилда туғилган. Хўжалиги мусодара қилинган. Ўзи қочиб кетган.

**Имомбоев Нормат** ва **Ҳожиметов Эрмат**нинг ҳам хўжаликлари мусодара қилинган, ўзлари қочиб кетишган.

Тошкент туманидаги Қизил Ту қишлоқ советига **Бойбулов Сўзимбой** (10 жон), **Сиримбоев Турсункул**, **Қурбонов Душан**, **Бесимбоев Душанбой**лар қулоқ бўлишдан қўрқиб қочиб кетганлар.

Қулоқлаштириш даврида қулоқ деб ҳисобланган ҳар бир хўжалик бўйича рус, лотин ва араб имлосида махсус анкета тўлдирилган. Анкетада қулоқ хўжалигига тегишли маълумотлар: оила аъзолари, мол-мулки, унга тегишли ери, бойлиги кўрсатилган. Сўнгра анкетага «учлик» комиссияси аъзолари қўл қўйиб, туман ижрокўмига тасдиқлаш учун юборганлар. Анкеталарнинг бир қисми саводсизларча тўлдирилиб, маълумотлар нотўғри ёзилган.

1991 йил ёзида Қибрай қишлоғидаги 80–90 ёшли отахонларнинг менга айтишларича, 30-йиллар бошида якка хўжалик бўлиб яшаган ўртаҳол деҳқонларда ўз оиласини боқишлари учун 3–4 гектар ери бўлган. Бедазори, буғдойзори ва бошқа рўзғорбоп экинлари бўлган. Катта деҳқонларнинг эса, 10–15 гектардан ери бўлиб, фарзандлари кўп бўлган. Ер ислоҳоти даврида бу ерларни фарзандларига бўлиб беришган.

30-йилларда Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилишига алоқадор кўплаб даҳшатли воқеалар В.В.Куйбишевнинг номи билан боғланган. Ўша йилларда об-ҳаво ноқулай келиб, пахта мажбурияти бажарилмагани учун деҳқонларнинг уйларига ваҳшийларча бостириб кириб, кўрпа, тўшак, ёстиқларини тортиб олиш, ичидаги пахтани давлатга топширишни ҳам шу босқинчи бошлаб берган экан. Ва, ниҳоят, 30-йиллар бошидаги қирғинбаротларга ҳам шу зўравон раҳнамолик қилган экан.

30-йиллар бошида большевикларнинг қишлоқ жойлардаги сиёсати шундай бўлган.

1930–1932 йилларда Қибрай қишлоғида яшовчи деҳқон оилаларидан Украинага 70 дан ортиқ оила бола-чақаси билан қулоқ-сурғун қилинган бўлса, улардан 1946–1947 йилларда ўз қишлоқларига 10 га яқин эркак (катта ёшдагилар) ва 7-8 аёл қайтиб келган. Булар фақат менга таниш бўлган оилалар. Қолганлари қаерда қолди? Болалари-чи? Агарда қулоқ-сурғун қилинган ҳар бир оилада камида 3 тадан фарзанд бўлганида ҳам фақат Қибрайдан сурғун қилинган гўдак ва болалар сони 200 дан ошади. Хўш, уларнинг қанчаси омон- эсон она юрти бағрига қайтиб келган? Уларнинг тўртдан бири қайтиб келдими?..

Минг афсуслар бўлсинки, қайтиб келганлар ўз она қишлоғидан қайта қувгин қилинди. Улар қаердан паноҳ топишди? Уларнинг кейинги тақдири қандай бўлди? Булар ҳақида биронта инсон ўйладими? Бундай аламли, аянчли, изтиробли, фожиавий саволлар, муаммолар билан Республикамизда ҳеч ким шуғулланмайди. Республикамизда 1930–1932 йилларда Украинанинг фақат Херсон, Одесса вилоятларигагина эмас, барча жанубий вилоятларига ҳам сурғун қилинганлар қанча? Сибирга, Шимолий Кавказга ва собиқ иттифоқнинг совуқ шимолий ўлкаларига қулоқ-сурғун қилинганлар-чи? Ҳозирча бизга маълум бўлгани Украина ва Шимолий Кавказга қулоқ-сурғун қилинган деҳқон оилаларининг сони тахминан 10 минг, агар ҳар бир оилада 3-4 тадан болалар бўлган, деб ҳисоблаганда, 35–40 минг болалар очлик ва муҳтожлик ўлимига маҳқум этилганлар...

Украинага қулоқ-сурғун қилинган онахонлар – 86 ёшли **Мақсуда буви Ёқубова**, 85 ёшли **Тожи буви Аҳмедова**, 84 ёшли **Сора буви Ўрматова** ва 80 ёшли **Қурвон буви Турдибоевалар** билан 1991 йил ёзида бўлган суҳбатда (ҳозир уларнинг ҳаммаси марҳумлар) кўзёшларини оқизиб, Украинадаги ўта оғир, гайриинсоний ҳаётни бошдан кечирганлари тўғрисида гапириб берган эдилар. Уларнинг айтишларича, 1930 йилнинг ёз ойларида Тошкентдан мол ва чўчка ташийдиган қизил вагонларнинг ҳар бирига 5-6 оиладан тиқиштириб, уч ҳафта йўл юриб, Украинанинг Одесса шаҳрига олиб боришади. Йўлда уларнинг вагон ичида тортган азоб-уқубатларини айтмайсизми? Вагонда оёқ узатиб ўтириб бўлмас эди. Йўлда бир марта ачиган қарам, лавлаги ва сасиган балиқ солиб, овқат қилиб беришади. Уни ким ичади, дейсиз. Сув ҳам олдиришмайди. Поезд тўхтаганида эшиклар очилиб, эшик ёнида 2 та қуролланган соқчи туради. Вагон ичида туриб бўлмас эди.

Ҳожат учун бир бурчакка челак қўйилган. Ахлатни поезд юрганида вагон туйнигидан тўкиб ташланади. «Кулоқлар» кетаётган поездда йўлнинг ўзида бир неча гўдаклар ва кексалар вафот этиб, уларни поезд тўхтаганида станциядан олисроқ ерга кўмиб келишарди. Вагон ичида қий-чув, йиғи-сиғи, кўпчилик ҳукуматни, бизни кулоқ қилганларни сўқар, қарғар эди. Одессадан пароходга Скадовски деган шаҳарчага олиб боришади. Шаҳарча район маркази экан. «Кулоқлар»ни райондаги олис хутор ва базаларга олиб кетишга юзлаб от-аравалар олиб келишади. Уларни араваларда хутор ва базаларга тарқатишади. Қибрай қишлоғидан борганлар Нижеголинка хуторига, Тошкент шаҳридан борганлар Ястреб хуторига, қозоқлар эса, Афанас хуторига ва 2-базага жойлашишади.

— Араваларда кетар эканмиз, — дейишади онахонлар, — пахта далалари орасидан ҳам юрдик. Оз бўлса ҳам пахталар очилиб ётибди. Улар пастаккина, кўсақлари ҳам майда. Сувсизликдан бўлса керак. У ерда экинлар фақат ёмғир суви билан етиштирилар экан. Хуторлардаги уйлар пастаккина, гуваладан қурилган уйлар бўлиб, томи похол билан бекилган. Уйлар 2-3 хонали, ичи ва ташқариси сомонсувоқ қилинган, эшик ва деразалари синган ёки олиб кетилган. Уйларни поли ер-тупроқ, шипи ҳам лойсувоқ. Уйлар кўпдан бери ҳеч ким яшамаганлиги учун сичқон ва каламушларга макон бўлган. Уйлар атрофида баланд ўтлар ўсиб, уйлар аранг кўринади. Каттароқ хуторларда битта қудуқ бўлиб у ҳам таъмирланмаган, атрофлари ўпирилиб ётарди. Ҳар бир оиллага бир хонадан уй беришди. Чунки уй-жой ҳам танқис экан. Яхши ҳамки, у ерда похол кўп бўлар экан, полга похол тўшаб, эски наMAT-шолчаларни солиб, жойлашиб олдик. Эраклар 3-4 кунгача эшик-ойналарни, печкаларни таъмирлаш билан овора бўлишди. Бир ҳафтадан сўнг ишга яроқли ҳаммани пахта теришга олиб чиқишди. Пахта сувсизликдан яхши етилмаган. Яхши ўсмаган, пишмаган. Барибир очилган кўсақларни териб топширардик. Далага бориш-келиш НКВД назоратчилари кузатувида эди. Тез-тез огоҳлантириб туришарди. Кимки ишдан бош тортса, қочиб кетса қамалади, дейишарди. Кунлар совиб қолган. Уйлар совуқ, печкалар яхши иситмайди. Печкага фақат похол ёқилади. Похол лов этиб ёниб, ўчиб қолади. Шу боис, уйни иситиш учун кеча-ю кундуз бир одам печка олдида ўтириб, печкадаги оловни ўчирмай, навбатчилик қилади. Акс ҳолда, олов ўчиб қолса, уни қайта ёқиш амримаҳол. Гугуртнинг эса номи ҳам, ўзи ҳам йўқ. Баъзан олов олишга ҳам навбатда турардик. Баъзан печкада олов ўчиб қолса, эски тоғора кўтариб, кимнинг мўрисида тутун чиқса, ўша ердан олов олиб келамиз. У ерда печкага ёқишга қаттиқ ўтинлар бўлмайди. Куз эрта бошланди. Қиш ҳам. Октябр ойи ўрталарида далаларни қалин қор босади. Ҳўзалар қор остида қолади.

Қорларни тушириб, гўзаларни териб, печкаларда қуришиб, чувитиб топширамыз. У ерда қор ёғдими, баҳоргача эримайди. Устига яна қор ёғиб, далаларда, уй атрофида қор қалинлиги бир метрдан ошиб кетади. Қишда совуқ 30–35 даражага етади. Кучли шамол эсиб, бўронлар бошланади. Шамол қорларни эшик орқасига уюб қўяди. Эшиклар очилмай қолади. Қишда иш йўқ. Иш бўлмагач, пул ҳам йўқ. Бирор нарса харид қилишга на дўкон, на бозор бор. Тиббий хизмат тушингизга ҳам кирмайди. Шу боисдан кўчирилганларнинг бир қисми, айниқса, йўл азобидан хасталаниб қолган гўдаклар, болалар, кексалар биринчи қишдаёқ Украинанинг оғир совуқ қишига, очарчиликка бардош беролмай, ҳаётдан кўз юма бошладилар. Хуторлардан ҳар ҳафтада ўлим чиқиб турарди.

Янаям инсон боласи чидар экан, очликка ҳам, совуққа ҳам.

1930 йилнинг қишини катта қийинчиликлар билан ўтказдик. Баҳор серёгин бўлиб, жуда чўзилиб кетар экан. Кунлар бир оз исига, ишга яроқли эркаларни ҳаммасини далага ҳайдашди. Чигит экишга тайёргарлик кўришарди. Украинанинг деҳқонларидан рўзгорбоп экинлар – картошка, қовоқ, маккажўхори етиштириш сирларини ўргандик. Экинлардан дурустгина ҳосил олдик. Бироқ пахтадан яхши ҳосил олинмади. Чунки биринчи йил экилиши эди. Тажриба етмади. 1932 йилда озиқ-овқат масаласи бир оз яхшиланди. Далада яхши меҳнат қилиб, ҳамма экинлардан яхши ҳосил олдик.

Бироқ ўша пайтда давлат раҳбарларининг озиқ-овқат бўйича олиб борган нотўғри сиёсати туфайли 1933 йилда мамлакатда мисли кўрилмаган даражада очарчилик юз бериб, миллионлаб одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Украиналик кекса отахонларнинг айтишича, у ерларда ҳар 13 йилда қурғоқчилик бўлиб турар экан. Охири қурғоқчиликлар 1920 ва 1933 йилларда бўлиб, ғалла ва бошқа экинлар ҳосил бермади. (Кейинчалик 1946 йилда ҳам қурғоқчилик бўлган.) Очарчилик ва қаҳатчилик сургун қилинганларга ўлганнинг устига тепгандек бўлди. Озиқ-овқатсиз толиққан, юпун кийинган, 30–35 даражали совуққа ўрганмаганлар учун очарчилик ўлим билан тенг эди. Хуллас, 1933–34 йилларда яна кўчирилганларнинг бир қисми очликдан, совуқдан, турли хасталиклардан қирилиб кетди. Баъзи бир оилалар бутунлай йўқ бўлиб кетди. Ота-оналари вафот этган болалар учун 1935 йилда Херсон вилоятининг «Новая маячка» қишлоғида махсус етимхона ташкил этилиб, у ерда урушгача 500 га яқин ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркман болалари тарбияланганлар. Украинага кулоқ-сургун қилинган катта ёшдагилар дастлаб сургун азобини, 2 йил фашизм босқини азобини бошларидан кечириб, омон қолганлари 1945–47 йилларда ўз она юртларига қайтиб келдилар.

Уларнинг фарзандлари ҳам ота-оналари каби минг бир азоб-уқубатлар гирдобида яшаб, ўз она юртларига қайтиб келиб, ҳозирги пайтда 70–80 ёшни қоралаб, хасталаниб, ўзларининг сўнги йилларини яшамоқдалар.

\* \* \*

1929 йилда «халқлар отаси» Сталиннинг 50 ёшга тўлиши ва юбилейини ўтказиш баҳонасида «халқ душманлари»га қарши кураш кучайтирилиб, жойларга қўшимча равишда НКВД ходимлари юборилади. 1991 йил ёзида мен Йўлдош ота Абдуқодиров, 80 ёшли Абдулла ота Орипов, 78 ёшли Одилжон ота Салимов билан (улар ўша пайтда Қибрайда юз берган фожианинг гувоҳи бўлишган) суҳбатда бир фожиали воқеани эшитганман.

Фожа бундай юз берган экан:

1929 йил ёзида Ғафур Султонов деган киши Қибрай мактабида хўжалик мудури бўлиб ишлаётганида, тафтиш ўтказилиб, бир оз камомад чиққани учун ишдан бўшатилади. Шунда у бекор юргандан кўра Бурчмулладаги дўсти овчи Сирож ака деганнинг олдига боради. Чунки Ғафур Султонов жуда яхши мерган бўлган. Сирож ака хурсанд бўлиб: «Ғафур, оиланг билан кўчиб кел, бўш хона бор, биргалашиб ов қиламиз», дейди. Ғафур ака оиласини олиб, ўша ерга кўчиб боради. Кўп ўтмай, унга Қибрайда укаси тўсатдан вафот этгани тўғрисида хабар боради. Ғафур ака Қибрайга келиб, укасининг дафн маросимларини ўтказиб, Бурчмуллага қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида, дўстларидан бири: «Ғафур, сенинг «гап» берадиган навбатинг келиб қолибди. Шуни ўтказгин-да, кейин кетавер», дебди. Шунда Ғафур ака: «Кечагина укамнинг маросимларини ўтказган бўлсам, қандай қилиб у ерда «гап» бераман», дейди. Шунда дўстларидан бири: «қўшнинг Фуломникида ўтказ», дейди. (У кишининг лақаби Фулом шайтон экан.) Хуллас, 1929 йил октябрь ойи бошида Қибрайда ҳозирги поезд бекати яқинида Фулом шайтон ҳовлисида «гап» берилади. «Гап»да ўша пайтда Қибрайдаги Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ширкати раиси Ортиқвой Салимов, унинг муовини, менинг энг кичик тоғам Абдулла Рўзимухамедов, акаси Нуъмон, ширкат ҳисобчиси (татар киши), бошқа «гап» иштирокчилари қатнашадилар. Тошкентдан ҳам ширкатга алоқадор бўлган 3–4 киши таклиф қилинади. (Ширкат ўша пайтда Тошкент аҳолисини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб турган.) «Гап»да йигирмага яқин 30–35 ёшли навқирон йигитлар иштирок этишади. «Гап» ҳовлида ўтказилади. Ўша давр тамойилига кўра, йигитлар бир оз мусаллас ва қимиз ичишиб қизишиб олгач, суҳбат жамоа тузумига

бурилганда, ўтирганлардан бири ширкат раиси Ортиқвой Салимовга: «Бу, дейман, болшавойларинг қишлоқда нима қилишмоқчи?» деб сўрайди. Шунда Ортиқвой ака: «Қишлоқда колхоз тузишмоқчи. Яккаҳўжалик бўлиб ишлагандан кўра жамоа бўлиб ишлаш самарали дейишмоқда», дейди. «Бунинг учун хўжаликдаги от, хўкиз, сигирларингни колхозга топшириб, ўзинг ҳам колхозга кириб ишлайсан. Кузда эса, қилган меҳнатингга ҳамма билан тенг ҳақ оласан», дейди яна. Шунда ўтирганлардан бири: «Бу қанақаси бўлди, мен от, хўкиз, сигирларимни топшириб, яна колхозга ишласам, фалончи ялангоёқлар ҳеч нарса топширмай, кузда мен билан бир хилда ҳақ оладими? Колхозга кирмаймиз, яккаҳўжалик бўлиб ишлаймиз», дейди. Бошқа бирови гап қотади: «Бунақада яқинда ҳаммамиз бир қозондан овқатланиб, бир кўрпанинг тагида ётар эканмиз-да?!». Учинчиси: «Хотининг ҳам умумий бўлмаса», дейди. Ҳаммалари кулишади.

«Халқлар отаси» Сталин яккаҳўжалик тўғрисида қилган маърузаларидан бирида шундай деган: «Бугунги яккаҳўжалик эртага қулоқ хўжалигига айланади. Шу боисдан уни шу бугуноқ йўқ қилиш керак». Улар ҳушёрликни йўқотишган эди. Донишмандлар: «Деворнинг ҳам қулоғи бор», дейишган. «Гап» иштирокчилари девор орқасидан ота-бола икки хуфячи «гап» пойлаб ўтирганидан беҳабар эдилар. Ўша куниёқ агентлар НКВДга юмалоқ хат ёзишиб, «гап»да, жамоа тузумига қарши гапирилганлиги тўғрисида хабар қиладилар. Эртаси куни кечга яқин биринчи бўлиб Салимов Ортиқвой амакини, сўнгра тоғаларим Рўзимухамедов Нуъмон ва Абдулларни, сўнгра «гап»нинг бошқа иштирокчиларини қамоққа олишиб, Тошкент турмасига қамашди. Ўша пайтда Тоштурма «Юлдуз» фирмаси ҳовлисида жойлашган бўлади. Уларни НКВД «учлиги» суд қилади. Уларнинг ҳаммасини шўролар тузумига қарши ташвиқот юргизганликда айблаб, олий жазо — отишга ҳукм қилишади. Ленин даврида бундай жиноятга 5 йил қамоқ жазоси белгиланган бўлиб, Сталин уни отиш билан алмаштирган экан.

Ғафур Султонов «гап»нинг эртаси куни отга миниб, Бурчмуллага оиласи олдига жўнайди. Хўжакентга борганида кеч бўлиб қолади. Чойхонага жойлашиб, ўша ерда тунамоқчи бўлади. Шунда танишларидан бири унинг қулоғига: «Ғафур ака, мен ҳозир Тошкентдан келдим. «Гап»да иштирок этган шерикларингизнинг ҳаммаси қамоққа олинган. Сизни қидиришаётган эмиш. Тезда бу ердан кетинг», дейди. Ғафур ака чойхонада тунамай, бир танишиникида кечани ўтказиб, тонг саҳарда йўлга чиқиб, Қорамозор қишлоғи орқали Фарғона водийсига ўтиб кетади. Уни қарийб бир йилдан кейин қўлга олиб отувга ҳукм қилишади.

Салимов Ортиқвой амакининг хотини Башар хола эридан хабар олгани борганида, Ортиқвой амаки унга: «Энди овора бўлиб келиб

юрманглар, бизни ҳаммамизни отишга ҳукм қилишмоқчи», деган. Шундай қилиб, икки сотқин-игвогарнинг айби билан 20 га яқин навқирон кишилар бевақт ҳаётдан кўз юмдилар. Бу фожиа Қибрай қишлоғидаги қатагоннинг бошланиши эди.

Салимов Ортиқвой (1892—1929) 1989 йил 5 майда, ака-ука Нуъмон (1889—1929) ва Абдулла (1895—1929) Рўзимухамедовлар Республика прократураси томонидан 1989 йил 27 апрелда оқландилар. Ота-бола сотқинлар эса 1931 йилда қулоқ қилиниб, Украинага сургун қилинган.

Рўзимухаммад бувам ўзига тегишли ернинг бир қисмини давлатга топширгани тўғрисида юқорида ёзган эдик. Бироқ, шунга қарамай, 1930 йилда ўтмишда катта бой бўлгансан, ўғилларинг «халқ душмани» деб, 70 ёшдан ошган бувамизни қаматишади. Бувамизни бир неча ой турмада сақлаб, ўғилларинг кимлар билан учрашган, уйларингга кимлар келган, деб калтаклаб сўроқ қилишади. Бундай азобларга бардош беролмай, бувамиз қамоқда хасталаниб қоладилар. Тоғаларим бувамизни 700 сўм тўлаб, турмадан чиқариб олишади. Кўп ўтмай, бувамиз вафот этадилар.

1932 йилда Жўра тоғамни (1886—1932) ҳам уйдан қамоққа олиб кетишади. Уларга қўйилган айб: ўтмишда катта бойнинг ўғли, укалари «халқ душмани» бўлганлиги учун. Орадан бир неча ой ўтгач, Жўра тоғамни Каттакўрғондаги қамоқхонага бориб, кўриб келишган. Янаги сафар боришганида тоғамни топишолмаган.

Рўзимухамедов Ўрмон тоғамни (1892—1934) 1934 йил 15 октябрда суд қилишган экан. Ўша пайтда Ўрмон тоғам колхозда ишлаганлар. Тоғам билан бирга ишлаганларнинг 1991 йилда гувоҳлик беришларича, тоғамни даладан олиб кетишган. Ўша пайтда очарчилик даври бўлиб, колхозда картошка ковланаётган пайт экан. Ҳамма қатори тоғам ҳам халтасига 5-6 кг картошка солиб кетаётганида (уйида 4 нафар ёш болалари оч ўтиришган) ушлаб, тўғри қамоққа олиб кетишган. Гувоҳларнинг айтишича, Жўра тоғамни қамоққа олиш аввалдан режалаштирилган. Унинг кетига одам қўйилиб, қамоққа олишга бирор сабаб топилишини кутиб туришган. Айбномада эса, тоғамни давлат мулкани ўғирлагани ва вақтида солиқ тўламаганлиги учун 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди, дейилган. Авваламбор колхоз даласидан қазиб олинаётган картошка давлат мулки эмас, колхоз аъзоларининг мулки бўлган. Солиқни тўламаганлиги эса, бор бисотини колхозга топширгач, солиқ тўлаш учун пулни қаердан олсин...

Хуллас, унга қўйилган асосий айб ҳам, акаси Жўра тоғамга қўйилганидек, отаси ўтмишда катта ер эгаси бўлганлиги, укаларининг қамалиб кетганлигида эди. Ўрмон тоғам Пахтаоролдаги қамоқхонада бўлиб, кейинчалик иссиз йўқолган. Энг катта тоғам — Рўзимухамедов

Холматни (1883–1938), 1937 йил 17 ноябрда қамоққа олишган. Холмат тоғамни касалманд бўлишига қарамай, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этишган. Тоғам Тошкент турмасида 1938 йил 4 майда вафот этганлар. Холмат тоғам билан бирга қамоқда бўлиб, кейинчалик озодликка чиққан кишининг гувоҳлик беришича, Холмат тоғамга қаттиқ тан жазоси беришиб, уриб ўлдиришган.

Менинг муштипар онажоним Шаҳодат – Рўзимухаммад бувамининг охири фарзанди, ёлғиз қизи Украинага, Херсон вилоятига қулоқ-сурғун қилиниб, ота-онасининг вафотини кўролмайд, беш акасидан айрилиб, юрак-бағри қон бўлиб, бегона юрт тупроғида қолиб кетдилар. Шундай қилиб, катта бир оила хонавайрон бўлиб, оила аъзолари қизил империя жаллодлари томонидан бевақт ҳаётдан кўз юмдилар. Уларнинг биронтасига ҳам киндик қони тўкилган она қишлоғини қайта кўриш насиб этмади.

\* \* \*

Бизнинг яна бир қариндошимиз, аммамининг турмуш ўртоғи Ҳамроев Абдушукур поччамиз ҳам қулоқлаштириш даври қурбони бўлиб, 1931 йилда Украинага, биз борган ерга сурғун қилинган экан. Абдушукур ака оила ва фарзандларини қолдириб, сурғунга ўзи кетган. У ерда пахта даласида ишлаган. Тез-тез бизникига келиб турган. Оила ва фарзандлари бўлмагач, фақат уларга етишишни ўйлаган, яхши ишлаган. 1936 йил СССР Халқ Комиссарлари Советининг сурғун қилинганларнинг ҳуқуқларини эркин фуқаролар билан тенглаштириш тўғрисидаги қарори чиққач, Абдушукур ака совхоз комендатига ва Скадовск тумани НКВДсига мурожаат қилиб, 5 йилдан бери яхши меҳнат қилаётгани, ўз юртидаги оиласи ва болалари қийналиб қолганлиги, шунингдек, ҳукуматнинг қарори чиққанлигини айтади. Уни совхоз раҳбарлари ҳам маъқуллашади. Хуллас, 1936 йил охирида Абдушукур Ҳамроевни сурғундан озод қилишади. Абдушукур ака Қибрайга оиласи бағрига келиб, Қибрайдаги Будённый жамоа хўжалигида ишлайди.

1937/38 йиллар. Қамаш, отиш авжига чиққан пайтлар. Абдушукур ака даладан чарчаб келиб, эндигина дастурхон атрофига ўтирганида, кўча эшик тақиллаб, уни чақириб қолишади. «Сизни қишлоқ советига чақирингиз», деди қишлоқ совети «ходими». «Кеч бўлиб қолди, эрталаб борарман», дейди Абдушукур ака. «Ҳозир боринг, сизни кутиб ўтиришибди», дейди хуфя. Абдушукур ака елкасига тўнани ташлаб, оиласига: «Мен тезда қайтаман», деб чиқиб кетаётганида, хуфя «Иккита он олволинг, кеч қолсангиз, керак бўлади», дейди. Абдушукур ака шу кетганича бедарак йўқолади. Уни сурғундан қочганликда айблашиб, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишади.



Урушдан кейин, 1946 йилда, бир киши қамоқдан қутулиб, Қибрайга келади. Аммамизни олдига келиб: «Мен Абдушукур билан қамоқда бирга бўлганман. У бундан 2 йил аввал оғир хасталиқдан вафот этди. (Ўпкасини совуқ урган экан.) Мен уни ўз қўлим билан қабрга қўйдим. Унга аза очишингиз мумкин», дейди. 90-йиллар арафасида қонунсиз қатағон қурбонларини оқлаш тўғрисида фармон чиққач, биз Абдушукур Ҳамроевнинг тақдири тўғрисида Республика Прокуратурасига мурожаат қилдик. Хатимизга жавобан: «Абдушукур Ҳамроев 1938 йилда сургундан қочганликда айбланиб, «учлик» қарори билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилингани, жазони Архангельск вилоятининг Каргополь шахрида ўтказган ва 1946 йили ўша ерда оғир хасталиқдан вафот этган, ҳозирги пайтда тўла оқланган, деб жавоб беришди.

Хуллас, қанчадан-қанча югур-югурлар, асаббузарликлар натижасида ноҳақ қатағон этилиб, ҳаётдан бевақт кўз юмган қариндош-уруғларимизни оқлаб, уларнинг номларини, руҳларини поклаб, ўзимизнинг инсоний бурчимизни қисман бўлса-да, бажаришга эришдик.

\* \* \*

1990/91 йилларда мен Херсон вилояти, Каховка туманидаги Новая маячка қишлоғида жойлашган махсус болалар уйида урушгача тарбияланганларни қидириш билан ҳам шуғулландим. Газетада шу тўғрида чиққан мақолаларимга жавобан урушгача «Новая маячка» болалар уйида тарбияланганлардан ўнга яқинини қидириб топдим. Улар Қибрай қишлоғидан Эргаш (Яков) Миртурсунов (марҳум), Ўғилжон Юнусова (марҳума), синглиси Ҳакима, Исроил Юсупжоновлар бўлиб, улар билан суҳбатлашдим. Тошкент шахридан Далиев Раҳимжон ака (марҳум) уйимизга келиб, болалар уйи ҳаётидан анчагина маълумотларни бердилар. Сирдарё вилоятидаги собиқ Ильич туманидан Халилов Давронбек ака менга хат ёзиб, урушгача «Новая маячка» болалар уйида тарбияланганликлари тўғрисида маълумот бердилар.

***ВИЛОЯТ ХҲЖАЕВА***

## **ОТА-ОНАМ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИМ**

1937-1938 йиллардаги даҳшатли воқеаларни эсласам, баданим жунжикиб кетади. Турли касбдаги кишилар — давлат арбоблари, ёзувчилар, олимлар, фан ва маданият ходимлари, шунингдек, ҳарбийларнинг шахсга сиғиниш давридаги кечмиши фожиали тугади, тарих саҳифасида қонли излар қолди.

Отам у ёқда турсин, ўзимнинг бошимдан ўтган машаққатли, машғум кунлар каттакон бир китоб бўлади, узундан-узун кўп серияли кино бўлади. Халқимизнинг содиқ фарзандлари – давлат ва партия арбоблари Акмал Икромов, Назир Тўрақулов, Абдулла Раҳимбоев, Турор Рисқулов, В.Иванов, Собир Юсупов, Абдуқодир Муҳиддинов, Иномжон Хидиралиев каби ўлмас сиймолар тўғрисида қанча ёзсак ҳам оз. Булар сафидаги Файзулла Хўжаевнинг босиб ўтган ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти эса ёшларимиз учун бамисоли ёруғ юлдуз янглиг ибратомуздир.

Отамни 1937 йили ҳибсга олишгач, мол-мулкимизни мусодара этиб, бизни оиламиз билан Сибирга сургун қилишди. Оиламизда бахтсизлик бошланди. Бахтсизларга эса ғам-ташвиш илашавераркан.

Ўша Сибирда кўрган-кечирган фожиали кунларимизни Худо душманларнинг ҳам бошига солмасин...

\* \* \*

Отамнинг бошига ёғилган ноҳақлик ва адолатсизлик тошлари бизнинг оиламиз: катта онам Райҳон Саидмурод қизи, онам Малика Муҳаммаджон қизи, аммам Робия Убайдулла қизи ва бошқа яқин қариндошларимизнинг бошларини ёрди. XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни Чор Россияси забт этгач, чоризм ва зулмига қарши бош кўтарганларни Сибирга сургун қилиш даҳшати билан кўрқитишарди. Буни қарангки, шўролар даврида ўртаосиёлик ва қозоғистонлик қанчадан-қанча мард ўғлонлар Сибирнинг абалдий музликдан иборат ерларида қолиб кетдилар.

Сибирь... Номи ўчсин бу даҳшатли дўзахнинг! Агар бу дунёда ҳам дўзах бор бўлса, бу, шак-шубҳасиз, Сибирдадир. Шунинг учун ҳам «Сибирь» сўзининг ўзи инсон қалбини ларзага солиб келган. Тўғри, Сибирни Сибирь сурғунида бўлганларгина билади.

Онам Малика Муҳаммаджон қизи меҳрибон, мунис, ёрига вафодор, оддий деҳқон қизи эди. У сиёсатга унча аралашмаса ҳам, кундалик ҳаёт воқеаларидан ақл-идрок билан хулоса чиқара оладиган оқила, одила, доно аёл эдилар. Ҳаётни севар, чеварликни қадрлар эдилар. Онаминг ҳикоя қилишларича, мен дунёга келгач, менга исм қўйишда отам билан тортишиб қолган эканлар. Онам менга Жамила исмини қўймоқчи бўлганлар. Отам: «Йўқ, қизимнинг отини Вилоят қўямиз. У амир зулмидан озод ва бахтиёр яшаётган Бухоро вилоятининг энг бахтиёр фарзанди бўлсин», деб, отимни Вилоят деб атаган эканлар. Минг афсуслар бўлсинки, тақдир мени Бухоронинг «бахтли фарзанди»ни энг бахти қаролар гўшасига улоқтириб юборди. Онам 1953 йилда даҳшатли Сибирдаги аёллар баракида ўз қўлимда жон бердилар. Онаизоримнинг

нозик танаси гўру кафансиз Сибирь қор-бўронлари остида қолиб кетди. Отамнинг қандай қийноқ-азоблар билан ўлдирилганлигини билмайман-у, бироқ муниса ва меҳрибон онам билан бирга чеккан ҳадсиз азоб-укубатларини ҳаргиз унута олмайман, унутишга ҳаққим ҳам йўқ..

«Сибирнинг даҳшатли совуқларида оғиз очолмай, шамдек қотиб ўлгандан кўра, ўз юртингнинг жазирама иссиғида, майли, ташна ҳолда, мажолсиз бўлса ҳам, мусаффо осмону фалакни кўриб жон берганинг минг бор афзал», деган сўзларни менга ўлим олдидан меҳрибон онам айтган эдилар. Меҳрибон онамнинг совуқдан юзларида қотиб қолган ёш томчиларини кўлим билан силар эканман, бошимизга бу машъум кунларни ёғдирган бемехр, одамхўр жаллодларни ич-ичимдан инграб лаънатлар эдим. «Уларни ер ютсин», дер эдим. Онам Сибирь қамоғида, ўлим олдидан титроқ қўлларини чўзиб, очликдан, мажолсизликдан хираланган кўзларини менга тикиб: «Мен ўлсам ҳам, сен ўлмай, она юртим Бухорога бориб, юртим фарзандлари кўлида жон берсанг. мен ўзимни бахтиёр ҳис этган бўлардим, болам», деганлар. Онам Маликанинг ўлим олдидан айтган мана шу гаплари ҳамон қулоғимда тилла исирғайдай осигли. «Вилоят, қизим, омон бўл, пешонамизга шу қисматлар ёзилган экан, кўлимиздан нима ҳам келар эди, ер қаттиқ, осмон йироқ, Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», дейишган машойихлар. Шояд адолат барқ уриб, сенинг юзингга озодлик, шодлик шабадалари урса, мен гўрсиз чириган танамда руҳан шод бўлган бўлардим».

Бошқа гапларни айтишга онамнинг мажолли етмади. У даҳшатта тушган одамдек кўзларини катта-катта очди-да, бирдан жон таслим этди.

\* \* \*

Ўша баракларда турли миллат вакиллари, турли ёшдаги аёллар, қизлар оёқма-оёқ тиқилишиб ётардик. Машхур рус ёзувчиси Галина Серебрякова ҳам бизнинг баракда эди. 20-йилларда «Известия» газетасининг Туркистондаги мухбири бўлиб ишлаган бу доно ва ақлли аёлдан отам ҳақида кўп нарсаларни сўраб билиб олдим. «Отангиз баҳоси йўқ одам эди. Агар таъбир жоиз бўлса, мен Файзуллани Энгельс билан қиёслаган бўлардим», деган эди Галина Серебрякова менга таскин бериб.

Сибирь — бу курорт эмас, у минглаб ҳақ ва ноҳақ жиноятчиларнинг машъум маскани. Ўтмишда кимки Сибирь жаҳаннамига сургун қилинган бўлса, қайтиб ватанига келмаган. У ердан омон қайтганлар эса ўзларини иккинчи маротаба дунёга келгандай ҳис қилганлар. Сургундаги маҳбуслар ётоқхонаси — баракларнинг ифлослигидан, совуқлигидан, бериладиган овқатининг сифатсизлигидан жабрдийдалар турли-туман касалликларга чалинар ва оламдан тез кўз юмишарди. Жабрдийда маҳбуслар

учун энг хавфлиси бу цинга касаллиги эди. Бу касаллик билан оғриган беморнинг тишлари «С» витаминининг етишмаслиги (пиез, саримсоқ пиезнинг истеъмол қилинмаслиги) дан тутдек тўкилиб кетарди. Шахсан мен Сибирь сургунидан ўз тиши билан қайтиб келган одамни учратмаганман. Сибирнинг 40–50 даражали совуғига, қорли бўронига чидаш осон эмас. Сибирь, айниқса, иссиқ иқлимли Ўрта Осиёлик маҳбуслар учун гоьтда хатарли ва хавфли гўша ҳисобланарди. Қиш кунлари Сибирда совуқдан шамдек қотиб ўлиш ҳеч гап эмасди.

У ерда оғиз очиш у ёқда турсин, изғиринли совуқда имо-ишора билан зўрга гапириларди. Сибирнинг кўзочирмас изғирин бўронидан жон сақлаш учун баъзан ўрмонда гулхан ёқиб, қўл-оёғимиз ва танимизни иситар эдик. Лекин ўтда исиниб, яна совуққа рўбарў бўлган кишиларнинг қанчаси ҳалок бўлиб кетган. Бир сўз билан айтганда, Сибирь сургунининг даҳшатли исканжасидан қутулиб, бу ёруғ дунёни эркин одамлардек ҳис этиш топилмас жаннатдир.

Мен ҳақиқат ва адолат тантанасига ишонаман. Мен оптимистларча яшадим. Лекин мен ва меҳрибон марҳума онамга ўхшаган минглаб айбсиз жабрдийдалар қалбида Сибирь Сибирлигича муҳрланиб қолаверади. Қалбимнинг аламли бир парчаси Сибирь ерларида қолган. У ерда менинг дилбандим, меҳрибон онамнинг совуқдан қотиб қолган мурда ҳайкали қолган. Сибирь менинг учун Худо қарғаган, лаънатланган айбсиз жабрдийдалар маскани ҳисобланади.

\* \* \*

30-йилларнинг биринчи ярмида уйимизга турли касб эгалари — ёзувчилар, олимлар, инженерлар, артистлар, газета-журнал муҳбирлари тез-тез ташриф буюришарди. Улар ҳатто бизнинг яшаш тарзимиз, ўқишларимиз билан қизиқардилар, турли саволлар ҳам берардилар. Турмуш шароитимизнинг оддий ва осойишталигини, саришта-саранжомлигимизни кўриб ҳайрон қолар эдилар. Улар, айниқса, отамни турли-туман саволларга кўмиб ташлардилар.

Бир гал газета муҳбирларидан бири: «Кечирасиз, ўртоқ Файзулла Хўжаевич, сизни миллионер бойнинг ўғли, дейишади. Шу гап ростми?» деб берган саволига отамнинг кулимсираб: «Ҳа, рост. Отам бой савдогар бўлган, мен ўша бойликка эга бўлмаган инқолобчи бўлдим. Тарихда бизга ўхшаганлар анчагина бор. Масалан, Луначарский чиновниклар оиласидан. Чичерин, Держинский, Тухачевский, Менжинский, Коллонтайларнинг ҳам дворян, бой табақадан чиққанлигини биламиз. Менимча, ҳар бир киши учун, энг муҳими, бойлик эмас, гоья ва эътиқоднинг борлиги бўлса керак», деганлари эсимда.

Уйимизга турли касб эгалари отамдан маслаҳат сўраб, у билан фикр-лашгани келишади. Ёзувчилардан: Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Сўфизода, Боту, Усмон Носир, Ғайратий, Комил Яшин, артистлардан: Домулла Ҳалим Ибодов, Қори Ёқубов, Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалилов, Ҳалима Носирова, Тамарахонимлар отам билан мулоқотда бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлашганларини эслайман. Бу суҳбатлар ғоят мароқли ва қизиқарли бўларди.

Отам оддий, камтар, ақлли, сезгир, ишчан, айна вақтда юксак маданиятли одам бўлганлар. Бу отамнинг 1907–1912 йилларда Москвада европача таълим олганлигининг натижаси бўлса керак. Айниқса, хотин-қизларга нисбатан маданиятли ва самимий эдилар. Буни отамнинг ўртоқлари, дўстлари ҳам: «Файзулла Хўжаевнинг бекор, бўш ўтирганини камдан-кам кўрганман», деб эътироф этадилар.

Отам давлат ишлари билан банд бўлишларига қарамай, оиладаги рўзгор ишларига ёрдам берар, бизнинг ўқишларимиз, тарбиямизга ҳам вақт ажратар эдилар. Отам доимо журнал, китоб, қоғоз билан уйга кириб келардилар. Кечалари аллавақтгача бирор маъруза ёки газета ё журналга мақола ёзиш билан банд бўлардилар. Эртанги бўладирган иш режасини тузар, партиявий ёки хўжалик йиғилишларида сўзга чиқиш, у ерда нималар ҳақида гапиришни ён дафтарларига қисқагина қилиб ёзиб олар эдилар. Отамнинг иш кабинетидаги чироқ тун яримлагунича ўчмас эди. Баъзан катта онам Райҳон отамнинг ёнларида ўтириб олиб, ўқиш ва ёзишдан қизариб кетган тим қора кўзларига меҳрибонлик билан боқиб: «Болам, ёзишингни бас қил, не вақт бўлди, ётиб дамнингни олгин», дер эдилар. Шунда отам ёзувдан тўхтаб, қўлларига дам бериб: «Онажон, ҳозир мамлакат бўйлаб синфий кураш кетяпти, хотиржам ётиб, дам олишни пайти эмас», дер эканлар. Отам меҳрибон ва мушфиқ оналарига она-Ватаннинг келажак истиқболи ҳақида нималарнидир ҳикоя қилиб, баъзан эса газета-журналлардан қизиқ воқеаларни ўқиб берар эдилар.

Уйимиз, яшаш шароитимиз кўпчилик қатори жуда оддий эди. Стол-стул, икки-учта оддий курси (табуретка), чиройликкина китоб жавонимиздан бошқа ортиқча бойлигимиз йўқ эди.

Эсимда, бир гал ёзув столимизнинг (баъзан овқатланиш столимизнинг ҳам) бир оёғи синиб қолган. Ўшанда отам кўлига болға, миҳ олиб, столни бирпасда тузатиб қўйганлар. «Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз», дея столни қўллари билан маҳкам босиб, кўрар эканлар, менга қараб: «Мана энди оёғи мустаҳкам бўлди, Вилоят! Бир асрга дош бериши мумкин», деб кулиб қўйдилар. Отам оила аъзоларини оддийликка, меҳнатга, камтарликка, самимийликка, бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатар эдилар. Бойлик орттириш, таъмагирлик, худбинлик,

мақтаниш, манманлик отамга мутлақо бегона эди. «Мен отамнинг олтинини олмадим, элнинг олқисини олдим», деган гапларини кўп эслайман.

Отам тўғри, росттўй одам бўлганлари, ишчан бўлганлари учун ҳаётда ҳам шундай одамлар билан бирга юрардилар. Улар, айниқса, классик ва замонавий қўшиқларни, музикани севар, китоб ўқишга алоҳида вақт ажратар эдилар. Ов қилиш, шахмат ўйнашни, очиқ ҳавода сайр қилишни хуш кўрардилар.

Отам, дўстларининг айтишларича, 1920-1921 йилларда давлат ишлари билан банд бўлишларига қарамай, Бухоро шаҳрида ўқитувчилик ҳам қилиб, ўтмишда мутлақо саводсиз меҳнаткаш халқ оммасига илм-маърифат тарқатиш ишининг муҳимлигига диққат-этиборни жалб этган эканлар.

Отам иккиюзламалик, ҳаромхўрлик, порахўрлик, қалбакилик, ёлғончилик, мақтанчоқлик ва шуҳратпарастликни жуда ёмон кўрар эдилар. Бундайларни жамият бошига тушган қурт, дердилар. «Эл-юрт бошида турган одам энг аввало ҳалол-покиза, одил, доно, оддий ва самимий бўлиши керак», деган гапларини отамдан такрор-такрор эшитганман.

1925 йилнинг ёзида отам СССР Марказий Ижроия Комитетининг олти раисидан бири сифатида «Бутуниттифоқ оқсоқоли» М.И.Калининнинг топшириғи билан Абхазия АССРнинг чегара можароларини ҳал қилишда қатнашганлар. Ўшанда отам автомобиль авариясига учраганлар. Жароҳатланган отамни Боку шаҳрига олиб келишганда врачлар отамнинг суяклари синган, майдаланган, деб оёғларини бутунлай кесиб ташламоқчи бўлишган. Отам бунга розилик бермаганлар. Отамнинг илтимоси ва докторларнинг розилиги билан уларни бухоролик табиблар даволашган экан. Онамнинг ҳикоя қилишларича, катта онам Райҳон Саидмурод қизи билан бухоролик икки табиб Бокуга тезлик билан етиб боришган. Бухоролик табиблар отамнинг майдаланган оёқ суякларини жой-жойига қўйиб тахтакачлашган ва бир ой ичида отамни оёққа тургазишган. Катта онамнинг ҳикоя қилишларича, отам уйига ўз оёқлари билан соғ-омон кириб келган эканлар. Бухоролик табибларнинг моҳирлиги, билимдонлигига қойил қолган бокулик жарроҳлар улардан беморларни тахтакачлаш усулида даволаш йўлларини ўргатишни илтимос қилишган экан. Шунда бухоролик табиблар жарроҳларга бир дона шиша ва битта бўз халта келтиришни сўраптилар. Моҳир табиблар уларнинг кўз ўнгида бўз халта ичига солинган бўш шишани тош билан уриб майдалаптилар. Табиблар кўзи боғлиқ ҳолда бўз халта ичида майдаланган шиша синигини елим ёрдамида жой-жойига қўйишипти ва синган

шишани оз вақт ичида асл ҳолига келтиришипти. Хуллас, боқулик қардошлар бухоролик табибларнинг ҳунарига қойил қолишган экан.

Отам кўп ишлаб, қам гапиришни, ов қилишни хуш кўрар, шахмат ўйнашни ҳам ёқтирар эдилар. Иномжон Хидиралиев ва шоир Фитрат билан тун ярмигача шахмат сурар эканлар. Дадамлар бир гал Фитратдан шахмат тарихи ҳақида бирор нарса ёзишни илтимос қилган эканлар. Орадан бирор ой ўтар-ўтмас, Фитрат отамнинг илтимосларини бажо келтирғаң. Шоир ва олим Фитрат «Шарқда шахмат» номли ажойиб мақоласини эълон қилганлигидан шахмат мухлислари хурсанд бўлган экан.

Отам оилавий суҳбатлар пайтида Фитратнинг билими кенг, зукко олим эканлигини алоҳида таъкидлар эдилар. Уни ўзларига устоз, деб билганлар. Фитратни кўп тўполонлардан, ноҳақ ҳужумлардан сақлаб қолганлар. «Фитратга ўхшаш билимдон олимлар халққа, Ватанга доимо керак», деган эдилар.

\* \* \*

1922 йилнинг ёзида амир Олимхоннинг куёви Абдурасулхон бошлиқ душманлар Бухоро кинотеатрига ўт қўядилар. Кинотеатр ичидаги 100 дан ортиқ ёшлар ҳалок бўлади. Фақат отам кинотеатр мўрконидан чиқиб кетиб, тирик қолганлар. Душманлари тезда қўлга олиниб, қаттиқ жазоланган. Отамнинг йилдан-йилга обрў топиб, шуҳрат қозонаётганини кўра олмайдиган айрим шахслар катта-кичик анжуманларда, меҳнат-кашлар билан учрашувларда унга турли-туман илмоқли саволлар берар эканлар. Чунончи, отам: «Айтингчи, Файзулла Хўжаевич, сиз йирик савдогар бойнинг ўғлимисиз? – деган доимий саволга ҳеч ўйлаб ўтирмай: «Отам миллионер бўлган, мен эса инқилобчиман», деб жавоб берганлар.

Маълумки, 1937 йилнинг ёзида Ўзбекистон КП(б) VII съезди бўлиб ўтган. Отам шу съездан ёмон кайфиятда қайтган эдилар. Билишимизча, бу съездда Фарғона делегациясининг вакиллари отамга ижтимоий келиб чиқиши бой табақадан, деб таъна тошини отишган. Отам Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси вазифасида ишлаб турганига қарамай, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети аъзоллигига сайланмай қолганлар. Ўша кунларда отамнинг кайфиятлари жуда ёмон эди. Нималар бўлаётганини тушунмай, ҳайрон юрардилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, отам Москвага бориб, бўлиб ўтган воқени тушунтириш ниятида Сталин ҳузурига кирмоқчи бўлганлар. Айтишларича, Сталин отамни қабул қилмаган. Бир ҳафтадан кейин отамни НКВД ходимлари меҳмонхонада ҳибсга олганлар.

Шу мудҳиш воқеадан кейин мен отамни қайтиб кўрмадим. Даҳшатли ялпи қирғиннинг ўткир тигига илк бор менинг отам рўбарў келганлар.

Отам Москвадаги «Национал» меҳмонхонасида ҳибсга олинганларидан кейин сал ўтмай, уйимизни тинтув қилиб, онамни ва мени ҳам «халқ душмани»нинг оила аъзолари, деб сўроқ қила бошладилар. Оиламизга ғам, алам, фожиа соя ташлади. Онам бизга билдирмай тунни юм-юм йиғи билан ўтказардилар. Изтироб, ғам-аламдан онамнинг кўзлари ич-ичига чўкиб кетган эди. Онаизорим кўчага ҳам чиқмай, доимо унсиз фарёд чекардилар.

Буни қарангки, республиканинг икки йирик арбоби «халқ душмани» бўлиб чиқди. Марказий ва республика матбуоти саҳифаларида Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовларни «миллатчи», «халқ душмани» сифатида айбловчи мақолалар бирин-кетин эълон қилина бошланди. Мақолалар уйдирма, туҳмат, бўҳтондан иборат эди.

Мен ёш бўлишимга қарамай, бир ўқимишли қариндошимиз билан бирга Москвага бориб, СССРнинг Бош прокурори Вишинский ҳузурига отамнинг ноҳақ қамалганлиги тўғрисидаги ариза билан кирдим. Ҳақиқат ўз ўрнини топар, деган умидда эдим-да. Орзуларим сароб бўлиб чиқди. Менинг кўзимга ниҳоятда баджаҳл, жаллод нусха бўлиб кўринган Бош прокурор аризамга кўз югуртириб чиқди-да, кўзойнагини олиб, ўнг кўлини бигиз қилган ҳолда: «Врагам народа нет и не будет пощады!» «Биласизми, отангиз ким? У халқ душмани! Халқ душманига шафқат йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Шикоятга ўрин йўқ! Қарор қатъий! Марҳамат қилиб чиқиб кетинг», деди. Рангим қув ўчиб, устимдан совуқ сув куйилгандек бўлди. Додлаб юборишимга сал қолди. Ўзимни зўрга тутиб олдим.

Мен прокурорнинг вазоҳатидан шундай кўрққан эдимки, у мени ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ Сибирга ҳайдайди, деб ўйлагандим. Ҳайрият, ундай бўлмади. Мен аждарҳо оғзидан омон чиққаним учун ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Бироқ болаларга хос бу хурсандлигим узоққа бормади. Орадан маълум вақт ўтгач, онамни ва мени наридан-бери сўроқ қилишиб, узоқ Магаданга сургун қилишди. У ердаги даҳшатли ҳаётни (айниқса, аёл зотига) мен айтмаганим, сизлар ўқимаганингиз маъқул...

\* \* \*

1953 йилнинг март ойлари эди. Ўрта Осиёда баҳор фасли, Бухорода Гули сурх айёми бошланган бўлса ҳам, лекин бу ерларда 35–40 градус қаҳратон совуқ. Сибирнинг одамютар, кўз очирмас шамолу совуғи бадан-баданларимизни тешиб юборади. Тишимиз совуқдан қалтирар, юз-кўзимиз кўкариб кетган эди. Магадан лагерларидаги маҳбуслар орасида аввалига «Сталин бетоб экан», деган гаплар, кейинча «доҳий ўлипти»,



деган совуқ хабар тарқалди. Ўшанда онам бечора бетоб эдилар. Томоғидан сув ўтмасди. Сталиннинг ўлганлиги хабарини эшитиб, онам: «Энди зора бошқа киши подшо бўлиб, бизни бу жаҳаннамдан озод қилса, Вилоят», деб умид кўзларини менга тикдилар. Менинг эса ҳеч нарсага ақлим етмасди. Қани энди афсонавий Семурғ қуши бўлсам-у, онамни қанотларим остига миндириб, она юртим — гўзал Бухорога учуриб оборсам, деган хаёл ўқтин-ўқтин пайдо бўларди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, азиз ва меҳрибон онажоним киндик қони томган Бухорога интиқлик билан жон таслим этдилар. Бироқ онаизорим жасадини она заминга қўйиш менга насиб этмади.

Мен шундай ўйлардим: айтайлик, отам хато қилган бўлса, «халқ душмани» бўлган бўлса (унинг «халқ душмани» бўлишига сира-сира ишонмасдим), онам билан менда нима айб? Бизни нега сарсон қилдилар, қийнадилар?..

Биз Магадандан тегишли идораларга айбсизлигимиз ҳақида шикоятлар ёздик. Бироқ арзномаларнинг оқибати сароб бўлиб чиқди. Арз-додга қулоқ солувчи кимса топилмади. Сталин вафотидан кейингина шахсга сиғиниш даврининг бегуноҳ қурбонлари тақдири ақлли одамларни ўйлантириб қўйди. Давлат арбоблари Сталин даврида бўлиб ўтган ҳар бир тарихий воқеага танқидий кўз билан қарайдиган бўлдилар. Шунинг натижасида сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун афв эълон қилди. Минг-минглаб жабрдийда маҳбуслар озод қилинди. Улар эркин нафас оладиган бўлдилар. Кўп қатори, биз ҳам 1954 йилда тутқунлик ва дарбадарлик асоратидан қутулдик. Бироқ бир неча йиллар мобайнида яна Қозоғистон даштларида яшириниб юришга тўғри келди. Бизлар эркинликда яшаётган одамлар кўзидан йироқ бўлишга ҳаракат қилар эдик.

**ГУЛЬНАХОР ИСАХОДЖАЕВА**

## **ИСКОВЕРКОННОЕ ДЕТСТВО**

О моем исковерконном детстве писать очень тяжело. В 7 лет я осталась сиротой, так как мои родители были репрессированы. Меня воспитал дедушка — отец мамы Рахимов Каюм Сабирович, человек редкого благородства и доброты. Я не сразу поняла, что стало с моими родителями, но постепенно дедушка и тети — сестры матери — все мне рассказали.

Свое раннее детство помню смутно, жили мы в Сталинабаде (ныне Душанбе). Папа постоянно был в разъездах, как-то он привез мне джейрана, с которым я играла. Помню, у нас были члены Памирской экспедиции, я запомнила две фамилии — Ферман и Иоффе.

В 1934 г. переехали в Москву, жили по ул. Горького. У нас останавливалась Мамлакат Наханова, круглолицая, невысокая девушка в платке.

В январе 1937 г. папу вызвали в Сталинабад, откуда он не вернулся. Его брат, живший в этом городе, встречавший его на вокзале — его не нашел. У нас начались обыски; по ночам приходили люди в форме, допрашивали маму, все обыскивали, что-то забирали, в том числе ордена папы и его именное оружие. Вскоре нас выселили и мы переехали в Самарканд, к родственникам мамы, жили мы во дворе СамГУ, в бульваре Всеобуча. Мама устроилась на работу и начала писать письма в Москву и Сталинабад. Я помню, она писала Калинин, с которым папа был знаком. Тот часто приезжал в Узбекистан.

В мае мы поехали с мамой в Сталинабад. Она мне сказала что мы увидим папу. Но мама ушла одна, меня задержали в вестибюле, сказали, что будет сцена, лучше надо ждать здесь. Я до вечера ждала маму, но она не вернулась. Дядя отвез меня в Самарканд.

Дедушка писал в разные инстанции, хлопотал об освобождении дочери и зятя, но безрезультатно. Кто-то посоветовал ему не писать больше, а меня спрятать подальше, потому что детей репрессированных забирали в детдом, а по достижении 16 лет репрессировали также. Так я стала дочерью «врагов народа». После этого мы действительно переезжали с места на место — Кара-дарья, какой-то разъезд, Хатырчи, Самарканд.

Я никому не рассказывала правду о своих родителях, но и не верила, что они враги. До 1956 г. я скрывала это. Окончила школы в Хатырчах, поступила в СамМИ в 1949 г. 6 лет отработала в Ангарском районе Сурхандарьинской области, потом в Самарканде. В комсомол я не вступила, училась на отлично. Награждена медалью «За трудовую доблесть» в 1960 г. Являюсь отличником здравоохранения. У меня хорошая семья, замечательный муж, трое детей, четверо внуков, из которых старшему уже 23 года.

Так прошла жизнь, войну мы голодали, 400 гр хлеба в день, ходили в школу в галошах и молчали о своих родителях. Я пишу «мы», потому что вместе со мною дедушка воспитал еще двух своих внуков — Учкуну и Тулкуна Ашрафи, детей еще одной своей репрессированной дочери — Гульсум апа.

Я не знала все эти годы ласку матери и надежную поддержку отца, хотя дедушка старался, как мог, был добрым к нам, продал все, чтобы мы не умерли от голода, дал нам всем высшее образование. Он же записал меня в свой паспорт и я из Исаходжаевой стала Рахимовой.

Да, когда мы жили в Самарканде, в 1937 г. к нам тоже приходили с обыском, взяли какие-то книги, фотографии. Своих родителей я помню хорошо, когда их арестовали, мне было почти 7 лет. Мама Рахимова-Ходжаева Рукия в 1926 году приехала в СССР из Германии, ей было тогда 18 лет. В Бухаре познакомилась с моим отцом и они поженились. До меня у них родился мальчик, который вскоре умер, затем я. Из Бухары они переехали в Самарканд, где жили по ул. Советской, 11, затем в Сталинабад, куда назначили на работу отца.

Мама была очень скромной, образованной женщиной. Конечно, она очень любила меня, ведь я была ее единственным ребенком. В Германию из Турции на учебу она уехала 10-летней девочкой и никак не могла стать немецким шпионом и участвовать в заговорах. Все ее показания на следствии скорее всего были подделаны или выбиты следователями-палачами. Известно, каким пыткам подвергались заключенные, не все выдерживали их и сознавались в любых преступлениях, которые не совершали, подписывали любые протоколы.

В деле моей мамы обнаружено предсмертное письмо отца — я не верю в это, ее не написал мой отец. Он никогда не называл ее Раей, в нашей семье, и он в том числе, ее звали Рукия ханум. И эта странная приписка, что «лежит больной, температура 39,5». Скорее всего папу убили на допросе, он был смелым, гордым человеком, не вытерпел издевательств и обвинений, обвинял их сам, возмущался, вот его и убили на допросе, тем более он ничего не подписал. Поэтому и исчезло его «дело». Об отце мне рассказывали мои тети и дедушка, а потом его товарищи по работе. В Бухаре я родственников не нашла, кроме ее престарелой слепой тети, но она только плакала и благодарила Аллаха, что встретила перед смертью со мною.

У отца, как это помню я, была сестра, младшая, Фатима, она в 1937 году отрекалась от брата, братишка Шариф — он тоже был репрессирован — и еще один брат, который жил в Бухаре. Все они сводные, у них один отец, но разные матери.

Папа был зам. назира внутренних дел Бухарской Народной Республики, в Таджикистане — упрнаркомтяжпром. С 1934 г. полномочный представитель Таджикистана в Москве. В январе 1937 г. арестован и 26/1 37 погиб.

После 1962 г. я начала писать в Москву, а затем в Душанбе, чтобы узнать о судьбе своих родителей. В 1964 г. была реабилитирована моя мать, а в 1967 г. — отец. Одновременно я встречалась с людьми, которые знали моего отца, работали с ним, они тоже отсидели в лагерях много лет, но остались живы. Это Урунходжаев Максуд ака — первый председатель Самаркандского облисполкома, Раджабов Умар ака -

наркомфин Таджикистана, он тоже из Бухары, знал папу, рассказывал, что отец был из богатой семьи, был хорошо образован, хорошо говорил по-русски. Каримов Салим ака — журналист, когда я говорила, что отец пострадал безвинно, он сказал, что он участвовал или состоял в каком-то заговоре за возрождение независимого Туркестана. Так тогда говорили в их кругах. Но их кто-то предал. Его биографии, что описана мне, тоже не совсем веришь. Я помню, что папа рассказывал, что его отца посадили в бухарский зиндан за то, что мой папа состоял в младобухарской партии, там он и умер. В те годы было позорно принадлежать к благородным семьям, самое главное было пролетарское или дехканское происхождение. Даже имя у отца было другое. Что его зовут Мусоходжа Джунайдуллоходжаев, я узнала из справки о его реабилитации. Никто из моих родственников даже не догадывался об этом. Ведь я до сих пор Гульнахор Исаевна. И я думаю, что отец мечтал о независимой Туркестанской республике, парламентской, а не амирской, за что и боролся в 20-е годы

Моя жизнь прошла в постоянном сознании, что мои родители пострадали безвинно, их убили молодыми, маме не было и 30 лет, а отцу всего — 35. Меня лишили счастливого детства, даже просто детства. В моей памяти они всегда будут молодыми и невинными, ведь за мечту нельзя убивать.

Вот все, что я смогла написать, больше не могу.

---

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ..... 3

ЧОР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИГА ДОИР  
ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАР ..... 6

Миллий тарққий парварларнинг чор оҳрангаси томонидан таъқиб этилиши ..... 6  
*Мирзо Қўқонбой Абдуҳолиқзода. Жиззах қўзғолони* ..... 36

СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИГА ДОИР  
ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАР ..... 77

Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг Халқ маориф назоратига ..... 77  
*Боту. О работе контрреволюционной организации по линии художественной литературы* ..... 83  
Протокол допроса обвиняемого ФИТРАТА Рауф Рахимовича от 25 октября 1937 года ..... 108  
Сотти Ҳусайнга оид тўрт ҳужжат ..... 149

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

*Валерий Германов. Профессор Зинаида Кастельская: сломанная судьба историка* 176  
ХОТИРАЛАР  
*Собир Мўминов. Қибрай фожиалари* ..... 185  
*Вилоят Ҳўжаева. Ота-онам ҳақидаги хотираларим* ..... 211  
*Гульнаҳор Исаходжаева. Исковерконное детство* ..... 219

## ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ

### Ҳужжат ва материаллар

*Биринчи китоб*

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*  
Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфайёзов*  
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*  
Мусаҳҳиҳ *Дано Тўйчиева*  
Компьютерда саҳифаловчи *Абдуҳалим Камолитдинов*

ИБ № 4836

Босишга 13.10.09 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 13,95 шартли босма тобоқ,  
15,37 нашр тобоғи. Адади 500 нусха. 334 рақамли буюртма.  
59-2009 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100128. Тошкент. Шайхонтахур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)  
Email: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)**